



**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН:  
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ,  
ИҚТИСОД,  
СИЁСАТ  
МАФКУРА**

**1**

ISBN 5-640-02098-9

Тошкент  
«Ўзбекистон»  
1996

## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон халқи озодликка эришганидан бери бир йил ҳам ўтгани йўқ. Бу - жуда қисқа давр. Биз озодликка қон тўкмасдан эришдик. Аммо бу - ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас.

Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни эплаш ҳам зарур.

Мен илгари, шу йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти йўлларини аниқлаб оламиз, деб гапирган эдим.

Буни қандай тушунишимиз керак?

СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифок қўлида эди. Собиқ Иттифок бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмолчи моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40 - 50 миллион тонна Ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифок парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна Ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очик айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик.

Ўзимиздан чиқаётган маҳсулотни ўз нархида сотиб, ҳақимизни

ундириб олиш ҳам мураккаб бўлиб қолди. Бошқа минтақалар ва чет давлатлар билан боғланган жуда кўп катта корхоналаримиз тўхтаб қолиши хавфи туғилди.

Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш масаласи ўта қийин муаммога айланди. Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди.

Ҳолат мушкул шароитда ана шундай муаммоларни ҳал қилиш зарур эди.

Ҳаммангизга маълум: Ўзбекистонда ҳукм ўтказадиган бошқарув таркиби ҳам пойтахтимиз Тошкентда, ҳам жойларда, тармоқлар ва умуман ишлаб чиқариш ва тақсимот соҳаларида, давлатни ва халқимизни ҳимоя қиладиган жабҳаларда, хуллас, ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунадиган ва Марказ чизигидан чиқмайдиган тарзда иш олиб борарди. Мана шу соҳаларни тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида қайтадан тузишга тўғри келди.

Бугун биз ишнинг маромини тушуниб, кам бўлсада, тажриба орттирдик, режаларни аниқлаштириб олдик. Узлуксиз таъминот масаласи ҳал этилди. Энди 1992 йилнинг иккинчи ярми, 1993 ва кейинги йиллар таъминоти тартибга келди ва биз бу ҳақда сиз, азиз депутатларга ва халқимизга бемалол ахборот беришимиз мумкин.

Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.

Ташқи сиёсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқишиши мумкин, қаерда ютиши мумкин - ана шундай жиддий масалаларни ечишга тўғри келди.

Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазийқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаминни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу - катта гуноҳ бўлади.

Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади. Шу билан бир қаторда, мудофаа, ҳарбий хизмат масалаларини ҳам ҳал этиш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун Ўзбекистон - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Давлат мустақиллигимизни дунёнинг 120 мамлакати расман тан олди. Уларнинг 45 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда АҚШнинг, Олмония, Хитой, Туркия, Ўиндистон, Покистон, Франция ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Хельсинки шартномасига имзо чекди ва Европага йўл очди.

Ўзбекистон Европа тиклаш ва тараққиёт банкига аъзо бўлди. Халқаро валюта фондига, Жаҳон банкига, Халқаро тиклаш ва тараққиёт банкига аъзолик масаласи ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Ўзбекистон Туркия, Эрон, Покистон томонидан ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди. Туркия, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида битимлар тузилди. Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кундан-кунга ортиб бораётганининг ҳаммамиз гувоҳи бўляпмиз.

Бунинг сабаблари нимада?

Биринчидан, биз дастлабки кунларданок мустақил равишда ташқи сиёсат юрита бошладик. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларини олға сурдик. Ўзбекистон иқтисодий ва маънавий

салоҳиятли буюк давлат эканини англатиб турдик ва бу ҳақиқатни амалда намоён эта бошладик.

Иккинчидан, биз ташқи сиёсатни ички сиёсат билан узвий боғлашнинг урдасидан чиқдик. Мамлакат ичкарасида осойишталикни сақлашга эришдик.

Бир мисол. Яқинда Испания давлатининг вакили учрашувда бир гапни айтди: "Бизни Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этадиган сабаблар учта. Биринчи сабаб - Ўзбекистоннинг ички тартиби ва осойишталиги. Иккинчи сабаб - сиёсатнинг барқарорлиги ва собитлиги. Учинчи сабаб - камтарликдан бўлмаса ҳам айтишим керак - Ўзбекистоннинг жиддий ва уқувли раҳбарияти".

Бу хил эътирофни бошқа давлатлардан келган сиёсатчи ва ишбилармонлардан ҳам кўп эшитдик.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Мен Президент сифатида бир нарсадан ғоят мамнунман. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўз кадр-қимматини асрай билди. Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ.

Биз ўзимизни тенг тутдик ва биз билан тенг туриб гаплашишни талаб қилдик. Ўзимиз учрашган барча сиёсатчиларга ва ишбилармонларга очик-ойдин қилиб айтдик: "Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, Ўзбекистоннинг бойликлари беҳисоб, Ўзбекистоннинг одамлари меҳнатсевар, Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар асло доғда қолмайдилар!"

Биз чет эллик сиёсатчи ва иқтисодчиларни шу айтилган ҳақиқатга ишонтирдик. Бу ишонч ўз навбатида Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этишга, зарур истеъмол молларини ва озиқ-овқатни етказиб бериш ҳақида битимлар тузишга имкон яратди.

Шундай қилиб, дунё аҳли Ўзбекистонни таний бошлади. Ўзбекистоннинг буюк иқтисодий ва маънавий имкониятларидан хабардор бўлди.

Ўзбекистонга катта эътибор берилаётганининг яна бир сабаби бор. Бу - Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида марказий ўрин тутиши.

Минтақанинг бўлажак тақдири кўп жихатдан Ўзбекистонга

боғлиқ. Ўзбекистон халқи қайси йўлни танласа, қўшнилар ҳам шу йўлдан кетиши эҳтимоли бор.

Шу нарса ўз навбатида бизнинг ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди.

Икки оғиз сўз Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тутган ўрни ҳақида. Гарчи бу Ҳамдўстлик тарқаб кетади, деб фол очиб юрганлар бўлса-да, Тошкент учрашуви шу хил "башорат"ларни чиппакка чиқарди.

Тошкент ўзининг сулҳпарвар шаҳар деган тарихий номига содик қолди. МДҲ раҳбарларининг бу ердаги учрашуви ва учрашув якунлари Ҳамдўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди, бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширди.

Ҳамдўстлик давлатларидан бирининг раҳбари: "Тошкент учрашуви бўлиб ўтган барча учрашувлардан кўра самаралироқ бўлди", дегани бежиз эмас.

Тошкент учрашувидаги энг катта ютуқ - Ўзаро хавфсизлик шартномаси бўлди. Айрим сиёсатдонлар бу шартномага қаттиқ ҳужум қилишни давом эттираётган бир пайтда мен ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Бу битимнинг асосий аҳамияти шуки, у, аввало, минтақада давлатлараро мавжуд бўлган чегараларни дахлсиз сақлаш имконини беради. Кимки шунга қарши интилса ёки ҳаракат қилса, унинг танобини тортишга ҳам шароит туғдиради, тинчлик-осойишталикни сақлашга қафолат беради.

Бугунги кунда минтақамиз жанубида аҳвол анча мураккаб бўлиб турганини ҳаммамиз яхши биламиз ва англаймиз. Биз бу воқеалар ривожига бефарқ қараб, қўл қовуштириб ўтиролмаймиз.

Энди бевосита ташқи сиёсатга таъсир этадиган айрим ички ўзгаришларни эслатиб ўтмоқчиман.

Биз ўз Армиямизни тузамиз. Бу йилдан бошлаб ҳарбий хизматга қақирилган йигитлар мамлакат ичкарисидаги қўшинларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу Армия Ўзбекистон халқини, Ўзбекистон мустақиллигини муҳофаза этиш қудратига эга бўлади. Халқимизнинг энг сара ўғлонларидан иборат миллий гвардия тузилади.

Ҳаммамиз ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва тузум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда

ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди.

Миллий хавфсизлик ҳақида. Биз бу махсус ташкилотни қайтадан туздик. Сон жиҳатидан жуда оз, лекин мустаҳкам миллий хавфсизлик бошқармаси яратилди. Унинг асосий вазифаси - давлат тузумини ҳимоя қилиш, разведка ва контрразведка.

Бир нарсани яхши англаб олайлик, азиз ватандошлар. Мустақил Ўзбекистон ўз истиклолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли қўпуровчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка - ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур. Хавфсизлик хизматининг яна бир вазифаси - турли мафия гуруҳларига қарши кураш. Кейинги пайтларда Миллий хавфсизлик хизмати эски КГБдан бошқа нарса эмас, деган бўҳтон гаплар тарқалиб қолди. Бунга ҳеч ажабланмаслик керак. Бу гапларни ўзидан хавфсираётган мафия гуруҳлари ва унинг "доҳий"лари ўйлаб топган. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деган нақлни эслаш кифоя.

Янги махсус ташкилотнинг вазифасини яна бир марта таъкидлаб айтаман: Миллий хавфсизлик. Давлат бу ташкилот ёрдами билан ўзини ҳимоя этади.

Хавфсизлик бошқармаси зиммасига иқтисодий вазифалар ҳам юклатилади. Нотайин чет эл компаниялари билан тил бириктириш, улардан пора олиш ва халқнинг пешона тери билан топилган бойликларни чет элга арзон-гаровга сотиш деган гаплар энди кетмайди.

Бундай тартиб бутун дунёда бор. Бутун тарих давомида ҳам шундай бўлиб келган. Мана, охириги пайтларда дунёнинг кўпгина мамлакатларини кўриб келдик. Халқдан яширадиган сиримиз йўқ - ҳар бир сафар натижасини намойиш эта туриб, ўзимиз борган давлатларнинг ички тартиби, улардаги интизом ва ҳуқуқ-тартиботни ҳам очиқ кўрсатаёلمиз.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда бўлиб ўтган чет эл учрашувлари, суҳбатлар ва зиёфатлар хусусида қисқача сўзлаб берсам. Уч мамлакатни - Корея, Малайзия ва Индонезияни - 27 минг километрлик йўлни босиб ўтдик. Жамлаб ҳисобласа, роса 26 соат

ҳавода учибмиз. Борган уч давлатимизда ҳам бекиёс ҳурматга лойиқ кўрдилар. Бу ҳурмат - Президент Каримовга эмас, балки Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурмат, қадимий маданиятимизга, бугунги озодлигимизга ҳурмат.

Очиғини айтсам, ана шундай учрашувлар чоғида киши қалби ҳаяжондан титраб туради. Бировнинг сусти босмайди, йўқ, аксинча, толеимизни, истиклолимизни ўйлаб, беихтиёр кўзларингизга ёш келиб, "Эҳ, ёруғ дунёда шундай кунлар ҳам бор экан-ку. Мана шундай замонлар ҳам келар экан-ку!", деб ҳаяжонга тушасиз. Ватанимиз Ўзбекистонни Индонезияга ўхшаган салкам икки юз миллион одами бор давлатлар ҳам тан оларкан-ку, деб ғурурланасиз. Биласиз, Индонезия - йирик мусулмон мамлакати, аҳолисининг 170 миллиони муслимлар. Индонезия раҳбари жаноб Сухарто - Шарқда машҳур сиёсатчи, 18 йилдан бери олий мансабда муқим турибди. Шунга ўхшаш йирик давлат арбобларининг Ўзбекистонга нисбатан эҳтиромини кўрсангиз, ўйлайманки, сизлар ҳам ҳаяжонга тушган бўлар эдингиз.

Азиз биродарлар, бир эслаб кўрайлик: бундан икки йил олдин, йўқ, бор-йўғи бир йил олдин ким бугунги кунни тасаввур этарди? Ким ҳам бир йил бурун Ўзбекистон байроғини бутун дунё тан олишини ўйлар эди!

Бу не буюк бахтки, бугунги кунда дунё харитасида Ўзбекистон давлати пайдо бўлди!

Муҳтарам халқ вакиллари!

Мен куни кеча Туркиядан қайтиб келдим. Истанбул шаҳрида Жаҳон иқтисодий анжуманининг навбатдаги учрашуви бўлиб, унда Ўзбекистон, Туркменистон ва Қирғизистон раҳбарлари қатнашди. Анжуман ишида дунёнинг кўпчилик мамлакатларидан давлат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, ишбилармонлар иштирок этдилар. Учрашувда, кейин бўлиб ўтган брифинглар ва мухбирлар билан суҳбатларда ҳамма Ўзбекистон вакиллари ўраб олиб, "Биз Ўзбекистонга қандай боришимиз мумкин? Қандай қилиб сизлардаги ишбилармонлар билан, иқтисодчилар билан учрашишимиз мумкин?", деган саволларни беришди.

Ўзбекистонга қизиқиш катта эканидан дарак берувчи яна бир



мисол. Хабарингиз бор, Ўзбекистонда автомобиль чиқарадиган заводимиз йўқ. Шуни ўйлаб, Жанубий Кореянинг энг кучли, миллиард-миллиард сармояга эга ДЭУ деган компанияси билан келишдик. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида бўш ётган биноларимиз бор, корейлик автомобилсозларни шунга таклиф қилдик. Дастлабки вакиллари келиб кетди. Энди, 4 июль куни компания раҳбари жаноб Кимнинг ўзи ҳам келади. Мен у кишини Асакага ўзим олиб бориб кўрсатаман.

Асакада завод қурилса, у ерда енгил машина, кичик автобуслар, 2 тоннагача юк оладиган, бизнинг фермерларга айниқса зарур бўлган юк машиналари чиқариш мумкин. Корейлик ҳамкорларимиз 1,5-2 йил ичида қуриб берамиз, деб ваъда қилишяпти.

Истанбулдаги учрашувларда "Рено", "Ситроен", "Мерседес" компанияларининг вакиллари ҳам ёнимизга келиб, ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Хусусан, "Мерседес" компанияси бизга йирик автобуслар чиқарадиган катта завод қуриб бермоқчи. Ўйлашимча, бир вақтлар вертолёт заводи учун қурилган Хоразмдаги корпусларга "Мерседес" компаниясини таклиф этсак бўлади. Компания вакиллари ва раҳбарлари яқин орада - тахминан 20 июлда бу ерга келишади. Биз уларни Хоразмдаги шарт-шароит билан таништирсак, агар бизнинг таклифларимиз уларга маъқул тушса, ҳеч шубҳа йўқки, Хоразм аҳли ўзининг автобус заводиغا эга бўлади.

Яна бир гап. Биз Индонезиядан тахминан 100 миллион доллар кредит олдик. Энди улардан дунёдаги энг олий навли чой, гуруч олишимиз мумкин. Малайзиядан эса пальма ёғи ва бошқа маҳсулотлар оламиз. Хуллас, уч мамлакатга қилган сафаримиз самарали бўлди. Энг зўр натижа эса - дунё халқлари бизнинг мустақил Ўзбекистонимизни таниётгани ва тан бераётгани.

Республикамизда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча барқарор бўлиб турибди. Бу - ҳаммамизнинг бахтимиз, ютуғимиз. Республикада тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда соғлом оппозициянинг, фуқаролар тотувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши англайдиган партия ва халқ ҳаракатларининг ҳиссалари буюқдир.

Қийинчиликлар ва камчиликлар кўп. Буни биз, республика

рахбарияти жуда яхши биламиз.

Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чакилса бас - хўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, азизлар, биродарлар, бошқа кўшнилариимизнинг ахволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимни ҳушёрликка даъват этмоқчиман.

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўкиляпти, халқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетмоқда. Отишмалар етмагандай, дўл, сел, зилзила каби балои офатлар ҳам халқнинг тинқасини қуритмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Халқнинг ярми норасида болалар бўлган давлат бирданига бозор муносабатларига ўтиши - бемаъни гап.

Бозор иқтисодиётига ўтдик, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Ўтиш учун, аввало, иқтисодий база керак. Бизда бозор иқтисодиёти таркиби эндигина шаклланиб келмоқда, холос. Энг аввало, иқтисодиётнинг фақат хом ашё етиштиришдек самарасиз йўналишидан қутулиш керак. Унутмаслик керакки, ҳозирги даврда иқтисодиётимизнинг энг заиф томони - тайёр маҳсулотларнинг етишмаслиги. Тахминан 55-60 фоиз халқ истеъмол молларини четдан олиб келишга мажбурмиз.

Бозор муносабатларига ўтиш учун одамларни шунга тайёрлаш, аввало, кўниктириш керак. 74 йил бир хил тузумда яшаб келиб, бир ёки икки-уч йил ичида бутунлай бошқа тартибга ўтиб бўлмайди.

Шундай қилиб, биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик.

Бу йўлнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

1. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни,

кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз.

Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Биз тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз.

Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган.

Лоф туюлса ҳам айтишим керак: бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам, мана, бугун қайтиб келишяпти.

Халқимизнинг яна бир фазилати шуки, бизда илм ва маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнатсеварлик туйғулари бениҳоя юксак.

2. Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, ислом динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий кадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

3. Бозор муносабатлари ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистондаги демографик вазиятни албатта ҳисобга олиш зарур. Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди. Аввал айтганимдек, аҳолининг салкам ярмини ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Ўсиш суръати жуда катта. Меҳнат ресурсларининг ўсиш даражаси ҳам шунга яраша.

Яна бир фарқли жиҳатимиз шундаки, халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди.

Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир

жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва район марказларида мавжуд бўлган ортиқча иш кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналарни қишлоқ жойларига, район марказларига олиб бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим.

4. Ўзбекистон - кўп миллатли мамлакат. Албатта, асосий кўпчиликни ўзбеклар ва бошқа туб халқ вакиллари ташкил этади. Аммо биз бугунги кунда тупроғимизда яшаётган юздан кўпроқ миллат ва элат вакиллари, уларнинг маданиятлари ва анъаналари ривожини ҳам ўйламасак бўлмайди.

5. Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеи ҳам жуда қулай. Қадим карвон йўллари бизнинг еримиздан ўтган. Бизнинг кўхна шаҳарларимизда ва бозорларимизда юзлаб лаҳжалар жаранглаган. Дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларида ўзбек тупроғи кўприк воситасини ўтаган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи ўрин тутди. Унинг автоном энергетика ва сув системалари бор. Кўп жиҳатлардан минтақа республикалари ўртасида боғловчи ролини ўйнайди ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда фаоллашиб бормоқда.

6. Ўзбекистонда ислохотлар ўтказишга мавжуд табиий иқлим шарт-шароитлари ҳам катта таъсир қилади, албатта. Республикада сув ресурслари ҳисобли. Етиштириладиган зироатлар сувни кўп талаб қилади. Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёда ҳам муҳим стратегик маҳсулот - пахта ва ундан ишланадиган маҳсулотларни экспорт қилишда етакчи ўрин тутди.

Мева-чева, сабзавот, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам чет элларга экспорт қилиш қудратига эгамиз. Тупроғимизнинг ҳар бир қаричи тилла, қунт қилган одам ҳар йили бир неча бор ҳосил кўтариши мумкин.

7. Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга.

Ер усти ва остидаги қимматбаҳо бойликларимиз юртимизнинг дунё бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш имконини беради.

Бошқача айтганда, биз тилланинг устида ўтирибмиз. Афсуски, собиқ марказ олиб борган сиёсат оқибатида Ўзбекистон фақат хом ашё беришдан нарига ўтмади. Ўзида бор нарсани ўзи ишлата олмади.

8. Ҳозирча ҳаммангизга маълум, биз рубль тазйиқида яшайпмиз. Бошқа собиқ Совет республикалари билан хўжалик алоқаларини бирданига узиб ташлай олмаймиз.

Аслини олганда, узиш шарт ҳам эмас. Эндиги иқтисодий муносабатлар эскича усулда эмас, балки янгича асосда - тенглик ва ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши шарт.

Муҳим стратегик ашёларни аввалгидек сувтекинга бериб юбормаслик керак. Умуман, МДХ мамлакатлари билан ўзаро олди-берди жараёнида янгича мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг асосий шарти - қўшними, олисдами - барча мамлакатлар билан иқтисодий ҳисоб-китобни халқаро нархда ташкил қилсак, биз албатта ютқазмаймиз.

9. Энди бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган яна бир масала - ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини олиб қарайлик.

Шўролар даври, нақ 74 йил изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади. Бу даврда шаклланган муайян қадриятлар бор. Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган. Бундай ёндашиш кишилардаги ташаббусни бўғиб қўйди. Ҳамма нарса - давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар мулкдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолган. Ўз мулки ва молига эга бўлмаган одамнинг иш деб жон кўйдириши жуда қийин. Бундай ҳолат ишчиларнинг меҳнатга интилишига, шахсий рағбатига, иш натижаси учун масъулиятини оширишга салбий таъсир этишини ҳаётимиздаги кўп мисолларда кўряпмиз.

Шундай экан, бозор муносабатларига ўтишда кишиларимизнинг кайфиятини ҳисобга олиш, дастлабки кезларда ўтган даврдан қолган муайян ижобий тажрибалардан самарали фойдаланишни ҳам

унутмаслигимиз керак.

Муҳтарам депутатлар!

Ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналиши ва асосий мазмуни битта - чинакам мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш.

Энг муҳим вазифа - халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади.

Одил ва оқил ҳокимият халқ кайфиятини, унинг иродасини албатта ҳисобга олади. Халқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солади, халқ ғайратини яратувчилик йўлига бошқаради.

Улуғ шоир ва буюк давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётини олиб кўрайлик. Буюк бобокалонимиз халқни мадрасалар қуриш, ариқлар қазиш, хайру эҳсон қилиш каби ишлар атрофида бирлаштирган.

Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!

Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Сиёсий қурилма борасидаги вазифаларимиз, қисқача айтганда, куйидагилардан иборат:

- ҳақиқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади;

- Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади - қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига. Бу принципларга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди.

Олий Кенгаш мамлакатнинг энг юксак ва ягона қонунчилик ҳамда вакиллар ҳокимияти бўлиб қолаверади.

Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки

қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади.

Суд ҳокимияти - мустақил ҳокимият. Қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш - суд ҳокимиятининг олий бурчидир;

- ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. Қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади. Қатъий тартиб ва интизом, қонунга ҳурмат, анъаналарга ҳурмат - ҳуқуқий давлат фуқаролари учун одатий ҳол;

- Ўзбекистон ўз номи билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равақ топишини таъминлаш - мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи.

Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфаатларини ҳам муҳофаза этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзимиз шунча йил зулм кўрганамиз етади. Энди бошқаларга зулм ўтказсак, ота-боболаримизнинг руҳларини безовта қилган бўламиз. Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон - агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса - Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ.

Айни замонда, XX аср алғов-далғовларидан, қатағонларидан озор чекиб, чет мамлакатларга мажбуран кетиб қолган биродарларимизга Ўзбекистон дарвозаларини катта очишимиз керак.

Муҳтарам депутат ўртоқлар!

Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз.

Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлақ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғриси айтсак, ўзаро ҳурмат, баҳс ва мунозара одоби етишмайди.

Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг

пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак.

Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин.

Муҳтарам халқ вакиллари!

Албатта, бу айтилган гаплар янгилик эмас. Аммо бугунги кунда бизнинг жамиятимиз ҳақиқий демократик ислохотлар сари илк қадамларини кўяр экан, маълум ва машҳур ҳақиқатларни қайтадан зикр этиш асло зиён қилмайди.

Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади.

Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар, шуни аниқ айтишимиз керак, тақиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт.

Икки оғиз қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, мен бир нарсани тушунмаяпман, азиз дўстлар: мана, баъзи қўшнилариимизда, собиқ СССР республикаларида бўлган воқеалар айрим бир "дохий"ларимизга, "шоввоз"ларимизга жуда ёқимли кўринади. Тожикистон, Озарбайжон, Гуржистон воқеалари буларга жуда маъқул. Нима эмиш, қонуний тарзда халқ томонидан сайланган Олий Кенгаш таркибига, депутатларга ишончсизлик билдириб, уларни майдондан суриб, истеъфога чиқишларини талаб қилиш керак эмиш. Мана, Тожикистонни олиб кўрайлик. Майдонга бир тўда одамлар автоматларни кўтариб чиқиб, "Олий Кенгаш истеъфога чиқсин!",



"Халқ ноиблари истеъфо берсин!" деган шиорлар билан, бир-бирини ўлдириб, тазйиқ остида янги ҳокимиятни, ҳукуматни тузишди. Бу нима - демократик йўлми? Қурол билан халқ сайлаган Олий Кенгашни тарқатиб юбориб, уларга тазйиқ билдириб, уларни қўрқитиб, керак бўлса жонига қасд қилиш орқали ўз ҳокимиятини ўрнатиш - асло демократия йўли эмас. Биз бунга ҳеч қачон рози бўлмаймиз! Ўеч қачон! Ва бунга йўл ҳам қўймаймиз!

Бизнинг баъзи жамоат ҳаракатларимиз Конституция йўлига итоат қиламиз, демократия йўлини тутамиз, деган шартлар билан рўйхатдан ўтди. Конституция кўзда тутган ҳуқуқларни олишди. Уларга майдонларга чиқиб бақиришга рухсат тегмагани ёқмайди. Биз бу нарсаларнинг оқибати не бўлишини бошимиздан ўтказдик-ку! Тожикистон воқеаси етарли эмасми?! Қанча одамлар, йигитлар нобуд бўлиб кетяпти, қанча аёллар бева қоляпти! Нима бўлаётганини англаш ҳам керакми, ахир?!

Бизнинг "дохий"ларимиз ўша ерга одам юбориб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, ҳатто ўзбек халқи номидан, Ўзбекистон номидан чиқиб интервьюлар бериб, уларни қўллаб-қувватлаб айтадиган гапларини биз ҳеч қачон қабул қила олмаймиз.

Азиз дўстлар!

Олдимизда оғир муаммо бўлиб турган иқтисод тўғрисида. Айрим биродарларимиз Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ иқтисодий программаси йўқ, деган даъволар билан чикмоқдалар. Уларга ҳисобот бериш шарт эмас. Чунки улар кечагина бошқача сайраётган эдилар. Аммо фуқароларни бугунги оғир аҳволдан олиб чиқиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларимиздан хабардор этиш зарур.

Умуман, узоқ йилларга мўлжалланган программаларга сал шубҳа билан қараш керак. Ёдингизда бўлса, бир вақтлар 2000 йилга бориб ҳамма алоҳида уй-жойга эга бўлади, деб жар солинди. Бунинг қуруқ хомхаёл эканлиги икки-уч йилдаёқ аён бўлиб қолди.

"Озиқ-овқат программаси" деган гаплар чикди. Оқибати шу бўлдики, дўкон пештахталари бўшаб қолди.

Бу хил ҳавойи дастурларнинг тагида "мендан кетгунча - эгасига етгунча" деган нарса ётибди. Эртагача ким бору ким йўқ. Бугун мен шу баланд курсида ўтирибман, халқни авраб турай, эртага - худо

пошшо, деганидай бир гап.

Биз шу залда Ўзбекистонни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш йўллари муҳокама этиб, янги дастурни тасдиқлаган эдик. У пайтда СССР деган давлат бор эди, нимаики иш бўлса, СССРнинг борлиги, ўша пайтда мавжуд бўлган ўзаро иқтисодий алоқалар ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилган эди.

Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнига навқирон миллий давлатлар дунёга келди. Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қўллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти. Менинг жавобим битта: Ўзбекистоннинг ўз дастури бор!

Биз тузаётган янги дастурнинг эскиларидан фарқи нимада?

Биринчидан, унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ ақс этган. Иккинчидан, бу дастур хомхаёл гаплардан иборат эмас, балки жамият тараққиётининг устувор йўналишлари хусусида.

Хўш, бу устувор йўналишлар нималардан иборат?

1. Биз ўзимизнинг иқтисодий сиёсатимизда деҳқончиликка ва умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараямиз. Бунинг сабабларини ҳам айтиб ўтдим. Аммо яна таъкидлаш керак: халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳарга нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва тўқинроқ яшашлари керак эмасми?

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазини учун, энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин кўпайтириш зарур. Шу мақсадда махсус Фармон ҳам чиқарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Уларга тахминан 90 минг гектар ер ажратилди.

Фермерлар ҳақидаги Фармоннинг бажарилишини Давлат назорат комитети мунтазам равишда текшириб турибди. Республика Деҳқончилик-саноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг маошлари ҳақида. Аҳволни

тушуниш керак. Бюджет ўзи учма-уч бўлиб турибди. Медицина, маориф, фан ва бошқа соҳалар борки, улар мана шу камбағал бюджет ҳисобига кун кўрадилар. Имкони бўлса эди, биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик.

Насиб этса, бу масала ижобий ҳал қилинади ва ҳал этиляпти ҳам. Мана, бугунги кунда пахтанинг, пилланинг, полиз, мева ва сабзавотнинг харид нарҳини оширдик. Дехқонлар даромад ва қўшимча қиймат солиғидан озод бўлдилар. Биргина шу солиқдан озод бўлиш ҳисобига деҳқонларнинг чўнтагида 23 миллиард сўм қолади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган кишиларнинг ўртача ойлик маошини 2 минг сўмга етказиш мақсад қилиб қўйилди ва ҳозир шунга етиб келяпмиз.

Бу йил пахтанинг 15 фоизини деҳқонлар ўзлари сотишлари мумкин. Турган гапки, режадан ташқари етиштирилган барча ҳосил ҳам келишилган нархларда сотилади.

Пилланинг 15 дан 25 фоизгача бўлган қисми келишилган нархларда сотилади. Бундан деҳқонлар қўшимча 320 миллион сўм фойда кўрадилар.

ўалланинг харид нарҳи ошгани Ғаллакорларга тахминан 3 миллиард сўм фойда келтиради. Сабзавот ва меванинг 50 фоизи деҳқонлар ихтиёрида қолади Улар ҳосилнинг нақ ярмини келишилган нарҳда сотадилар.

Бугунги шароитда давлат харид нарҳларини бошқариб туришдан воз кечолмайди. Лекин, шу билан бир қаторда, давлат деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари ўртасида мувозанатни сақлашни таъминлайди. Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида сувтекинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Бу ҳолга ортиқ чидаб бўлмайди.

Мен шахсан ўз фикримни баён этиб шундай демоқчиман: ҳар қанча қийин бўлишига қарамай, бюджетга қарамай, харид нарҳларини қишлоқ аҳолиси манфаатини кўзлаб кўпайтиришимиз керак. Агар биз халққа ёрдам бермоқчи бўлсак, харид нарҳини оширишимиз керак. Бу сиёсатни бошқа мамлакатларда ҳам кўриб чиқдик. Малайзияда ҳам, Индонезияда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қимматроқ сотиб олиб, кейин аҳолига сотаётганда бюджет ҳисобидан харажатларни

коплар экан. Бюджетдан бўлса ҳам харид нархларини кўпайтириш, бу - ривожланган мамлакатларнинг сиёсатидир. Шундай қилмасак, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиб бўлмайди. Шунинг учун мана шу катта минбардан туриб мен ваъда бераман: қишлоқ аҳолиси, хўжалик аъзосига нисбатан нарх сиёсатини тўғри юритамиз.

Баҳоларни бошқариб турмасдан Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига ўтиш қийин. Дехқончилик соҳаси билан саноат ўртасидаги тенглик маълум даражада таъмин этилса, эркин нархларга ўтиш мумкин бўлади.

2. Рубль амал қиладиган шароитда яшар эканмиз, истеъмол бозорини ҳимоя этмасдан бўлмайди. Нима учун "рубль" деган ибора бизнинг тилимизда пайдо бўлди? Рубль дегани, ҳозир бу асосан Россиянинг пули бўлаяпти. Эртага биз янги пулга ўтсак, унинг номи "сўм" бўлади. Буни сизга аниқ айтишим керак. Шунинг учун рубль билан сўмнинг фарқини билиб олишимиз керак. Бизда жудаям арзончилик деб айтсак, хато бўлади. Аммо бозорларимиздаги нархни бошқа юртлар билан солиштирсак, биздаги нарх уларнинг олдида ҳолва бўлиб қолади.

Ўзимизда бўлган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетмасликлари учун купон ва талон системасини жорий қилдик ва халқимиз бундан рози бўлди.

Бугун бу нарсани танқид қилувчилар ҳам кўп. Лекин, азиз дўстлар, худди шу чоралар туфайли ўтган йилги оғир қиш ва бу йилнинг баҳоридан нисбатан осон чиққанимизни ҳам унутмаслик керак.

Чекланган нархлар бюджетга анча қимматга тушди. Аммо, биз аҳоли манфаатларини олий мақсад деб билдик, гарчи четга чиқиб кетиш хавфи бўлса-да, энг керакли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон баҳода сотдик.

Моддий бойликларни олиб келиш ва чиқаришни назорат этадиган бош инспекция тузилгани ҳам маъқул бўлади. Бир нарсага эътибор беринглار: ўзининг 7 ойлик фаолияти даврида 500 миллион сўмлик маҳсулот, энг керакли маҳсулотларни ва буюмларни ушлаб қолди, халқимизга, ўз минтақамизга қайтарди.

Баъзи одамлар чикаяпти: жуда кийин бўлаяпти, ўртоқ Президент. Бу инспекция бизни қақшатиб қўйди, деган гапларни жуда кўп эшитамиз. Лекин бир нарсани тўғри тушунинглар: оддий одамга, оддий деҳқонга бу иш фойдали бўлди. Ҳар хил олди-сотди билан шуғулланувчи чайқовчиларга эса зарар, каттиқ бир зарба бўлди. Одамлар бизни тўғри тушунапти. Нега деганимизда, мана Қозоғистонни олинг, Қирғизистонни олинг. Албатта, уларни биз танқид қила олмаймиз, уларнинг ўз ҳуқуқи бор. Лекин Бешкекда 1 кг ун - 17 сўмга чиққани, 1 буханка нон - 9 - 10 сўмгача чиққани рост. Ҳозир ўртада чегара йўқ.

Яқинда зилзила бўлганда, Андижонга халкимиздан, фуқаролардан ҳол-аҳвол сўраб бордик.

600-700 нафар одам келди. Бизнинг одамлар анча чидамли. Бошига шунча оғир кунлар тушганда ҳам руҳи баланд. Шунинг учун уларга минг раҳмат. Шундай пайтда улар ажойиб фазилатларини кўрсатади. Лекин бир нарсадан мен жуда афсусландим. Бизга жон кўшни бўлган Қирғизистон худудида яшайдиган фуқаролар мени ўраб олиб: "Бу нима деган гап. Сиз Президент бўла туриб, бу ерга келибсиз. Бизга Госстрах инспектори ҳам келгани йўқ" деяпти. Бошқа сиёсий гапларни гапирмайман. Лекин у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам ўзбеклар. Уларни ҳеч қачон ажратиб бўлмайди.

Энди яна "рубль" масаласи. Бизнинг ўз валютамыз бўладими ёки йўқми деган саволни кўп эшитамиз. Ҳаммангизга маълум: пул зарб этадиган дастгоҳ Россияда. Мен илгари ҳам МДХда тенглик бўлмоғи учун пул дастгоҳи ва банк системаси ҳаммага бирдек қараши керак, деб айтган эдим. Нега деганда: нима учун кадрсизланган рублни ҳам тилаб, тиз чўкиб сўрашимиз керак? Бу қанақа мустақил давлат?! Шу нуктаи назардан қараганда, агар бизларнинг таклифларимиз ўтмаса, инобатга олинмаса ўз валютамызни зарб этишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади.

Маълумки, Латвия ва Эстония ўз валютасини чиқарди. Литва ўз пулини чиқариш арафасида, Украина ва Белорусда миллий валюта ўрнини босадиган купонлар тизими жорий этилди. Аҳвол шу тарзда

қолаверар экан, Ўзбекистонга қадрсизланган миллиардлаб рубль кириб келиш хавфи бор.

Яна бир сабаб шуки, бугунги кунда кишиларга маош тўлаш учун нақд пул етишмаяпти. Шу масалада ҳам биз анча заиф бўлиб турибмиз. Шуларни ҳисобга олсак, миллий валютани чиқариш шарт бўлиб қолмоқда. Биз бу борада анча-мунча тайёргарлик қилиб қўйганмиз.

Лекин асосий қийинчилигимиз шуки, пул чиқариш, қоғоз чиқариш қийин нарса эмас. Лекин унинг қиймати ва қадрини таъмин этиш керак. Бу пул эртага муомалага киритилса, биз унинг қадрини, харид кучини таъминлашимиз зарур. Акс ҳолда уни чиқаришнинг ҳожати йўқ.

Дунё валютасига, долларми, марками - сўмнинг уларга нисбатан курсини аниқламасдан туриб, биз ўз сўмимизни чиқарсак, улар эртага куруқ қоғозга айланиб қолади. Ҳали биз жуда кўп муаммоларни ҳал этишимиз керак бўлади. Авваламбор, агар янги пул чиқса, унинг тагида етарли сармоя бўлиши керак. Пул чиқса-ю, мол бўлмаса, у пулни нима қиламиз? Деворларга ёпиштириб қўямизми? Шуларни ҳам ўйлашимиз керак.

Иккинчидан, пулнинг олтинга алмашиш курсини ҳам белгилашимиз керак. Янги пулнинг кафолати бўлиши керак.

Бундан ташқари, сўм билан рублнинг муносабати қандай бўлади? Эртага агар биз Россияга бориб сўмга ҳеч нарса ололмасак нима бўлади? Ана шуларни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Лекин бизни пул чиқаришимизга мажбур қилишлари мумкин. Эртага рубль деган нарса Москвада кўплаб босилиб, бизнинг минтақага келса, магазинларда нима қолади? Вазият шундай оғирлашиб қолса, янги пул чиқиши турган гап. Халқ ҳам шунга тайёргарлик кўриши керак. Агар кимки сандиқлардаги, ёстиқлардаги пулини олиб бориб омонат банкасига топширса - ютади.

3. Бозор инфраструктурасини шакллантириш, аввало, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини ҳам қамраб олади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига эрк берилади, шахсий

ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади. Айни замонда лоқайдлик, танбаллик каби иллатлар барҳам топади. Бир сўз билан айтганда, ишлаган одам хор бўлмайди.

Бугунги кунда биз кўриб турган кўпгина иқтисодий муносабатлар ҳақиқий бозордан ҳали анча йироқ. Мавжуд биржалар ва воситачилик ташкилотлари, тўғриси айтсак, кўпроқ арзон олиб, қимматга сотиш билан шуғулланапти.

Тижоратнинг мақсади шу эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, фойдасиз тижорат бўлмайди. Аммо истеъмол бозори камбағал бўлса, тижорат дегани оддий чайқовчилик даражасида қолиб кетаверади.

Ҳақиқий бозор муносабатларига ўтилганда эса турли корхоналар, турли биржалар, суғурта идоралари, банклар ва бошқа идоралар орасида ҳақиқий рақобат вужудга келади. Кимки кўп ва арзон мол келтирса ва ким қанчалик тез ва арзон сотса, ўшанинг иши юришади. Негаки, ҳаракатсиз сармоя - ўлик сармоя. Капитал дегани, албатта, оборотда, муомалада бўлади. Соғлом рақобат ички бозорни мол билан бойитишда ва нархни арзонлаштиришда катта роль ўйнайди.

Мулкчиликнинг турли шакллари - ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ҳамда бошқа шаклларнинг ривож топиши ҳам айна рақобатни кучайтириш ва халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради.

4. Иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришмоқ керак. Хусусийлаштириш, энг аввало, маиший хизмат ва савдо корхоналари, маҳаллий саноат корхоналаридан бошланади. Кейинчалик катта корхоналар ҳам акционерлик ва бошқа мулкчилик шаклига ўтказилади.

Бу ишдаги асосий вазифа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Хусусийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигига қаратилиши лозим, уларнинг эркинлигини эса хусусий мулк таъминлайди.

Лекин айна пайтда хусусийлаштиришни қай тарзда амалга ошириш, ҳозирги вақтда давлат мол-мулки ҳисобланган бойликларни

кимнинг қўлига топшириш ҳам асосий масаладир. Бу мулкни олган кишилар уни қандай тасарруф этадилар? Иқтисодий равнақ ва самарадорликни қандай таъминлайдилар? Энг муҳими эса улар халқимизнинг эҳтиёжларини қондирадиларми?

Хуллас, хусусийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқаришда бошбошдоқликка олиб бормаслиги учун зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш лозим.

Шу сабабли ишбилармонларни, яъни давлат мулкни биз қўлига топширмакчи бўлган кишиларни тайёрлаш, улар жаҳон тажрибасини, минтақамизнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билишлари хусусийлаштириш чоғида рўёбга чиқарилиши лозим бўлган кафолатлардир.

Бозор инфраструктурасини барпо этиш ва корхоналарнинг монополиясини тугатиш бу ишнинг муҳим шартларидан биридир. Айрим мулк эгалари фондларига эгалик қила бошлагач, рақобатчилар бўлмаганлиги туфайли нарх-навони ошириш ҳисобига фойда ва даромадни кўпайтиришларига йўл қўйиш мумкин эмас.

Шу сабабли, давлат мол-мулкни хусусийлаштирадиган экан, зарур шарт-шароитларни ва ишончли негизни барпо этмай туриб хусусийлаштиришни ўйламай-нетмай тезлаштириш нималарга олиб бориши мумкинлигини яққол тасаввур этмоғи керак.

5. Иқтисодни тўғри йўлга солиш учун ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан зўравонлигини тугатиш керак. Бунда корхоналар монополизмига қарши чоралар белгиланмаса бўлмайди. Фақат шу чораларгина боя айтилган эркин рақобат шарт-шароитларини яратади.

Маълумки, бизда яқинга қадар соҳа вазирликлари маҳсулотларга ягона ҳоким эди. Эндиликда вазирликлар тугатилиб, уларнинг ўрнига концернлар ва уюшмалар тузилмоқда. Натижада давлатнинг хўжалик ишларига бевосита аралашуви камаяди. Корхона ва ташкилотларнинг эркинлик даражаси кенгаяди. Айбга қўшмайсизлар, мана шу залда ўтирган баъзи бир ҳокимларга қарата айтмоқчиман: бизларнинг келажагимиз шундаки, ишлаб чиқарувчи корхоналар, халққа хизмат қилувчи хўжаликлар, бизларни боқадиган, маҳсулот чиқарадиган хўжаликлар эркинлик олиши керак. Мен шу гапни кўп жойда айтдим.



Лекин ҳаммамиз ҳам эски тузумдан чиққанмиз. Онгимизда бир ақида чуқур ўрнашиб қолганки, агар ҳоким қўшилмаса, ҳоким бориб туртмаса, гўё иш юришмайди. Бундай қиласан, ундай қиласан, деб кўрсатиб турмасак гўё бўлмайдигандай. Мана шундай ишлардан, майда ҳомийчиликдан ўзимизни тийишимиз керак. Ҳокимларнинг иши Қонунни жойига қўйиш. Ҳокимларнинг иши тартибни сақлаш, солиқ сиёсатини жойига қўйиш. Агарки хўжаликларга иқтисодий эркинлик берсак, билиб қўйинглар, бир йил, жуда кўп бўлса, икки йилда гуллаб-яшнади бизнинг Ватанимиз.

Бизнинг ҳозирги тузумимизда битта ишчига иккита назоратчи ўтирибди. Иккитаси ишлайди, учтаси назорат қилади. Қўрқитади, пўписа қилади. Бундай сарқит услубни тезроқ йўқ қилиш керак. Билиб қўйинглар, одамларнинг сиёсий савияси ўсган. Бизлар ўйлаймизки, гўё оддий халқ бизнинг кўрсатмамиз билан юрибди деб. Йўқ, оддий халқ кўп нарсани билади. Оддий колхозчи, оддий деҳқон бизлардан кўпроқ нарсаларни англайди. Ким адолатли сиёсатни олиб борапти, ким ўзининг шахсий манфаатини четга суриб қўйган, ким ўзининг мансабини, шахсий манфаатини ўйлапти - халқ буни яхши билади.

Яна такрор айтаман: одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш керак. Иқтисодий эркинлик диёримизда тезроқ қарор топсин!

Бозор муносабатларига ўтиш - кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат курмокчи эканмиз, энг аввал, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин.

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган.

Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса - бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданок ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик.

Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буюк ҳажга илгари нари борса беш-олти киши борарди. Энди ҳар йили минглаб одамлар муқаддас жойларга эмин-эркин зиёратга боришяпти.

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади.

Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсукумлиikka ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин. Кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради у дунёда.

Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. Уламолар сафига турли бакироқлар, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга югурган, бугун саллани қийшиқ ўраб мачитга йўрғалаган бебурд кимсалар адашиб кириб қолмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.

Азиз ватандошлар!

Қайси жамиятда маънавий бойликлар қадрли экан, ўша жамият аъзолари ижтимоий тарафдан кўпроқ қафолатга эга бўлади. Биз кейинги пайтларда кўпроқ иқтисод ҳақида баҳслашиб, маданиятни, адабиёт ва санъатни унутиб қўймадикми, деган таъналар ҳам эшитилмоқда. Йўқ, биз маданият аҳлини унутганимиз йўқ. Уларга ҳам қўлдан келганича ёрдам қиляпмиз. Аммо булар ҳали оз эканини яхши биламиз.

Медицина соҳасида, таълим-тарбия соҳасида ишлаётган инсонларни озгина рағбатлантиришга эришдик. Аммо, такрор айтаман, булар ҳали кам. Бугун яқин ўтмишни сурункасига қоралаб гапириш расм бўлиб қолди, лекин ўтмишда таркиб топган айрим ижтимоий қафолат шакллари ҳам борки, булардан воз кечиб бўлмайди.

Фан, маориф, медицина соҳалари ҳақида гапирар эканмиз, уларда эришган ютуқларимизни ҳам эслаш жоиз деб ўйлайман. Бизда ташкил топган маориф ва фан тизими, гапнинг рости, бозор иқтисодига неча ўн йиллаб олдин ўтган мамлакатларда ҳам йўқ. Булар - бизнинг бахтимиз, бойлигимиз. Мақсад - барпо этилган мукамал тизимни йўқотмаслик, уни миллий мустақиллик асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитишдир.

Азиз дўстлар!

Сизларни халқ сайлаган. Сизлар бу ерда халқнинг хоҳиш ва истакларини, халқ иродасини ифода этасизлар.

Депутатлар ҳар гал бу муҳташам залга йиғилган пайтда халқимиз биздан яхшилиқ ва енгиллик кутади. "Ишониб сайлаган депутатлар ва Президентимиз бугунги иқтисодий танглик пайтида бирор янгилик қиладиларми, турмушимиз оз бўлса-да ўзгарадими", деб умидвор бўладилар.

Бу йил нон ва бошқа егулик ҳақида ташвишланмасак ҳам бўлади. Энди кўпроқ иқтисодий тараққиётнинг долзарб мавзулари хусусида гапириш фурсати етди.

Республикада сиёсий-ижтимоий аҳвол барқарор бўлиб тургани сабабли, бизлар чет давлатлар билан, хорижий банклар, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, алоқаларни янги босқичга кўтаришга муваффақ бўлдик.

Қардош Туркия Жумҳурияти бизга 595 миллион доллар кредит ажратди. Бу пулга бир неча миллион тонна буғдой, кўп миқдорда шакар, дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари сотиб олинмоқда. Кредитнинг бир қисми инвестиция шаклида ишлатилади. 595 миллион доллар, бу - ҳал этилган ва ишга тушган маблағ. Ундан ташқари, Туркия бизга яна 1 миллиард доллардан кўпроқ кредит ажратмоқчи.

Испания 1 миллиард доллар, Англия 700 миллион доллар, Германия 500 миллион доллар кредит ажратди. Мен яна кўплаб мисол келтиришим мумкин. Аммо унинг ҳожати йўқ. Лекин мен бир нарсани айтмоқчиман. Биз чет элдан кредит олиш муаммосини ҳал қилиб олдик. Энг муҳими хусусий банклардан кредит олишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки улар сиёсий шартлар қўймайди.

Азиз дўстлар!

Сармоя оламида бировнинг юзи ёки кўзи яхши деб қарз бериш расм эмас, буни сизлар тушунасизлар. Чет эл кредиторлари Ўзбекистонга ишонса бўладиган, пайти келганда қарзни тўлашга қодир бўлган кучли шерик деб қарамоқдалар.

Иқтисодимиз оғир бўлиб турган пайтларда бу кредитлар бизга сув билан ҳаводек зарур. Иншооллох, ажратилган қарз халқимизни керакли моллар, егулик, дори-дармонлар харид қилиб, қолган катта қисмига энг илғор технологиялар келтирамыз.

Ўзбекистоннинг кредит олишга ва уни ўз вақтида тўлашга қурби етади. Ўзбекистонда ур-йиқитлар йўқ, фуқаролар ўзаро мурсада яшамоқдалар. Бу ҳол, кўриб турибсизки, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга жуда яхши кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир нарсани биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ким қўлидаги миллиардлаб пулларни нотинч ерга сочгиси келади? Ҳозирги тинчлик, барқарорлик - энг катта бойлигимиз. Буни минг марта такрорлашга тайёрман. Халқимиздан илтимос қилмоқчиман: мана шу бойликни қўлдан берманг. Ўшанда бу юртга ҳамма нарса келади.

Агар тинч ва осойишта меҳнат қилсак, мавжуд бойликларимиздан оқилона фойдалансак, шубҳа йўқки, Ўзбекистон тез орада тангликдан чиқиб олади.

Бунинг асосий гарови - ички сиёсий барқарорлик ва

халқимизнинг меҳнатсеварлигидир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Хабарингиз бор, яқинда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор чиқди.

Бундан мақсад нима?

Авваламбор, бу улуғ зотнинг ўттиз йилдан кўпроқ Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматини улуғлаш, номини авлодлар учун тиклашдир. "Ўзбек иши", "Пахта иши" деган бўхтонлар билан халқимизнинг пок номига доғ туширган, элни, мамлакатни ҳақорат қилган, "ўғрилар", "порахўрлар" деган айбларни бутунлай фош қилиб, адолатни бугунги ва келажак ҳаёт учун тиклаш, тарихда сақлаш;

Иккинчидан, ўз яқинларини, халқини, мамлакатини сотган ялоқхўрларга тўғри баҳо бериш;

Учинчидан, бугун мустақилликка эришган пайтимизда ўз халқимизни, Ватанимизни бегоналар ҳукмига ташлаб қўймаймиз, одамларимизнинг тақдири оқибатига ўзимиз жавобгармиз, деган ҳақиқатни янада яхшироқ англаш;

Тўртинчидан, ўша оғир қатағон йилларида ҳам қаддини букмаган, мутгаҳам тухматчиларга бош эгмаган, ўзининг ва халқининг шаънини қаттиқ туриб ҳимоя этган кишиларга миннатдорлик билдириш.

Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. Уни фаришта эди деб кўқларга кўтариш адолатдан бўлмас. Лекин лаънатлаб, ер билан битта қилиб юбориш ҳам мусулмончиликдан эмас. Тинч ётган гўридан олиб, руҳини чирқиратган нобакорларнинг айбу хатоларини тузатиб, энди шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик.

Бу дунёда адолат борлигига ёшларимизни ишонтирайлик.

Шу билан бир қаторда бу тадбирлар Шароф Рашидовнинг шахсига сиғинишга айланиб кетмасин. Баъзилар Рашидовнинг оқланган номидан ўзларининг шахсий ва сиёсий мақсадларида фойдаланишларига ҳам йўл қўймаслик керак. Юбилей тадбирлари ортиқча шов-шувсиз, раҳматли Шароф аканинг ўзига ўхшаш камтарона ўтгани маъқул.

Ўтмишда яшаган инсонларнинг ҳурматини бажо этар эканмиз,

Бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашиб келаётган фидойи инсонларимизни асло унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини яратаётган серғайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Улар деҳқонлар орасида ҳам, ишчилар орасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам жуда кўплаб учрайди. Бундай инсонлар бақириқ-чақириқ, қуруқ даъватлар билан эмас, балки ҳақиқий бунёдкорлик билан машқул.

Янги тарихимиз ижодкорларини ҳар қанча дуо қилсак, уларнинг номларини ҳар қанча улуғласак арзийди.

Сўзимнинг якунида мустақиллик йўлидаги кураш ва меҳнатингиз учун сиз, халқ вакилларига, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон келажаги ва равнақи йўлида барча ишларимизга Худо ўзи мададкор бўлсин.

\* \* \*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Эрталаб Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев Сизларга ахборот берган бўлиши керак. Бугун биз Андижонга боришимизга тўғри келди. Кечаги тилга олинган Жанубий Кореянинг ДЭУ компанияси бошлиғи - жаноб Ким У Жун ваъдасидан бир кун олдин юртимизга ташриф буюрди.

У кишининг тезкорлигидан мамнун бўлиб, биргалашиб бориб кўрамиз, қайси муаммо туғилса, ҳаммасини ўша жойда келишиб оламиз, деган мақсадда эрталаб Андижонга бориб, мана, ҳозир қайтдик.

Андижон шаҳрини, Асакадаги заводни кўрдик. Ҳаммангизга маълум, у ерда йилига 60 минг трактор прицеplarини чиқаришга мўлжалланган завод қурилган эди. Лекин тўрт-беш йилдан бери бу иш хуржун бўлиб ётибди. Ҳозиргача аниқ буюртмалар бўлмасдан, қурилган корхона охиригача етказилмасдан, ҳозир мана шу катта завод жуда оғир иқтисодий аҳволга тушган. Ишчиларнинг ҳам тайин

юмуши йўқ. Жаноб Ким У Жун заводни кўрди. Ўзи билан 4-5 та ёрдамчиларни ҳам олиб борди.

Меҳмонлар асакалик одамлар билан учрашди. Заводнинг билимдон директори, ёш-ёш ўзбек муҳандис йигитларимиз уларда жуда яхши таассурот қолдирди.

Жаноб Ким У Жун, менга Андижон жуда ёқди, деб айтди, иқлими жуда бизга маъқул. Бунақа иқлим бизга анча маблағларни, харажатни тежаш учун имкон беради, деган хулоса чиқарди. Жаноб Ким У Жун таърифга муҳтож эмас - ишбилармонлик соҳасида дунёга машхур, Нобель мукофотини олган инсон. Унинг Ўзбекистон тўғрисида, Андижон тўғрисида айтган гаплари менга шахсан жуда ёқди. Ўзимча, биз тўғри йўлда кетаяпмиз, мана шунақа қамрови кенг компаниянинг бошлиқлари бизга келиб юртимизни минг марта эшитганидан кўра бир марта ўз кўзи билан кўргани яхши, деб ўйладим. Аслида ҳам шу. Чет эллик ишбилармонлар Ўзбекистон ҳақида Москва матбуоти орқали бўҳтон гапларни эшитмасдан, ўзи келиб кўргани маъқул. Жаноб Ким У Жуннинг бутун дунёда корхоналари бор. Бу корхоналарда тахминан 120 минг одам ишлайди. Сеул олимпиадасидаги талай иншоотларни шу кишининг компанияси қурган. Шундай тадбиркор инсоннинг Ўзбекистонга келгани кўп яхши иш бўлди. Унга Ўзбекистон халқи, хусусан, Андижонда, Асакада пешвоз олган инсонлар жуда ёқди. Дунёда энг тинч жой экан, деб таърифлади бу жойларни.

Цехларни кўриб, эски технологияга мосланган экан, лекин бизлар бу цехларни бошқатдан янги ускуналарга мослаб ўзгартириб оламиз, ҳаммасини жой-жойига қўямиз, дея ваъда берди.

Телевидениедан борган мухбир: "Қачон бу завод маҳсулот беради?" - деган саволни берди. Жаноб Ким У Жун, агар ишни ўз вақтида бошласак, 1993 йилнинг декабрида биринчи машина чиқади, деб айтди. Ана сизга ишбилармон одамнинг сўзи! Бизга сал афсона бўлиб туюлади, лекин машинасозликни бугун бошлаб, айтайлик бир ярим йилдан кейин биринчи машина чиқарсак - қандай ажойиб иш бўлади! Мен азиз меҳмонимизга ҳазиллашиб, кеча сизни жуда осмонга кўтариб таърифладим, энди бутун Ўзбекистон Сизни танийди, деб айтдим. У киши, энди менинг масъулиятимни ошириб

кўйибсиз, деб кулди. Мен эса, ҳозир қайтаман ва яна бир марта сизни мақтайман, дедим, насиб этса келаси йили янги машиналарни депутатларга олиб бориб кўрсатамиз! Улар чиқарадиган микроавтобусга етти одам сиғади. Енгил машинага 5 одам сиғади. Нархлари ҳозирча 3 ярим минг ва 4 ярим минг доллар туради. Учинчи машина дехқонлар учун энг керакли юк машинаси. 2 тонна юкни бемалол кўтаради, жуда ихчам, кўриниши ҳам зўр, бортлари бемалол очилади, жуда қулай машина. Корея машиналарини таърифлашнинг ҳожати йўқ. Корейс халқини биласиз, улар жуда меҳнаткаш. Биз улар билан жуда аҳил яшаймиз. Ўзбекистонда 200 мингдан ортиқ корейс яшайди. Ҳамма билан ака-укадек бўлиб кетган.

Энди биргалашиб иш бошлашимиз керак. "Селхозмаш" концернининг бошлиғи бормилар? Қаюмжон Холмирзаевич шу ердамилар? Икки-уч кун ичида шу икковини Жанубий Кореяга жўнатамиз. Ўз кўзлари билан кўриб келишади.

Ўзбекистон 100 миллион доллар ажратади. Корея ҳам 100 миллион доллар ажратади. Улар ўша ҳисобдан ускуналарини, технологияларини олиб келади, жой-жойига қўяди. Ваъдасидан чиқса, иншоолло, 1993 йил декабрда биринчи машина чиқади.

Мана шунақа ишлар кўпроқ бўлиши керак, азиз дўстлар! Бизлар вақтимизни беҳуда йўқотмаслигимиз керак. Ҳар хил ваъдабозлик ва курук бақирик-чақириклар билан шуғулланмасдан, одамларни, раҳбарларни ва сиёсатчиларни ҳам шу амалий ишлари бўйича баҳолашимиз керак.

Курук ваъдалар, жиззакилик, сиёсий жазавалар пайти ўтди. Бугун халқимизга тинчлик ва осойишталик керак. Олдин қоринни тўйқазиб, ишнинг сарҳисобини қилиб, тўғри йўлни танлаб, бозор иқтисодиёти учун замин ҳозирлаб, ундан кейин сиёсий баҳслар билан шуғулланиш мумкин. Олдин ҳаммамиз бир бўлиб, бир тан-бир жон бўлиб, эртанги кун ҳаракатини қилайлик. Ишбилармонларнинг сонини кўпайтирайлик, ҳар қайси одамга муносиб қуроли берайлик. Қурол дегани автомат эмас, пулемёт эмас, қурол дегани - иқтисодий билим. Аввало иқтисодни ўрганишимиз керак. Ишни ташкил қилишни ўрганишимиз керак. Буям - битта қурол.

Сиёсий ўйинларни четга суриб қўйиш зарур. Бизларга яна 2-3



йил керак.

Ўзир миллатнинг, халқнинг талаби битта: ҳар хил сиёсий ўйинларни йиғиштириш лозим! Сиёсий бақириқлар-чақириқлар, турли шиорлар билан қорнимиз тўймайди, тўғри йўлни, ёруғ мақсадни кўра олмаймиз. Халқ олдида биринчи навбатда қилинган амалий ишлар билан ҳисобот берилади. Битта ариқ қазимасдан, битта девор тикламасдан, битта дарахт ўстирмасдан туриб ақл ўргатадиган одамларнинг сони кўпайиб кетаяпти. Бу нима деган гап ўзи? Кеча бир нарсани, ўтган гал бир нарсани эшитдим: "Юмалоқ стол" тузиш керак экан. Майли, бўлсин ўша "юмалоқ стол", лекин бизнинг рўпарамизга ўтирадиган шоввозлар борми? Майли, чиқсин, саволларни берсин. Хўш, Каримов сиёсатининг қайси томони нотўғри? Қайси масалада Каримов ўз мансабини суиистеъмол қилаяпти? У халқ берган ишонччи оқламадими? Қайси жойда хато қилди? Шахсий ҳаётидами? Ишидами? Сиёсатдами? Кеча мандатини ташлаб кетган депутат укамиз билан кўп марта суҳбатда бўлганман. Илтимос қилдимки, сизлар янги сиёсий партия вакилларисиз, мана, президент сайловида номзод бўлиб қатнашдингиз, партиангиз аъзоларидан фидойи, жон куйдириб ишлайдиган одамларнинг жуда бўлмаса ўнтасининг рўйхатини беринг, биз шуларга ўзларига яраша вазифа, лавозим берайлик. Лекин биронта ҳам одамни нима учундир бергани, тавсия ҳам этгани йўқ.

Бугун "Известия"да кўрдингиз. Кеча кечқурун бўлган гапни бугун ёзиб чиқарибди. Бундан оддий бир хулоса: олдиндан келишилмаган бўлса, бугун эрталаб бу воқеалар газетада чиқадими?!

Тожикистон "тажриба"сини буёққа олиб келиш шунчалар зарурми? Қон тўкиш, одамларни бир-бирига гиж-гижлаш, миллатни бўлиб ташлаш кимга наф келтиради? Қон тўкиш билан, одамларни нобуд қилиш йўли билан мақсадга эришиш қачондан бери демократия бўлиб қолди? Хўш, ҳукумат тузмоқчи экансиз, ҳокимиятни эплайдиган одамларингиз борми? Қани вакилларингиз, кўрсатинг!

Бугун Андижонга бориб биттасидан сўрадим: - мана, сизларда ҳам шунақа норозилар бор экан, хўш, улар орасида амалий иш билан шуғулланадиган одамлар ҳам борми, йўқми? Ўшаларни биз ҳокимга муовин қилиб ёки бошқа бирор раҳбар қилиб тайинласак бўладими?

Шунақа юракли одамлар бўлса, келиб айтсин. Бизлар ҳам бир кўрайлик, халқ кўрсин.

Бугун "Известия"нинг ёзишича, булар ҳукумат тузмочки бўлибдилар. Бу ҳукумат миллатни бирлаштирадиган ҳукумат бўлар эмиш! Нима, миллатимиз бўлиниб кетганмиди? Кимдан чиқибди бу сафсата гаплар? Гўё жойларда одамлар норози эмиш. Эртага портлаш юз берса, ҳозирги ҳокимият юртни идора эта олмас эмиш, оппозиция ҳам эплай олмас эмиш. Оппозиция нима дегани ўзи? 10-15 та бақириб-чақириб юрган одамларми?

Бугунги "Демо-о-кратия!", "демо-о-кратия!" деб бақираётганлар нима учун демократик усулларни эсдан чиқаряпти? Демократик йўл дегани - сайлов йўли билан ўз вакилларини мана шу залга ўтқазиб, адолат йўли билан иш юритиш, халқнинг иродасини холисона ифода этиш. Халқ вакиллари ўз халқи берган ваколатлари билан ҳукуматни тузади. Бу - демократик йўл.

Майдонга одамларни чақириб, кўлига қурол бериб, "истеъфо-истеъфо!" деб бақириб ҳеч қачон демократия саналмайди.

Ҳар қайси раҳбар мана шу жойда туриб ваъда берган экан, ваъдасини бажариши, агар заифлик қилса, ўз ўрнини бўшатиши керак. Битта заиф раҳбар туфайли минг-минг одам, миллионлаб фуқаро зарар кўриши мумкин. Шунинг ҳам тўғри тушунайлик. Ҳамма жойда - хўжалик, туман, вилоят, республика поғоналарида ўз масъулиятини сезмаган, тўртта одамнинг бошини қовуштиролмаган кимсаларга нима учун минбарни бериш керак?

Умрида бирор амалий иш қилмаган одам бу ерга келиб ақл ўргатса, нега унга қулоқ солиш керак?

Азиз дўстлар! Бугун - энг масъулиятли давр.

Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик - элнинг тинчлиги ва осойишталиги. Бирорта ҳам фуқаронинг бурнини қонатмасдан янги ҳаёт қуряпмиз. Иншоолло, тинчлик, аҳиллик ва муроса йўли билан ўз мақсадимизга эришамиз. Бошқа гап йўқ. Шу улуг мақсад йўлидаги олижаноб ишларингизда омад тилайман.

*XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси*

*Олий Кенгашининг X сессиясида  
1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги кийёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгартишларнинг ҳаракатга келтирувчи кучидир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собик Иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди - Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу - халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунда республикадаги кўпмиллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми буни қатъий тасдиқлади. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Ўртага қўйилган мақсадларнинг, танланган йўналишларнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда ва яққол тасдиқлади. Республика мустақиллигининг бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металлларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва

сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва раванқнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзгармас бир тартиб қарор топди: Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

Республикада демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирилмоқда. Аввалги яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди. Умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган маром ва қоидалари тобора кўпроқ қарор топмоқда.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан ўтказилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам эгаси бўлиб қолди ҳамда уни бевосита ва шунингдек ўз вакиллари - ноиблар орқали ҳам амалга оширмоқда.

Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланмоқдаки, у ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланмоқда. Президентлик бошқарув усули - шу тизимнинг ўзагидир. Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилмоқда - вилоятлар, районлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, у Қонуннинг устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши лозим. Фуқаролик жамиятининг турмуш тарзи таркибий қисмларини ташкил этувчи мана шу омилларнинг ҳаммаси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг, қаттиқ интизомнинг, ички уюшқоқлик ва масъулиятнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилди. Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш, Қимматбаҳо металлар, Фан ва техника қўмиталари, Олий Атгестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди.

Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Ўзимизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиз очилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари ишлаб турибди.

Ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилишини жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Дунёдаги 125 мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олди. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда Туркия Жумҳуриятининг, Америка Қўшма Штатларининг, Ўиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Бошқа хорижий давлатлар билан ҳам дипломатия ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг Яқунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди.

Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг - Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврупо тиклаш ва тараққиёт банки, Қора денгиз мамлакатлари

иқтисодий уюшмасининг аъзосидир. Халқаро валюта фонди, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларнинг таркибига аъзо бўлиш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистоннинг Қўшилмаган давлатлар ҳаракатига, БМТнинг Осиё ва Тинч океан учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига ҳамда бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кириши тўғрисида аризалар юборилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди.

Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яққаҳоқимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарс билан белгиланади. Биз ҳозир узок йўлнинг бошида турибмиз.

Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

## **ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИНГ ШАРТ-ШАРОИТИ ВА ЗАМИНЛАРИ**

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини кўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқуқ-аъвоқ нормалари шуни тақозо этади. Дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврупо мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳам бунинг амалий намунаси.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу - ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усуллариغا нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу - таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу - Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча



эўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданиятига мансублик ҳам шуни талаб этади.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида Қамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром - Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий кадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда.

Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли

таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Республикадаги ўзига хос демографик вазият - ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Жумхуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар.

Ўз аждодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Республиканинг яна бир хусусияти - миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республика ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очик жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши жараёни кечган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёсининг марказида турибди, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги

аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутди. Ўзбекистон мустақил Ўрта Осиё республикалари орасида ғоят катта экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом ашё - пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республикадир. Иқлим шароитлари мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳамоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартишларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккахокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккахокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эғаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

Юқорида қайд этилган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда ҳозирги босқичда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли - мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бу йўл мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини белгилаб беради.

## **ЎЗБЕКИСТОН - ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ЖАМИЯТИ**

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад - чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш - бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила - шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Сиёсий соҳада бу куйидагиларни билдиради:

- халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим;

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти

ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

- Ўзбекистонда туғилган, унинг заминиде яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қонидасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли

таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини хурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши;

- чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак.

Иқтисодий соҳада:

- миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш;

- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга айёрликни батамом тугатиш;

- мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакли - ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш. Шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилганига барҳам бериш;

- иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яққаҳоқимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини

кенгайтириш. Давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш. Буйруқбозлик билан ўз ҳукмини ўтказиб, тазйиқ қилиш, ҳамма нарсани тўраларча белгилаб, чеклаб қўйиш каби ўзини оқламаган эски усулларни қатъиян тугатиш. Иқтисодий воситалар устун мавқени эгаллайди;

- меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш;

- табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни кутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисоди ва ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларни бартараф этиш.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий

маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққаҳокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга қўмаклашмоқда. Ислом - ота-боболаримизнинг дини - мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари - кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу - фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир;

- ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чоратадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шаклларини эркин танлаш имкониятларини яратиш;

- умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика худудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур;

- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам



ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила - жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида Қамхўрлик қилишни биринчи ўринга кўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати - халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равақ топишининг асосий шартидир.

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши - биз кўзлаётган

олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

## **МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ**

Давлат мустақиллигига эришиш, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш Ўзбекистонга ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига киришнинг ўз йўллари ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворлигини белгилаш имконини берди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарт ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш - давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан биридир. Яккаҳоқимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди. Сўнги вақтларгача республикада шундай кадрлар тайёрлайдиган биронта ҳам институт йўқ эди.

Республика, унинг корхоналари тўғридан-тўғри ташқи алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш имкониятидан амалда маҳрум қилинган эдилар, ташқи савдо соҳасида Марказ яккаҳоқимлигининг қаттиқ таъйиқини доимо сезиб турардилар. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат иттифоқ идоралари амалга оширар эдилар. Республика табиий, хом ашё ресурслари ва етиштирган маҳсулоти қайққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди. Айни вақтда хорижий техника ва технологияни, халқ истеъмол молларини етказиб бериш борасида батамом қарам эди.

Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустақкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзида эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади.

Куйидаги асосий принциплар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига, уни амалга ошириш йўллари белгилашга негиз қилиб олинган.

Биринчиси. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунуш учун мустақил бўлгани йўқ.

Иккинчиси. Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, хужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги Халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчиси. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, бутун ташқи сиёсатда ҳам бизнинг шиоримиз - тенглар орасида тенг бўлиш, "катта оға"нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

Тўртинчиси. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очик-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчиси. Ўзининг миллий-ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига

кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади.

Ўзбекистоннинг ғоят хилма-хил давлат, тарихий, иқтисодий, маданий, миллий ва диний анъаналари, манфаатлари дипломатиямизнинг устувор йўналишларини танлаб олишга таъсир ўтказмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кераклигини қаттиқ туриб ёқламоқда.

МДҲ таркибида ўз мақсадимизга, яъни чинакам мустақилликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдўстлик ўзининг номига тўла-тўқис мос келиши лозим. МДҲ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви Ҳамдўстликнинг келажаги борлигини кўрсатди. Мустақил давлатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш йўллари биргаликда излашга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга интилиши сақланиб қолинган.

Бир қарашда қанчалик Қайритабiiй бўлиб кўринмасин, айна тўлақонли давлат мустақиллиги ҳозирги куннинг ғоят мушкул вазибаларини биргаликда, ҳамкорликда ҳал этиш ва Ҳамдўстликни ривожлантиришдан иборат табиий интилишни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги

иштирокини қуйидаги ҳолатлар белгилаб беради:

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ҳам ҳудудий, ҳам жаҳон миқёсидаги сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун эдилар. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро майдонда ҳам вазиятни чигаллаштиришга олиб келган бўлур эди.

2. Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас туғуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқда. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан тегишлича тўлдирмай узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шунга олиб келмоқда.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларда ҳали етарлича обрў-эътиборга эга эмаслар. Уларнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш учун вақт зарур. МДҲга аъзолик хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишни заррача ҳам чекламайди, дипломатия соҳасидаги фаоллигимизга эса салмоқ қўшиши аниқ.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида бошқа мустақил мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли

қуйидагилар таъминланмоқда:

- Бирлашган Қуролли Кучлар орқали миллий мудофаани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

- Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликларидан, технологиялари, телекоммуникациялар, космик алоқа воситаларидан баҳраманд бўлиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни, шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш, шунингдек, ўз маҳсулотини сотиш учун кенг қўламдаги бозорнинг мавжудлиги;

- транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб беришда имкониятнинг кенглиги;

- кескин экология муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш.

Ўзбекистон Ҳамдўстликдаги шериклар билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш ниятидадир.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала - суверен Россия билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир. Ўзимизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни белгилар эканмиз, шуни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон билан Россия собиқ Иттифок таркибида бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида, иқтисодиёт ва маданият соҳасида бир-бири билан чамбарчас боғланган бу алоқаларнинг илдизлари яна ҳам олисроқ ўтмишга бориб тақалади. Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажагига реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳамкорлигимизнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини ҳолисона эътироф этиш керак.

Оёққа мустаҳкам туриб олиш, иқтисодиётга жўшқин тус бериш, халқимиз ва ўлкамиздаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун ижтимоий-сиёсий барқарорлик, чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Республика ичкарисида куч-қудратимиз ишончли ва мустаҳкам бўлиши керак. Хонадонимизни авайлаб-асраш, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад ҳам зарур.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, тангликдан чиқиш йўлларини белгилашда ҳам ўзаро таъсир ғоят катта. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикага ҳаётий муҳим ресурслар - металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз етказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, хом ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб бераётган асосий республикадир.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан дўстликни сақлаб қолишни истаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Собиқ марказ билан эмас, балки айни Россия билан дўстликни сақлаб қолишни хоҳлашмоқда. Аслини олганда, Россия ҳам собиқ Иттифоқдаги бошқа республикалар каби мустақил эмас эди. У эндигина мустақил бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг тузилганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилади, ҳар иккала мустақил давлат халқларининг тўб манфаатларига мос келади.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф- одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган.

Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказиб турган бўлиб, баб-баравар мушкул аҳволда қолган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва мустақамлаш зарурлиги яхлит энергетика, транспорт, ирригация тармоқларидан, сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш шарт-шароитидан ҳам келиб чиқади. Минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида таркиб топган ички минтақавий кооперация ҳам шуни тақозо этади.

Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақалараро ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало мусулмон Шарқи мамлакатлари билан қўшма лойиҳаларни бирмунча муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга ҳам кўмаклашади.

Давлат мустақиллиги қарор топгандан кейин Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналарига кўра яқин бўлган Осиёдаги мусулмон Шарқига мансуб мамлакатлар билан бевосита мулоқот ўрнатиш имкониятини қўлга киритдилар.

Қондош-қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни юқори давлат даражасида мустақамлаш республиканинг ҳақиқатан ҳам тенг шерикчилик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида жаҳон хўжалик алоқалари тизимига киришига имкон беради. Биринчи навбатда Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилишимиз худди шу билан белгиланади.

Биз билан Туркия Жумҳурияти ўртасида айниқса яқин ва самарали муносабатлар таркиб топмоқда. Бу жумҳурият бизга амалий ёрдам бериш учун ҳозирдаёқ кўп иш қилди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги Шартнома, иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги Битим ҳамда бошқа аҳдлашувлар икки дўст давлат муносабатларида янги босқични очди. Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат



билан дин ўртасида уйқун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир. Ўзбекистон билан Туркия ўзаро манфаатдорликка асосланиб, газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли фойдали қазилмаларни қидириш, қазиб олиш ва фойдаланиш, кичик ва ўртача корхоналарни қуриш, кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, туризмни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ниятидадилар. Мунтазам ҳаво йўллари очиш, радио ва телевидение дастурларини ўзаро айирбошлаш муштарак маънавий илдизларга эга бўлган халқларнинг савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишларига, турмуш тарзларини яхшироқ билиб олишларига хизмат қилади.

Ўзбекистон бошқа мусулмон давлатлари билан ҳам ўзаро муносабатларни - шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштиришга интилоқда. Бу йўлда ҳам ҳозирдаёқ муайян силжишлар бор. Ўрта Осиёдаги мамлакатлар, Қозоғистон, Эрон, Покистон, Туркиянинг Ашгабат учрашуви яхши умид туғдирмоқда. Ана шу учрашув давомида Трансосиё темир йўл магистралини биргаликда қуриш тўғрисида ахдлашувга эришилди. Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистоннинг Жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига чиқиш йўлини очади, ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини танлашда ҳаракат эркинлигини анча оширади.

Араб мамлакатлари билан, аввало Саудия Арабистони билан қалин алоқалар ўрнатиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон халқи маданий ва диний меросдан баҳраманд бўлиш, савдо-сотик, туризмни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш имконини олди.

Ўзбекистоннинг Осиёдаги Хитой ва Ўиндистон каби буюк мамлакатлар билан ҳам муносабатлари самарали ривожланиб бормоқда. Ҳозирдаёқ савдо ва иқтисодий соҳалардаги битимлар имзоланди. Зарур ресурсларни, халқ истеъмоли молларини етказиб беришдан тортиб, меҳмонхоналар қуриш, соғлиқни сақлаш, доридармонлар ишлаб чиқариш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилишгача кенг

кўламдаги соҳалар ва тармоқларда жиддий ўзаро манфаатларнинг мавжудлиги шу муносабатларни чуқурлаштиришга кўмаклашади. Ўзбекистон билан Хитой ва Ўиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни эркин алмаштириладиган валютани жалб қилмай, клиринг асосида амалга ошириш мумкинлиги бу алоқаларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш - Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналишидир. Уларнинг иқтисодиётни янгилаш тажрибаси, ана шу давлатларнинг сармояларини ҳам техникавий қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлашга, ҳам саноатнинг илм-фанга асосланган тармоқларига жалб этиш республикамиз учун каттагина аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга қаратилган ёндашувларни белгилаб беради. Бизнинг минтақамиз халқлари Оврупо маданий олами билан мана икки ярим минг йилдирки ўзаро алоқа қилади. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Испания, Франция, Италия, бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

ўарб олами билан ҳамкорлик қилиш замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, табиий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш йўлини очади. Етук мутахассислар, айниқса банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашда, ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқалар ўрнатишда, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишда кўмаклашиш муҳимдир.

Ўзбекистон Шарқий Оврупо мамлакатлари билан собиқ Иттифок доирасида шаклланган алоқаларни узиб ташламоқчи эмас. Республика улар томонидан технологик асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, доридармонлар, озиқ-овқатлар ва бошқа товарлар етказиб берилишидан манфаатдордир. Шу билан бирга биз пахта толамиз ва бошқа ресурсларимиз бу мамлакатларнинг иқтисодиёти учун қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳам реал баҳолаймиз.

Иқтисодий омиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислох қилишга тўғри келади.

Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларнинг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади. Афсуски, бу қудратли имкониятлардан илгари асосан бутун собиқ Иттифоқ ва унинг Маркази манфаатлари йўлида фойдаланилди, холос.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устуворлик қуйидагиларга берилади:

- республиканинг экспорт имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ҳамда импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал ривожлантириш. Фурсати билан экспорт таркибини хом ашё ресурсларидан Ўзбекистон учун қулайроқ шаклларга: қишлоқ хўжалигининг қайта ишланган тайёр маҳсулотларини, енгил саноат ва кўп билим талаб қиладиган тармоқлар буюмларини экспорт қилиш томон чуқур қайта ўзгартиришни амалга ошириш керак бўлади. Таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазибаларини ҳал этиш учун республиканинг валютага бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда дастлабки пайтларда пахта, тола, линт, пилла, рангли металллар, капролактама, карбамид ва бошқа маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари сифатида сақланиб қолади;

- ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган сиёсат юритиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишида катта эркинлик бериш, ўз маҳсулотларини чет элда сотиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзлироқ тартибни жорий этиш;

- имтиёзли бошқарув ва солиқ тартибини вужудга келтириш йўли билан экспорт ишлаб чиқариш соҳасида корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

- хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб

қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- хорижий кредитлардан, экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ҳаёт учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олишда биринчи навбатда фойдаланиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш. Чет эл инвестициялари, экспорт ва импорт учун солиқлар тўғрисидаги қонунларга амалиёт тақозо этган тузатишлар ўз вақтида киритилди, республиканинг валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги, гаров ҳақидаги қонунларнинг, Божхона кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланди;

- дипломатия иши учун, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, банк тизимида ва бошқа янги ташкил этилаётган тузилмалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, Талабалар ва мутахассисларни чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида, хорижий фирмалар, банklar ва компанияларда ўқитишни ҳамда малака оширишларини ташкил этишни кенгайтириш;

- халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар - Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим, Овруро Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни ўтказиш;

- ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини - ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига жавоб берадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш. Чет элларда ўз савдо ва ахборот ваколатхоналарини очиш;

- ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш,

республика фуқаролари ва юридик шахсларининг маънавий мулкани ҳимоя қилиш учун халқаро битимларга қўшилиш. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтишни ташкил қилиш.

Мана шу йўналишларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйқунлаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Ташқи алоқаларни ривожлантиришда, шунингдек, бир қанча ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бизнинг ватандошларимиз катта ёрдам ва мадад бера олишлари мумкин. Чет эллардаги ўзбеклар хорижий савдо-саноат доираларининг намояндалари билан иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни йўлга қўйишда жонли боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи белгилаб қўйган. Бу эса "Буюк Ипак йўли" қабилидаги Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этишни республика ташқи сиёсатининг стратегик истиқболи сифатида олға суриш имконини беради.

## **ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚУРИШ - МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ**

Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат - Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.

Бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узок Марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, "кампаниялар" ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хомашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хомашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришга

мажбурдир.

Мавжуд корхоналарнинг техникавий даражаси, чиқариладиган маҳсулот сифати ишлаб чиқаришни замонавий ташкил этиш талабларига, жаҳон рақобатининг қаттиқ талабларига мос келмаётир. Амалда барча соҳаларда технология асбоб-ускуналари жисмонан ишдан чиққан, маънавий эскирган ва янгилашни талаб қилади. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта ва кўп жиҳатдан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар етказилди. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Бунинг устига илгариги бир томонлама қарорларга кўра қабул қилинган қайта қуриш тажрибаси барбод бўлганлиги оқибатида Иттифоқнинг барча собиқ республикалари узоқ иқтисодий инкирозга учради. Ёппасига пулнинг кадрсизланиши, турмушнинг қимматлашуви, бир вақтлар ягона бўлган молия, пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилиши Ўзбекистонни оғир аҳволга солиб қўйди. Ўз ички сиёсатимизни жуда ноқулай бошланқич шароитда қуришга тўғри келмоқда. Айни бир вақтда икки мураккаб масалани ҳал этиш - бир томондан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислоҳотлар ўтказиш, иккинчи томондан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистон ўтган йилларнинг оғир асоратини бартараф этиш, инкироздан чиқиб олиш, ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришиш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш имконини берадиган етарли имкониятларга эгадир.

Ички сиёсатнинг негизи - инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қилади.

Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқарувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг кучли оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-торож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.

Лекин жаҳон тажрибаси бошқа томондан ҳам сабоқ беради. Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатда силлиқ ва осон кечавермаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта янгилиги бўлур эди. Акс ҳолда, илгарилари бўлганидек, янги афсоналар домига тушиб қолиш, яна ҳафсала пир бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жинойтларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак.

Бозорга ўтиш муқаррар. Бу - давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситасидир. Илғор мамлакатларнинг тажрибасига кўра, фақат бозор муносабатларинигина

халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва равнақини ўстириш йўлида республика ишлаб чиқарувчи кучларидаги жуда катта имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаши мумкин. Вазифа шундан иборатки, ана шу жараёни юмшатиш учун уни аҳоли учун энг кам йўқотишлар билан амалга ошириш, ижтимоий ларзаларга йўл қўймаслик керак.

Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсати ҳам ўзимизнинг янгилашиш ва ижтимоий тараққиёт йўлимиз умумий принципларидан, ҳам ўзимизга хос хусусиятларимиздан келиб чиқади. Ўзимизга хос хусусиятлар деганда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Реал таркиб топган иқтисодий вазият, қўпчилик оилаларнинг турмуш даражаси пастлиги туфайли республикада бозорга ўтишнинг "шок терапияси" йўли номақбулдир. У амалда "терапиясиз шок" бўлиб қайтади, яъни таркиб топган барча тузилмалар, меъёрлар, алоқалар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батамом емирилади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган технология вақти омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ва ниҳоят, эҳтиёж ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган қонунлар кучга кирмас экан, қаттиқ ўрнашиб қолган тасаввурлар ва меъёрларни ўзгартиришга вақт керак бўлади.

Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан - босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундадир. Бир босқични тугатиб, зарур шарт-шароитлар яратиб бўлгандан кейингина янги босқичга ўтиш керак. Бунда ҳар бир босқичнинг ўз устуворликлари шаклланади. Уларни таъминлашнинг ўз механизми ишланади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаоллигига боғлиқдир.

Зарур шарт-шароитни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларининг



белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда ўтказиш қутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини куриш ғоясига путур етказади.

Айни вақтда, иқтисодий ислоҳотни татбиқ этишда, етилган ечимларни қабул қилишда сусткашлик ва кечикишга йўл қўйиш шусиз ҳам иқтисоддаги ва ижтимоий соҳадаги ўта оғир аҳволни мураккаблаштиради.

Энг муҳими, ҳамма бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни куриш - бу узоқ мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоғи керак. Кишиларнинг тафакқурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса муҳимдир. Фикрлашни қадам-бақадам ўзгартира бориб, амалда бошқа мамлакатларда юз йиллаб қурилган янги тизимнинг афзалликларига келамиз.

2. Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак.

Аҳолини ва, аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш қандай манбалар ҳисобидан таъминланиши мумкин? Миллий даромадни қайта тақсимлаш - давлат кўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг улуши баъзида 30-50 фоизга етади. Ижтимоий-маданий соҳага, илм-фанга, техникавий тараққиёт ва мудофаага ҳам маблағлар мана шунинг ҳисобидан таъминланади.

Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни қафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта куришни амалга ошириш,

ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин.

3. Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак. Ўтган йиллар иқтисодиёти ўта сиёсийлаштириб юборилган эди. Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатидан қоқоқлигига олиб келди. Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор. Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир. Шу билан бирга ҳозирги босқичда иқтисодий муаммоларни ҳал этишни асосий сиёсий мақсадга - мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш ҳаётий муҳим ва объектив заруриятдир.

4. Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйқунлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш - иқтисодиётимизни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Бу йўлни изчиллик билан ўтказиш ўтиш даврининг ҳар бир босқичида, унинг етилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, айти шу паллада қайси манфаатлар устун келишини белгилаб олишни талаб қилади.

Бугунги кунда жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик изига кўчириш вазифаларини ҳал этиш учун кучли мустақил давлат, унинг идоралари таркиби, ҳуқуқий асослари, муҳофаа ва миллий хавфсизлик тизимининг қарор топиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу босқичда давлат манфаатлари устун бўлиши керак. Фақат шундай қилингандагина ҳам ишбилармонларнинг манфаатларини, ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин.

5. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. Давлат, унинг ҳокимият

бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашидан четда бўлиши керак. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди. Давлатда, фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолади.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар - молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин.

## **МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ**

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар;

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қидринтларга содиқлигидир.

ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг назик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати адамини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир.

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. "Сен стим эмассан" — Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради. Ўша кезларда халқ шоири Ғафур Ғулом қуйидаги дардли сўзларини ёзган эди:

Сен стим эмассан,  
Тинчлан, жигарим,  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнатқаш, мушфиқ,  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор.

Хонадонимиз бошига ташвиш тушганда ва 1966 йил зилзиласи Тошкентни вайрон этганда уни қайта тиклашда ўзбекистонликларга қардош халқлар ёрдамга келдилар.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон 120 дан ортиқ халқ вакиллари учун ўз уйидек бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқига азиздир. Ҳозирги мураккаб вақтда ҳам ана шуларнинг ҳаммаси муқаддас хотира сифатида сақланиб, бизни Тарих ва Абдиёт олдида янада донороқ ва янада инсонийроқ қилмоқда.

Диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган Инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўндан-кўп мисоллар бор. Осийнинг қаъридан Яқин Шарққа, Оврупога ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли, бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуг аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улугворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда. Бизнинг халқимиз авлоддан-авлодга, аждодлар заминига чуқур меҳр қўйиб, ҳар доим яқин ва узоқ халқлар тақдирига бефарқ қарамаган. Янги замонда, бизнинг кунларда эса пойтахтимиз Тошкент энг муҳим давлатлараро мулоқотлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди, мамлакатлар ва халқларнинг ярашишига ёрдам берди. Жамоат арбоблари ва ёзувчиларнинг халқаро Тошкент учрашуви, фестиваллар ва илмий анжуманлар ҳар доим дўстлик ва маданиятнинг ёрқин тиласи бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг дунё кўз ўнгисидаги очиқлиги шундай бир серунум тупроқки, бизнинг маънавий имкониятларимиз унда тобора тезроқ унади, давлатларгина эмас, балки жамоатчиликнинг ҳам муттасил кенгайиб бораётган халқаро алоқаларига суянади. Бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. *Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади.*

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий-давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига ҳослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

онги, унинг ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади. У ёки бу ғоялар ёхуд муайян кучлар манфаати учун инсон қонини тўкишга, одамлар ўз фарзандлари ҳаётидан хавотирланиб яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон ер юзининг ҳамма минтақаларидаги барча қарама-қарши кучларни тинчликка даъват этиб келган ва ҳозир ҳам шунга даъват қилмоқда. Шуни эсда тутайликки, инсонларнинг ҳалок бўлиши энг эзгу ва ажойиб интилишларга хос бўлган инсонпарварлик мақсадларини қадрсизлантиради.

Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадрини билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полковлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзбекистон халқаро спорт ҳамжамиятида дадилик билан ўзини кўрсатмоқда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улуг тимсоли бўлган Олимпия ўйинларини ўтказишга тайёрмиз.

Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла,

## ИСЛОМ КАРИМОВ

соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар.

Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва "темир парда"дан халос бўлиб, биз умум-башарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонларварлиги чашмаларидан қадам-бақадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир.

*Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривож-лаштириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.* Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан бирга-ликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виж-

дон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандagina, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандagina маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир қадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор.

Маънавият — тақдирнинг оҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиялар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдирини муносиб давом этишга лойиқдир.

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиласа етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий



Ўз-Ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ва, энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратади. X — XII ва XIV — XVI асрларда Мовароуннаҳр маданияти гуллаб-яшнаган даврда бу ердаги кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари бўлиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда бу қутлуғ анъана тикланмоқда. Бизнинг халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш керак бўлади. Фақат ана ўшандагина Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлади.

*Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади.* Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустақамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

Шахс имкониятлари бизда жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Республикамызда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпдир. Бундай кишилар Ўзбекистоннинг XXI аср сари ташлаган қадамида бизларнинг кашшофларимиздир. Айнан

ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

Ўшалар жамиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг ўз кучига ишонч бахш этади.

Ўтказилаётган ислохотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойидлигини намойиш этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларини фойдали суратда қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-қувватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларини миққоллаб йиғади ва унга эга бўлади.

Каттаю кичик барча ҳаётий муаммоларни ҳал этишда пухталиқ, мулоҳазалилик бизнинг кишиларимизга хос хусусиятлардир. Бу — воҳалар ва чўлу саҳролар, Осиё маданият дунёси ишлаб чиқариш усулининг тажрибаси, Ислом фалсафаси, кўп миллатли жамият тажрибаси ва унга ташқаридан келтирилган инқилоблар тажрибасидир. Уларнинг барчаси кишиларга, янгиликка юз бураётганда аввал қўлга киритилганларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш имконини беради. Дастлаб янгини қуриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эса эскини барбод қилмасдан синаб кўрилганларни янгича қўллаш лозимдир.

*Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади.*

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустақамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодаларнинг номус-ориға, чуқур эҳтиромга, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт сеvimли халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳд устида она-Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш — бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди.

Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, орномуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик,

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустақкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустақкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради.

Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. У энг аввало ўз кучларига, ўзининг бой табиий, иқтисодий ресурсларига ишонади, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бойлик ва маданиятга ўз йўли билан келади. Улуғ келажак — олдинда. Ва у бизнинг — Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган муштарак ишимизга куч-қувват, ғайрат бахш этади.

*1992 йил*

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Узоқ-яқиндан келган биродарлар! Ҳурматли дўстлар!

Авваламбор, кўҳна Жиззах юртига ташриф буюрганингиз ва бугунги тантанادا қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорчилик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Биз атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг севили фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлаш учун мўътабар Жиззах заминига тўпландик. Бугун Ўзбек халқи, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Шароф Рашидов руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шу кунларга етказгани учун Аллоҳга минг қатла шукр дейишимиз керак.

Бугунги тантанани сўнгги йилларда она-Ватанимиз, жафокаш халқимизни мисли кўрилмаган тўхматлардан, иғво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимизга бир нуқта қўйиш кунини десак хато бўлмайди. Минглаб асоссиз жабрланганлар, уларнинг оҳу фарёд чеккан ота-оналари, муштилар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳаққи-ҳурмати, рўй-рост айтилик: бу кунни орзиқиб кутган эдик!

Бу кунни энг орзиқиб кутган, энг маҳтал бўлган — Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир! Минг афсуским, ул муборак зот шу кунларга ета олмади. Ҳаммамизнинг нијатимиз — руҳи поклари шод бўлсин.

Азиз дўстлар!

Ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

Бугун асрлар давомида эзилган, камситилган, шаъни ва гурури ерга топтадган эл-юртимизнинг эзгу ниятларига эришлик — мустақил давлат қуряёмиз. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувват то этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, гурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик.

Шу ўринда мен орамизда юрган айрим "кароматгўй"ларнинг бир фикрига мутлақо қўшилмаслигимни айтмоқчиман. Нима эмиш — гўё биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида, осонгина, ҳеч қандай курашсиз эришибмиз. Бунга фақатгина ўз тарихини билмаган ёки билишни истамаган, ёхуд уни ҳурмату писана қилмайдиган ва балки, очигини айтганда, маълум эгри сиёсий мақсадларни кўзлаётган аламзадалар айтиши мумкин.

Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифалари, синовларини эслайдик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бобаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг лаҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуг зотлар асос солганлар.

Бобохалонларимиз — имом Ал-Бухорий ва имом Ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуг бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қўрбон бўлган

минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган муътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланыпти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотига қайтмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга авлоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади.

Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулаир.

Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

Халқимиз руҳиятининг сарчашмаларидан бўлмиш қадимий ва навқирон Наврўз айёми, диний қадриятларимиздан бўлмиш Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити қайтадан ҳасти-мизга кириб келди. Бундай амалий қадамлар кишилари-мизда бугунги ва эртанги кунга, ҳокимиятга, раҳбарларга ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотди.

Сўнгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисоаларни нашрдан чиқардик. Урф-одатларимизни, миллий маросимларимизни кенг тарғиб этдик. Борлигимизни, бойлигимизни, қадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Ана шулар эвазига халқимизнинг қаддини ростлашга, ҳақиқий миллий гурурни тиклашга эришялмиз. Бунга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга бағишланган тантаналар яққол мисол бўла олади.

Халқимизнинг миллий онги, гурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда.

Истиқлол кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпгина ажлодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди.

Дақиқани абадиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади? Нега халқимиз уни давлат арбоби сифатида юксак эъзозлайди? Нима сабабдан ҳамма уни ёзувчи, шоир, инсон қалбининг зукко билимдони сифатида ардоқлайди?

Шароф Рашидов ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлигини тиккани учун!

Ҳақиқатан ҳам юрт соҳиби халқ гамини ўйлагувчи бўлса, Яратганнинг ўзи ҳам, қолаверса, халқ ҳам уни қўллайди, асрайди, тиклайди, эслайди.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун Шароф Рашидовнинг муборак айёми муносабати билан унинг сермазмун ҳаёт йўлига яна бир бор назар ташлаб ўтиш жоиздир.

Шароф Рашидов бундан 75 йил муқаддам ана шу сиз ва биз турган заминда — Жиззахда таваллуд топган эди.

Шароф Рашидов авлодларидан, отасидан мерос қилиб олган — барча ишда олдинда юриш, кундалик турмушда камтар бўлган ҳолда иш бобида талабчанлик, одамларнинг дардига малҳам бўлишдек ўзбексона фазилатларни умр бўйи қадрлади. Қишлоқдаги етти йиллик мактабда, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиганида ҳам, Ўзбек давлат университетида таҳсил кўрганида ҳам, талаба бўла туриб вилоят газетасида ишлаганида ҳам унинг мана шу фазилатлари намоён бўлган. Салоҳияти юксаклиги боис, университетнинг охириги курсида ўқиб турганида муҳаррирлик лавозимига кўтарилади.

Шароф Рашидовнинг дастлабки қадамлари билан танишар экансиз, унинг замондоқларини лол қолдирган қобилияти сабаблари аён бўлади, яъники олдинга интилган одамни ҳеч қанақа куч тўхташиб қололмайди.



## ИСЛОМ КАРИМОВ

1942 йили Шимоли-ғарбий фронтдаги ўқчи бригаданинг йигирма беш яшар сиёсий раҳбари Шароф Рашидов жангда оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади. Ўттиз ёшида "Қизил Ўзбекистон" газетасига муҳаррир этиб тайинланади. Республика журналисти учун бу лавозим — олий чўққи эди.

Шароф Рашидов ёзувчи сифатида ҳам жуда тез халқ эътиборини қозонди. Ўзбекистон адиблари уни Ёзувчилар уюммаси бошқарувининг раиси этиб сайлашади.

Шароф Рашидов ўттиз уч ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлади. Собиқ СССР тарихида бундай ёш раҳбар, олий ҳокимият эгаси бўлмаган. Аммо Рашидовнинг тақдиридаги асосий поғона ҳали олдинда эди. У 1959 йилда ўша даврнинг энг юқори лавозими — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охиригача сабот ва матонат билан ишлади. Республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. Бу йиллар тарихнинг ўзига хос мураккаб даври эди.

Дўстлар, биродарлар!

Шароф Рашидов ҳақида гапириш, бу кўп қиррали инсон ҳаёти ва фаолиятини ифодалаш — гоёят масъулиятли иш.

Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов даври ва унинг шахси ҳали тарихчилар, олимлар ва ижодкорлар томонидан пухта ўрганилади. Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади.

Минг афсуски, ҳақиқат кечикиб келадиган вақтлар ҳам бўлади. Аммо ниждонли оламлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охираг сўроғидан қўрқини керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, ҳаёлидан чиқармаслиги лозим.

Ўтмишни бўяш ва безашнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан кўз юмганидан кейин, умр бўйи ҳимоя этган тузуми унга хиёнат қилди. Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум йўқки, инсон қадрини бу қадар беобрў қилса! Бугун кўкларга кўтариб, эртасига ер билан яқсон этса! Рашидов нафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти кескин сустлашди, ҳатто кўп

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

қолларда бутунлай тўхтаб ҳам қолди. Буни қўққисдан кириб келган "қайта қуриш", мамлакатдаги умумий иқтисодий танглик билан ҳам изоҳлаш мумкин, албатта. Лекин шуни ҳам тан олишимиз керакки, маълум даражада республикамиз ва унинг жафокаш халқи бошига тушган бу кулфат обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг ҳам натижаси бўлди. Чунки ҳокимиятни узоқни кўролмайдиган, енгил табиат, иродасиз, фақат ўзини ўйлайдиган, нафса берилган шахслар эгаллаб олди.

Ҳақиқий раҳбарсиз қолган республика халқи собиқ марказдаги сиёсий қиморбозликнинг қурбони бўлди. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккор ниятлари натижасида Ўзбекистон тарихда кўрилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Бу сиёсатни татбиқ этган "доҳий"лар ва сиёсатчилар ҳозир ҳам тарих измига қарши дўқ-пўписа қилиб юрибдилар. Лекин, келинлар, ҳақиқатнинг юзига тик қарайлик. Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдида бош оғар эканмиз, ўзимиздан очиқчасига сўрайлик: нима учун ўзбек халқининг энг яхши сифатлари ўзгаларга таҳқирлатиб қўйилди? Қора ниятли кимсаларнинг мақсади шундоқ ҳам кўриниб турмаганмиди?!

Ҳақиқат эгилса эгиладики, синмайди. Ўзбекистон халқи Шароф Рашидов ўзининг муносиб фарзанди эканини исботлай олди ва шу билан бирга ўзининг ҳам иззат-нафси, ғурурини ҳимоя қила билди.

Агар сотқинлик юз бермаганида халқнинг обрў-эътиборига ҳеч ким раҳна сола олмас эди. Кўпгина собиқ раҳбарлар лавозимдан, имтиёзлардан ажралиб қолишдан кўрқиб, ўз юртининг, ўз устози, етакчисининг шаънини ҳимоя қилиш ўрнига, халққа мурожаат этиш ўрнига ўзлари ҳам бир кун келиб худди шундай қурбон бўлишларини асло ўйламай рўй-рост хиёнат қилдилар.

Шароф Рашидов номини лбадийлаштиришни илтимос қилган раҳбарларнинг, орадан сал вақт ўтмай, айнан ўзлари қабул қилган қарорни бекор қилганликлари ҳақидаги ҳужжатларни ўқиганда уятдан ларзага тушади киши. Улар мисли кўрилмаган шаккоклик билан марҳум хотирасини таҳқирладилар, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. "Шароф Рашидовчилик" деган иборани ўйлаб чиқардилар. Лекин, қайтар

дунё деганларидек, ўзлари бу шаккокликнинг жазосини тортдилар, ўзлари сиғинган одамлардан баттар таҳқир, камситиш ва хўрлик кўрдилар.

Халқимизда қасдқашлик, айниқса, мағлуб ва марҳумлардан ўч олиш олати йўқ. Аммо бу сабоқни унутиб бўлмайди. Агар минг-минглаб одам бу хиёнатнинг қурбони бўлмаганида, гуноҳсиз бўла туриб қамоқ азоби ва шармандалигини тортмаганида, бутун халқ шаъни ерга урилиб, бадномлик балчиғига беланмаганида сотқинлар тўғрисида гапириб ўтиришнинг кераги йўқ эди. Уларнинг ҳар бири ўз жазосини олган. Аммо халқ чеккан азобни, у мубтало қилинган балоларни унутиб бўлмайди. Агарки, шундай мусибатлар бошимизга бошқа тушмасин десак, тарихимизни ҳеч унутмаслигимиз лозим.

Шароф Рашидовни талабалик йилларидан буён билган, бирга ишлаган, унинг тарбиясини кўрган, унинг кўмағида мансаб пиллапояларидан кўтарилган барча мунофиқлар, хоинларнинг номини айтиб ўтириш шарт эмас. Мунофиқликнинг шу даражага етиб борганини қарангки, уларнинг айримлари бугун ўзларини қайтадан Рашидовга дўст қилиб кўрсатяптилар, айримлари ҳатто хотиралар битяптилар. Буларнинг барчаси уларнинг виждонига ҳавола. Аммо улар шу нарсани билиб қўйсинларки, халқ бор ҳақиқатни билади, у ҳеч нарсани унутгани йўқ.

Бугун Шароф Рашидовнинг номи хўжаликлар, районлар, шоҳқўчаларга қайтариб берилмоқда. Бу нарсалар илгариги даврлардагидек "халқ номидан" эмас, балки табиий, астойдиллик билан амалга оширилмоқда.

Халқ, айрим арбоблардан фарқли ўлароқ, Шароф Рашидовнинг шахси хусусида ҳеч қачон хато фикрга бормаган. Меҳнатқаш, виждонли халқ ўзи тўғрисида ёмон фикрга бормаганидек, суюкли раҳбари тўғрисида ҳам ёмон фикрга боролмас эди.

Халқ шуҳратпараст, мансабпараст, ялоқхўрлардан фарқли равишда, Шароф Рашидовнинг китобларидан унинг қалбини кўра оларди. Чунки унинг қалби халқ қалби билан бир эди. Шу туфайли халқ қалбига қулоқ солган киши Шароф Рашидов қалбини тўла англаши мумкин.

Агар биз Шароф Рашидовдаги серқирра қобилиятни давлат арбоби ва ёзувчи сифатида алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, унинг хизмат поғоналаридаги юксак,

тезкор парвозини ҳеч қачон тушуна олмаймиз. Чунки унда бу қобилиятларнинг барчаси уйғунлашган, бир бутунликни ташкил этган эди.

Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли, ўз халқи сингари барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теран тафаккури ҳамда билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам ҳайратда қолдирар эди. Унинг ижодий истеъдоди ҳам кўп қиррали эди — шоир, ношир, публицист сифатида яратган асарлари бу жанрлардаги ҳар қандай асарлар билан беллаша олади.

Шунинг учун ҳам унинг ижодини таҳлил қилганда бир томонлама ёндашувдан, майдалаштиришдан қочиш керак.

Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, авваламбор, ўша давр зиддиятлари хусусида гапириш керак. Бу мураккаб шахс бир тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан — марказдан келган, туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур. Унинг умри сандон билан болга ўртасига қўйилган эди, деб айтсак ҳам асло муболаға бўлмайди.

Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди. У ўз халқининг ортасини ва келажагини ҳаммадан кўпроқ ўйларди.

Энг оғир шароитларда ҳам Шароф Рашидов халқига фарзандлик бурчини қўлдан келганича адо этди. Марказдан келган буйруқларни юмшатишга, юртимиз ободонлиги учун пул ва маблағ ундиришга ҳаракат қилди. (Ҳаёт, сиёсат, давлат бошқаруви у даврда шундай тартибда қўйилган эдики, ўзимиздан — Ўзбекистонимиз тупроғидан олинадиган бойликларни — маблағларни марказдан яна ўзимиз ялиниб сўраб олишга мажбур эдик.)

Республикадаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектларнинг қурилиши Шароф аканинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Мирзақўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод ва Макрид чўлларининг ўзлаштирилиши Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар қўриқ ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг жой олиши аслида узоқни ўйлаб иш тутиш натижаси эди. Кечаги чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилмоқда.

## ИСЛОМ КАРИМОВ

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон хари-тасида Навоий ва Зарафшон, Янгийер ва Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар барпо этилди. Республиканинг ҳамма жойида қурилиш ва ободончилик ишларини кенг миқёслар-да олиб бориш, ишлаб чиқариш кучларини рағнақ топти-риш ҳақида у киши тинимсиз қайғулар эди.

Ўзбекистоннинг ҳамма бурчаги, ҳамма элати Шароф Рашидов учун бирдай ардоқли эди. Бироқ Шароф Рашидов Тошкент халқи ва Тошкент шаҳри учун алоҳида меҳр-муҳаббатга сазовор. Тошкентни Шарқнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш Шароф Рашидовнинг орзуси эди. Тошкентнинг ҳар бир улкан қурилиши, осмонўпар бино-лари, меҳмонхоналари, хиёбонлари Шароф Рашидовнинг назарида турар эди. Халқимиз Шароф Рашидовни ҳақли равишда Тошкентнинг бош меъмори деб атайти. Бу айниқса Тошкент zilzilасидан кейин янада ёрқинроқ на-моё, бўлди Тошкент ер ости қасри — метроси учун биз бири-авбатда Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олди. Унинг эъзими бажо қиламиз.

Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари беқийёсдир. Жаҳонда "Тошкент руҳи" сифатида машҳур бўлган тушун-ча Шароф Рашидовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Бу — жумла учун ушбу тупроғида таваллуд топган халқаро ҳаракатдир.

Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тинч-лик сулҳини Тошкентда имзолаганини эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Шароф ака одамларнинг кўнглини яхши билган. Чўпон билан гаплашадими, ишчи билан гаплашадими ёнги деҳқон даласидан хабар оладими, уларнинг барчасига ўзига яраша гап топиб, қалбига йўл топа билган.

Шароф ака ҳар йили пахтакорлар қурултойида нутқ сўзлар эди. Бу нутқни кўпчилик соғиниб кутар эди. Қурултой ўзбек тилида ўтарди ва раҳматли Шароф ака деҳқонлар билан шундай сода ва самимий тилда сўзлашар эдики, турли мажлис ва йиғинларда бошқа тилда гапир-вериб, она тилини ҳаддан ташқари соғингани сезилиб қоларди.

ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Ўта зиёли оилада тарбия топган. Ўзи пухта тарбия кўргани сабабли фарзандларига ҳам гоят пухта сабоқ берган.

Мансабдор шахслар фарзандларининг тарбиясизлиги ҳақида ҳар хил гап юради. Бу гапларнинг кўпчилиги ҳақиқат бўлади. Аммо биз Шароф аканинг оиласи ва фарзандлари ҳақида бирор огиз ёмон сўз эшитганимиз йўқ. Уларга оталарининг қони ва жони билан ўтган камтаринлик ва камсуқумлик хислатлари учун раҳмат айтиш керак, деб ўйлайман.

Бундай деяётганимнинг боиси шуки, Шароф ака таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор чиққанидан кейин етти ёт бегона кимсалар ҳам у киши ҳақида мақолалар ёзиб, ўзларини Рашидовга дахлдор қилиб кўрсатишга улгурди. Аммо у кишининг фарзандлари, ўғил ва қизларидан бирортаси, мен ўша одамнинг фарзандиман, ёки бўлмаса, отамизнинг номи ноҳақ топталган эди деб мақтангани ёки таъна қилгани йўқ.

Ахир, бу инсонлар оталари билан ҳар қандай фахр этишса ёки оталарининг қадрига етмагани учун одабдан ҳар қанча гина қилишса арзирди. Аммо бундай қилишмади. Шу тариқа ўзларининг майда-чуйда гаплардан устун эканликларини яна бир марта кўрсатишди.

Қадрли дўстлар!

Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодга яатта мерос қолдирди. Бу мероснинг моҳияти — Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, лоқиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Ҳар бир инсон ўз ички дунёси, табиати, тарбияси, фикрлаш даражасида яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф аканинг маънавияти, тафакқури ва кўп қиррали, самарали амалиётнинг уйғунлиги ҳаммамизга ибратдир.

Биз Шароф Рашидов фаришта эди демоқчи эмасмиз. Беайб — парвардигор, дейдилар. У кишининг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлган. Лекин шахсан бир нарсага ишончим комил: Шароф Рашидов улкан давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистонни ўйлаган, ўз халқининг истиқболини ўйлаган.

Рашидов — ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо эт-

ган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган.

Мен, республика Президенти, бундан бир неча ой муқаддам, Шароф Рашидов юбилейини у кишининг ўзига ўхшаган камтарона қилиб ўтказайлик, деган таклиф киритганим бежиз эмас. Юбилей тараддуди Шароф Рашидов шахсига сизгинишга айланиб кетмаслиги керак, деган ҳам мен эдим. Эски мълмурий-буйруқбоалик жамияти қолдирган сарқитларни яхши билганим учун ҳам айтган эдим бу гапларни.

Шўролар даярида бизга юққан энг ёмон иллат шуки, раҳбар кишиларни тириклигида осмон қадар баланд кўтариб, ўлганидан кейин тепкилашга ўргандик. Шўролар даври бизларга раҳбар шахсларга илоҳий зотлар деб қарашни тарғиб этди. Агар шу иллатдан қутулсак, раҳбарларни ҳам эл орасида юрган одамнинг бири, ҳамма қатори, шу Ватан номи, тузини еб катта бўлган киши деб қарасак, ўзаро меҳру оқибат хийла кучайган бўлур эди.

Мансиб курсисига миниб, оёғи ердан узилган раҳбарларни жуда кўп кўрдик. Дўстларини, қон-қардошларини, охир-оқибатда она-Ватанини унутган раҳбарларни ҳам учратдик. Умуман, агар ўтган 74 йиллик шўролар даврини эслаб кўрсак, юрти ва халқини ўйлайдиган кишиларнинг умри ва меҳнати доим ҳам рўёбга чиқавермас экан.

Ўз халқини ўйлаб, ўзга халқнинг иродасини бажаришга мажбур бўлган кишининг аччиқ тақдири Шароф Рашидовнинг ҳам бошига тушган эди.

Биз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилиб, халқ иродасини яна бир бор амалга оширганимизни кўриб турибмиз. Бу юбилейни ўтказишдан мақсадимиз, авваламбор, шу улғу зотнинг қарийб 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини тагин бир бор эътироф этиш, унинг ҳалол ва покиза номини авлодлар олдида тиклаш эди, деб айта оламан.

Биз раҳматли Шароф Рашидов номи асил ҳолига тикланганидан беҳад мамнунмиз. Биз унинг руҳи олдида, халқимиз олдида ва адолат олдида қарздор эдик. Биз Шароф Рашидов ҳақиқатини айтишда халқимиз иродасига суяниб иш тутдик ва бу йўлда адашмадик. Халқ баҳоси —

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

энг одил баҳо. Халқимиз эса Шароф Рашидов номини доимо бошида кўтариб, энг оғир кунларда ҳам ерга қўймай, эъозлаб келмоқда.

Азиз дўстлар! Муҳтарам меҳмонлар! Шу тантана муносабати билан элимиз ва юртимиз учун хулосалар чиқариб олишимиз керак.

**Биринчидан,** Шароф Рашидовни ёмонотлиқ қилишдан мақсад фақатгина давлат арбоби ва ёзувчини бадном этиш эмас, балки шу баҳона бутун бир мамлакатни, халқни бадном этиш эди. Ғанимлар бу мақсадларига қисман эришдилар ҳам. "Ўзбек иши", "Пахта иши" деб аталган уйдирмаларга маълум муддат ичида бошқа халқларни ишонтиришнинг ҳам уддасидан чиқдилар. Аммо ёлгоннинг умри кўпга чўзилмади. Дунё аҳли ўзбек халқининг аслида ким ва нималарга қодир эканини бугунги кунда рўй-рост кўриб турибди.

Биз бугун Шароф Рашидов номини оқлар эканмиз, бу ишга бутун халқимиз номини поклашдек улуг бир ишнинг камгарона, аммо узвий бир қисми деб қараш керак.

**Иккинчидан,** халқни бадном қилишда бизнинг ғанимларимиз жуда усталик билан йўл туттишди. Бошқача айтганда, "сопини ўзидан чиқаришди". Ўзбек халқи ичидан чиққан, шу халқнинг нон-тузини еб катта бўлган рақобатлар ва бошқа кишиларнинг қўли билан иш кўрилди. Бу каби қабихиятнинг яна бир тарафи шуки, шу тариқа миллатимизни икки ва қатто учга парчалаб юбормоқчи эдилар. Хайриятки, биз бу нарсани олдиндан пайқаб қолдик. Миллат фарзандларини оқ-қорага ажратмадик. Айбдор химсаларни қулоғидан тортиб ёруғ жойга чиқардик, аммо қасос ҳуқуқини Аллоҳнинг измига бағишладик.

Яқин ўтмиш бизга берган учинчи сабоқ шуки, биз эски мутелик иллатидан иложи бор қадар тезроқ қутулиш чорасини кўришимиз зарур экан.

**Тўртинчидан,** бугун, истиқлол шабадаси эсаётган пайтларда, халқимизни, Ватанимизни беғоналар ҳукмига ташлаб қўймаймиз. Одамларимизнинг тақдири оқибатига ўзимиз жавобгармиз, деган ҳақиқатни янада теранроқ англамоғимиз даркор.

**Бешинчидан,** 80-йиллар қатағонларида қаддини букмаган, тухматчиларга бош эгмаган, ўзи ва халқи шаънини қаттиқ туриб ҳимоя этган кишиларга таъзим-ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этамиз. Мана шу минбардан туриб.



эл-юрти, халқи ва замини пок номини сақлаш учун курашган жасур инсонларга тасанно айтмоқчиман. Бундай мардларнинг номини, сиймоларини тарихчиларимиз, адабиёт, матбуотимиз келажак авлодларимиз учун абадийлаштириб қолдиришлари керак, деб ўйлайман.

Олтинчидан, сўз ва иш бирлигимиз, виждон амри, тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан бу дунёда адолат борлигига ёшларимизни ишонтирайлик.

Ва ниҳоят, Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик. Номини келажак авлодлар учун тиклайлик. Тарих учун сақлайлик. Шу билан бирга ўз яқинларини, халқини, мамлакатини таҳқирлаганлар, бўхтонлар ёғдирганлар ўзининг муносиб баҳосини олсин ва тарихда ўз ўрнини билсин. Шундай қилсак, мустақил давлат тузиш йўлида ўзбек халқи учун хос бўлган фазилатларни яна бир бор мустаҳкамлаган бўламиз. Бобокалонларимиз, қадимий авлодларимиз хотираси, руҳлари ва келажак авлодлар ҳурмати, масъулияти олдида бошқача бўлиши мумкин эмас. Ўзбек халқининг истиғи ҳам шундай.

Сўнги йиллар сабоғи шундан иборатки, биз турли ўткнчи нарсалардан довдираб қолмаслигимиз, инсоний қадр-қимматимизни йўқотмаслигимиз лозим. Чунки дунё халқлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бундай таназзул ва депрессияларни деярли барча миллатлар турли даврларда турфа ҳолатда бошларидан кечирганлар. Ижтимоий тўфонлардан бирлик ва аҳиллик билан чиққан халқлар кескин тараққиётга юз бурганлар.

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Эндиги вазифа — миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг яқдиллигини таъминлашдан иборат. Эндиги вазифа — Ватан равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиладиган меҳнатимиз меvasи четга кетмайди, балки шу юртнинг келажаги, фарзандларимиз бахт-саодати учун хизмат қилади.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан

бирига айланган (бунга ишончим комил) ҳур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади.

Ана шу муборак тарихда Шароф Рашидовнинг ҳам қутлуғ номи ҳурмат ва ғурур билан тилга олинади.

\* \* \*

Азиз дўстлар!

Бугунги анжуманимизда иштирок этиб, Шароф Рашидов шаънига, унинг оиласи, юрти ва умуман ўзбек халқи шаънига яхши сўзларни айтган, сидқидилдан олижаноб тилаклари ва иззат-эҳтиромларини изҳор этган биродарларимизга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Шу нарсани қувонч билан эътироф этмоқчиманки, Шароф Рашидов номини тиклаш билан биргаликда, энг аввало, ўзбек халқининг пок номи ва баланд обрўсини тиклаш мақсадимиз эди. Бугун биз шунга эришдик. Бугун Шароф Рашидов шаънига, унинг оиласи шаънига айтилган барча яхши гапларни бутун ўзбек халқи шаънига айтилди, деб ҳисоблайман.

Рашидов номини оқлаш, юзага чиқариш ва шу орқали адолатни қарор топтириш осонликча бўлмади. Ўзбек халқи ва унинг буюк фарзанди номини янада қайтадан юксалтириш йўлида бўлган курашларда жонбозлик кўрсатган кишиларга, керак бўлса, ҳаётини фидо этган кишиларга раҳматлар айтмоқчиман.

Яқин ўтмишда ўзбек халқи бошига тушган мусибатлар ҳақида сўз кетар экан, биринчи навбатда уйдирма ва бўҳтонлар туфайли бевосита жабр чеккан минглаб ватандошларимизни, уларнинг оилалари ва қариндош-уруғларини доимо назарда тутамиз. Уларнинг чеккан азобларини ҳаммамиз биламиз ва уларга ҳамдардлик билдирамиз. Бугун мен барчангизга яна бир бор мурожаат этиб, ноҳақ жабр чеккан кишиларга кўпроқ эътибор бериш ва меҳр кўргазишга даъват этмоқчиман.

Ноҳақ туҳмат ва маломатлар келтирган балои офатларни мен ўз кўзим билан кўрганман. Қашқадарёда ишлаб юриб, неча-неча уйлардан нон-туз татиганман. Оиласида ўн-ўн беш жон бўла туриб, ноҳақ туҳмат билан озодликдан жудо бўлган одамларнинг тақдирини

бир ўйлаб кўринг. Улар орасида сабр-қаноат билан юриб, машаққатларга дош берганлари ҳам, умидини йўқотиб, адолат бор эканига ишонмай қўйганлари ҳам бор эди. Замон ўтиб, адолатсизликка қарши курашишда бу инсонларнинг барчаси бизга яқиндан ёрдам бердилар. Менимча, яқин ўтмишда собиқ тузумдан жабр кўрган шу каби юзлаб олижаноб инсонларни ҳар доим, жумладан, бугун ҳам ослашимиз шарт.

Тан олиш керакки, адолатсизлик қурбони бўлган ватандошларимизнинг пок номларини тиклаш борасида ҳали анча-мунча ишлар қилишимиз керак. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қара, ҳам фарз деб ўйлайман.

Мен Жиззах юрти ва эли ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Албатта, бугун ўзбек халқи — битта халқ, ягона халқ. Аммо ҳар бир вилоят ёки музофотни алоҳида олиб қарасак, уларнинг ўзларига хос сифатлари ва фазилатлари яққол кўринади. Биз Жиззах эли вакиллари билан илгари ҳам кўп учрашгандик. Ҳақиқатни аниқлаш ва юзага чиқаришда улардан фикр олганмиз.

Бошқа вилоятлар аҳлини асло камситмоқчи эмасман. Бошқа элатларга меҳру муҳаббатимни билдириб, бир нарсани таъкидламоқчиманки, Шароф ака шу жойда таваллуд топгани боис Жиззах эли кўпроқ жабр чекди. Аммо Жиззах халқи ҳақиқат учун, ўз фарзанди Шароф Рашидов номини қайта тиклаш учун ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатганини тан олмаслик асло мумкин эмас.

Биз барчамиз, ўзбек халқи фарзандлари, оғир синовларда ўзаро бирлашиб, аҳил бўлиб, қўлни-қўлга бериб, слкадош бўлиб, ҳақиқат учун курашда чиниқдик. Энди бу халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Ишонтириб айтаман, биродарлар, энди қаро кунлар орқада қолди. Ўзбек халқи — улуг халқ. Ўзбек халқининг бисоти ҳам катта. Биз нафақат ўзимизни, бошқаларни ҳам боқишга қурбимиз етади. Бошқаларга ёрдам беришга, бошқалар билан тенга-тенг ҳамкорлик қилишга қодирмиз.

Бизнинг йўлимиз — холисона йўл. Ўз кучимизга ишониб, ўз бойлигимиз ва имкониятларимиз билан, минг йиллик маданиятимиз ва тарихимизга, ўтган буюк алло-маларимизнинг руҳи покларига таяниб иш юритмоқдамиз.

Бугун мен ишонч билан айта оламанки, танлаган йўлимиз тўғри ва энг маъқул йўл. Энди бу йўлдан — мус-

## ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

тақиллик ва озодлик йўлидан бизни ҳеч ким қайтара олмайди. Шу йўлдан борсак, халқимиз муродига етади, асрий орзуларимиз ижобат бўлади.

Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши изларига муносиб ворислар тайёрлайди. Бугун мамнуният билан айтиш мумкинки, биз яна бир олижаноб ишни охирига етказдик ва фарзандларимиз учун яна бир ибратли намуна ҳозирладик. Келажак авлод вакиллари бугунги кунни эслаб, ҳақиқатни тиклаш ва барқарор этиш сабоғини олишларига шак-шубҳа йўқ.

Бугунги кун, ҳақиқат ва адолат тикланган кун халқимизнинг нечоғли кучи ва маънавий қудрати бор эканини яна бир бор яққол намойиш этди.

Ошиқча қарсақбозликнинг кераги йўқ, азиз дўстлар. Унинг ўрнига бугунги кунда гоёт долзарб бўлиб турган яна бир масала хусусида фикрлашиб олайлик.

Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, деган нақл бор. Қўлда бут бўлиб турган бахтнинг қадрини инсон ҳар доим ҳам сезавермайди. Вақт ўтиб, бошига иш тушганида тушунади. Тинчлик ва осойишталик қадрини яқинлардан жудо бўлган чоғда чуқурроқ англаймиз. Ёнимизда юрган тенгдошларимиз ёки ғанимат бўлиб турган мўйсафидларимиз қадрини ҳам, минг афсуски, жуда кеч, вақт бой берилган пайтда тушуниб етамиз.

Бировга бир оғиз ширин сўз айтмоқ ёки бир лаҳзалик зўтибор кўрсатмоқ кишидан катта нарса талаб этмайди. Келинлар, биродарлар, оқибатлироқ бўлайлик. Тирикларнинг иззатини жойида сақлаб, ўтганларнинг охирати обод бўлишини тилайлик.

Боягина шу залда Тожикистондан келган Абдуғофур отанинг гапларини эшитдик. У киши айтган гапларнинг барчасини ҳам тушуниб, ҳар биримиз юрагимиздан ўтказдикми? У киши Тожикистондаги фожиа ҳақида қаттиқ қайғуриб, юраги қон бўлиб гапирдилар. Уйлаб кўринлар, Тожикистонда бир ярим миллион ўзбек яшайди, улар — ўз миллатимиз, тожиклар ҳам бизга бегона эмас, ўз қардошларимиз, туғишганларимиз. Бугун Тожикистон халқи бошига оғир мусибат тушди. Энди уларнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади?

## ИСЛОМ КАРИМОВ

Эсингизда бўлса, бундан ярим йил ва ҳатто бир йил олдин биз бугун бўлаётган фожиалардан огоҳ отган эдик. Афсуски, фожианинг олди олинмади. Тожиқ халқи — қадимий халқ. Тарихи ва маданияти ғоят бой халқ. Агар бу халқ парчаланиб кетса — энг катта тарихий гуноҳ шу бўлади. Аллоҳ таоло бунинг учун бизни асло кечирмайди.

Азиз биродарлар!

Юрагимда йиғилиб юрган, айтсам ҳам ҳеч адо бўлмайдиган аламли бир нидо борки, уни яна бир бор такрор айтмасликнинг иложи йўқдир. Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоғлик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Аллоҳга шукрона айтмоқ жоиздир.

Гумроҳликдан оғир гуноҳ йўқ. Халқ жипслиги учун ҳар қанча хизмат отсак, шахсий фароғатдан воз кечсак арзийди. Мен сизларни шунга ишонтирмоқчиман, азиз дўстлар.

Илгари бу гапни айтмаган эдим. Аммо бугун сўзламоқ пайти келди. Майли, айтаман. Маккага сафар қилган чоғимизда. Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимнинг бугуни ва келажагини бер, дея худога илтижо қиладим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар оҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат — Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатулло зиёратида улуғ бир рамаз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига имон келтирдим.

Мен бугун шу буюк ишончимга тенг шерик бўлинглар, дея даъват этаман, азиз ватандошларим! Шу ишонч кўнглимизда қўрғон янглиғ қад кўтарар экан, инонингки, бизнинг куч-қудратимиз минг чандон ошажак!

Бу буюк ишонч бизга Ўзбекистонда, нафақат Ўзбекистонда, балки буткул кўҳна Туркистонда тинчлик ва осойишталикни сақлашда бизга мадад бергуси. (Узлуксиз қарсаклар.)

Қарсакбезликка, боя айтганимдек, мутлақо қарши эдим-у, аммо бу гал ўзим ҳам қарсак чалишга ихтиёр сезяпман, азиз дўстлар! Ҳар бир оила, ҳар бир хонадоннинг тинчлигини сақлай билсак, марра — бизники. Жуда оддий, аммо энг улуғ вазифа аслида шу ўзи. Барча

ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

оқсоқолларимизни, фахрийларимизни, диндорларимизни, масжидларда хизмат қилаётган муътабар имомларимизни ҳам шунга даъват этсак. Юртимиз аҳлини бирлаштиришда уларга сидқидилдан ёрдам берсак, ўзбек халқи ёруғ кунларга шунчалик тезроқ етажак!

Билиб қўйинглар, бир-икки йил ўтиб, ўзимизни ўнгласак, слкамизга офтоб тегса, ўшанда Ўзбекистон ўзининг неларга қодир эканини дунёга намойиш этади!

Илоё, шундай чоғларга тус-тугал, сафларимиз тўкис бўлиб ётайлик. Бу йўлда Аллоҳ таолонинг ўзи бизларга мадад берсин!

*Шароф Рашидов таваллудининг  
75 йиллигига бағишланган  
таътиланада сўзланган нутқ,  
1992 йил ноябрь*

## ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ассалому алайкум, халқ ноиблари!

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Олий Кенгашимизнинг бу машварати йил охирига - қиш кираётган пайтга тўғри келди. Халқимиз, меҳнат аҳлимиз барча соҳаларда муносиб ғалаба ва ютуқлар билан йилни яқунляпти.

Ушбу анжуманда кўпчилик қишлоқ хўжалик ходимлари, фаолияти қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган ноиблар ўтиришибди. Бу йил қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда оғир келди. Аммо табиат инжиқликларига қарамай деҳқонларимиз тер тўкиб, муносиб ҳосил етиштирдилар.

Имкониятдан фойдаланиб, сизларга, мухтарам халқ ноиблари, сиз орқали барча деҳқон аҳлига ўз миннатдорчилигимни, ўз меҳримни изҳор этмоқчиман. Қўлингиз дард кўрмасин!

Мухтарам ноиблар!

Мустақиллигимизнинг бир йиллигини яқиндагина нишонладик. Албатта, бир йил дегани абадиёт дунёсида бир дақиқа каби қисқа фурсатдир. Аммо, сарҳисоб этадиган бўлсак, шу бир йил ичида республикамызда қанчадан-қанча воқеалар юз берди!

Асосий мавзуга ўтишдан олдин, ҳаётимиздаги ҳозирги даврга хос баъзи бир хусусиятлар, кадриятлар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман.

Авваламбор, шуни таъкидламоғимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юртдошларимизнинг, халқимизнинг савиясида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, энг аввало, сиёсий савияга тегишли гап. Истиклол туфайли кишиларимизнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабати шаклланиб борапти. Шуни очик айтишимиз зарур: илгари бутун собиқ СССР харитасини қамраб олган Ватан туйғусини онгимизга сингдириш тамойили кучли эди.

Бугун эса Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда

бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этипти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.

Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди.

Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилганидан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз кадр-қимматимизни теранроқ англай бошладик.

Бугун биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда иғволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик.

Бугун биз бир нарсани аниқ биламиз: вақти-соати келиб, Ўзбекистон давлати росмана куч-қудрат касб этади. Ўз бойлигига, ўзига хос ва ғоят мукамал ҳамда буюк давлат тизимига эга бўлади.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Таъкид этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу - танланган йўлга ишончимиз. Бу - халқнинг улуғ мақсадимизга ишонгани.

Халқимизга қуруқ ваъдалар эмас, балки аниқ режалар керак. Бемалол айтиш мумкинки, Сиз билан биз чиқарган қонунлар ва фармонларда асосли имкониятлар ва аниқ бажарса бўладиган режалар ўз ифодасини топди.

Ҳаётимизни айрим собиқ иттифокдош республикалар - бугунги янги мустақил давлатлар ҳаёти билан қиёсласак, бизнинг халқимиз митингбозлик, дабдабазликка берилмасдан, тинч, қадам-бақадам яратувчилик фаолияти билан банд эканини кўрамиз. Ишчи - дастгоҳ ёнида, деҳқон - далада, врач - шифохонада, муаллим - синфхонада, хуллас, ҳар ким ўз жойида меҳнат қиляпти. Бу меҳнатнинг кўзга ташланиб турган қувончли натижалари беқиёсдир.

Кишиларга томорқа ва уй-жой қуришга ер теккани, аҳолини газ, сув билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни олинг, булар аниқ натижалар эмасми?

Ишнинг кўзини билган, касбига моҳир кишиларда келажакка ишонч пайдо бўляпти. Меҳнатимизнинг меваси кўриняпти.



Бундан тўрт-беш йил олдин пахтадан безганимизни ким эсламайди? Бунинг сабаблари нимада эди?

Асосий сабаби шуки, ўзбек пахтасини кимдир қаёққадир олиб бориб, қайсидир нархда кимгадир сотиш пайида бўларди. Бир эътибор беринг-а, қанчалар мавҳум бу гаплар! "Кимдир", "қаёққадир", "кимгадир" ва "қайсидир"- яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган савдолар ана шу сўзларда ўз ифодасини топган эди. Биз меҳнатимиз мевасидан ўзимиз баҳраманд бўлолмасдик.

Бугун нафақат меҳнатга, балки меҳнатимизнинг натижасига ҳам ўзимиз эга бўляпмиз. Ўзбек халқи ўз пахтасини ўзи сотиб, фойдасини ҳам ўзи оляпти ва шу тариқа кўзи очилапти.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-хуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади. Такрор бўлса-да, айтиш керак: Наврўз тиклангани, хайитлар тиклангани жуда савобли ишлар бўлди.

Миллий, маънавий қадриятларни юксалтириш борасида биз барча билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ўеч қайси ижтимоий тоифа бу ишдан четга суриб қўйилгани йўқ.

Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатибларимиз бизга яқиндан ёрдам бераптилар. Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоклардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам уйқун этган ҳолда, биз жумҳуриятимизда бугунги энг катта бойликни - тинчликни барқарор этишга эришдик.

"Ўзбекчилик" деган олижаноб тушунча борки, буни айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар. Ўзбекчилик - миллатчилик дегани эмас. Баъзи ифвогарлар "Каримов халқни миллатчилик йўлига бошламоқда" деган фикс-фужурларни тарқатиб юрганидан хабарим бор. Йўқ, Каримов ҳам, у суянган халқ ҳам

миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бизнинг олий мақсадимиз - мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади - ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади.

Худога минг қатла шукрки, ўзбекларимизнинг бошқа халқларга муносабати ижобийдир. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган.

Истиклолга эришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди. Маълумки, тазйиқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазйиқ ва таҳқирдан қутулган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучига ишонган ва ўзгаларга ҳамдард бўла олишга қодир эркин халқмиз.

Бизнинг кўнглимиз кўтарилганининг боиси шуки, халқимиз жипслашиб, бир-биримизга меҳрли, оқибатли бўла бошладик. Шу нарса бизга умид, ишонч ва куч бағишламоқда, тинч-тотув ҳаётга асос бўлмоқда.

Бу жипслик сабаблари ҳаммамизга маълум. Аммо яна бир жиҳат борки, уни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Биз янги ҳаёт қуриш учун бел боғладик, бироқ ўтмишга маломат тошларини отмадик. Халқимизнинг ўтмишга тош отиш - гуноҳи азим, деган асл ақидасини ёдда тутдик.

"Сен - коммунист", "сен - диндор", "сен - кофир" деган каби ўртага рахна солувчи маломатлар бўлмади. Билардики, биз ҳаммамиз эски замондан ўсиб чиққанмиз. Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш - ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баробар эканини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик.

Тўғри, "шунча одам қамалди", "шунча одам партиядан ўчди" деб Московга мақтаниб ҳисобот берган баъзи бир кимсаларнинг қилмишларини унутганимиз йўқ. Аммо, гапнинг рости, уларга ҳам кек сақламадик.

Биз кўрган чора-тадбирлардан асосийси шуки, яхши одамлар хор бўлишига йўл қўйилмади. Бадном этилган кўп минглаб кишиларнинг

пок номлари тикланди. Бунга мисол этиб - Ўзбекистонга кўп йиллар хизмат қилган, халқимизнинг атоқли фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаганимизни эслаш кифоя.

Хурматли халқ ноиблари!

Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир.

Бу жараён Ўзбекистонда ҳозирдаёқ бошланиб кетди. Республиканинг Олий Кенгаши чиқарган қонунларга таянган ҳолда шу жараённинг ҳуқуқий негизи яратилди. Республиканинг барча фуқаролари ва корхоналарига ташаббус ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун тенг имкониятлар берилган. Бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш таъминланмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида қатъиян воз кечиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир.

Бозор тармоқлари мажмуини шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув органларидан мустақил бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоғи вужудга келтирилди. Давлат моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ этилди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар-хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди. Дастлабки холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик хизматлари, юридик ташкилотлар, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган мутахассислар тайёрловчи марказлар пайдо бўлди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари яратилди ва бу жараёнлар бошланди. Натижада 1991-92 йиллар мобайнида давлат объектларидан икки мингга яқини бошқа мулкчилик шаклларига айлантилди, шулардан тахминан 600 таси хусусий мулк қилиб, 70 таси жамоа мулки қилиб берилди, 80 таси - сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага топшилди, 200 тадан кўпроқ иншоот акционерларга

берилди.

Давлатга ва идораларга қарашли уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёни жадал давом этмоқда. Ҳозиргача 200 мингтадан зиёдроқ квартира фуқароларга текинга берилди ёки аҳоли томонидан сотиб олинди.

Саноатда, қурилишда, савдо-сотикда, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида салкам 200 минг кишини бирлаштирган мингдан ортик ижара корхонаси ишлаб турибди. Ҳозир ишлаётган кооперативлар сони 4 мингтадан ошиб кетди, уларда 70 мингдан зиёд киши иш билан банд. Саноатда ҳозирнинг ўзидаёқ 200 тадан кўпроқ, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида эса салкам 400 та хусусий корхона мавжуд. Хусусий тадбиркорлик соҳасида 30 мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг деҳқончилик соҳасида ҳам бозор муносабатлари тобора авж олиб бормоқда. Фермер (деҳқон) хўжалиklarини ривожлантириш ва шахсий томорқа участкалари майдонларини кенгайтириш мақсадида жамоат секторидан салкам 700 минг гектар ер аҳолига топширилди.

Давлатга қарашли бўлмаган сектор республика иқтисодиётида тобора сезиларли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳосил қилинган миллий даромадда бу секторнинг улуши ҳозирдаёқ бир хиссадан кўпроқни ташкил этмоқда.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган тузилмасини тубдан ўзгартириш бошлаб юборилди ва корхоналарнинг ўзига кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Аксарият тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Уларнинг негизида хўжалик уюшмалари, концернлар ташкил қилинди, катта корпорациялар тузилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналарни рўйхатга олиш жараёни анча содалаштирилди. Ҳозирги вақтда республикада жаҳоннинг 45 мамлакатидан ўз сармояси билан иштирок этаётган 460 корхона рўйхатга олинган.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқилган коидаларга мувофиқ

катъий равишда, яъни босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бунда "шок терапияси" усуллари мустасно қилиниб, давлат имкониятлари ҳисобидан одамларни, айниқса, аҳолининг ижтимоий ночор табақалари: етим-есирлар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронларни, ёлғиз оналар ва камбағал оилаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича олдиндан чоралар кўриб борилмоқда.

Йил мобайнида нархлар эркин белгиланиши натижасида даромадлари аниқ қилиб қўйилган шахсларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнатга тўланадиган ҳақ ва нафақаларнинг энг оз миқдорини ўзгартириш юзасидан бир неча марта қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда иш ҳақи ва нафақанинг солиқ олинмайдиган энг оз миқдори собиқ Иттифок республикалари ўртасида энг юқоридир.

Молиявий маблағлар чекланган бўлишига қарамай, бошланқич синфларнинг ўқувчилари учун бепул нонуштани сақлаб қолиш, мактаб ўқувчилари ва талабалар овқатланиши учун харажатларнинг ярмини қоплаш маъқул деб топилди. Аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескинликни йўқотиш учун энг муҳим молларни белгиланган нархлар бўйича маълум миқдорда бериш, халқ истеъмоли молларини купонлар бўйича сотиш, маҳсулотни республика ташқарисига маълум рухсатнома - лицензияга мувофиқ олиб чиқиб кетиш тартиби жорий этилди.

Валюта тушумининг талайгина қисми чет эллардан озиқ-овқат ва дори-дармон харид қилишга сарфланди. 1992 йилда доннинг ўзидангина 3,2 миллион тонна харид қилинди: 40,5 минг тонна гўшт сотиб олинди. Мана шуларнинг ҳаммаси ички бозорнинг ҳолатига ижобий таъсир ўтказди, аҳоли турмуш тарзининг кескин ёмонлашувига йўл қўймади.

Хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш тамойили изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Давлат буюртмаси тизимини тугатиш ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида парранда, тухум, асал, шифобахш ўтлар, деярли барча турдаги мевалар ҳамда бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашга давлат буюртмаси бекор қилинди. Сабзавотчиликда давлат буюртмаси етиштирилган ҳосил ҳажмининг

50 фоизгача камайтирилди. Хўжаликларга давлатга топшириладиган пахта толаси, гўшт, сут, донли экинларнинг 15 фоизини ва пилланинг 25 фоизини шартномавий (эркин) нархларда сотиш ҳуқуқи берилди.

Давлат иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш воситалари - нархлар, солиқ ва кредит сиёсатидан янада фаолроқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Амалда барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари бир неча марта қайтадан кўриб чиқилди. Кейинги йилларда пахта нархининг ўзигина 9 баробар ошди.

Ўзбекистонда қарор топаётган очиқ-ойдинлик ва тенг ҳуқуқли шериклик қоидаларига асосланган ташқи сиёсатни халқаро жамоатчилик ва энг катта молиявий, банк тузилмалари фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Йил мобайнида етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг, йирик хорижий фирмалар ва банкларнинг вакиллари вужудга келган вазиятни ва ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш мақсадида бир неча марта республикамызда бўлдилар. Ўзбекистоннинг Жаҳон валюта фондига, Жаҳон банкига, Европа тиклаш ва тараққиёт банкига қабул қилингани ана шу ишнинг якуни бўлди. Республикамызда Жаҳон банкининг доимий ваколатхонаси иш бошлади. Яқин вақт ичида Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг ваколатхонаси ҳам очилади.

Республиканинг Халқаро молия корпорациясига, Халқаро меҳнат ташкилотига, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларга аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги масалалар ҳал қилинди. Ўзбекистон ёрдам кўрсатиш объекти сифатида Европа тараққиёт ва ҳамкорлик қўмитасининг рўйхатига киритилди. Жаҳондаги 24 тараққий этган мамлакат ана шу қўмитанинг аъзосидир. Зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва технология ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистонга кредит йўлларини очиш тўғрисида ҳукуматлараро қарорлар қабул қилинди. Қўшма корхоналар барпо этиш, чет эл банкларининг бўлимларини очиш тўғрисида кўпгина фирмалар билан шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон хорижий сармоядорларни бой имкониятлари билангина эмас, балки:

- авваламбор, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги;

- иқтисодий тараққиёт истикболларининг аниқ-равшанлиги;
- республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги;
- хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари билан ҳам ўзига жалб этмоқда.

Аmmo шуни қайта-қайта таъкидлаш керакки, чет эл сармояси Ўзбекистонга келишининг асосий шarti республикамиздаги барқарорликдир.

Азиз дўстлар! Ҳаммамизга яхши аёнки, Ўзбекистонда янгиланиш ва иқтисодий ислохотлар жараёни тоталитар тузум емирилиши, Иттифоқ парчаланиши, хўжалик алоқаларининг узилиши сабабли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Барча собиқ иттифоқдош республикаларда иқтисодий танглик чуқурлашди, ишлаб чиқариш кескин пасайиб, пул тобора қадрсизланмоқда. Бир қанча минтақаларда миллатлараро муносабатлар кескинлашгач, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилмоқда, юз минглаб, эҳтимолки, миллионлаб кишилар бошпанасиз қолмоқдалар.

Илгари яхлит халқ хўжалиги мажмуининг бир қисми бўлган ва марказнинг иқтисодиётни фақат хом ашё билан таъминлаш сиёсати оқибатининг салбий таъсирини бошдан кечираётган Ўзбекистон ҳозир ҳам бошқа республикалар билан хўжалик муносабатлари орқали чамбарчас боғлангандир. Бундай муносабатларни рублнинг қадри тўхтовсиз тушиб кетаётган шароитда ҳам унинг минтақаси доирасида давом эттиришга мажбурмиз.

Республика ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун хом ашё, ёқилғи, ускуна ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотлари - дон, қанд-шакар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни, шунингдек, халқ истеъмоли молларининг кўп хилларини четдан олиб келишга мажбурдир. Бунда у ҳар гал нархларни тўхтовсиз ошириб бораётган монополиячиларнинг оғир шартларига дуч келмоқда.

Шу боисдан корхоналарнинг ва умуман республиканинг молиявий аҳволи ҳамон кескинлигича қолмоқда. Бюджет имкониятлари анча чекланган. Давлат бюджети йил охирида

талайгина камомад билан яқунланади.

Бундай шароитда салбий жараёнларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини камайтириш, танг вазиятдан чиқиш шарт-шароитларини вужудга келтиришга қаратилган амалий чоратадбирлар кўрилмоқда.

Республикада барқарорлаштириш борасида кўрилаётган чоратадбирлар, иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида нарх-навонинг кескин ўсишига ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинмоқда.

Бу йил республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 9 фоиз камайиши кутиляпти. Бу, албатта, салбий натижа. Аммо йилни яқунлаётган бошқа жумхуриятлардаги аҳволга назар ташласак, кўп нарса аён бўлади. Масалан, бу кўрсаткич Россияда 22 фоиз, Қозоғистонда - 16 фоиз, Туркменистонда - 24 фоиз камайиши кутиляпти.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, республикада бу йил нефть қазиб чиқариш, газ, енгил саноат тармоқларида ва асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга йўналтирилган ҳамда ташқаридан етказиб бериладиган хом ашёга камроқ қарам бўлган бошқа баъзи тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан кўпаяди.

Бинокорлик материаллари саноатининг, озиқ-овқат саноати корхоналарининг иши бирмунча барқарорлашяпти.

**Муҳтарам халқ ноиблари!**

Айтилган гаплар якунида шуни таъкидлаш мумкинки, янгиланган жамиятни барпо этиш йўлида бошланқич босқичдан ўтилди. Тоталитар тузумдан, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида демократик жамиятга ва бозор муносабатларига ўтиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Республиканинг қишлоқлари ва шаҳарларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни, осойишталикни таъминлаш учун ҳамма ишлар қилинмоқда.

Республика ташқи дунёга юз тутиб, яққаланиш исқанжасидан халос бўлди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги амалда таъминланмоқда. Республикада рўёбга чиқарилаётган ислохотларнинг



ҳуқуқий негизи яратилди, бу эса ана шу ислохотларга муқаррар тус беради.

Олдинда ҳали кўп муоммолар бор. Республика учун, унинг халқи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча катта-катта вазифаларни ҳал этиш лозимдир.

Мустақил давлат сифатида биз аввало ўз кучимизга таянишимиз зарур. Агар биз яқин вақт ичида кишиларнинг аҳволини ҳақиқатан яхшилашни, уларга ишонч бағишлашни, республиканинг қудратини мустаҳкамлашни истар эканмиз, мавжуд моддий, молиявий ва сармоя имкониятларини ақл-фаросат билан тасарруф этишимиз шарт. Бор ҳақиқат шундан иборатки, биз ҳамма ишга бир вақтнинг ўзида, бир йўла киришишга, муаммоларнинг ҳаммасини бирваракай ечишга ҳозирча қодир эмасмиз.

Шуни ҳисобга олиб, биз 1993 ва ундан кейинги йилларнинг истиқболини кўзлаётган бир пайтда, биринчи навбатда ҳал бўладиган ва халқ хўжалигимизни оғир аҳволдан тараққиёт ва раванқ йўлига чиқарадиган энг муҳим муаммоларни ечиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Давлат сиёсатининг эътибори ва кучи ана шу йўналишларга жалб этилган.

Ушбу дастурнинг айрим муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайман.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ҳаракатларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини сақлайди. Негаки, ҳозирги пайтда айни мана шу соҳада ғоят катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятларни ишга солиб, биз аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлашни яхшилаш билан бирга, одамларни иш билан банд қилиш, қишлоқ аҳолиси катта қисмининг ёлчиб яшаши имконини топамиз.

Қишлоқ миллий бойлигимизнинг муҳим манбаидир. Бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир.

Энг аввало, қишлоқ хўжалиги билан саноат маҳсулоти нархлари ўртасидаги мувозанатни тиклаш зарур бўлади. Харид нархлари жаҳон

даражасига етказилгунча муттасил ошириб борилади.

Мавжуд сармоялар ҳам қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш биз учун асосий йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истикболимиздан маҳрум бўламиз. 1993 йилда 15-20 минг гектар янги ер ўзлаштиришимиз керак. Янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш орқали ҳосилдорликни ошириш учун маблағ топишга бутун чоралар билан ёрдам берамиз. Шундай қилиб ва замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан республикада асосий экинлардан иқлим шароитлари айнан ўхшаш мамлакатлардагидан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз.

Давлат томонидан ёрдам берилмаса, қишлоқнинг оёққа туриши амримаҳол. Бунда гап 1993 йилга мўлжалланган маблағлар тўғрисидагина бораётгани йўқ. Биринчи навбатда бу - қишлоқдаги ислохотларни қизқин қўллаб-қувватлаш, давлат мулкчилигини жамоа мулкчилигига айлантириш, хўжалик юритишнинг кооператив шакллари бутун чоралар билан ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада мустақамлаш, уларни зарур кредитлар, техника, минерал ўғит, ем-хашак, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш демакдир. Бу - деҳқонларнинг манфаатларини, уларнинг нимани экиш, ўз маҳсулотини қимга ва қандай нархда сотиш кераклигини мустақил белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш демакдир.

Давлат республиканинг донга, қанд-шакар ва бошқа қимматли маҳсулотга бўлган ғоят катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, уларни етиштириш ҳажмларини оширишни, шундай экин майдонларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириб бораверади.

Яна бир ниҳоятда муҳим ишимиз - аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ҳимоя қилиш. Бу масала асло пайсалга солиб бўлмайдиган энг асосий вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Сессияда фаолиятимизнинг мана шу йўналишини халқимизга бозор сари олиб борадиган бош йўли деб эълон қилиш мумкин. Ижтимоий муҳофаза қилиш воситасини такомиллаштириш лозим бўлади. Бу воситани ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириб, нарх-навонинг ўсишига ва пулнинг қадрсизланишига тезда мувофиқ ҳолга

кела оладиган қилиш керак. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражаси турли иқтисодий ва ижтимоий ларзаларнинг таъсиридан пухта ҳимояланган, қафолатланган бўлсин. Кишиларнинг ижтимоий қафолатларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўядиган аниқ-равшан қонунлар ва янги норматив ҳужжатлар қабул қилиш керак.

Бунинг маъноси шуки, нафақа билан таъминлаш, талабаларга, кўп болали ва камбағал оилаларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситаси ва давлат қафолатлари орқали ҳам, турли хайрия жамғармалари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам сақлаб турилиши, уларга мадад берилиши мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа - соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий кадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда бу тармоқларни қатъий қўллаб-қувватлаш, шу соҳаларда ишлаётган кишилар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиш, моддий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Яқин истиқболдаги энг муҳим муаммо - халқ хўжалигимизнинг ички тузилишини ўзгартиришдир.

Тоталитар тузум оқибати, унинг бутунлай издан чиққан бир тарафлама иқтисодиёти республикада ҳали талай вақт ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради.

Шу кунгача халқ хўжалигининг деярли барча тармоғида тугал бўлмаган ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллаб келди. Унинг технологияси хом ашёни дастлабки қайта ишлаш босқичида узилиб, асосан чала маҳсулот ишлаб чиқаришдан нари ўтмайди. Тайёр, аниқроғи, товар маҳсулот берадиган тармоқлар - энг заиф бўғиндир.

Мантиққа зид манзара вужудга келади. Республика жуда катта миқдорда ва моддий харажатлар қилиб, ер ости бойликларининг

улкан захираларини сарф этиб қимматбаҳо кишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиради-ю, асосан улгуржи нархларда фақат хом ашё сотади. Фойда, бюджет тушумлари тарзидаги мўмай даромад эса мамлакатимиз ташқарисида қолади.

Бунга анчагина мисоллар келтириш мумкин. Нитрон, капролактам, кимёвий толалар ишлаб чиқаришни, тўқимачилик маҳсулотини ҳамда қора, рангли ва асл металллар ишлаб чиқаришни шулар жумласига киритиш мумкин. Умуман иқтисодиётимиз қанчалик издан чиққанини ва ночор бўлганини кўрсатувчи аниқ далиллар эмасми булар? Собиқ марказ Ўзбекистонни, бутун Ўрта Осиёни хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолиш мақсадида ўтказиб келган сиёсатнинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ўзирча республика беҳисоб хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш, ташиш ва сотиш учун зарур қувватларга, замонавий технологияга эга эмас. Ҳолбуки, айти ана шу хом ашё - республиканинг, ўзбек халқининг бойлиги ва фаровонлик манбаидир.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикамизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин.

**Муҳтарам ноиблар!**

Навбатдаги муҳим масалага ўтмоқчиман. Республика тараққиётда асосан ўзининг кучларига таянишга мажбур эканини назарда тутадиган бўлсак, барча муаммоларимизни ҳал этиш учун яхши негиз, дастлабки сармоя зарур.

Шу муносабат билан бугунги кунда халқ ҳаётини таъминлайдиган энг муҳим тармоқларни ривожлантиришга асосий эътибор беришни турмушнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунончи: кончилик - нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмассалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш кўламларини кенгайтириш орқали республиканинг мазкур тармоқлари маҳсулотига

бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, валюта тушумларини кўпайтириш, хорижий сармояларни жалб этиш мумкин бўлади.

Геологик ва қидирув ишларининг натижалари, ғоят мўл минерал бойликларнинг жойлашиш шароитлари кўпгина хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмакда. Улар бу соҳадаги ишларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёр эканликларини билдирмакдалар. Айти шу тармоқлар республиканинг мустақиллигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларини келгусида жадал ривожлантириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш - Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини ошириш масаласи. Бир вақтлар Иттифоқда Ўзбекистон четга маҳсулот чиқариш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринни эгаллар эди. Тўғри, бу улушнинг катта қисми пахта экспортига тўғри келарди. Экспортнинг бундай йўналишини сақлаб қолиш биз учун мақбул эмас.

Бир ҳолни чуқур англашимиз керак: четга бу қадар кўп пахта сотиш республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат ривожини кўзланган даражага етгунча давом этиши мумкин. Биз барча тараққий топган ва маърифатли мамлакатлар каби пахта билан эмас, аввало, тайёр маҳсулот билан савдо қилишимиз зарур.

Табий савол туғилиши мумкин: бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми? Ҳа, бор. Бунинг учун биз, даставвал, қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига - авваламбор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илғор технология билан жиҳозланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши даркор. Республиканинг ўзидагина эмас, жаҳон бозор талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга доир махсус дастурни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим, деб

ўйлайман.

Биз бу ишда иккита принципга қатъий амал қиламиз.

Биринчиси: бирорта корхона, бирорта идора чет элда сотиладиган ва қатъий валюта тарзида даромад келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқармаса, хорижий сармоя олмаслиги керак.

Иккинчи принцип: илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор. Бу гап маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган барча корхоналарга тааллуқлидир.

Шундагина биз жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғлиқ бўлган очиқ иқтисодиётни барпо эта оламиз. Республиканинг имкониятларига ва куч-қудратига қизиқиш жуда катта. Шу боисдан, агар биз ана шу имкониятдан тўғри фойдалана олмасак, Қирт аҳмоқона иш бўлади. Ўзбекистоннинг келажаги - экспорт имкониятини ривожлантиришдан иборат, деган шиор республика барча ватанпарварлари учун мақбулдир.

Ҳурматли ноиблар!

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар - тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятини ривожлантирмай туриб маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, бугун биз сиёсатимизнинг мана шу йўналиши энг заиф бўғин эканини эътироф этишга мажбурмиз.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: молия ва кредит бозори, солиқлар тартиби ҳали тўла кучга киргани йўқ. Корхона ва ташкилотлар ҳамон давлатдан маблағ олишга кўз тикмоқдалар. Тижорат банклари асосан марказий банкдан олинаётган кредитлар билан иш кўрмоқда. Уларнинг ўз кредит маблағи жуда кам. Бу, энг аввало, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкига, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига ва ўзларини тижорат банклари деб ҳисоблаётган бошқа банкларга тааллуқлидир.

Давлатнинг ва корхонанинг маблағлари алоҳида-алоҳида бўлиши керак. Корхоналар ўз маблағига ёки тижорат банклари берадиган қарзга умид боғлашлари лозим. Бюджет маблағларидан фақат энг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳа, янги таркибий йўналишлар эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланиш қоида тусига кириши керак. Ҳозир банklar сармоя сарфлаш дастурларининг ташкилотчиларидан бири, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларнинг кафили бўлиши зарур. Давлат энг зарур ҳоллардагина корхоналарнинг, ташкилотлар, тижорат банкларининг фаолиятига қисман аралашиши мумкин.

Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига ғоят каттиқ эътибор бериб, уни такомиллаштириш лозим. Бидамизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айти пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур.

Солиқларнинг миқдорларини турли йўллар билан ошира бориш давлатга ва жамиятга наф келтирмаслигини ҳам англаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Солиқлар даромадларнинг бир қисмигагина солиниши айти вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулот ҳамда молларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқаришга интилаётган ташкилотларни ва кишиларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириши ҳам лозим.

Юртимизнинг истиқболи - бозор хизмат тармоқларини шакллантириш билан, келгусида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яққаҳокимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни, яъни кўпчилик саноат корхоналарини акционерларга бериш лозим. Шу билан бирга маиший хизмат, маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини хусусийлаштиришни жуда тезлаштириш керак. Давлат хусусий мулкни барча қонунлар ва ўз нуфузи кучи билан ҳимоя қилади, бу эса янги Конституция лойиҳасида ёзиб қўйилган.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, рублнинг қадри пасайиб кетаётгани

сабабли турмушимизда кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Мутахассислар Россияда ишлаб чиқариш ёппасига сусайиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайиб, товар ресурслари қисқариб бориши натижасида пул янада қадрсизланади, деб тахмин қилмоқдалар. Россиянинг экспорт имкониятлари жуда қисқариши ва валюта тушумлари камайиши бунга асоратли таъсир қилиши мумкин.

Биз Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан узвий боғланганмиз. Табиийки, рублнинг қадрсизланиши, унинг харид қобилияти пасайиши Ўзбекистондаги аҳволга ҳам салбий таъсир қиляпти, албатта.

Бир қарашда, бундай вазиятдан қутулишнинг энг оддий йўли ўз пулимизни чиқариш, рубль зонасини тарк этишдир. Бироқ бу муҳим ишда "етти ўлчаб, бир кес" деган халқ мақолига амал қилишимиз лозим, деб ўйлайман. Ҳар қандай пухта ўйланмаган қадам илгари қилинган барча ишларни чиппакка чиқариши, бизни бехосдан ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйиши мумкин. Буни ҳеч ким унутмаслиги зарур.

Шуни айтиш лозимки, биз ўз пулимизни чиқаришга техникавий жиҳатдан тайёрмиз. Бу борада ҳеч қандай сир йўқ. Ҳозирдаёқ биз ўз пулимизга эгамиз. Бироқ бу ишни амалга оширган Украина, Болтиқбўйи давлатларининг тажрибаси муаммога вазминли ёндашув ва узокни ўйлаб иш кўриш зарурлигига бизда яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Хўш, ўз миллий пулимизни жорий этишимизга нима тўсқинлик қилмоқда? Рубль зонасида қолишимизга нима мажбур этмоқда? Бунинг кўпгина сабаблари бор.

Авваламбор, республика, маълум сабабларга кўра, аҳолига зарур молларнинг деярли 60 фоизини ҳозирча ташқаридан келтираётганлиги бунинг энг асосий сабабидир. Мен бунда керакли озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари билан бирга ёқилғи, техника, асбоб-ускуналар ва ёғоч-тахта тўғрисида гапирмаяпман. Буларнинг ҳаммаси четдан келтирилади. Биз барча собиқ иттифоқдош республикалар билан савдо-сотикда салбий балансга эгамиз. Яъни четга сотадиган маҳсулотимиз республикага олиб келинаётган моллардан анча кам.



Табиий савол туғилади: рублдан бугун воз кечсак, эртага олиб келинаётган молларнинг ҳисоб-китоби қандай бўлади? Ўзимизнинг миллий пулимиз - сўмимизнинг харид кучи етмаса, қайси ҳисобдан керакли маҳсулотларни четдан сотиб оламиз? Ҳозирча бу табиий саволларга жавоб топиш осон иш эмас.

Маълумки, ўз миллий пулимиз республика маҳсулот билан таъминлангандагина ўзининг муайян кучига ва нуфузига эга бўлади. Бу пулга нимадир харид қилиш мумкин бўлсагина у ўз қиймати ва харид қобилиятига эга бўлади. Акс ҳолда, у шунчаки қоғозга айланиб қолаверади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлай олмайди ва шу боисдан ҳам биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам бор. Миллий пул олтин захираси билангина эмас, айти пайтда эркин савдо муносабатида қатъий валюта билан етарли даражада мустаҳкамланиши ҳам зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни четга сотишимиз натижасидагина келиши мумкин. Бунинг учун биринчи галда маҳсулотимиз рақобатга бардошли бўлиши керак. Бизда бундай имконият борми? Афсуски, ҳозирча йўқ. Биз корхоналарнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Шарқий Германия бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўйлашимизча, у социалистик мамлакатлар орасида энг ривожланган, иқтисодиётнинг бирмунча такомиллашган тузилмасига эга бўлган ва тайёр маҳсулот устунлик қилган мамлакат эди. У ўарбий Германия билан бирлашгандан кейин ҳар йили шарқий ўлканинг, яъни собиқ ГДРнинг техникавий даражасини юксалтириш, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ГФР қарийб 100 миллиард марка маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда собиқ ГДРнинг кўпгина корхоналари ишламаяпти, ишсизлар сони кундан-кун ўсиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 20-30 фоизини ташкил этмоқда. Мутахассислар у юртда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун камида 10 йил керак бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

Ўзбекистоннинг ўз пулини жорий этишга тўсқинлик қилаётган

бошқа кўпгина сабаблар тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Бироқ мен куйидагиларни айтиш билан чекланаман: бизнинг жуғрофий мавқеимизни, ишлаб чиқаришимиз таркиби, унинг техника билан жиҳозланиши даражаси, четга мол чиқариш ва четдан мол келтиришнинг таркиб топган нисбати, ишлаб чиқарилаётган молларнинг турлари ва сифатини назарда тутганда, ўз пулимизнинг барқарор бўлиши ҳақида гапириш ҳозирча эртароқ. Вақти келиб биз ўз миллий пулимизни жорий этамиз. Бироқ бу пул ўзининг салмоғига эга бўлади, мустаҳкам тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда аҳоли ва шерикларимизнинг ишончини қозонади.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозим: агар бу жараёни жадаллаштиришга бизни четдан мажбур этсалар, вазият ўзгариб кетиши мумкин. У пайтда бу масала кун тартибига кўйилади ва уни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлади.

Ҳурматли ноиблар!

1993 йил режалари хусусида гапирар эканмиз, ҳамманинг кўнглида табиий бир савол туғилади: хўш, ризқу рўзимиз етарли бўладими, аҳоли таъминоти қониқарли аҳволда сақланадими?

Аввало, озиқ-овқат ва бошқа энг зарур истеъмол моллари ҳақида. Барча имкониятларимизни ва ижро этилаётган шартномаларимизни батафсил ҳисоблаб чиқиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг таъминоти масаласи янаги йилнинг май - июнь ойларига қадар етадиган даражада ҳал этиб қўйилган. Бу масалада ортиқча ташвишга ўрин йўқ.

Дўстлар!

Сиз билан биз ҳозир мураккаб ва масъулиятли тарихий даврни бошимиздан кечираяпмиз. Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андасасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Биз ҳам республикамизнинг миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаяпмиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз. Ҳозир яшаб турганларнинг қисматигина эмас, биздан кейин ҳам шу ерда яшайдиган фарзандларимиз ва

набираларимизнинг, дунёга келажак авлодларнинг тақдири ҳам биз қандай давлат қуришимизга боғлиқдир. Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий кадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугун муҳокама қилинадиган биринчи Конституцияси шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Биринчи Конституциямиз лойиҳаси ана шундай халқчил қомус бўлишига ишонаман. Сабаби - унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.

Унда бу ҳужжатга амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний кадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топади, деб ишонамиз. Юртимизга хос қардошлиқ ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам лойиҳада муҳим ўрин тутди.

Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро - жамият - давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига

садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни қафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Биз сўнги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни "давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар". Собик тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шунинг асосидики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобоқалонимиз Амир Темур айтганларидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади".

Ниҳоят, Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч

ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу борада лойиҳа инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплар қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсиздир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Асосий қонун лойиҳасининг "Жамият ва шахс" деб номланган учинчи бўлимида жумҳурият иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши таъкидланади. Мақсад - иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яққаҳоқимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Давлатнинг хўжалик фаолиятига яққаҳоқимчилик тарзида аралашувига чек қўйилади, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланади.

Янги ҳужжатда ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар эса ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яққаҳоқимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат

мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституция лойиҳасида хурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти - давлатнинг учта асосий таянчидир.

Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйқун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг ваколатлари мукамал белгилаб қўйилган.

Асосий қонун лойиҳасида Ўзбекистоннинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағишланди.

Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, янги Конституция лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди.

Шунингдек, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатлари Ўиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси - зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. У жаҳон майдонида янги суверен давлат - Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради.

Ҳурматли халқ ноиблари, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилар эканмиз, бир муаммога эътиборларингизни жалб қилмоқчиман.

Баъзи бир кимсалар эски ўйинларига берилиб, орамизга ҳар хил миш-миш, совуқ гапларни, иғволарни тарқатиш ҳаракатида юришибди. Нима эмиш: агар тақдим этилган Конституциянинг лойиҳаси қабул қилинса, эртага Олий Кенгаш тарқатиб юборилар, депутатлар ўз ваколатларидан маҳрум бўлар эмиш.

Бундай афсона, иғво гапларга нима жавоб қилишимиз мумкин? Авваламбор, Конституция лойиҳасини қабул қилиш масаласида Олий Кенгаш қарорининг сизларга тарқатилган лойиҳасида бу саволларга аниқ жавоблар берилган. Ҳамма ноиблар, жумладан, Олий Кенгаш, жойлардаги маҳаллий кенгашлар ноиблари ҳам ўз ваколатларини сақлайдилар, албатта. Олдимизда ҳали анча жиддий ишларимиз бор.

Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш - жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир.

Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Олдин тасдиқланган барча қонунларимизни ҳам янги Конституция кўзи-назари билан қараб, бошқатдан кўриб чиқишимиз зарур.

Шу жумладан, сайлов ўтказиш ҳақидаги янги қонунларни ҳам ҳар томонлама, умумхалқ муҳокамасига қўйиб, қабул қилишимиз керак. Бу ишларнинг ҳаммасини чуқур англаб, биргалашиб,

бамаслаҳат ўтказиш учун, менимча, анча вақт керак бўлади.

Ишончим комилки, сиз халқ ноиблари халқимиз, сайловчилар олдида белгиланган муддатларгача муносиб хизмат қиласиз, иншооллоҳ.

Мен бўлсам, яна бир карра ҳаммангизга сихат-саломатлик, кучкуват, фаолиятингизда омад, Аллоҳимиздан сизларга узоқ умр тилаб қоламан.

Ҳурматли ноиблар!

Аввал айтиб ўтганимдек, 1992 йил биз учун жуда оғир келди. Бу йил ўзбек пахтаси ярмига ҳам етмайди, деб фол очганлар ҳам кўп бўлди. ўанимларимиз, Ўзбекистон асосий валюта манбаидан айрилди, деб севиндилар.

Азиз дўстлар!

Дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп. Аммо мақтаниш бўлса ҳам айтиб қўяй, ўзбек деҳқонига етадигани кам.

Деҳқонларимиз бу гал ҳам фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистон иқтисоди таназзулга тушади деб "каромат" қилган фолбинларга муносиб зарба бердилар.

Ана шу юксак минбардан туриб, ўз номимдан, ҳукуматимиз ва, муҳтарам ноиблар, сизларнинг номингиздан ўзбек деҳқонлари шаънига яна бир карра офарин айтишни муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Деҳқонни ҳам, чўпонни ҳам, пиллакашу ишчи дўстларимизни ҳам, хуллас, мардона меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизни ҳар қанча иззат қилсак оз.

Келинлар, азиз биродарлар, оғир синовлар пайтида Ватанимиз келажагини ўйлаб меҳнат қилаётган инсонларимизни чин кўнгилдан олқишлайлик!

Муҳтарам халқ вакиллари!

Яна бир нарсани алоҳида мамнуният билан айтмоқчиман: бошқа айрим юртларда, энг аввало - Россияда Президент, ҳукумат ва парламент ўзаро обрў ва нуфуз таллашиб, бир-бирини беобрў қилиб турган бир пайтда бизнинг олий бошқарув ва ваколат ташкилотларимиз қўлни-қўлга бериб, ўзаро аҳил ва иноқ бўлиб, халқимизнинг олдидаги бурчини бажармоқда.



"Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади" деган ажойиб нақлни ҳаммангиз биласиз. Балки биз аҳил ва яқдил бўлганимиз учун ҳам Худо бизни бало-қазодан асрапти.

Сўзимнинг охирида яна бир марта сизларга, сиз орқали бутун халққа муурожаат қилмоқчиман.

Турмушимиз қанчалик оғир бўлмасин, бошимизга қанча савдолар тушмасин, Аллоҳга минг карра шукр қилишимиз керак.

Дуоларимиз ижобат бўлгани ростдирки, Яратганнинг ўзи шундай хавfli вазиятда, чор атрофда қон тўкилаётган, минглаб одам қурбон бўлаётган, юз минглаб одамлар хонавайрон ва сарсон-саргардон бўлаётган бир замонда эл-юртимизни парокандаликдан сақламоқда.

Аллоҳ таоло ҳар бир оила ва хонадонни ўз паноҳига олди, эрни - оилага бош бўлишдан, аёлни - бека бўлишидан айирмади, болачақаларимизни омон асрамоқда.

Нуроний қарияларимиз ҳар доим "илойим, халқимизнинг уст-боши бут, тани-жони соғ бўлсин!" деб дуо қилишади. Аллоҳ холисона ниятларимизни, пок мақсадли илтижоларимизни эшитиб, бизни бало-қазолардан асраб турганига юртимизда ҳар қайси мўмин-мусулмон яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Бу - ҳақ гап.

Азиз ватандошлар!

Ҳамма жойда ҳам қийинчиликлар бор. Бу ҳақда ортиқча гапиришга ҳожат йўқ. Аммо халқимизнинг истиклолга муносиб кайфиятини, ишончини, ёруғ кунларга албатта етиб борамиз деган умидини бир жойга тўпласак - шунинг ўзиёқ кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади, оғир синовларни енгиб ўтишда бизга мадад беради.

Мен қайда бўлмай ва ким билан учрашмайин, эртанги кун ҳақида олижаноб фикрларни эшитиб, очиқ чехраларни кўриб, юртдошларимиз қалбидаги ишонч ва умидни сезиб, ҳар доим ўзимни эл-юртимиз олдида қарздор деб сезаман.

Халқимиз тинчлик ва фаровонлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда. Биз унинг иродасини бажариш учун бутун борлиғимизни бахш этсак арзийди.

Азиз дўстлар, ҳаммангизга соғлиқ ва куч-қувват тилайман.

Ватанимиз равнақи йўлида бошлаган ишларимизни Яратганнинг ўзи қўлласин ва мададкор бўлсин.

\* \* \*

Сизлардан узр сўраб мен шу ерда икки оғиз қўшимча қилмоқчиман. Раисимизнинг жавобларини эшитиб, кишида шундай бир таассурот пайдо бўлади. Залда ўтирган депутатларда ҳам худди менинг таассуротимга ўхшаш таассурот ҳосил бўлган десам адашмайман. Гап шундаки, мана шу жавобларни эшитсангиз, худди бундан 5-10 йил илгари шу залда, балким кўриниши ўзгачароқ бўлган, бошқа одамлар ўтирган шу залда бўлганидек, қаерда қандай мактаб қуриляпти, қаерда қандай бензоколонка қуриляпти, қурилишни охиригача етказиш учун ёрдам беринг, деган майда-чуйда саволлар бериляпти. 22 миллионлик катта давлат ҳукумати раҳбарларига шундай саволларни берилиши, менимча, ҳаммамизда қандайдир хунук бир таассурот қолдирыпти. Тўғри эмасми? Шунинг учун биринчи хулоса шундан иборатки, бизларнинг бозор иқтисодига ўтпимиз деганимиз, жойларга эркинлик беряпмиз, деган билан баробардир. Бу ерда вилоятлар раҳбарлари ўтиришибди, вилоятларнинг ўз эркинлиги бор, ўзининг ресурси, имкониятлари бор, ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Авваламбор, улар мана шу имкониятларидан, ресурсларидан, потенциалларидан, ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўзларига тегишли масалани ечмаса, унда бу қандай давлат бўлди.

Бу - биринчи савол. У, албатта, туманларга ҳам тегишли. Уларга ҳам тегишли ҳуқуқлар берилган, ўзларининг имкониятлари ҳам бор. Демокчиманки, хўжаликларга кўпроқ эркинлик беришдан иборат сиёсат олиб боряпмиз. Ўтган куни, мени кечирасизлар, жуда маърузамни чўзиб юбордим, менинг сизларни эътиборингизни қаратмоқчи бўлган асосий мақсадим шу эдики, бошлаган сиёсатимизни 1993 йилда давом эттирамиз, бошқача қилиб айтганда, жойларга янаям кўпроқ эркинлик берилади. Ҳар қайси хўжалик, қишлоқ хўжалигида ҳам, саноат, бошқа тармоқларда ҳам, ўз бурчини ўзининг имкониятига қараб, ўзининг ишлаб чиқаришию

хўжалигидаги ҳисоб-китобига қараб, иктисодчиларнинг тили билан айтганда, ҳозир замонавий менежер, маркетинг деган ҳар хил иборалар бор, уларни ишга солиш керак, қишлоқ хўжалигини, умуман хўжалик юритишнинг усулларини ўзлаштиришимиз зарур. Бошқалардан ҳеч ҳам кам жойимиз бўлмаслиги керак. Шу масала бўйича биз анча гаплашиб, фикрлашиб олдик.

Бугунги берилган саволларнинг маъносига қарасак, айтган гапларимиз худди у қулоқдан кириб, бу қулоқдан чиқиб кетаётганга ўхшайди. Кечирасизлар-у, мен шундай кўпол гапиришга мажбур бўляпман. Негаки, ўзингизга маълум, ҳар қайси жамоа хўжалиги раиси, ҳар қайси хўжалик раҳбари ҳозир 15 фоиз, эртага керак бўлса 25 фоиз маҳсулотини ўзига қолдирадиган бўлса-да, бу маҳсулотни уддалаб сотса, минг, миллионлаб пулга эга бўлади. Мана шу миллионларни ким, қандай ўзлаштиради? Бу тўғрида, аввало, жамоа аъзолари, шу хўжалик раҳбарлари тўла ҳуқуқ олишган. Шу ҳуқуқлардан тўғри фойдалана олиш учун одамлар хўжалик раҳбарига ишониб сайлаб олганлар, раҳбар эса бунга бел боғлаган. Шу нуқтаи назардан кўриниб турибдики, маблағни хўжаликнинг ўзи ўзлаштириши керак. Бу ишга туман, вилоят раҳбарлиги, республика раҳбарлари, давлат аралашгудек бўлса, мен хафа бўлар эдим. Бу пул бизники, бу даромад бизники, пешона терини тўкиб топдик. Ўзимиз эгалик қилишимиз керак-да. Ибройимжон ака, ўртоқ Файзуллаев, тўғрими шу гаплар? Сиз мана хўжалик раҳбарисиз, сизнинг топган пулингизга кимдир эгалик қилмоқчи бўлса, сиз хафа бўлармидингиз ёки йўқми? Шундай экан, иккинчи саволни кўтарганимдан мақсад шуки, бизлар хўжаликларга эркинлик берамиз, деганда аввал хўжалик юритишда эркинлик беришни, иккинчидан, топган пулини, даромадини ўзи ўзининг манфаатини кўзлаб, хўжалик манфаатини кўзлаб, эртани, ҳаётни кўзлаб ишлатиши кераклигини назарда тутяпмиз. Мактаб курадими, болалар боғчасини курадими ё бошқа мақсадни кўзлайдими, уларнинг иши. Ҳозир бирон киши: "Ўртоқлар, тепада ўтирган каттаконлар, бизларга кўпроқ эркинлик беринглар. Мана бу масалада бизларнинг ҳуқуқимизни суиистеъмол қиляпсизлар, мана бу ҳуқуқларимиздан фойдаланишга имкон бермаяпсизлар. Қонунда шунча фоиз ёзилган, Президентимиз

фармонида белгиланган-ку, лекин жойларда бюрократлар, эскича ҳаёт кечирмоқчи бўлган раҳбарлар бизларга йўл қўймапти", деган савол берганида, шунга ўхшаш додингизни эшитганимда мен жуда хурсанд бўлган бўлардим. Агар шу ерда: "Бизларга эркинлик керак, нима қилишга ўзимизнинг ақлимиз етади, бизга амалий ёрдам беринг. Бизларга берилган эркинлик фақат қоғозда қолиб кетяпти. Сиз чиройли гапиряпсизу, лекин кўплари қоғозда қоляпти. Жойларда шундай фикр туғиляпти. Ҳаётда, жойларда, районларда, вилоятларда хўжайин жудаям кўпайиб кетди. Битта ишнинг устида учтадан назоратчи, иккитадан раҳбар бўлиб қолди", деган гапларни эшитсам, мен баттар хурсанд бўлган бўлур эдим. Бу амалий гап бўларди. Ҳозир эшитган саволларингизни ўтирганларнинг кўпи ёзгани йўқ. Мен ҳам ёзсам бўларди, ёзмадим. Бундай саволларнинг мингтасини ҳар қайсингиз беришингиз мумкин эди. Агар сессияни шундай йўналишга буриб юборсак, эртага телевизорда, бугун кўрсатадим-йўқми, билмадим, агар кўрсатса, шахсан мен анча хижолатда қоламан.

Мен сизларнинг эътиборингизни бошқа бир саволга қаратмоқчи эдим. Давлат нима учун керак? Мана шу бозор иқтисодиётига ўтаётган пайтда давлат оладиган солиқлар ҳисобидан ташкил топган бюджет нима учун керак? Аввало, уни қайси йўналишларга, қайси тармоқларга ишлатиш керак? Бу тўғрида бизлар минг марталаб, бир-биримиз билан маслаҳатлашиб, керак бўлса ёқалашиб, фикр талашиб ўтирганимизда бошқа гап эди. Бюджет дегани, бу давлатнинг ҳамёни, чўнтаги. Мана шу давлат бюджети нимага сарф қилиняпти. Биринчи навбатда керакли тармоқларга юбориляптими ёки қандайдир майда, эртага бизларга керак бўлмайдиган ишларни ҳал қилиш учун сарфланмаяптими. Ана шу катта масалалар устида биз баҳслашиб, фикр талашиб ўтирганимизда депутатларнинг конституцион ҳуқуқидан фойдаланган бўлардик. Бу масалалар юзасидан бизлар келишиб олдик. Сизлар менинг шу маърузада билдирилган фикрларимни қўллаб-қувватлаб олқишладинглар. Мана айтайлик, биринчи навбатдаги масала - ногирон, муҳтож бўлган, кўп болали оилаларнинг ҳаммасини давлат ўз химоясига олиши керак. Шу сиёсатда нима камчилик бор? Ажратилган пуллар етдими-йўқми? Иккинчидан, бизларнинг эртага ривожланишимизга ёки тараққиёт

йўлида замин тайёрлаш учун бизларга аввало қайси тармоқлар мадад бериши керак. Шу тўғрисида ҳам гаплашиб олдик. Яна бир масала - кишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва унга кўпроқ ёрдам бериш, ерни ўзлаштириш масаласидир. Бир депутатимиз: "Ернинг унумдорлигини ошириш зарур бўлиб турганда янги ерларни ўзлаштириш керакми-йўқми?" деган савол берди. Мен ёзиб олдим. Бу муаммо, албатта, ва унга икки хил қараш мумкин. Менинг шахсий фикримча, ернинг унумдорлигини ошириш зарур. Бу қуруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. Амалда ернинг унумдорлигини оширадиган деҳқон бўлиши керак. Шаҳарда ўтириб унинг унумдорлигини ошириб бўлмайди. Қанчадан-қанча миллионлаб, миллиардлаб пуллар керак бунинг учун. Шу нуқтаи назардан қараганда қанақадир тўсиқлар борки, бизлар шуни ҳисобга олиб, ҳисоб-китобини қилиб айтаяпмизки, Ўзбекистоннинг халқини боқиш учун барибир янги ерларни ҳам ўзлаштиришимиз керак. Аввало, ернинг унумдорлигини реконструкция қилиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан ошириш, шу билан бирга янги ерларни ўзлаштириш керак. Мана, Қашқадарёни олсангиз агар, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ зонасида жуда зўр ерлар бор. Дренаж ўтказиш ҳам керак эмас, ҳеч нарса қилиш керак эмас. Фақат ерни ўзлаштириш керак. Ёнида ўзлаштирадиган ерлари бўла туриб бизлар нима қиляпмиз, денг? Бизлар Яккабоғдаги ишсиз юрган одамларни Туркменистон чегарасидаги ерларга кўчириб юрибмиз. Битта вилоятнинг ичида. Бу аҳмоқона иш эмасми? Биз бу зонадаги ерларни албатта ўзлаштиришимиз керак. Мана Жиззахда бўлса, Эркин Турсуновичнинг таклифи бўйича кўпгина ерларни ўзлаштириш имкониятимиз бор. Ёки Сурхондарё, Тошкент вилоятларини олайлик. Бу ерларда ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, ерни ўзлаштиришимиз керак. Ер Тошкент вилоятида олтин билан баробар. Ундан ҳам қиммат ҳозир. Ер ўзлаштириш, олтинга баробар ерларни ўзимизнинг хўжалигимизга кўшиш деган гап. Шу нуқтаи назардан ҳали кўрамиз, имкониятимизни чамалаб, қанча бўлса шунча ҳаракат қиламиз. Бу муаммо билан боғлиқ яна битта сиёсий масала бор. Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида жойлашган. Ўрта Осиёда эса иккита дарё бор. Амударё ва Сирдарё, уларнинг сувлари ўзлаштириб бўлинган. Эртага бизларнинг

қўшниларимиз қандай йўл тутишларини билмадим-у, лекин бизлар ҳаммамиз дўстона халқлармиз. Ўрта Осиё минтақасида яшаймиз. Бир томондан Тожикистон, иккинчи томондан Қирғизистон сувнинг бошида турибди. Бу муаммолар тўғрисида бизлар келишиб олишимиз керак, албатта. Ҳозир Ўзбекистонда ўн ярим миллион гектар ўзлаштирилган ер бор. Шу жумладан 4,5 миллион гектар - бу суғориладиган ерлар. Агар сув етарли бўлганда мен бугуннинг ўзида, шундай катта ҳаракатни бошлаб юборардим-ки! Ўзбекистонда яна ўн миллион гектар ерни бемалол ўзлаштиришга имконият бор. Шу нуқтаи назардан қараганда бизлар ўз юртимизда сувдан оқилона фойдаланишимиз керак. Ўзбекистоннинг халқи тез ўсяпти. Келажакни ўйлаш керак, бир йил олдинни эмас, 10-20 йил олдинни ўйлашимиз керак. Мавжуд ерлар унумдорлигини ошириш, янги ерлар очиш устида ўйлашимиз керак.

Яна битта йирик масала - кредит, қарз масаласи. Бу тўғрида ҳам кўп гап бўляпти. Мен маърузамда битта масалани алоҳида гапириб ўтдим. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда, бизларнинг инфраструктурамизни мазаси йўқ. Бошқача қилиб айтганда, банкларимиз ёмон ишлаяпти. Хўжаликлар банклардан оладиган қарзларининг фарқини билмайдилар. Кеча қандай шарт билан қарз олувди-ю, бугун қандай шарт билан олади. Ўеч фарқи йўқ. Шу муносабат билан маърузанинг бир жойида катта ҳарф билан ёзиб кўйилган ўрни бор. Давлатнинг ҳамёнини хўжалик ҳамёнидан ажрата билиш керак. Қар қайси хўжалик ўзининг молиявий шароитига, ўзининг имкониятига қараб улушини ажратиб олсин. Давлатнинг ҳамёни алоҳида, хўжаликники алоҳида бўлиши керак. Мана мен хўжалик раҳбариман, дейлик. Бир режамни амалга ошириш учун банкка бордим, давлатдан берухсат, ҳукумат раҳбаридан, Президентдан сўрамасдан банкка бордим. Банкадагиларга, мени шундай режаларим бор, агар уни уддалаб, мен шу ишларни қилсам, шунча фойда оламан. ОҚайни, бунинг учун менга қарз керак, дейман. У айтадики, мана мунча фоиз фойда тўлаш шарти билан бераман. Мен - йўқ, арзонроқ беринг, 20 фоиз эмас, менга 5 фоизлик қилиб беринг, дейман ва ҳоказо. Мана бу ерда ҳақиқий савдо бўлади. Давлат аралашини керакми бу ишга ё йўқми. Мана, Сиддикжон ака

ўтирибдилар. Бу кишининг ишларини кўрсангиз ҳаммаси шу кредит билан боғлиқ. Мана, Ҳазораспга "Мерседес" фирмасининг бошлиғи келди, автомобил заводи қурмоқчи. Биласизми, у чўнтагидан пул чиқармайди, унинг банкдаги ҳисобида пули ҳам йўқ. У олдин мана шу режасининг лойиҳасини тузади. Шундан кейин банкка боради. Шу банкни кўндириб қарз олади, кейин иш бошлайди. Ўзи бўлмаса, миллиард-миллиард айланма маблағни кўлида ушлаб турибди. Ўарбий давлатларда ишлаётган бирорта ишбилармоннинг чўнтагида пул йўқ. Давлат пулига ҳам суянмайди улар. Аввало, режасининг ҳисобкитобини қилиб, бундан қандай фойда олишини, хусусий фойда олишини чамалайди. Келажagini ўйлайди. Шундан кейингина бориб, қарз олади. Арзонроқ қарз олиш учун роса баҳслашади. Бизлар бўлсак, нима қиламиз, кредит керак, деб ҳукуматга ёзамиз. Йўқ, дўстларим, биродарларим, билиб қўйинглар, энди янги усулга ўтишимиз керак. Кимга кредит керак бўлса, аграр банк бор, тижорат банклари бор. Ўеч кимга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ. Мана мен шу ердан туриб сизларга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ, деб аниқ айтмоқдаман. Ўзингиз истаган банкларга боринглар, шартини келишиб қарз олинглар-да, иш бошлайверинглар. Бугунги берилган саволларга эътибор қилсанглар агар, шунча қарз керак дейишдан нарига ўтмаяптилар. Айтинглар-чи, бу йўл билан эртага қаяққа борамиз? Яна бир марта айтаман, давлатдан қарз олинг, агар берса, ўзингизга маълум, давлат қарзи аввал давлат сиёсатини амалга ошириш учун берилади. Яна имтиёзли қарз ҳам бор, албатта. Агар имтиёзли қарз керак бўлса, уни алоҳида ёзинглар, нима учун кераклигини кўрсатинглар.

Яна битта муҳим масала бор - у ҳам бўлса нарх-наво тўғрисида. Баъзи депутатларимиз енгил саноат маҳсулотларини арзонроқ сотиш каби таклифлар киритишяпти. Бу масала бўйича бир нарсани яхшилаб тушуниб олишимиз керак - Ўзбекистоннинг темир чегаралари йўқ. Сиёсати битта, бизлар очик жамият қуряпмиз. Бизлар дунё доирасига чиқяпмиз, дунё иқтисодиётига кириб боряпмиз. Шу муносабат билан мен сизларга яна бир бор такрорламоқчиман. Кўп ҳаракат қилиб, мана ноннинг нархини, шакарнинг нархини ушлаб турибмиз. Бизда бир кило шакарнинг нархи 45 сўм бўлса, Қирғизистонда 120 сўм. Бир кило шакарни Тошкентдан ёки Фарғонадан четга олиб чиқилса,

шунинг ўзидан 65 сўмни чўнтакка уриш мумкин. Бизда нафси ўч одамлар йўқми? Бор. Тепасида минг марта назоратчини ёки прокурорни кўйсанг ҳам, барибир ишини тўғрилаб кетади. Уларни бизлар ушлаяпмиз, қамаяпмиз, албатта, давлат шунинг учун керак, назоратчилар шунинг учун керак. Лекин сиёсат бошқача бўлиши лозим. Бизларнинг биринчи навбатдаги сиёсатимиз Ўзбекистон халқининг бошқаларга нисбатан харид имкониятини ошириш, даромадини кўпайтиришдан иборат бўлиши керак. Агар бизларнинг маошимиз, умуман, даромадимиз қанча кўп бўлса, харид имкониятимиз шунча юқори бўлади, қандай бўлмасин нархлардан қўрқмайдиган бўламиз. Бизлар ҳозир қимматчилик тўғрисида кўп гапиряпмиз. Агар ўртача ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, нарх-наво Ўзбекистонда ўн ярим марта кўпайди. Ойликнинг баъзи бир тоифаларини қарасангиз тахминан ўн беш, йигирма марта кўпайгани ҳам бор. Шунинг учун нархлар устида гап кетганда, аввало, ойлик тўғрисида гапириш керак. Буни яхшилаб тарози палласига қўйиб ўлчаш зарур. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, нарх-навони ушлаб туришга ҳаракат қилишимиз керак. Ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак, албатта. Лекин, биринчи навбатда, бизлар халқимизнинг даромадини кўпайтиришимиз керак. Одамлар кўпроқ ишлаб, даромад қилсинлар. Бизда оилада бир одам ишласа, етгиси қараб туради. Бизларнинг энг заиф жойимиз ҳам шунда. Москвада, Украинада оилада битта одам ишласа, битта одамни боқади. Баъзи ҳолларда иккита одам ишлаб, унинг боқадиган одами ҳам бўлмайди. Агар уйда, кечирасиз, кўпол бўлса ҳам айтаман, кучуги бўлса, фақат шуни боқади. Бизларда, аксарият, битта одам ишласа, олтита-еттита одам қараб туради. Шу одамларни боқишга мажбур. Шунга кўра бизларда маош, ойлик бошқаларга нисбатан кўп бўлиши керак. Мана бизлар ҳозир Россия билан тенглашдик. Лекин бу масалада бизлар ҳали ўсишимиз керак. Баъзи ҳолларда гап бўляптики, Россияда, қаранг, 30 минг, 60 минг ойлик оладиганлар бор экан. Ҳа, 30 минглаб оладиган диспетчерлар, шахтёрлар бор. Лекин 900 сўм оладиганлари ҳам бор. Ўртача ойликни ҳисоблаганда, ўн фоизни ташкил қилувчи бир тоифа одамлар 30 мингдан олса, бошқалар атиги 900 сўмдан оляпти. Шундан келиб



чиқиб, Ўзбекистонда ўртача ойлик ҳажмининг бошқаларникидан кўпроқ бўлиши чорасини кўришимиз керак. Биринчи навбатда, энг юқори ойлик билан энг паст ойликнинг фарқи катта бўлмаслигига эришимиз лозим. Бу хусусда бизлар келишиб олганмиз ва ҳеч қанақа иккиланиш бўлмайди. Шу билан бирга бизда, бир томондан, айтайлик, жуда бой бўлиб кетган одамлар ҳам бўлмасин, иккинчидан, Ўзбекистон заминиди ҳеч қачон Қариблар, гадойлар бўлмасин. Бизларнинг тутган сиёсатимиз мана шулардан иборат. Шунинг учун нарх-наво тўғрисида гапирганда уни ушлаб туриш учун албатта биргалашиб ишлашимизга тўғри келади. Бизларда яна бир сиёсат бор. Четдан олтинга, валютага сотиб олинадиган маҳсулотларни, албатта, давлат савдо муассасалари орқали халққа сотамиз. Бу маҳсулотларнинг тижорат корхоналарига берилишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда бизлар валюта сарф қилиб олиб келган маҳсулот ўзимиздаги савдогарларнинг қўлига тушиб, улар шунинг ҳисобига давлат орттирадиган бўлиб қоладилар. Бу мутлақо нотўғри иш. Четдан олиб келинадиган озуқа, истеъмол моллари, дори-дармонлар ҳеч қачон тижорат ёки кооператив қўлида бўлмаслиги керак. Бунинг ҳаммаси давлат муассасалари орқали сотилиши шарт. Бу масалада, менимча, ҳеч қанақа қийинчилик бўлмаса керак. Фақат тартиб-интизом жой-жойида бўлса бас.

Қишлоқ жойларда ишсиз қоладиган одамларни нима қилайлик, деган савол бериляпти. Бу жуда ўринли ва тўғри савол. Лекин қарс икки қўлдан чиқади, деган мақолни яна бир марта эслашимизга тўғри келади. Шундай одамлар борки, мана шу залда ўтирганлар ҳам билишади, халқ билан яшайди, халқ Қамини фақат минбарга чиқиб айтибгина қолмай, балки бунинг учун ўз ташаббуси билан ишлайди. Бундай кишилар залда ўтирганлар орасида ҳам бор, халқимиз ичида бўлса жуда кўп. Умуман олганда, масала қўйиш осон. Лекин уни ҳал қилиш учун бир ҳаётий таклиф кўтариб, бу ёққа келиб, менга ёрдам беринг, мана бундай таклифим бор эди, десангиз бошқа гап. Менга шунча қарз керак, менга шунча пул керак, мана шу фабрикани ёки мана шу цехни қуриб олишимиз керак, деган фикр билан келсангиз, бу амалий иш бўлади. Шунинг учун айтган фикрларингиз қуруқ бўлмасин, демокчиман. Кимки агар қишлоқда яшаётган одамларга

ёрдам бермоқчи бўлса, аввало аниқ бир режа тузиб, ундан кейин келиб, бизлар билан гаплашиши мумкин. Бу давлат сиёсати, албатта. Мен буни шахсан ўз зиммамга оламан. Чунки одамларни иш билан банд қилиш - бу давлатнинг Конституция бўйича ўз зиммасига оладиган мажбурияти. Шу нуқтаи назардан бизлар таклифларни кўриб чиқишимиз мумкин. Лекин битта илтимос бор, жойларда давлат қачон куриб бераркан, деб кутиб ўтирмаслик керак. Агар жойларда битта-иккита чакқон ишбилармон пайдо бўлса, шуларга эркинлик бериш керак, шуларга имконият яратиш бериш керак. Умуман бизлар янги ҳаёт қураётган эканмиз, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз зарур ва у 1993 йил режаларини кўраётганда амалда кўриниши керак, деган фикрни билдирмоқчиман. Кўпроқ ишбилармонларга, кўпроқ бозор иқтисоди қоидаларига эътибор беришимиз керак. Эскича ёндашиш, эскича фикр юритиш замонини бизлар унутишимиз лозим. Эркинлик деган гап - бу жуда катта маъноли гап. Бизлар бозор иқтисодига ўтмоқчи бўлсак, аввало, ўз мафкурамизни ўзгартиришимиз керак. Агар фақат беринг-беринг, деб ўтираверсак, бизлар ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Менинг сизлардан илтимосим шу. Айтилган қўшимча саволларга эътибор беришингизни сўраб, сизларга, азиз дўстлар, яна бир марта мурожаат қилмоқчиман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши XI сессиясида  
1992 йил 8 ва 10 декабрда  
сўзланган нутқ*

## ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ

*"Комсомольская правда" саволларига жавоблар*

- Ўзбекистон тўғрисида гап борганда, кўпинча, уни яқин ва олис хориждаги воқеаларга катта таъсир қилаётган давлат дейишади...

- Кечирасиз, "яқин ва олис хориж" деган тушунчани мен қабул қила олмайман. Уни собиқ Иттифоқни қўмсаб қийналаётганлар ўйлаб чиқарган бўлса керак. "Яқин" дегани нима-ю, "олис", дегани нима? Ҳар бир давлатни - у хоҳ Россия, хоҳ Украина, хоҳ Беларусь бўлсин, мустақил деб ҳисоблар эканмиз, уларни худди шундай деб англамоқ керак.

Тўғри, чегараларимиз очик, ҳамма нарса қўшниларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чегараларга йўл-йўл чизик тортилган шлагбаум ўрнатишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Лекин бундай шлагбаумларнинг йўқлиги "яқин хориж" тўғрисида гапириш учун асос бўлолмайди. Бу - Иттифоқ бор эди, унда республикалар бор эди, эндиликда улар давлатга айланди, деб эски андазада содда ёндашувдир.

- Яъни сиз учун Украина яқин хориж, Афғонистон эса олис хориж эмасми?

- Йўқ. Буларнинг ҳаммаси - Ўзбекистон чегарасидан ташқарида, бироқ улар дўст мамлакатлардир. МДҲ бизнинг иродамиз билан пайдо бўлгани йўқ, уни бошқалар тузишган. Ўрта Осиёдаги давлатларнинг унга қўшилишдан бошқа иложи қолмади. Ўшанда, башарти биз бу ерда ўзимизнинг яна бир МДҲмизни бошқа бирор тусда тузсак, нима бўларди, буни тасаввур қила оласизми! Шунга қарамай, мен хамиша Ҳамдўстлик тарафдори бўлиб келдим, Ҳамдўстликни мен хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш шаклигина деб эмас, мулоқот, алоқаларни сақлаб қолишнинг маърифий шакли, деб биламан. Иқтисодий алоқалардан муҳимроқ алоқалар ҳам бор. Бу

маънавий алоқалардир. Бунда жуда катта маъно бор.

- Лекин Минскдаги сўнгги учрашувда сиз МДХ низомини баъзи писандалар билан имзоладингиз, уларнинг моҳияти нимада?

- Ўеч қандай писанда бўлмаган. Мен шунчаки, айрим мамлакатлар (уларни буюк давлатлар деб атаймиз) эндигина шаклланиб келаётган давлатларга маърифий йўл билан бўлса ҳам тазйиқ ўтказиш воситаларидан воз кечишни сира хоҳламаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи бўлдим. Ўеч ким юзлаб, ўнлаб йил муқаддам бўлганидек, отлиқларни тўплаб хужум қилишга шайланмоқчи эмас. Аммо мен таъсир ўтказишнинг ҳозирги усуллари қилич кўтариб, от чоптириб юрилган даврдигидан тажовузкорроқ ва таъсирлироқ бўлиши мумкин десам фикримга кўшилсангиз керак.

- Сиз иқтисодиётни кўзда тутаяпсизми?

- Айниқса иқтисодиётни, шу билан бирга сиёсий вазиятни ҳам. Ҳамдўстликнинг бирорта хужжатида ҳам ички турмушимизга таъсир ўтказишнинг шакли сифатида тазйиқдан фойдаланишга имконият, тирқиш қолдирмаслик керак.

- Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистонга нисбатан сиз "ўз йўлимиз" деган сўзни тез-тез такрорлайсиз. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобини нашр эттирддингиз. Унинг мазмунини такрорламасдан, асосий қоидалари ҳақида қисқача гапириб бера оласизми?

- Аввало: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши керак. Иккинчиси: ҳатто энг доно ва истеъдодли академиклар ва амалиётчилардан иборат бирор гуруҳ эмас, балки давлат бош ислоҳотчи бўлади, деб ҳисоблайман. Бир жамият кетиб, унинг ўрнида бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги лозим.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ. Пайдо

бўлганлари ҳам мутлақо амал қилмаяпти. Мана энди мен ўз дастуримнинг учинчи бандига яқинлашдим. Бу банд - қонун, аниқроғи, қонунга итоаткорликдир. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак. Бизни узоқ вақт давомида қонунлар бору, лекин уларга риоя қилиш шарт эмас, деган руҳда тарбиялаб келишди. Бизда қонунни ҳурмат қилишдек оддий туйғунинг ўзи йўқ. Шундай экан, биз янги жамиятга қандай қилиб ўтмоқчимиз? Зўравонлик, жиноятчилик пўртанасини қандай қилиб бостиришга умид қиламиз? Инсоннинг ҳуқуқларини ва унинг кадр-қимматини қандай ҳимоя қиламиз? Хусусий мулкни қонун ҳимоя қилмаса, фермерларнинг уйларига ўт қўйиш бошланади. Демократик давлат доимий миллатлараро ва ижтимоий можаролар майдониغا айланиб кетади. Хуллас, мен учун энг муҳими - қонунийликни ҳурмат қилишдир.

Тўртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилик оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, ўтган йили Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 минг киши кўпайди. Шундай экан, айтинг-чи, Болтиқбўйида, Украинада ва Ўрта Осиёда бир хил ижтимоий сиёсат ўтказса бўладими?

Менинг назаримда, ҳар бир минтақанинг жамики хусусиятларини, нуфусини, аниқ шароити ва воқеликларини ҳисобга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтишнинг бирор модели тўғрисида гапириб бўлмайди.

Башарти биз ўзимизнинг шароитимизда, айтайлик, кўп болали оилаларга, қарияларга, бечораҳолларга мадад бермасак, ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишбилармонлик бўлмайди. Айрим газеталарнинг саҳифаларида одамлар ахлатхоналарни титаётгани, болалар садақа сўраб жажжи қўлларини чўзаётгани тасвирланган суратларни кўрган пайтимда бундай инқилобнинг кимга кераги бор?- деб сўрагим келади. Шу сабабли мен Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман.

Ниҳоят, бешинчи қоида. Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил. Сохта, инқилобий сакрашларсиз, мақсад сари қадам-бақадам ҳаракат қилиш керак. Мен тараққиётнинг

эволюцион йўли тарафдориман.

Мисол учун нарх-навонинг оширилишини баъзи мутахассислар нархга эрк бериш дейишади. Монополия шароитида нархга эрк бериш шунга олиб келдики, ҳаётнинг ўзи тўхтаб қолаёзди. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, соғлом рақобат учун шарт-шароит яратмаслик нарх-навони давлат томонидан шунчаки оширишга айланди. Ишлаб чиқариш таназзули давом этмоқда. Менимча, Аркадий Вольский буни аниқ қилиб "домино эффекти" деб атади. Нарх-навонинг ортиши, аввало, агар у ҳеч нарса билан чекланмаса ва рақобат бўлмаса, ишлаб чиқаришнинг таназзулига олиб боради. Аҳоли даромадлари даражаси камайиб кетади, одамлар ҳеч нарса сотиб ололмайдиган бўлиб қолади ва таажжубки, ишлаб чиқариш камайган тақдирда ҳам моллар ўтмай қолади. Ана шуни "домино эффекти" дейишади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига бошқа давлатлардан яққаланган ҳолда ўта олмайди, албатта. Ўзбекистон илгари халқ хўжалиги деб аталган кўзга кўринмайдиган мажмуанинг бир қисмидир. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барча собиқ СССР республикалари - ҳозирги мустақил давлатлар бир-бирига қарамдир. Агар биз ҳар бир давлатнинг ўз мустақил сиёсатига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмай, тўғри тушуниб, ҳурмат билан қарайдиган бўлсак, ана шу қарамликни неъматга айлантириш мумкин.

- Яқинда сиз банклар пойтахти - Швейцарияга бориб келдингиз. Ўзбекистон ўз пулини жорий этмоқчи эмасми?

- Пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида, у ерда пулнинг кадрсизланиши қанчалик авж олгани сизга маълум. Шу сабабли ўртамизда муайян зиддият вужудга келмоқда. Агар биз битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши керак. Рубль ҳамма учун ва ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босилиши лозим. Очиғини айтаман, эртага Россия рублни алмаштиришни хоҳлаб қолса-чи, деб хавфсираяпман. Унда биз қандай аҳволга тушиб қоламиз?

Россия ўз миллий пулини жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубль зонасида эканмиз, ўз валютамизни жорий этмаймиз...

- Россиянинг иштирокисиз Евроосиё иттифоқини тузиш ғоясига сиз қандай қарайсиз?

- Бу умуман хомхаёл, гапимга ишонаверинг. Евроосиё иттифоқини тузиш, энг аввало, манфаатларнинг муштараклигига асосланиши керак. Турли йўллардан бораётган давлатларни шунчаки тўплаш - бу, агар билсангиз, арзон обрў орттиришни мўлжаллашдан бошқа нарса эмас. Ташаббус ташаббуслигича қолаверади.

- Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб президентликни жорий этди. Сиз Ўрта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир Президентсиз. Шунга қарамай, муҳолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб, танқид қилишяпти. Муҳолифлар: амалда яширин шароитда ишляпмиз, деб ҳисобламоқдалар.

- Энди биз суҳбатимизнинг энг аввалида беришингиз лозим бўлган саволга яқинлашдик, шекилли. Бунда мен москвалик журналистлардан муайян тоифасининг қизиқишини назарда тутаман. Аммо мен бу ҳақдаги гап бевосита ва менинг иштирокимда бўлишини хоҳлайман.

"Диктаторлик одатлари" ёки усуллари нима дегани? "Тоталитар тузум" ёки яширин шароитда ишлаш нима дегани? Ҳамма гапнинг исботи бўлиши керак. Бирон-бир кимса бирор-бир давлатда муҳолифатни кўрмоқчи бўлса, уни албатта топади.

Биз, жамиятимиз том маънодаги муҳолифатга қай даражада тайёр? Мен демократик ва барқарор давлатдаги ижобий муҳолифатни тушунаман ва қабул қиламан. Олға томон қилинадиган ҳаракат нуқтаи назаридан ўз дастурига эга, жамиятнинг келажагини англайдиган муҳолифларни эътироф қиламан. Бироқ бозор муносабатлари, демократия сари кийинчилик билан дастлабки қадамлар кўйилаётган шароитда, қалтис асабийлик вазиятида бир гуруҳ кишилар ҳамма нарсани инкор этиб, ўз сиёсатини ҳокимият қилаётган ҳамма ишларга салбий назар билан қараш асосига кураётган экан, уни қандай қилиб жиддий муҳолифат деб бўлади, фақат шунинг учунгина улар ўзини қандай қилиб муҳолифат деб ҳисоблайди. Ва энг муҳими - мен сизга ва Ўзбекистондаги асабийлик вазиятини жўрттага кучайтираётган ҳамма кишиларга шундай савол

бермоқчиман: бизда шу қадар қисувга олинаётган "ранжиган муҳолифат"нинг бирон-бир аниқ ҳаракат дастури ёки программаси борми, шуни айта оласизми?

Яқинда сиз тилга олган "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" деган китобча босилиб чиқди. Бу рисоланнинг номиёк унинг мазмунини ифодалаб турибди, бироқ унинг бошқа бир аҳамияти ҳам бор: барча муҳолифларимга бу китобча билан танишишни маслаҳат бераман. Президент қандайдир ҳис-ҳаяжонлар, кайфиятлар таъсири остида Қайриихтиёрий иш тутмоқда, деган беҳуда гаплар, Каримовнинг ҳеч қандай дастури йўқ, деган даъволар бўлмаслиги учун шундай қилиш керак. Айтингчи, муҳолифлардан биронтаси бу китобчага қарши чиқдими? Нечундир ҳеч ким уни танқид қилишга, баҳслашишга уринмаяпти. Бунинг сабаби шуки, бу танқидчиларда кибр-ҳаводан бошқа ҳеч вақо йўқ. Бироқ, ёзилганларнинг ҳаммаси мутлақ ҳақиқат деб айтмоқчи эмасман...

- Эълон қилинган сиёсат, эҳтимол, ҳаётдан бошқачадир ёки ҳаётга унчалик тўғри келмас?

- У ҳолда савол туғилади, хўш, айнан қайси соҳада шундай? Қайси ишларда қонун бузилган? Такрор айтаман менинг қоидам - қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорлик. Қаерда ва қайси ўринда қонунларимиз нотўғри ёки демократик халқаро меъёрларга мос келмайди, айта қолсинлар? Бейкер жаноблари Тошкентга келганида: "Келинг, кўзингизни юмиб, "Бирлик" ҳаракатини партия сифатида рўйхатдан ўтказишга қолинг", деб мени кўндиришга узоқ овора бўлди. Мен унга: "Биздаги қонунга мувофиқ, рўйхатга олиш учун мана шу янги партиянинг камида уч минг аъзоси бўлиши керак", дедим. Аэропортда Бейкерни кузатаётсам, "Бирлик" фаоллари қандайдир қоғозларни узатишмоқда. Келинг, дедим кўриб чиқайлик: бу ерда бир ярим минг кишининг номи бор. Бейкер яна: "Ҳа, майли, бунга эътибор қилманг", дейди. Мен унга: "Қандай қилиб эътибор бермайман. Мен сизнинг ички ишларингизга аралаша олмайман-ку. Сиз у ерда давлат котибисиз, Буш жаноблари эса - Президент. У Адлия вазирлигига бирон-бир партияни қонунга ҳилоф равишда рўйхатга олишни буюра оладими?"- дедим.

"Бирлик" "йўқолсин руслар!" деган варақалар тарқатганига нима



дейсиз. Мен ҳаракат фаоллари билан давра суҳбати ўтказмоқчи бўлганимда, улар: аввал руслар жўнаб кетишсин, дейишди.

Наҳотки, Тожикистон журналистларнинг кўзини очмаган бўлса. Қисқа вақт ичида минглаб, ўн минглаб киши ҳалок бўлди. Бу - даҳшатли рақам. Ваҳшийлик ва ёввойилик. Буларнинг ҳаммаси кимнинг айби билан содир бўлди. Демократик партиялар никоби остидаги ақидапараст диндорларнинг куткуси билан шундай бўлди. Тожикистонда улар учун ижтимоий база мутлақо йўқ. Демократик партиянинг раиси Шодмон Юсупов эса рус кишиларини Тожикистоннинг тутқунлари деб атади. Ўша Юсуповни Тожикистоннинг Россиядаги элчиси лавозимига тавсия этишаётган экан, мен буни мутлақо тушунмайман.

Кейинги вақтларда Абдуманноп Пўлатов ҳақида кўп ёзишди. Бу ҳақда шуни айта оламанки, суд уни уч йилга ҳукм қилди. Президентнинг афв этиш ҳақидаги Фармонига биноан уни озод қилишди. Менга маълум бўлишича, у уйида, соғ-саломат.

Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршилиққа йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур.

*"Комсомольская правда",  
1993 йил 12 февраль*

## **"ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!"**

*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги  
хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси  
аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат*

**ПРЕЗИДЕНТ:** Ҳурматли журналистлар, мен, аввало, сизларни Ўзбекистон диёрида табриклар, республикамизга қизиқиб қараётганингиз ва унга эътибор бераётганингиз учун ташаккур айтмоқчиман. Чунки ёш мустақил давлатдаги воқеаларни ҳолисона ёритиш Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Мен сизларнинг меҳнатингиз нақадар муҳимлигини ва нечоғли оғирлигини яхши тушунаман. Бироқ шу билан бирга бу иш ўзаро манфаатдорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Мазкур учрашув сизларга бизнинг муаммоларимизни яхшироқ англашингизга, Ўзбекистонни атрофлича билиб олишингизга ёрдам беради, деб умид қиламан. Чунки бу учрашув охир-оқибатда қадимий диёримизда рўй бераётган воқеаларни ҳолисона ва ҳаққоний ёритишингизга кўмаклашади. Бизнинг муаммоларимиз кўп. Аммо ижобий тажриба ҳам орттирганмиз, бизнинг тажрибамиз сизни ва бутун дунё жамоатчилигини қизиқтирса ажаб эмас.

Мен сизларни қизиқтирувчи ҳамма саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

**МАРКО ПОЛИТИ,** Ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари: Президент жаноблари! Кўхна Ўзбекистонда бизга кўрсатилган иззат-иқром учун жамики журналистлар аҳли номидан миннатдорчилик изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Республикангиз ўзининг барқарорлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги билангина эмас, кейинги вақтларда бу ерда

рўй берган ўзгаришлар билан ҳам бизни қизиқтиради. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча давлат бошлиқлари билан учрашишни режалаштириб қўйганмиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб сиз ижобий жавоб берганингиз бизни ғоят қувонтирди. Биз Москвада яшаймиз. Лекин сиз дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бўлган бизларни тўла асос билан ўша мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари деб ҳам ҳисоблайверишингиз мумкин.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Сизларнинг қароргоҳингиз Москвада экани тасодифий ҳол эмас. Бу шаҳар - собиқ Иттифоқнинг пойтахти. Шу билан бирга бу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон СССР таркибида бўлган вақтларда аҳоли зич яшайдиган, қадимий, улуғ тарихга, маданиятга, маърифатга эга бўлган бу йирик минтақа ҳақидаги жамики ахборот юзаки бўлар эди. Сизлар хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, бизга тааллуқли ҳамма хабарни асосан Москва матбуоти орқали олар эдингиз. Шу кунгача ҳам ўша эски усул давом этиб келмоқда. Бу эса муайян бир ёқламаликни юзага келтириши табиий. Ўзбекистонга тез-тез келинлар, одамлар билан учрашинлар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни, ортирган тажрибамизни ўрганинлар. Биз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бирида рўй бераётган воқеаларни ҳалол ёритувчи моҳир қаламкашларни ҳамиша қувонч билан кутиб оламиз. Шу боисдан мен сизларнинг Москвадагина эмас, Тошкентда ҳам бўлишингиз тарафдориман. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бирга Шарқнинг дарвозаси ҳам эканини эсдан чиқарманлар. Бизнинг пойтахтимиз жуғрофий-сиёсий мавқеи билан, тинчликпарварлик анъаналари билан бутун дунёга ном таратган. Бинобарин, мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳларингизни очиш ниятингизни қўллаб-қувватлайман.

**МАРКО ПОЛИТИ,** "Мессаджеро" газетаси, Италия: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳамкорлик ва бирлашув истикболлари қандай, Ҳамдўстликнинг келажаги борми? Ёки сизларга Ўрта Осиё бозорини барпо этиш манфаатлироқми?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу масалалар бири иккинчисига ҳалал бермаслиги ва зид келмаслиги керак. МДҲнинг келажаги бор. Ҳозирги мустақил

давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмади. Аммо бу алоқаларни ҳар қандай томон бирон-бир тарзда тазйиқ ўтказмайдиган маърифатли асосга қуриши керак. Муносабатлар фақат ўзаро манфаатли асосга таяниши лозим.

Январь ойида Тошкентда расм бўла бошлаган "Марказий Осиё давлатлари" тушунчасига келганда шуни айтиш керакки, бу - табиий ҳаққоний жараён.

Бу минтақада яшаётган кўп миллатли халқларни бирлаштираётган, яқинлаштираётган замин - тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг тутшиб кетганлиги, бинобарин иқтисодий, табиий бойликларимиз инқироздан чиқиш йўллари биргаликда қидиришни тақозо этади. Бу ҳол табиийдир. Мен Тошкентнинг алоҳида мақомли шаҳар экани ҳақида бежиз гапирганим йўқ. Хуллас, у минтақанинг ахборот маркази қилиб танлангани жуда мантикийдир. Энг янги хабарлар бутун дунёга шу ердан тарқаладиган бўлади. Бу ҳам сизларни кизиқтиради, деб ўйлайман.

ЛЕЙЛА БОУЛТОН, "Файненшл Таймс", Буюк Британия: Президент жаноблари, сиз молиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий банки билан келишиб юритмоқчисиз. Аввалгидек рублдан миллий валюта сифатида фойдаланаверасизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма учрашувларида муҳокама қилинди. Тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу ҳужжатларга шу пайтгача ҳам риоя қилинмаяпти. Россия ўтказётган сиёсат бу йўлдаги асосий тўсиқдир. Минск шаҳридаги сўнги учрашувда Россия раҳбарлари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун давлатлараро банк тузишга рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиёсатидаги ижобий жиҳатдир.

Бироқ муайян доираларда рубль зонасидаги мамлакатларга нисбатан қаттиққўл молиявий сиёсат ўтказиш тамойилини бошлаганликлари сизларга сир эмас. У ердагилар "рубль доираси"ни торайтиришмоқчи деса ҳам бўлади. Бу масалада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев каби менинг ҳам фикрим равшан:

рубль зонасидан чиқиш - шунчаки бир мақсад эмас. Ўз қадрини билувчи ҳар бир мутахассис пул муносабатлари нималигини, миллий валютани жорий қилиш учун қандай шарт-шароитлар талаб этилишини, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билади. Биз ўз пулини жорий этишга қарор қилган мамлакатларнинг, аввало, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украинанинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганишимиз. Маълумки, украин карбованеци "Қарк" бўла бошлади ва зўр-базўр муомалада турибди. Шу сабабли Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади. Бу нарса бизга қанчалик оғир таъсир ўтказишини жуда яхши англаб турибман. Бироқ Россия раҳбариятининг ақл-заковати эҳтирослардан устун бўлиб чиқишига аминман. Башарти бундай бўлмаса, Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам, рубль зонасидаги бошқа республикалар ҳам маълум таъйиққа тоқат қила олмайди. Охир-оқибатда Россиянинг ўзи ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келади...

Хуллас, биз сиёсий мулоқотимизга салбий таъсир қиладиган ўринсиз шахсиятпарастликни тарозининг бир палласига ва ўзаро муросага келиш йўлини иккинчи палласига қўйганимизни равшан англаб олмақ керак. Сиёсий мулоқот, Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг фикрига ўзаро ҳурмат билан қараш ана шу чигал масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисоблайман.

ДИСА ХАСТАД, "Дагенс Нюхетер" газетаси, Швеция: Президент жаноблари, олис хорижда, МДХ давлатларида Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга оид хабарлар доимо диққат марказида турибди. Яқинда босилган бир хабарда ватанга хиёнат қилишда айбланган киши қора курсига ўтказилгани айтилган эди. Улар орасида, Президент сайловидаги рақибингиз - Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш. Нега сиз мухолафат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу савол менга тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор. Конституция бор. Олий Кенгаш - давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи бор. Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ўзирги тарихий тажрибанинг кўрсатишича, яқинда мустақилликка эришган суверен давлатларда воқеалар деярли бир хил

андоза билан ривожланди. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа республикалардаги конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад - ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини кўзлай бошладилар. Аммо улар сизларнинг ривожланган мамлакатларингиздаги каби конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки қўрқитиш, зўравонлик, кўпоровчилик йўли билан курашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи моддасида: давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган. Мантиқийми? Шубҳасиз, мантиқий! Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга зид ҳаракат қилувчи мувозий ташкилотларнинг тузилиши бошбошдоқликка олиб борган бўлур эди. Барча халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизни энг халқчил Конституция ва қонунлардан бири деб эътироф қилишди-ку, ахир! Дарвоқе, жаҳон ишбилармонларининг яқинда Давосда ўтказилган йиллик кенгашида Европа Тиклаш ва тараққиёт банкининг Президенти Аталли жаноблари бунинг яна бир қарра тасдиқлади...

"Муҳолиф" дейилмиш кучларнинг мақсадлари нима эди?

Бир мисол айтиб берай. "Миллий мажлис" деб аталган "Чекланган мажлис"ни тузиш учун қилинган уриниш давлат ҳокимиятининг қонуний органи бўлган Олий Кенгашга кучли таъсир ўтказиши лозим эди. "Қайта тузувчилар" деб аталган кимсаларнинг фикрича, "Миллий мажлис"га ўзининг муҳолафатчи партиялар деб юрганларнинг вакиллари кириши лозим эди, улар қонуний давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини назорат ва тазйиқ остига олиш мақсадини амалга оширишмоқчи бўлган. Бу бошқача айтганда, қип-қизил тўнтариш эмасми?

Хўш, уларнинг дастури борми, улар кўп миллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар? Яна бир гап. Уларнинг талабига кўра, гўё парламент, ҳукумат буларнинг кўрсатмаси билан иш қилиши керак эмиш. Баъзи бир минтақалардаги фожиали воқеаларни ҳисобга олсак, бунинг оқибати қандай бўлгани маълум.

Модомики шундай экан, бундай қилиш тўғрими, республиканинг ҳақиқий фуқаролари бундан хабардормилар?- деган савол туғилади.

Мисол қидириб олисга боришнинг кераги йўқ. Ён кўшнимиз Тожикистонни олиб кўринг. Республика пойтахти - Душанбедаги Шохидон майдонида ҳам "демократлар" тўпланишган эди. Кейинрок, ниҳоят, ниқоб пардаси тушганида, бу одамларнинг қўлида автоматлар пайдо бўлганини ҳам кўрдик. Кимки митингга борган бўлса, анча-мунча пул тўланди. Хўш, натижа нима бўлди? Бу фуқаролар урушига олиб келди: ўн минглаб бегуноҳ кишилар - аёллар, болалар, қариялар нобуд бўлди... "Демократ"ларнинг мақсади битта - "Эрон тоифасидаги давлат" қуриш эди. На давлат ҳокимияти, на Олий Кенгаш муҳолафатчиларга - кўпоровчиларга қарши тура олди. Ҳолбуки, мустақил давлатда конституция ҳам, қонунлар ҳам амал қилмоғи лозим эди.

Хуллас, мухтарам жаноблар, Қарбдагилар жон куйдираётган "Бирлик" ҳаракатининг фаолиятини ҳам Президент эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Адлия вазирлиги таҳлил этиши керак. Адлия вазирлигида рўйхатдан, қонуний тасдиқдан ўтишаётганида "Бирлик" раҳбарларига, зиммангизга сиёсий масъулият олганингизни унутманг, қонун йўриғидан чиқманг, деб уқтирилган эди... Кейинги пайтда уларга, фаолиятингизга танқидий назар ташланг ва уч ой мобайнида белгиланган тартибда ариза бериб, сўнгра ишлайверинг, аммо Конституция доирасидан чиқманг, деб неча марталаб айтилди.

Ҳа, айтгандай, барча ривожланган капиталистик мамлакатлардаги тартибга мувофиқ партия ва ҳаракатлар ўз таъминоти учун молиявий маблағни қаердан олаётгани ҳақида давлатга баёнот тақдим этишга мажбур эканликларини биламан. Аъзоларининг сони уч мингга ҳам етмаган ўша "Бирлик" ҳаракати бир талай пулни қаердан олди экан?

Мен кўпгина хорижий мамлакатларнинг конституцияларини батафсил ўрганиб чиқдим. Журналистлар ҳам шундай қилишса чакки бўлмас эди. Ўша конституцияларнинг биронтасида қонуний сайланган ҳокимиятга қасд қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан,

Германия Федератив Республикаси конституциясининг ўн биринчи моддасида: ҳар қандай партия молиявий манбалари ҳақида ошкора ҳисоботлар, баёнотлар беришга мажбурдир, деб ёзиб қўйилган. Жуда тўғри талаб. Фуқаролар, солиқ тўловчилар бу қоидага тўла-тўқис розидирлар.

Аминманки, Ўзбекистон аҳолиси Тожикистонда рўй бергани каби бошбошдоқликка йўл қўйилишини хоҳламайди. Шундай бўлса-да, Тожикистоннинг фожиаси бизнинг кўзимизни очди. Бундай фожа Ўзбекистонда такрорланмайди! Бунга йўл қўйилмайди!

БЕТСИ МАККЕЙ, "Москоу Таймс", АҚШ: Президент жаноблари, Сизга иккита савол бермоқчиман. Биринчиси - нега баъзи журналистларнинг келишига рухсат берилмаяпти. Иккинчиси - баъзи газеталар, жумладан, "Эрк"нинг ёпилишига ким кўрсатма берди?

ПРЕЗИДЕНТ: Мени кечирасиз-у, аммо халқаро қоидага биноан журналист у ёқда турсин, оддий фуқаро мустақил давлатнинг дарвозасидан кириб келганида ҳужжатлари расмийлаштирилиши лозим. Сизнинг ҳужжатларингиз расмийлаштирилди-ку! Бу ҳамма эътироф этган маърифий усул. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Энди газеталарнинг очилиши ёки ёпилиши масаласига ўтайлик. Бунга Президентнинг сира дахли йўқ. Рўй берадиган ҳамма масалалар қонун асосида, хусусан, матбуот ҳақидаги қонун асосида ҳал қилинади. Республикада тегишли комитет бор, келиб чиқадиган муаммоларни ўша комитет ҳал қилиши керак. Агар биронта газета ёпиб қўйилган бўлса, унинг раҳбариятига мулоҳазалар айтилган, улар бу мулоҳазаларни бажаришга мажбурдирлар. Аммо, афсуски, бажармадилар...

Бирок, юқорида айтиб ўтилган фикрга яна бир бор қайтмоқчиман. Бир фараз қилинлар: сиз яшаётган давлатда рўзнома ёки ҳафтанома, журнал нашр қилинса-ю, лекин уларни таъминловчи, яъни бошқача айтганда, кўрсатма берувчи (шу жумладан, кўпорувчи) кучлар чет мамлакатларда туриб, гиж-гижласа!? Бунга қандай қарайсизлар? Ҳар бир матбуот органи, партия, ҳаракат маблағ билан таъминланиш манбалари ҳақида давлат идораларига баёнот тақдим қилиши лозим. Бу соҳада ошкоралик зарур. Модомики, матбуот



ошкораликни талаб қилаётган экан, нега энди мустақил давлатнинг раҳбарияти ҳам ўша қоидага амал қилмаслиги керак экан?

МИНЕСДЕС ВЕЛАСКО, Мексика телевидениеси: Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Мексика телевидениеси гуруҳи 18 кундан бери Ўзбекистонда турибди. Бизнинг вазифамиз - мамлакатнинг қиёфасини гавдалантириш. Биз бу ерга қонун асосида келганмиз, мамлакатингиз Ташқи ишлар вазирлиги бизга катта ёрдам берди. Аммо биз доимо партия ходимларининг, Давлат хавфсизлиги комитети агентларининг назоратида эканимизни сезиб турибмиз. Оддийгина сюжетларни суратга олишимизни ҳам тақиқлаб қўйишмоқда. Шу вақт ичида биз мазкур кўрсатувни кутиб турган ўн миллионлаб мексикаликлар учун сизнинг суҳбатингизга мушарраф бўлмадик. Бунинг сабабини изоҳлаб бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Президент билан суҳбат дедингиз. Ҳозир ўзингизни қизиқтираётган ҳар қандай саволга жавоб олиш имкониятингиз бор.

"Давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари", материал олиш йўлидаги тўсиқлар ҳақидаги гаплар, чамаси, ҳақиқатга унчалик тўғри келмаса керак. Ташқи ишлар вазирлигида ким сиз билан алоқа боғлаб турибди?

(Сукунат)!

Вужудга келган масалаларни ҳал этишда ёрдам сўраб республика Ташқи ишлар вазирлигида кимга мурожаат қилдингиз?

- ...МУХБИР: Йўқ. Ташқи ишлар вазирлигида бизга имкони борича ёрдам беришмоқда. Лекин Самарқанд бозорида суратга олишимизга йўл қўйишмади...

ПРЕЗИДЕНТ: Бозорда "Давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари" йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Даъволарингизга келганда, ушбу учрашувдан кейин сизларга Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари бириктириб қўйилишига Президент сифатида ваъда бераман. Ҳамма муаммоларингизни улар ҳал қилишади. Сизлардан сақлайдиган сиримиз ҳам, суратга олиш учун ёпиқ жойларимиз ҳам йўқ.

РОЗ БЕРДИ, "Бизнес уик" журнали, АҚШ: Президент жаноблари, Америкада чиқадиган "Бизнес уик" газетасини иккита

масала қизиқтирмакда. Ўзбекистонда ишбилармонлар сиқувга олинмокда, деган хабарлар бор. Республика рахбариятининг ишбилармонлик тузилмаларини чеклаш дастури борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Эҳтимол, мен қайта тақрорлаётгандирман. Аммо Конституциямизда хусусий мулк тақиқланиши у ёқда турсин, балки давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб ёзиб қўйилган.

Мен бундай гап-сўзлар қаердан чиққанини биламан. Бизда (бундайлар қаерда йўқ дейсиз?) "давлатни қайта қуриш" тарафдорлари бор. Бюрократия бизда ҳам етарли экани табиий. Бозорга ўтиш даврида эса у ўзини, айниқса, тажовузкорона тутмокда. Сизларда ҳам шундай бўлган эди. Бозор муносабатлари ҳеч қаерда осонгина, силлиққина жорий қилинган эмас. Шу боисдан, ислоҳот муҳолифлари пайдо бўлаётгани ҳам мутлақо табиийдир.

Бизда давлат назорати хизмати ташкил этилган. Унинг вазифаси Президент фармонларини, айниқса, бозор муносабатлари соҳасидаги фармонларни рўёбга чиқариш ва ижрони назорат қилишдан иборат. Кўпчилик буни навбатдаги қўшимча маҳкама, деб ҳисобламокда. Республикада бозор муносабатларига ўтиш мақсади аниқ-равшан белгилаб олинган. Мабодо, Россияда ва бошқа давлатларда ўтмиш замонларни қўмсаш мавжуд бўлиб, у кучайиб бораётган бўлса, бизда ундай эмас. Бундай бўлмайти ҳам! Республикамиз ўз йўлидан бормокда. Бундай ишонч қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилади.

Табиийки, Россияда рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистонга ҳам таъсир ўтказмокда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мустақкам хўжалик, сиёсий, маданий алоқаларни бирданига узиб бўлмайти. Модомики, шундай экан, у ерда амалга оширилаётган тажрибалар хоҳлаймизми, йўқми, бизга ҳам таъсирини ўтказаверади.

Аммо биз кучли шимолий қўшнимизга қараб иш тутмаймиз. Республикада янги шарт-шароитга ўтишнинг ўзига хос, ўзига мос босиқ-вазмин концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепция нимага асосланади?

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатнинг "қуйруғи"да бўлмаслиги керак. Бу - иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан юқори туриши лозим, демакдир.

Иккинчидан, фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган

ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлса - ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Айнан давлат устувор жиҳатларни белгилаши, оқилона ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган босқичма-босқич сиёсат ўтказиши лозим. Давлат бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги зарур.

Учинчидан, Ўзбекистонда 22 миллиондан кўпроқ аҳоли истикомат қилади. Аҳолининг йиллик кўпайиши салкам 550 минг кишини ташкил этади. Россияда эса туғилиш кескин камайиб бормоқда... Республикамиз аҳолисининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалардир. Фарзандларимиз баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун уларни ҳимояга олиб, едириб-ичириш, тарбиялаш лозим бўлади... Шулар қаторида қарияларимиз, муҳтож оилаларни ҳам. Яқинда Москвада чиқадиган газеталардан бирида Биробижонда саккиз кишидан иборат бутун бир оила ахлат ўрада ётган моддани туз деб, заҳарланганини ўқидим. Ақл бовар қилмайдиган мана шундай воқеаларни эшитганимда юрагим эзилиб кетади. Аллоҳга шукурлар бўлсинки, бизда қашшоқлар, ахлатхоналарни титувчилар йўқ. Тўғри, ҳозир ҳаёт оғир. Аммо мен республика Президенти сифатида одамларнинг очарчиликка дуч келишига йўл қўймайман. Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлсагина давлат бўлади. Бу борада бошқача йўл йўқ...

Тўртинчидан, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак. Ким бўлишидан қатъи назар - у камбағалми ёки бойми, мансабдорми, йўқми, қонун олдида баробар бўлиши лозим! Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа илож йўқ! Юрт фаровонлиги учун меҳнат қилсангиз - раҳмат! Қонунни буздингизми, ватан бойлигини ўғирладингизми, жавоб беринг!

Нихоят, бешинчидан, бозорга "юз" ёки "беш юз" кунни ҳисобга олиб ёндашиб бўлмайди. Бу ўринда Шаркнинг турмуш тарзини, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк Ислом динини ҳисобга олмоқ зарур! Асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат. Бу маънода ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли бор!

Бундай гаплар учун салмоқли далил-исботлар керак, албатта. Мен буни тушунаман. Ҳозир минглаб ёшларимиз Туркия, Америка, Англия, Францияда таълим олмоқда. Улар юртимизга энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар бўлиб қайтадилар.

Аминманки, Ўзбекистоннинг келажаги буюк. Давлатимизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ерлар, азим дарёлар бор. Бу муқаддас заминда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди. Хўш, бу - бойлик эмасми!..

ЯН КРАУЗЕ, "Монд" журнали, Франция: Президент жаноблари, кечирасиз, мен аввал берилган саволлардан бирига қайтаман. Ўзбекистонда муҳолафат қанчалик ошқора ишламоқда?

ПРЕЗИДЕНТ: Мен Ўзбекистонда Конституция асосий қонун эканини яна бир бор эслатиб ўтишга мажбурман. Унда инсон ҳуқуқлари кафолатланган, кўп партиялилик негизидаги сайлов назарда тутилган. Энг муҳими - битта мафкуранинг ҳукмронлиги тугатилганидир. Нега эканини билмайман-у, аммо Ўзбекистонда партия ва ҳаракатларнинг ошқоралиги учун қаттиқ чеклов мавжуд деган фикр хорижда тез-тез такрорланиб турибди. Келинг, ҳаётга, фактларга мурожаат қилайлик. Бизда "Ватан тараққиёти" фирқаси иш олиб борапти, унинг тарафдорлари ҳам анча. Бу фирқанинг бутун республикада тарқатиладиган ўз газетаси ҳам бор. Бу - ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни, ўз ватанини тезроқ бозор иқтисодиёти изига олиб чиқишга интилаётган бошқа кишиларни бирлаштирган партиядир. "Ватан тараққиёти" кучга тўлиб бормоқда. Имоним комилки, бу партия бўлғуси сайлов вақтида парламентда ва жойлардаги ҳокимиятларда анчагина овоз олади.

Иккинчи партия кўпчиликка маълум. У - Ўзбекистон Халқ демократик партияси. Кўплар уни Коммунистик партиянинг вориси деб ҳисоблаб, Коммунистик партиядан ўсиб чиққан партиялар тоифасига киритишади. Бундай эмас, деб ишонч билан айта оламан!

Рақамларга мурожаат қиламан. Агар Ўзбекистон Коммунистик партияси сафларида 700 мингга яқин киши бўлган бўлса, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига атиги 220 минг киши кирди. Бунинг устига партияга қираётганларнинг асосий қисмини КПСС билан ҳеч

бир алоқаси бўлмаган ёшлар ташкил этади. Шунини аниқ айтишим зарур: илгари юз берган номаъқулчиликларда оддий коммунистлар айбдор бўлмаган.

Ўзбекистонда Коммунистик партия Россиядаги ёки собиқ Иттифокнинг бошқа мустақил давлатларидаги каби тугатилгани йўқ. У ўзини ўзи тарқатди! Сикувлар, қувқунлар, кўрқитувларсиз юз берди бу ҳол...

Ўзбекистон Россиядан келтирилган коммунистик мафкурани қабул қилмайди, қабул қила олмасди ҳам. Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса Шарқда униб ўса олмайди. Буни ҳамшиша ҳисобга олмоқ керак.

Шундай бир касаллик бор, уни дохийлик деб аташади. Эндигина бир-иккита шеър ёки ҳикоя ёзган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган баъзи шуҳратпараст ёшлар ширин орзуларга берилиб, баландпарвоз фикрлар юритишмоқда. Улар ўзларига нега сиёсатга аралашмайлик, нима учун бирор "партия"нинг йўлбошчиси бўлмайлик, Президент бўлсак арзимаймизми, ахир бу ҳавас қиладиган иш, деган саволларни беришмоқда. Жаҳон тарихида шундай мисоллар бўлса ҳам бу иш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Етакчи бўлиш учун ҳаётни билиш, оммага таяниш керак. Бу айниқса Ўзбекистон шароитида муҳимдир. Саволларингиз юракдан чиқаётганига қараганда, сизлар муҳолифатдаги партия учун жуда қайҚуряпсиз. Лекин сизга ҳам саволим бор: бундай ҳаяжоннинг сабаби нимада? Бу партияларнинг ҳар бир кишига, халқимизга тушунарли бўлган, оғиримизни енгил қиладиган аниқ дастури борми? Бундай дастур йўқ. Ижобий, халқ тили билан айтганда, пичоққа илинадиган таклиф ҳам кўринмайди. Олиб борилаётган иқтисод, сиёсат нимаси билан сизларга ёқмайди, айтинглари?! Бунга жавоб йўқ. Республика иқтисодиёти тез юксалиши учун нима қилиш керак? Ўзбекистонда жиноятчилик, қонунларни бузиш, ёппасига порахўрлик авж олиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин? Собиқ Иттифокнинг бир қанча республикаларида ахир шундай аҳвол юз беряпти. Бу саволга ҳам жавоб беришмайди.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз иккита асосий вазифани ҳал қиляпмиз. Биринчиси - давлатни барпо этиш, мустақил

республикани вужудга келтириш, унинг пойдеворини қуриш; иккинчиси - бозор иқтисодиётига ўтиш. Бунинг учун эса энг муҳими - тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллий тотувлик зарур. Башарти шу мувозанат бузилса, мустақил давлатни барпо этиш хомхаёлдир. Бинобарин, бу мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун кучли ижро ҳокимияти зарур.

Муҳолифат тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда муҳолифатнинг иш олиб боришига рухсат этилган. 1994 йилда бўладиган сайлов энг демократик негизда ўтказилади. Айтмоқчи, Ўрта Осиё минтақасидаги барча республикалар орасида фақат Ўзбекистондагина дастлабки Президент сайлови муқобиллик асосида ўтди. Ҳамма жойда Президентликка даъвогарлар сайловчиларнинг юз фоиз овозини олдилар. Мен эса саксон олти фоиз овоз олдим. Бу билан фахрланаман. Чунки менинг рақибим бор эди. Аммо бу ҳақда нима учундир ҳеч ким гапирмаяпти.

ЕВАЛД ТРОЯНСКИ, "Рейнише Пост" газетаси, Германия: Русча оммавий ахборот воситаларида сизнинг армиянгиз, авиациянгиз Тожикистондаги фуқаролар урушида иштирок этмоқда, деган хабар берилди. Айтишларича, Тожикистон мудофаа вазири ҳозирги лавозимини эгаллашдан олдин Ўзбекистон армиясида хизмат қилган экан. Шу гап тўғрими?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўтган йилнинг май ойида Тожикистонда тўнтариш юз бериб, фуқаролар уруши бошланган, одамларни қуйдириб, аёлларнинг қорнини ёриб ташлаган, қўлларини кесиб, бошларини танасидан жудо қилишган, хуллас, ваҳшийлик билан ўттиз мингдан ортиқ одам қириб ташланган пайтда бу кўргилик кимнинг ёрдами билан бўлмоқда, деб ҳеч ким ўзига ўзи савол бермади. Душанбе атрофидаги даралардан бирида юзта "Стингер" ракетаси портлагани яқинда маълум бўлиб қолди. Тожикистонда бундай жанговар қурол ишлаб чиқариладими?! Бошқа жойдан эса кўпорувчилик қилиш учун Қамлаб қўйилган 400 тонна портловчи модда топилди. Булар қаердан келган? Ҳозир Тожикистонда Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлмиш мужоҳидларни суд қилиш бошланмоқда. Лекин бу ҳақда лом-мим дейишмаяпти.

Ёрдам тўғрисида гапирадиган бўлсак, Тожикистоннинг қонуний йўл билан сайланган ҳукумати мадад беришни сўраб, барча МДХ мамлакатларига мурожаат қилди. Ўрта Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг Россия ташқи ишлар вазири ҳам иштирок этган Олмаотадаги кенгашида Тожикистонга ана шундай ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1992 йил май ойида Тошкентда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартномага мувофиқ уни имзолаган етти мамлакатнинг ҳар бири зарур бўлган тақдирда бир-бирига ёрдам бериши шарт. Тожикистонда тартиб ўрнатилиши учун унга халқаро мадад ҳам зарур. Ўз вақтида мен БМТ Бош қотиби жаноб Бутрос Ўлийга шундай илтимос билан мурожаат қилган эдим. Лекин ҳозирча, деярли ёрдам ҳаракати сезилмаяпти. Кўпгина буюк давлатлар ҳозир Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилишяпти. Бу ҳаракатларга қўшиламан, албатта. Лекин Югославияга кўрсатилаётган эътиборнинг атиги бир қисми энди Тожикистонга қаратилса, тожик халқи халқаро ёрдам ҳаракатининг натижасини кўrsa. Агар бу ерда тинчлик ўрнатилмас экан, оқибати қандай бўлишини айтиш қийин.

Совет қўшинлари Афғонистонга киритилганда жаҳон оммавий ахборот воситалари бу мамлакат ҳақида деярли ҳар куни ёзар эди. Аммо Совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгандан сўнг сукунат бошланди. Ҳолбуки, айти пайтда Афғонистонда ярим миллион қуролли одам бор, улар энг замонавий қурол-яроғлар, ҳатто ракетаalar билан таъминланган. Хўш, жафокаш Афғонистонда нималар бўляпти, у ерда хорижий қўшинлар бўлмаса, нима учун одамлар ҳалок бўлмоқда? Ким қурол-яроғ етказиб берапти? Бунинг жавоби қийин эмас. Афғонистон кимгадир тутаб турган олов каби зарур, шу олов чўғларини Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга олиб ўтиб, уларга тазйиқ ўтказиш мумкин. Бундай ҳаракатлар ёвуз кучларнинг мақсадларига киради.

Ўзир Афғонистонда қурол-яроғ шу қадар кўп тўпланиб қолганки, ҳисобланса, жаҳондаги бошқа бирон мамлакатда (жон бошига) бунча қурол йўқ. Аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Қурол-яроғлар ва наркотик моддалар чегара орқали Марказий Осиё республикаларига ўтмоқда, аммо на Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти, на бошқа халқаро ташкилотлар бу чегарани ҳеч қандай назорат остига олмаган. Афғонистонда, Покистонда, Эронда бизнинг минтақамизда кўпуровчилик фаолияти олиб бориш учун террорчилар гуруҳлари тайёрланмоқда. Бу ҳақда етарли маълумотлар бор. Тожикистон худудида каллакесарларнинг хуружини бостириш чоғида, жанговар самолёт ва вертолётлар қатнашган экан, бу МДХ Бирлашган курулли кучлари қўмондонлигининг ишидир. Тожикистон - ялпи хавфсизлик кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси, бинобарин ҳукуматнинг илтимосига биноан унга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бу халқаро қонунларга асосланган тажрибадир.

Энди Тожикистон Республикасининг мудофаа вазири тўғрисида. Маълумки, Тожикистоннинг армияси эндигина тузилмоқда. Бунга қадар бутун собиқ СССР худудида битта армия - Совет армияси бор эди. Шу армиянинг кадрлари ҳозир миллий армияларни тузишмоқда.

**МУХТОР ҒАНИЕВ**, "Останкино" телевидениеси, Москва: Бундан икки ой муқаддам Тошкентда Қозоғистон ва Ўрта Осиё давлатлари бошлиқлари Марказий Осиё давлатлар минтақасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳозир қандай ривожланмоқда?

**ПРЕЗИДЕНТ**: Бу минтақадаги республикаларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик, олдин айтганимдек, маданият, урф-одатлар, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими эса, иқтисодий салоҳиятда ҳам мавжуддир. Сув, минерал хом ашё ресурслари шундай салоҳиятни вужудга келтирадики, у мустақкам бирлашиб иш олиб боришни талаб қилади. Шу асосда Марказий Осиё минтақаси барпо этилди.

Бошқа масала - ахборот соҳасида бирлашиш тўғрисида гапирмоқчиман. Тошкентдан бериладиган телекўрсатувларни бешта республиканинг ҳаммасида олиб кўрсатишга қарор қилинди. Бошқа давлатларда ҳам ана шундай каналлар барпо этилмоқда. "Новый день" ("Янги кун") минтақалараро газетаси чиқа бошлади. Худди шунга ўхшаган "Осиё" газетаси Олмаотада ҳам чиқади. Буларнинг ҳаммаси халқларимизни бир-бирларига тағин ҳам яқинлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

**ИКЕДА МОТОХИРА**, "Нихон Кейзай", Япония: Ўйисоб-китоб



маълумотлари тўғрисида бир неча савол. Айтинг-чи, 1992 йилда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан камайдими? Агар камайган бўлса, қанча камайди? Пулнинг кадрсизланиш даражаси ва фаразларга кўра унинг кутилаётган суръатлари, ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомати қандай? Сизнинг давлатингиз Россиянинг энергетика ресурсларига қанчалик қарам, давлатингиз ўзини ўзи қанчалик таъминлай олади?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Ўисоб рақамлари - қайсар нарса, уни алдаб бўлмайди. Ўтган йилнинг якуналарига кўра, собиқ Иттифоқнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш камайиб кетди. Бизда бу камайиш тўрт ярим фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бир қанча бошқа давлатларда бу кўрсаткич анча юқори. Россияда йигирма беш, Қозоғистонда - ўн олти ва ҳоказо. Ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомати беш бутун ўндан олти фоизни ташкил этди. Халқаро стандартларга кўра, бу кўрсаткич меъёрий ҳисобланади ва катта ташвишга сабаб бўлмайди. Шу билан бир вақтда саноатнинг энгил, нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш каби тармоқларида ишлаб чиқаришнинг юксалиши кўзга ташланмоқда.

Пулнинг кадрсизланиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, рубль зонасидаги бирорта мамлакат ҳам унинг суръатларини аниқ белгилай олмайди. Бунинг калити рубль чиқарадиган марказ - Москвадир. Рубль зонасида эканмиз, бошқа давлатлар каби биз ҳам шундай оқим гирдобиди бўлишимиз табиийдир. Шунинг учун ҳам ўзимизнинг ҳимоя тадбирларимизни қабул қилишга мажбурмиз. Шулар қаторида озиқ-овқат товарлари маълум хилларини талон орқали сотиш ва савдода купон системасини жорий этишдир.

Барча қийинчиликларга қарамай, мен келажакка ишонч билан назар ташлайман. Ижобий жараёнлар ҳозирок сезилиб қолди. Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг пасайиши асосан бошқа республикалардан маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ бўлган катта корхоналарда юз берди. Хўжалик алоқаларининг узилиши уларнинг ишига кўпроқ таъсир қилди. Ҳозир биз маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз, маҳсулот етказиб беришнинг бошқа йўллари излаяпмиз, йилнинг дастлабки чорагида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш юксала бошлашига ишонаман.

Ўзир республикада қишлоққа кўп эътибор берилмоқда. Кичик корхоналар ташкил этилмаган бирорта хўжалик бўлмаса керак. Етти юз минг гектардан кўпроқ суғорма ер хусусий кишиларга берилди. Шу туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Жорий йилимиз ўтган йилга нисбатан тагин ҳам самаралироқ бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

КАРОЛ ЛАНДРИ, АФП, Франция: Собиқ Совет Армиясининг тегишли қисми ўтган йили Ўзбекистон назорати остига ўта бошлаган эди. Бу жараён қандай давом этмоқда? Асосан рус миллатига мансуб бўлган зобит кадрларни сақлаб қолиш учун нима қилмоқчисиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, парламент эса мудрофаа ва қуролли кучлар тўғрисида бир қанча қонунларни қабул қилди. Зобитлар ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш, уларнинг ижтимоий кафолати масалалари ҳал этилган. Хуллас, Республика Армиясидан кетишга интилаётганлар йўқ.

Кўмондон кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистонда учта ҳарбий билим юрти бор. Уларда таълим олиш учун турли миллатга мансуб кишилар ўқишга кирмоқда, аммо маҳаллий миллат ёшлари орасида ҳарбий касбни эгаллашга интилиш сезиларли даражада кучайди. Шу билан бир вақтда бизнинг армиямиз Россияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар билан таъминланади. Унинг энг яхши анъаналарини қабул қилиб олади. Шу сабабли Россия армияси билан мустаҳкам алоқа қилиб турибмиз ва қилаверамиз.

Биз катта армия тузмоқчи эмасмиз. Мен Ўзбекистоннинг хавфсизлигини таъминлаш махсус зоналарини барпо этиш тегишли умумий шартномаларни тузиш билан боғлиқ деб биламан. Россия Марказий Осиёда хавфсизликнинг гарови бўлиши керак - менинг фикрим шундай.

МАТТИАС ШЕПП, "Штерн" журнали, Германия: Президент жаноблари, собиқ Иттифоқнинг жанубий республикаларидан ўарбга наркотик моддалар оқиб боряпти, деб хавотир олинмоқда. Сиз бундай бўлмаслигига кафолат бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Яхши савол. РАТА-ТАССнинг Париждаги мухбири "Монд" газетасига таяниб, гўё Ўзбекистонда наша етиштириш одат тусига кирмоқда, деб хабар қилганини яқинда

эшитиб қолдим. Бундан ҳам бемаъни гапни тасаввур этиб бўлмайди. Биз яқин вақт ичида Интерполга аъзо бўлиб кирмоқчимиз. Бу мўътабар халқаро ташкилот асосан бангфурушлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашаётгани сизларга маълум. Ўзбекистонда наша етиштиришга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. Биз "оқ ажал" Покистондан, Афғонистондан, бошқа мамлакатлардан Европага бизнинг худудимиз орқали ўтмаслиги учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Бу соҳадаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаяпти. Масалан, яқинда божхона ходимлари ёнҚоқ деб ёзиб кўйилган контейнерларни очиб текшириб кўришди. Аслида бу контейнерларда чиройли халтачаларга жойланган юзлаб килограмм наркотик моддалар бор экан.

Биз наслимиз соғлом бўлишини таъминлашни ўзимизга буюк мақсад қилиб олдик. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон "Соғлом авлод учун" деган икки даражали орден таъсис этди. Бизнинг вазифамиз - энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда бангфурушликка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни авваламбор ўзимизнинг порлоқ келажагимиз учун кураш деб биламан.

Биз турли мамлакатлардаги бангфурушликка қарши кураш соҳасидаги мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилибгина қолмай, уларнинг тажрибасини ўрганишимиз ва Интерполга қиришимизни тезлаштиришимиз керак.

АЛЕКСАНДР МЕРКУШЕВ, "Ассошиэйтед пресс" агентлиги, АҚШ: Президент жаноблари, сизнинг мамлакатингизда ислом дини қонун-қоидалари тикланиши яққол намоён бўлмоқда. Айни вақтда сиз Ўзбекистондаги барқарорлик учун ислом ақидапарастлиги энг катта хавф эканини бир неча бор айтдингиз. Рисоладагидек ислом билан барқарорлик ва тинч турмушни бузадиган жангари ислом ўртасида чегара борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бултур мен асосий дини Ислом бўлган кўпгина мамлакатларга бориб келдим. Маккаи мукаррамада, Мадинаи мунавварада, Эронда, Малайзияда, Индонезия, Покистон, Мисрда

бўлдим.

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг Ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар.

Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Илгари одамлар Қуръон сураларини ёд олишарди-ю, бу китобда баён этилган гапларнинг чуқур маъносини кўпинча тушунишмас эди. Энди ҳар бир киши она тилида Ислом динининг моҳиятини ўқиб олиши мумкин.

Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман. Мисрда содир бўлаётган портлашларга, қўшни Тожикистонда рўй берган фожиаларга йўл кўйиб бўлмайди. Чунки Мисрда ҳам, Тожикистонда ҳам битта мақсад - муқаддас Ислом динидан фойдаланиб, ёвуз ниятли кимсалар ва кучлар ўз манфаатларига эришмоқчилар. Мансабпараст ва амалпарастлар одамларнинг динга бўлган ихлоси, муқаддас ишончи, пок умидларидан ўз Қаразли мақсадлари йўлида фойдаланяптилар. Тожикистон мисолида худди шундай Қаразли режалар учун қанча-қанча беғуноҳ инсонларнинг умрини хазон қилиб, ҳеч кечирилмайдиган қурбонларга олиб келинганини кўриш мумкин.

Мавриди келганда шунини айтиб ўтмоқчиман: афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Останкино" телевидениеси жуда хунук роль ўйнади. Унинг мухбирлари тоғдан тушиб келган кишиларни "Ислом демократлари" ва улар партократияга қарши курашмоқдалар, деб атади. Аммо ҳеч ким Душанбедаги Шоҳидон майдонида турган кишиларга катта пул тўланганини айтгиси келмади.

Кейин нима бўлгани ҳаммага маълум - минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди, беҳисоб қон тўкилди. Бунинг учун демократия Тожикистонда бир ниқоб сифатида керак эди. "Демократлар" ҳокимиятга етиб борганларида, автоматлар ишга солинганида шиорлар улоқтириб ташланди.

Ибратли бир мисол. Тожикистон демократик партиясининг раиси Шодмон Юсуф Тожикистондаги русларни гаровга ушлаб турилган бандилар деди. Ақидапарастлар ҳатто мактаб ўқувчиларини гаровга олишдан ҳам қайтмадилар. Шунда ҳам уларни демократлар деб аташди.

Ҳамиша ҳам бузиш осон, янги уй қуриш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам Ислом ақидапарастлиги Ўзбекистонга хавф соляптими,- деган саволга: хавф соляпти, деб жавоб қайтаришим мумкин. Айниқса, биз эркин демократик давлат қураётган ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақидапарастлик мақбул эмас деб ҳисоблайман.

ЛУИДЖИ САНДРИ, АНСА, Италия: Ислом ақидапарастлигига муносабатингиз қандай? Жаноб Президент, ақидапарастликнинг таъсири Ўзбекистонга ҳам тарқалади, деб ҳисобламайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Назаримда, "ақидапарастлик" тушунчасининг ўзи кенг қамровлидир. Ислом ақидапарастлиги бор, коммунистик ақидапарастлик бор... Булардан иккови ҳам бизга мақбул эмас. Бу ўта номаъқул оқимлар чинакам демократик жамият қураётган давлат учун сира тўғри келмайди. Ўзбекистонда Ислом ақидапарастлиги хавфи бор ва бу хавф ортиб бормоқда. Мен мазкур масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Сиз демократик матбуот вакилларисиз, сиз ўз конституциясида озодликни олий қадрият деб эълон қилган мамлакатларнинг фуқаросисиз, лекин мен саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман:- сиз ақидапарастлик, экстремизм билан қурашмоқ йўлида биз билан биргамисиз?

Бу ерда мухолифчилар эслатиб ўтилди. Ўзбекистонга ёрдам бериш тўхтатилсин, деб жар солаётган ана шу мухолафатга тушуниш мумкинми? Буни қарангки, ана шу мухолифчиларнинг фикрича, гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётган эмиш. Айни вақтда ҳар бир ақли расо киши шу нарсани англаб турибдики, бизнинг

юртимизда жуда жиддий, жуда катта аҳамиятга молик масала, яъни Ўзбекистонда ақидапарастлик ва экстремизм Қолиб келадими ёки йўқми, деган муаммо ҳал этиляпти. Нима учундир шу масала бу ерда тилга олинмади. Сиз эса демократиянинг жарчилари бўлсангиз, бизга бу курашда ёрдам беринг. Қаддимизни ростлаб олишга кўмаклашинг. Навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг. Сўзларимнинг маъзини чакқанда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар хусусида турлича талкинлар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу мавзу хусусида баҳслашиш, исбот-далиллар келтириш ҳам мумкин. Аммо сиздан шуни сўрамоқчиман: Осиё дунёсида Ўзбекистон тақлид қилиши мумкин бўлган бирон-бир идеал демократик давлатни айтиб бера оласизми?

**БЕТСИ МАККЕЙ**, "Москоу Таймс", АҚШ: Ахир сиз Туркиянинг тараққиёт моделини маъқул кўрасиз-ку.

**ПРЕЗИДЕНТ**: Ҳа, бу биз учун иқтисодий юксалиш моделидир. Лекин мен ушбу модел демократик тараққиёт модели деган эмасман. Бу ҳар хил тушунчалардир. Лекин мени авторитаризм хусусида, сиёсатдаги қаттиққўллик хусусида танқид қилишадиган бўлса, баҳслашишга тайёрман.

Ўолбуки, танқид қилиш, маслаҳат бериш жуда осон. Биз эргашишимиз лозим бўлган идеал демократия намуналарини бирма-бир санаб беринг-чи? Америкада, Германияда демократияни қарор топтириш учун неча йил керак бўлди? Ўша Қўшма Штатларни олайлик, Сан-Францискода Форс кўрфазидаги урушга қарши чиқаётган минг-минглаб одамларни бир куннинг ўзидаёқ хибсга олмоқдалар. Журналистлар бу - демократиянинг бузилиши деб айтишмаяпти-ку? Аксинча, кўчага чиққан одамлар давлат тузумининг душманлари, деб кўрсатилмоқда. Буни рисоладаги аҳвол деб бўладими?

**ПЁТР КИМ**, Корейс маданий маркази: Республикада сўнги вақтда рўй бераётган ижобий силжишлар Ўзбекистонда яшаётган корейсларга ҳам дахлдордир. Ўзбекистон раҳбарияти маданий марказни тузишга, анъаналар ва урф-одатларнинг тикланишига ёрдам берди. Лекин бизни Корея Республикаси билан ўзаро алоқалар қандай

ривожланмоқда, деган савол ҳам ҳаяжонга солиб турибди.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мен ўтган йили Корея Республикасига сафар қилган эдим. Ушбу сафар ҳозирнинг ўзидаёқ, аввало, иқтисодий ижобий натижалар беряпти. Бизнинг ташқи савдо ташкилотларимиз Кореянинг бир қанча етакчи фирмалари, шу жумладан ДЭУ ва бошқа фирмалар билан амалий муносабатлар ўрнатди. Энг юқори даражада давлатлараро муносабатлар ҳақида, сармояларни ўзаро муҳофаза қилиш негизлари тўғрисида ва бошқа масалалар хусусида ҳужжатлар имзоланди. Энг муҳими - ана шу шартномалар Ўзбекистонда ҳам, Корея Республикасида ҳам хайрихоҳлик билан кутиб олингандир. Демак, биз тўғри йўлдан бормоқдамиз. Жамоатчилик фикрига таяниб, худди ана шу йўлдан илгарилаб бораверамиз.

Аммо бу муносабатларда иқтисодий жиҳат билан бир қаторда миллатга дахлдор сиёсий жиҳатни ҳам назарда тутиш лозим. Ўзбекистонда бошқа миллатлар вакиллари қатори икки юз минг корейс ҳам яшамоқда. Биз улар ўзларини худди ватанларидагидек ҳис этишлари учун ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Ўзбекистонда яшаётган барча кам сонли миллатлар ҳақида Қамхўрлик қилиш лозимлиги республиканинг асосий қонунида ҳам ёзиб қўйилган.

**КРИСТОФЕР БАУЭР, Би-би-си:** Тожикистонда ўзбек қўшинлари борми, авиациянгиз кўзҚолончилар позицияларини бомбардимон қилишда қатнашдими?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Очигини айтсам, "кўзҚолончилар" деган сўз менга номақбул. Ҳозир Тожикистонда кескин сиёсий кураш бормоқда. Шу кураш оқибатида фуқаролар уруши бошланиб кетгани жуда ачинарлидир. Бу урушнинг қўшни республикалар худудига тарқалиб кетишидан Худонинг ўзи асрасин. У ҳолда салбий жараённи тўхтатиб қолиш жуда мушкул бўлади. Бу масалада ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Шу ўринда бир савол қалқиб чиқади: чегарадош мамлакатларда жанговар тузилмалар тайёрланаётган, Тожикистонга Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистондан қурол етказиб берилаётган экан, хўш, шундай шароитда Тожикистон ўз чегараларини ўзи ҳимоя қила оладими? Ўзбекистон биродаркушлик урушига чек қўйиш учун имкони бўлган барча ишларни қилмоқда. Аммо халқаро жамоатчилик

ҳам бу ўринда ўз сўзини айтиши керак. Жумладан, сиз - журналистлар ҳам ўз сўзингизни айтишингиз лозим. Тожикистондаги вазият ақл бовар қилмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Буни албатта ҳисобга олиш лозим бўлади. Чегарадаги кучлар ҳисобга олинмаса, Тожикистон ерида Ўзбекистон фуқароси бўлмиш биронта ҳам қуролли аскар йўқ.

КАРЕН АГАНИРОВ, "Озодлик" радиоси, АҚШ: Президент жаноблари, сиз ўз сўзингизда Россиядаги парокандалиқдан хавфсираётганингизни айтиб ўтдингиз. Бу республикада шу яқин орада воқеалар қандай кечади деб ўйлайсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ростини айтсам, шундай савол берилишини кутган эдим. Буни долзарб савол деб ўйлайман. Мавриди келиб, биз Борис Ельцин билан Москвада икки давлат ўртасида шартнома имзолаганимизда, мен Ўзбекистон Россиясиз ўз келажагини тасаввур эта олмайди, деган эдим. Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам шундай: икки томоннинг иқтисодий раванқини ўйласак, бу алоқаларни узиб ташлаш мумкин эмас.

Айни вақтда Россияда олағовур жараёнлар кечмоқда. Сиз, журналистлар Россиядаги сиёсий, конституцион танглиқдан яхши хабардорсиз, иқтисодий беқарорлик сабабли бу танглик яна ҳам оғирлашмоқда. Назаримда, юқорида санаб ўтилган кўп воқеалар шу боисдан ҳам содир бўлмоқдаки, баъзи кимсалар ислоҳот барбод бўлгани учун жавобгарликдан қочмоқчилар. Сиёсий олишув авж олиб кетган вақтдан иқтисодий соҳада йўл қўйилган камчиликларни босди-босди қилиб юбориш осонроқ-да.

Бир вақтлар мен Горбачевга бошланаётган ўзгаришлар хусусида савол бериб, қайта қуришнинг концепцияси борми ўзи, деб сўраган эдим. Бундай савол берилганида ҳаммиша унинг жахли чиқиб: "Сизга ўзи қанақа концепция керак, Наполеон уруш бошлар экан, аввало майдонга тушиш керак, ким ғалаба қилишини кейин кўрамиз дерди", деб жавоб берарди. Назаримда, ҳали яқингачаям 300 миллион одам яшайдиган жуда катта мамлакатда бундай ёндашувга йўл қўйиб бўлармиди. Россиядаги иқтисодий тангликнинг сабабларидан бири шуки, аниқ-равшан концепция, ислоҳотларнинг собитқадам дастури йўқ.



Хўш, мен кўпроқ нимага мойилман? Мен Россиядаги ислохотлар муваффақиятли бориши учун демократия тарафдориман. Чунки биз бундан ниҳоятда манфаатдормиз. Агар Россия Федерациясидаги ислохотлар охирига етказилмаса, агар диктатура ҳокимият тепасига келса, бу албатта бизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистоннинг мустақиллигига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидни аниқ-равшан тасаввур этиб турибмиз. Биз Борис Ельцин барча партиялар ва ҳаракатлар билан иттифоқ тузишини истар эдик. Фақат шу тақдирдагина сиёсий олишувлар иқтисодий тараққиётга зиён-заҳмат етказишини, Россия устида пайдо бўладиган хавф-хатарни бартараф этиш мумкин.

Шуни таъкидламоқчиманки, Ельцин ўз йўлига тузатишлар киритиши керак.

МАРКО ПОЛИТИ, "Мессаджеро" газетаси, Италия: Жаноб Президент, учрашув учун, саволларимизга шу қадар батафсил жавоб берганингиз учун катта раҳмат. Биз Ўзбекистон журналистлар уюшмасидаги ҳамкасбларимизга ана шу учрашувни ўтказишда кўрсатган саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирмоқчимиз...

ПРЕЗИДЕНТ: Жаноб Марко Полити, маъзур тутинг, ўзингиз савол бермайсизми?

МАРКО ПОЛИТИ, "Мессаджеро" газетаси, Италия: Бажонидил, Сиз Россия мазкур минтақа хавфсизлиги учун кафолат бўлиши керак деб айтдингиз. Ельцин эса Россия собиқ Совет Иттифоқидаги тинчлик учун кафолат бўлиши керак деган эди.

ПРЕЗИДЕНТ: Саволингизга тушундим. Ҳозир мустақил бўлган Ўрта Осиёдаги барча республикалар Россия билан чамбарчас боғланган. Фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, аввало хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам боғланган. Ўзаро алоқаларимиз жуда мустаҳкам. Ўзбекистонда бир миллиондан кўпроқ руслар яшамоқда. Агар бутун минтақа микёсида оладиган бўлсак, бундан анча кўп. Маънавий қардошлик ҳам бизни боғлаб турибди. Мен амалиётчиман, шу боисдан ҳам бизнинг манфаатларимиз билан Россиянинг манфаатлари чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблайман. Россия ўзининг куч-қудрати билан Марказий Осиё хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Лекин битта шарт билан: ўзининг мустақиллигини ҳурмат

қиладиган давлат бошқаларнинг ҳам истиқлол йўлидаги қадамларига кўмаклашиши зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бизда мустақил армия бўлган тақдирда ҳам улар Россия армияси билан дўст бўлади, албатта. Мен Россиянинг келажагига ишонаман ва жами орзуларимизнинг ушалишини унинг юксалиши билан боғлайман. Бу давлат, албатта, илғор марраларга чиқади, биз ҳаммамиз биргаликда кўп ютуқларни қўлга киритамиз.

МАРКО ПОЛИТИ, "Мессаджеро" газетаси, Италия: Ташаккур.  
Биз бу ошкора мулоқотни узоқ вақт эслаб юрамиз.

*1993 йил 4 март*

## ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

*Президент Ислом Каримов 1993 йил 3 апрель куни халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.*

Кун тартибидаги асосий масалага ўтишдан олдин республикамызда, жумладан, Жиззах вилоятида мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзламоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Бу нарса шунинг учун ҳам муҳимки, муҳтарам депутатларда бугун сессияда кўриб чиқиляётган масала ҳақида эътирозга сабаб бўладиган тушунмовчиликлар қолмаслиги керак.

МДҲ таркибига кирувчи кўпгина республикалардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда осойишталик ҳукм сураётир. Тўғри, бизда ҳам маълум даражада қийинчиликлар бор. Аммо биз республика бюджетидан катта-катта пул маблағлари, керак бўлса валюта сарфлаб, одамларимиз турмушида етишмовчилик бўлмаслиги чораларини кўряпмиз. Шунинг учун ҳам бизда Қарибу Қурабо йўқ. Нафақалар, стипендиялар ва иш ҳақлари босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

Жиззахликлар азалдан меҳнаткаш, қалби очиқ, саховатли инсонлардир, деди Президент, уларнинг бу ажойиб фазилатлари ўтган йили ўзбек элининг ардоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги тантаналарида яққол кўринди.

Хабарларингиз бор, 1992 йилнинг бошларида Мирзачўл районида халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сайёр сессиясини ўтказиб, Эркин Турсуновни бир овоздан ҳоким этиб сайлаган эдик. Орадан бир йилдан сал кўп вақт ўтди. Шу вақт оралиғида бирмунча ишлар қилинди. Бундан кўз юммаймиз. Аммо вилоятдаги ишларда камчилик кўпайиб кетди. Ижтимоий-сиёсий аҳволда заифлашиш бор. Жиноятчилик авж оляпти. Халқ хўжалиги соҳаларида ўсиш суръати пасаймоқда. Бошқарув ўз холига

ташлаб кўйилган. Энг ёмони - вилоятда гуруҳбозлик кучайиб кетди. Айниқса, кейинги пайтларда. Бу ҳол республика ҳукуматини ташвишлантирмай қолмайди. Юксак мартабали раҳбарлар бир-бирларига пойлоқчилик қилиб, камчилик топиш пайига тушишди. Оқибат шу бўлдики, қишлоқ хўжалигида аҳвол ёмонлашди. 1992 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш бўйича олинган режалар кўп ҳолларда уддаланмади. Пахта тайёрлаш миқдори 1991 йил билан таққосланиб кўрилганида 60 минг тонна камайди.

Чорвачиликда ҳам жуда кўп камчиликлар бор. Гўшт ва сут етказиш режалари уддаланмади. Озуқа экинлари ҳосилдорлиги жуда паст.

Холисона айтадиган бўлсак, ўтган йил ёмон келмади. Фақат ишни оқилона ташкил этиш, раҳбарларга хос қатъият ҳамма жойда ҳам яққол намоён бўлавермади. Натижада кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликлар кўпайди.

Мен қишлоқ хўжалигидаги салбий аҳвол учун деҳқонлар, пахтакорлар, чорвадорларни ва бошқа касб эгаларини айбламоқчи эмасман. Меҳнаткаш халқ вакилларида асло айб йўқ. Буни бир мисолда кўришимиз мумкин. Маълумки, лалмикор ерларда ҳосилдорлик паст. Олимлар бу соҳада кўп изланишлар олиб боряпти. Лекин уларнинг маслаҳатларини раҳбарлар инобатга олмаяпти. Сизларда "Дон" илмий-ишлаб чиқариш институти (ўаллаорол тумани) олимлари яхши Ғалла навини яратди. Лекин, шу нав ҳосилдорлиги яхши ва касалликка чидамли эканига қарамай, эътибордан четда қолди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир, Ғалла масаласи бугун жуда муҳим, сиёсий масала-ку! Бу камчиликлар, яна такрорлайман, бошқарувдаги хатоликлар натижасида юз берди.

Маблағни ҳар ким ўз ҳудудидан қидириши керак. Солиқ органлари бунга ўз ҳиссаларини кўшиши лозим эди. Афсуски, вилоятда кўплаб корхоналар даромадини яшириб келди. Биргина 1992 йилда ўтказилган текширишларда қарийб 250 миллион сўм солиқ тўланмагани аниқланди.

Энди савдо соҳасини олиб кўрайлик, дея сўзида давом этди

Президент, очиғини айтганда, савдода тартиб йўқ. Савдо ходимлари, энг аввало, раҳбарларнинг кўнглини овлайди. Нопок раҳбарлар эса, ўз навбатида, уларга ҳомийлик қилади. Бугун ҳар бир маҳаллада, шаҳар ва қишлоқда, туманда кўплаб савдо дўконлари бор. Агарда раҳбарлар талабчан бўлмас экан, савдо ходимларига худо ўзи инсоф бермас экан, на прокурор, на милиция, на бошқа назорат органлари кучи билан тартиб ўрнатиб бўлади.

Менга бир нарса сира тинчлик бермайди. Биз не-не машаққатлар билан, валюта маблағларини сарфлаб, Ўзбекистонга, жумладан Жиззах вилоятига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келяпмиз. Хўш, уларнинг ҳаммаси ҳам эл дастурхонига тўлиғича етиб бораётirmi?

Йўқ, ҳурматли депутатлар! Савдо соҳасидаги ва раҳбариятдаги нопок кимсаларнинг ўзаро тил бириктириб, кўпчиликнинг ризқига кўз олайтириши ханузгача давом этмоқда. Булар нима ҳисобига бойлик орттиряпти, деган саволни қўйиш тўғрими, йўқми?

Халқимизга қийинчилик билан етказиб берилаётган чой, ёғ, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни четга чиқариб юбориш ҳоллари кўп учрамоқда. "Жиззахстеппстрой" бирлашмаси қошидаги "Бўстон", "Сангзор", Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси, "Сўғдиёна" фирмасини олайлик. Улар республикадан ташқарига пахта толасини Қайриқонуний равишда чиқариб юбораётган бир пайтда қўлга тушдилар. 1992 йилнинг ўзида божхона ходимлари томонидан 300 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинди.

Мен бир нарсани илгари ҳам айтган эдим, ҳозир яна такрорлайман. Қаллоблик қилган киши жазодан қутулиб қолиши мумкин. Аммо, ўртоқлар, ҳар бир қилмишимиз учун виждонимиз олдида агар бу дунёда бўлмаса, рўзи маҳшарда, яъни охиратда, албатта, жавоб берамиз. Бугун ҳаром йўл билан бойлик орттирганлар билиб қўйсин: улар қонун олдидаги жавобгарликдан бир бало қилиб қутулиб қолишса ҳам, бу бир кунмас-бир кун муқаррар тешиб чиқади!

Жиноятчилик ҳақида гап кетар экан, бугун "Биз бу иллатга қарши кураш бўйича ундоқ қилдик, бундоқ қилдик!" дейдиганлар

кўпайди. Бу гаплар ёлғон. Ташаббус Президентдан чиқди. Хўш, нима учун у Президентдан чиқиши керак? Жойлардаги мутасадди ўртоклар нима қилиб ўтирибди? Ҳар ким ўз вазифасини бажариши, халқ олдидаги бурчини адо этиши, нонини ҳалоллаб ейиши керак эмасми?

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қачонгача Марказдан кўрсатма кутади? Қани мустақил ва масъул ишлаш? Қани халқ дарди билан ёниш?

Биродарлар, инсоф қилингллар! Ахир, мен ҳам, гарчи Президент бўлсам-да, ёлғиз бир кишиман. Агар ҳаммамиз бирлашмасак, қўлни-қўлга бермасак, ишда силжиш бўлмайди.

Бугун Жиззах шаҳрига кириб келаётиб Наврўз тантанаси устидан чиқиб қолдик. Одамларнинг кайфияти яхши. Энг муҳими, улар ишляпти. Бир-бирлари билан аҳил. Биргаликда Наврўзни нишонлашпти. Хурсанд бўлмай бўладими, ахир! Қанчалик қийин бўлмасин, одамларимизнинг келажакдан умиди бор. Мени шу нарса қувонтиради. Гапнинг рости, ҳар гал одамларнинг юзларига бокиб, уларнинг турмуши янада фаровон бўлиши учун биз, раҳбарлар қўлни-қўлга бериб ишляпмизми, деб ўйланаман. Келингллар, бу мушкул саволга биргалашиб жавоб ахтарайлик.

Тўғриси айтиш керак, Жиззах вилояти раҳбариятидаги ўзаро келишмовчиликлар салбий натижаларга олиб келди. Бунинг оқибатида халқ анча қийналиб қолди.

Бугунги раҳбар қатъият билан, қаттиққўллик билан ишлаши лозим. Унинг учун халқ тинчлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш вазифаси барча масалалардан устун туриши керак.

Ўзбекистон Президенти сўзининг охирида вилоятларда ва туманларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарор бўлиши ёки бўлмаслиги ҳокимнинг қобилияти, куч-ғайрати, ишбилармонлиги, одиллигига боғлиқ, дея қайта-қайта таъкидлади. Энг муҳими - сўз ва иш бирлиги амалда мужассам бўлмоғи керак.

Шундан кейин Президент ўз ваколатидан фойдаланиб, вилоят ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари лавозимларига Алишер Тошкенбоевни ва Аҳмад Соатовни тавсия этди. Вилоят халқ депутатлари уларни яқдиллик билан юксак лавозимларга сайлади.

\* \* \*

Сессия тугагач, Президент Ислом Каримов Жиззах вилоятининг янги сайланган ҳокими Алишер Тошкенбоев, унинг муовинлари ҳамда туман ҳокимлари билан суҳбатлашиб, вилоятда юзага келган кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабларини яна бир бор батафсил таҳлил қилди.

Ўеч бир муаммо тўсатдан пайдо бўлмади, деди Президент, у барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ва бокибеҚамлик ҳукм сурган жойда илдиз отади. Ҳар ким, ҳар қайси раҳбар ўз жойида, ўз лавозимида туриб, чекига тушган бурчни ҳалол бажариши керак. Хўжалик миқёсидаги муаммо ва камчиликларни хўжалик раҳбари бартараф этса, туман миқёсидаги ишларни туман раҳбарининг ўзи эпласа, аҳвол бу даражага бориб етмас эди. Бугун қарабсизки, вақтида ечилмаган ўнлаб ва юзлаб масалалар мадда бойлаб, ижтимоий ва ҳатто сиёсий тус ола бошлади. Биз тезкорлик билан масалани ўз назоратимизга олмасак ва қатъий чоралар кўрмасак, бир кун бориб, албатта, портлаш юз берар эди.

Собиқ ҳоким Эркин Турсуновга заррача хусуматимиз йўқ, деб таъкидлади Президент, биз у кишини яхши инсон сифатида биламиз ва иззат қиламиз. Аммо шунини айтиш керакки, Эркин Турсунов ҳаммага яхши кўринишни истади, айрим ҳаддидан ошган мансабпараст кимсаларнинг ҳаволаниб кетишига вақтида чек қўймади, муросасозликка борди, натижада вилоятни бошқаришни удда этолмай қолди.

Бугун халқ депутатлари таниқли мутахассис ва олим Алишер Тошкенбоевга катта ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими этиб сайлади. Янги ҳоким бу ишончни қаттиқ меҳнати билан оқлаши керак. Алишер Тошкенбоев - ишни биладиган, ҳалол ва самимий инсон. ўайрати ҳам бинойидай. Лекин, у, агар сизлар - вилоят ва туман раҳбарлари яқиндан туриб ёрдам бермасангизлар, ёлғиз ўзи ишни олға силжитиши қийин. Янги раҳбар вилоятни бошдан-оёқ кезиб чиқиб, аҳволни тузукроқ ўргангунча хийла вақт ўтади.

Агарда вилоят ва туман фаоллари янги ҳокимга келиб, мавжуд ютуқ ва камчиликларни рўйирост, ҳалоллик билан, ҳолисона айтишса,

ўрганиш даври кескин қисқаради ва шунчалик тез асосий фаолиятга киришиш мумкин бўлади.

Ислом Каримов вилоятнинг янги ҳокимига уч ой мобайнида яқин даврга мўлжалланган режалар дастурини тайёрлашни тавсия этди. Уч ой - етарли муҳлат, деди Президент, бу вақт ичида мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиш, устувор йўналишларни белгилаб олиш мумкин. Пухта ва аниқ режа бўлса, иш юритиш осонлашади. Вилоятнинг қурби етмайдиган масалаларни ечишда эса, агар улар ғоят муҳим ва мураккаб бўлса, Ўзбекистон ҳукумати ёрдам беради.

Вилоятда янги ер очишга эътибор бериш керак, деб таъкидлади Президент, чўлдаги пахтазорлар анча "чарчаб" қолган, шўри кўпайган ерларни ўз вақтида даволамасак, асосий валюта манбаи - пахта етиштириш камайиб кетиши мумкин. Табиийки, бу вазифалар сувни қаттиқ тежаш, мавжуд суғориш шохобчаларини таъмирлаш ва янгилаш ишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Бугунги энг долзарб масала - халқ таъминоти, деб уқтирди Президент, савдо соҳасида бўладими, маиший хизмат соҳасида бўладими - юртдошларимизни, айниқса, болалар ва қарияларни муҳтож ҳолга солиб қўймаслигимиз керак. Элимизнинг сабр-қаноати зўр, аммо ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини синаш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади. Элни иззат қилсанг, эл ҳам сени иззат қилади.

Республика раҳбарияти бугунги кунда тиллага тенг валютани сарф этиб, халққа керакли озиқ-овқат, дори-дармонни етказиб келяпти. Шу нарсаларни тақсимлашда адолат бўлиши керак. Ноҳақлик қилган кимсаларни Худо жазолашини кутиб ўтирмай, ўзимиз жазолашимиз керак.

Моддий неъматларнинг яратувчиси - халқ, маънавий бойликлар эгаси -халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади. "Халқим, халқим!" дея оғиз кўпиртириб, аслида эса ақалли бир чўпни олиб бошқа жойга қўймайдиган ҳовлиқмалардан Худо асрасин! Яна такрорлайман: раҳбар айтган ҳар бир сўзнинг ўз тошу тарозуси бор, тоғдай ваъдалар бериб бажармаган, арзгўйларнинг



қўйинини пуч ёнҚокқа тўлдириб, иш масъулиятини зиммасига олмаган раҳбарларга шафқат қилиб ўтирмаймиз. Бугун шундай даврки, у биздан қатъият ва ғайрат талаб этади. Ойда бир марта халққа кўриниш бериб, кейин яна бир ойгача соя-салқиндан ҳаловат топадиган тўра ва тўрачаларнинг замони ўтди!

Президент яна бир муҳим масалага - кадрларни танлашга алоҳида тўхталди. Жиззах вилояти раҳбарлари ўртасида тарқалган маҳаллийчилик ва уруғчилик кайфиятини аёвсиз танқид қилди. Агар шу ярамас иллатдан қутулмас эканмиз, биз ҳеч қачон ҳақиқий миллат бўлиб шакллана олмаймиз, деди Президент. Илгари бу кайфиятга зимдан ва атайлаб рағбат берилар эди. Бугун биз, бутун Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, Ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турган пайтимизда, "сен - зоминликсан", "сен - форишликсан", ёки "сен - жиззахликсан" деб тоифакашлик, тарафкашлик қилиш гуноҳи азим эмасми?! Қачон биз халқ бўламиз, қачон тўдабозлик ва гуруҳбозлик касалидан халос бўламиз?!

"Ўзимиздан бўлсин!" деган гаплар энди ўтмайди. Кадр танлашда шахсий муносабатларга берилишга, ошна-оғайнигарчиликка чек қўямиз. Бугун барчамизнинг илдизимизни чамбарчас боғлайдиган буюк бир тушунча борки, бу мустақил Ўзбекистондир! Керак бўлса, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболи учун ҳаммамиз жонимизни фидо қиламиз, Ўзбекистонимиз, асрий зулматдан халос бўлган жабрдийда Ватанимиз биз учун ҳамма нарсадан улуғроқ ва устунроқдир.

Жиззах аҳли - бағрикенг, меҳнатдан қочмайдиган эл, деди Президент сўзининг охирида, унга адолат ва ақл билан бошчилик қиладиган раҳбарлар керак. Янги ҳоким - Алишер Тошкенбоев ёнига фидойи ва ишчан инсонларни йиғиб, вилоятда тўпланиб қолган муаммоларни ўз вақтида ҳал этади, деб умид қиламиз.

## АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

*1993 йил 13 апрель куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.*

Кун тартибига қўйилган масалага ўтишдан олдин икки оғиз вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапирмоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Яширишнинг ҳожати йўқ: сўнгги вақтларда Президент девонига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда газета таҳририятларига Сурхондарё вилоятидан кўплаб шикоят хатлари, ташвишли хабарлар кела бошлади...

Вилоятга нуфузли комиссия юборишга мажбур бўлдик. Аҳвол ҳар томонлама ўрганилганида, вазият биз ўйлагандан ҳам жиддий ва мураккаброқ бўлиб чиқди. Далиллар ўжар бўлади. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрлари кўпол равишда бузилаётгани, жиноятчилик авж олаётгани, ижтимоий-сиёсий вазият тобора ёмонлашаётгани кишини ташвишлантиради. Яқинда Денов шаҳрида рўй берган кўнгилсиз ходисалар ҳаммамизни хушёр торттириши керак. Мен бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталаман.

Тўғри, турли муаммолар фақат Сурхондарёда эмас, бошқа вилоятларда ҳам бор. Гап шундаки, уларни энди биз ўзимиз ҳал этишимиз керак. Мустақил давлатнинг мустақил фуқаролари сифатида ўзимиз яшаб турган қишлоқ, туман, вилоят, пировардида бутун Ўзбекистонимиз равнақи учун ҳар биримиз жон куйдиришга, бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ўрганайлик. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Тошкентдан биров Сурхондарёга келиб тартиб ўрнатиб беради, дейиш хомхаёлдир. Қарс икки қўлдан чиқади. Бугун ушбу мажлислар залига асосан Сурхондарё фарзандлари тўпланган. Сизлар халқ ноиблари, давлат

арбобларисиз. Тилёғламалик қияпти, деб ўйламангиз, ростдан ҳам шундай, давлат арбобларисиз. Шу юрт муаммоларини ўрганиш, бартараф этиш, вилоятнинг истикболини белгилаш учун халқ сизга ваколат берган. Республика раҳбарияти бирон бир қарор қабул қилса, чора-тадбир кўрадиган бўлса, аввало, сизларнинг таклифларингиз, истақларингиз, тавсияларингизни инобатга олади. Шунинг учун рўй берган воқеаларга фаол муносабат билдиришингизни сўрайман. Келинглар, бирга ўйлашайлик, фикрлашайлик.

Жамият ҳаёти шундай мураккаб ва нозик қурилганки, унинг бирон бир соҳасида андак ўпирилиш содир бўлса, албатта, бу беиз кетмайди. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши, ошна-оғайнигарчилик, уруғчилик иллатларининг илдиз отиши, савдо, ҳуқуқ-тартибот органларидаги инсофсизлик элнинг кайфиятига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси - пахтачилик ривожланиш ўрнига йилдан-йилга орқага кетмоқда, деди Президент нутқини давом эттириб, мисолларга мурожаат қилайлик: 1990 йил вилоятда пахтанинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 29,5 центнерга тушиб қолди. Олтинсой, Шўрчи туманларида ҳосилдорлик аввалги йилларга нисбатан 8-11,5 центнерга камайган.

1992 йилни, ҳеч муболағасиз, Ғаллакорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Об-ҳаво шароити қулай келганига қарамадан, гектар бошига етиштирилган Ғалла ҳосили 1990 йилга нисбатан 1,5 центнер кам бўлди, маккажўхори ҳосилдорлиги 7,2 центнер, шоли 4,5 центнер пасайди.

Чорвачилик қоқ соҳага айланиб бормоқда. 1990 йил вилоят хўжаликлари 26596 тонна гўшт етказиб берган бўлса, 1992 йил бу кўрсаткич 18220 тоннага тушиб қолди. Сариосиё, Жарқўрғон, Ангор туманларида гўшт етиштиришнинг икки-уч баробар камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда сут соғиб олиш ҳам кескин камаймоқда. 1990 йил ҳар бош сигирдан 2400 литрдан сут олинган эди, орадан икки йил ўтар-ўтмас бу кўрсаткич 2100 литрга тушиб қолди. Бойсун, Қизирик,

Олтинсой, Жаркўрғон туманларида аҳвол айниқса ачинарли.

Давлатникими, жамоаникими, хусусийми, хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, мулк муқаддасдир. Афсуски, вилоятнинг бир қанча идоралари, хусусан, деҳқончилик-саноат уюшмаси (раиси А. Тўрақулов) ходимлари мулкка эътиборни унутган кўринадилар.

1991 йил Қумқўрғон туманидаги "Ўзбекистон" давлат хўжалиги деҳқонлари 16 гектар ерда - яна плёнка остида - 371 тонна эртанги полиз маҳсулотлари етиштиришди. Мақтовга лойиқ иш! Лекин халқимиз дастурхонини безаши мумкин бўлган минглаб сўмлик ана шу тансиқ полиз маҳсулотлари май-июнь ойларида республикадан ташқарига чиқариб юборилди. Аянчли томони шундаки, давлат хўжалиги кассасига бир тийин ҳам қирим қилинмади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу мўмай пул кимнинг, аниқроғи, кимларнинг чўнтагига тушди экан! Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг ушбу қаллоблик ҳақида ўз вақтида берган ахбороти нега вилоят прокуратураси томонидан жиддий ўрганилмади?!

Вилоятда пахта толасини қинқир йўллар билан сотиш расм бўлиб қолган. Чунончи, Қизирик туманидаги "Истара" давлат хўжалиги 1991 йилда 424 тонна пахта толасини ҳеч қандай ҳужжатсиз "Ўрта Осиё" кичик корхонасига ҳар тоннасини 9800 сўмдан, Жиззахдаги "Дарён" фирмасига 17800 сўмдан, Учқизилдаги бир кичик корхонага эса 9000 сўмдан сотган. Озиқ-овқат саноати учун яроқли бўлган 150 тонна чигит, республикада ёғ танқис бўлиб турган бир паллада, чорва молларига ем қилиб бериш баҳонасида ҳисобдан чиқарилган. Пахта чиқиндиси 1991 йилдаги тегишли буйруққа асосан камида 8 сўмдан сотилиши керак эди. "Истара"лик азаматлар эса 300 тонна чигитнинг ҳар килограммини 12 тийиндан ҳужжатлаштириб, катта миқдордаги чигит камомадларини ёпиб юборишган. Товаршунос А. Тўраев ва Ж. Раҳматуллаевнинг катта миқдорда камомадга йўл қўйгани ҳақидаги тафтиш материаллари вилоят прокуратурасида сансалорликка учраб, ҳамон эътиборсиз ётибди.

"Ҳазорбоғ" совхозига мурожаат қилайлик. Ушбу давлат хўжалигида 710 тонна пахта толаси Қайриқонуний йўллар билан сотилган. Натижада республика бюджетига 82,5 миллион сўм зарар

етказилди. 1992 йилда мазкур хўжаликнинг 515 тонна дон маҳсулоти унга мутлақо алоқаси бўлмаган вино ишлаб чиқарувчи "Орзу" кичик корхонасига 51 миллион сўмга пуллаб юборилди. Бироқ, шу кунга қадар хўжалик хазинасига бир чақа ҳам пул тушгани йўқ. Ҳақиқий нарх-наво билан баҳолаганда хўжалик буғдойни кичик корхонага бир неча баробар арзон сотган.

Узун туманидаги "Хурсанд" жамоа хўжалигида икки миллион сўмлик халқ мулки талон-торож қилинди. Музработ туманидаги "Бешқўтон" давлат хўжалигида 250 гектар ердаги шоли ҳисоботдан яшириб қолинган. Юзлаб тонна шоли турли хил савдо ташкилотларига арзон-гаровга улашилган. Гагарин матлубот жамиятига сотилган 100 тонна шоли ҳисобидан бир миллион сўм воситачилар чўнтагига тушган, Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" давлат хўжалигига қарашли "Сурхон" пахта тозалаш корхонасида 386 тонна чигит хўжалик фермасига озуқа сифатида юборилган. Бойсун туманидаги "Мачай", Қумқўрғон туманидаги "Ўзбекистон" давлат хўжаликларида юз берган талон-торожчилик, катта миқдорда давлат маблағини ўзлаштиришни прокуратура негадир уч йилдан буён эътиборсиз қолдириб келмоқда. Хўш, нега?

Вилоятда халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари - саноат, транспорт, қурилиш ва халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сурункали қоқлик, Қайриқонуний ишлар давом этмоқда. Бу ҳол, айниқса, бюджет маблағларидан фойдаланишда яққол кўзга ташланыпти.

Қумқўрғон тумани ҳокимлиги табиий офатдан зарар кўрган иморатларни тиклашга ажратилган маблағдан 800 минг сўмини мутлақо бошқа нарсага сарфлаган. Денов тумани ҳокимлиги 910 минг сўм маблағнинг қонунсиз сарфланишига "бош-қош" бўлган. Тежаб-тергаш ўрнига бюджет маблағларини талон-торож этишга йўл очиб берувчи қарорлар қабул қилиш, афсуски, шаҳар ва туман ҳокимлари тажрибасида тез-тез учрамоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 1089 автомашинадан фақат 800 таси балансда тургани аниқланди. Тиббий хизмат учун автомашина етишмай турган бир шароитда 34 автомашина маълум шахсларга арзон-гаров сотиб юборилган. Улар орасида ҳатто 1988-89

йилларда чиққан янги автомашиналар ҳам бор. Яна, техника йўқ, бензин йўқ, дейишади. Инсон ҳаётидан ҳам азизроқ нарса борми дунёда! Ўз вақтида тиббий ёрдам етиб бормагани учунгина оламдан кўз юмган норасидалар, оналар, қарияларнинг қарғиши урмайдими бу ноинсофларни! Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли муассасаларда катта миқдордаги камомад ва ўғрилиқлар одат тусига кирган. Шикоят ва аризаларнинг кўпчилиги тиббиёт ходимларининг ўта инсофсизлиги, дори-дармон савдосидаги кинҚирлиқлар ҳақида.

Вилоят тураржой ва коммунал хўжалиги бошқармасида тафтиш ва назорат мутлақо унутилган, молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар тўла-тўқис кўзбўямачилиқдан иборат. Мазкур соҳа тармоқларида 1992 йил 1 январдан сўнг жиҳозлар янги нарх бўйича рўйхатга олинмаган. Ўша йили бошқарманинг тураржой тизимида аҳолига кўрсатилган хизмат ҳақининг икки миллион сўми олинмагани аниқланди. 33 та махсус автомашинага зарурат бўлгани ҳолда ушбу корхонага қарашли "КамАЗ" автомашинаси асоссиз равишда "Автомобилчи" кичик корхонасига 63,5 минг сўмга сотиб юборилганини сира оқлаб бўлмайди. Корхона ҳисобидаги 200 квадрат метр ҳажмга эга бўлган қарийб ярим миллион сўмлик бино 1989 йилдан буён "Далварзин" кичик корхонасига ижарага бериб қўйилган. Тураржой ва коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи И. Қурбонов ўта пишиқ, адашса ҳам фақат ўз фойдасига адашадиган хилидан чиқиб қолди. У киши ўтган йили бюджет маблағи ҳисобига биржадан 1 миллион 375 минг сўмга "ГАЗ-31029" автомашинаси сотиб олдилар. Ҳозир катта сарф-харажатларни кўтарадиган замон эмас. Корхона учун харид қилинган экан, майли, буни кечириш мумкин. Аммо у кишининг корхонага қарашли обдон таъмирланган "ГАЗ-24" автомашинасини бор-йўғи 20 минг сўм тўлаб, ўз ҳисобларига ўтказганларига нима дейсиз!

Вилоятда халқ таълимининг аҳволи, айниқса, ачинарлидир, деди Президент. Вилоятнинг 43 мактаби хароб аҳволда. Ўтган йили 483 мактабда ўқиш икки сменали бўлди. Ҳатто уч сменали мактаблар ҳам бор. Мактабларни чучук сув билан таъминлаш ҳам мутлақо қониқарсиз. 280 мактабга водопровод ўтказилмаган. 26 мактабда эса ўқувчилар ариқдан сув ичишга мажбур бўлмоқдалар. 380 мактабда

канализация тармоғи йўқ. 436 мактабнинг ошхонаси очик айвонларда жойлашган. 36 мактабда на ошхона, на буфет бор. Шўрчи туманида - 24 та, Қумқўрғонда - 18 та, Музработда - 16 та, Бойсунда - 10 та болалар муассасалари ёпилди. Боғча ва яслилар ёпилиши туфайли ота-оналар иш билан узлуксиз банд бўлолмаптилар.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунни бузиш ва жиноятчилик ташвишли тарзда ўсиб бормоқда. Бундай қонунбузарлик ва жиноий хатти-ҳаракатлар 1992 йилда 1991 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Афсуски, мактаб муаллимларининг ўзлари ҳам аксарият ҳолларда тарбияга муҳтож. Ўтган йили тўрт ўқитувчи устидан жиноий иш қўзқатилди, 68 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 28 муаллим эса ҳушёрхонада тунаб чиқди. Ўқитувчилик - олижаноб, мўътабар касб. Мен меҳрибон мураббийларимиз, устозларимиз обрў-этиборига заррача шак келтирмоқчи эмасман. Лекин, ўрни келганда, айтмасдан иложим йўқ. Ҳаммаларингга маълумки, Президентликка сайланганимдан кейин мен имзо чеккан илк фармонлар ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган эди. Уларга уй-жойларини текин хусусийлаштириб бердик, талай солиқ ва тўловлардан озод этдик. Ер участкалари, қурилиш материаллари тақсимланаётганда биринчи навбатда ўқитувчиларга берилсин, дедик. Бу орада уларнинг маошларини бир неча маротаба оширдик. "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этганимизда биз ўқитувчи педагогларни ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кўзда тутганмиз. Жамиятимизнинг энг имтиёзли табақасига айланаётган муҳтарам ўқитувчиларимиздан шундан кейин ҳам, ўртоқлар, нима қиялпсизлар, қаёққа қараяпсиз ўзи, деб сўрашга ҳаққимиз борми, йўқми?!

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, эскиларини таъмирлаш муаммо бўлиб турган бир шароитда вилоятда янги-янги масжидлар қуриляпти. Шу йил 1 мартга қадар 46 масжид рўйхатдан ўтган, 181 таси ўтиш арафасида. Шулардан 84 таси Денов тумани ҳисобига тўғри келади, 18 таси Сариосиё, 21 таси Шўрчи туманлари ҳудудида.

Денов туманидаги "Тожикистон" жамоа хўжалиги Пистамозор қишлоқ Кенгаши чойхона қуриш ҳақида қарор чиқарган ва шу мақсад учун ер ажратган. Чойхонага деб ажратилган жойларда ҳам аслида

масжид бунёд этиляпти. Айни бир пайтда шу жамоа хўжалиги аъзоларидан уй-жой сўраб, ариза берган 285 колхозчининг 125 нафари ер ололмай сарсон бўлиб юрибди. Хўжаликдаги бешта болалар муассасаси молиявий таъминоти оғирлашгани сабабли фаолиятини тўхтатган. Шу тумандаги "Ҳазорбоғ" давлат хўжалигида 10 та, Худойназаров номидаги жамоа хўжалигида эса 9 та масжид қад кўтармоқда.

Ангор тумани марказида 1,5 гектар майдонни эгаллаган жомеъ масжиди қурилишига туман раҳбарияти бош-қош бўлиб турибди. Ширкатчилар, кичик корхона ва фирмалар, хуллас, халқ ризқини туя қилиб келаётган кўпгина нотайин идоралар ва шахслар масжид харажатларига деб 100 мингдан 500 мингга қадар пул атаганлар.

Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темура, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан "номусулмонроқ" бўлганлар?! Масжиду мадраса ўз йўлига. Ахир, улар салтанат хазинасидан ажратилган маблағу табиат ато этган куч-ғайратлари, ақл-заковатларини йўллар, работлар, кутубхонаю муолажахоналар, ҳаммомлар, борингки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми!

Халқнинг кундалик хайри корига ярайдиган юмушларга қўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди? Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шуҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли. Бундай хотамтойларга, аччиқ бўлса ҳам айтамыз: ҳокимлигингизни қилинг ёки салла ўраб масжидга имом бўлинг!

Жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жинойтчиликка қарши кураш, жинойтчиликнинг олдини олиш бўйича вилоят маъмурий органларида жуда кўпол хатолар, қонунбузарликлар мавжуд. Вилоятда содир этилган жинойтлардан 33,5 фоизи оғир жинойт экани ғоят ташвишлидир. 1991-1992 йилларда 1300 жинойт очилмай қолган. Қасддан қилинган еттита қотиллик, бешта оғир тан жароҳати, 17 та босқинчилик, учта зўрлаш ва ўнлаб ўғрилик, талончилик хатти-ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Жинойтчиликнинг бу қадар томир отиши жиний унсурларнинг хатти-ҳаракати билангина боғлиқ бўлмай, маъмурий органларнинг



кўпол хатолари ва айрим ҳолларда уюшган жиноятчилик билан тил топишгани оқибатидир. Тергов органлари содир этилган кўплаб оғир жиноятларни ёпиб юбормоқдалар. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг "мархамати" туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутулиб қолмоқдалар ва янги-янги жиноятларга қўл урмоқдалар. Масалан, ҳарбий қисм омборидан 32 дона пулемёт ўғирлаган Актишев деган шахснинг атиги бир йилга озодликдан маҳрум этилганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўша пулемётлар жиноятчилар кўлига тушиб қолса нима бўларди? Жиноят содир этилгани тўғрисидаги шикоятларни текширишда юзакичилик, суд-медицина экспертизасини четлаб ўтиш, жабрланувчидан аризасидан воз кечгани ҳақида тилхат олиш, жинойий ишларни кўриб чиқиш муддатига риоя қилмаслик, пайсалга солиш, имкон борича уни ёпти-ёпти қилмоққа уриниш тергов органлари фаолиятидаги хавfli иллатга айланмоқда.

Кўп ҳолларда тергов органлари уюшган жиноятчилар билан умумий мақсад йўлида бирлашиб кетмоқдалар. Шу йил 11 февраль куни деновлик Ж. Ҳайдаров, Д. Фатҳиддинов ва Ж. Силаев қоровулни кўрқитиб, зўравонлик қилиб магазин омборхонасидан 40 килограмм сариёғ ва 20 килограмм пахта ёғини куппа-кундузи ўмариб кетишибди. Магазин мудирини Э. Худойкулов босқинчиларни инсофга чақирса, уни роса калтаклашибди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси Д. Азизов очган жинойий иш юзасидан икки кунгина тергов олиб борилган, холос. Кейин эса ишни силлиққина ёпиш тараддудига тушиб қоладилар. Маълум бўлишича, босқинчилар тўдасининг бошлиғи Ж. Ҳайдаров Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Бозоровнинг яқин қариндоши бўлиб, у Денов шаҳрида илгари ҳам кўп бора безорилик қилган, қонунни бузган экан.

Денов туманида "Қузорлик"лар ва "тоғчи"лар деб ном олган қариндош-уруғчилик тўдалари ҳамда улар ўртасидаги зиддият кўпчиликка, шу жумладан, туман ҳокими ва маъмурий органларга ҳам беш қўлдек аён эди.

Шаҳарнинг "ёғли" жойларини кўп йиллардан буён таллашиб келаётган бу икки тўдани тартибга чақириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Тўда вакилларининг тўқнашуви ва кейинги ур-йиқитлар

натижасида бир киши ҳалок бўлди, бир киши оғир тан жароҳати билан касалхонага тушди. 12 хонадонга ўт қўйилди. Ачинарли томони шундаки, бу жиноий ишда ҳам ҳуқуқ-тартибот органи вакили - Денов шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Чориевнинг кўли бўлган.

Деновдаги тартиббузарликлар Сурхондарё вилоятида раҳбарлик ва бошқарувнинг бой берилганидан далолатдир. Буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Мен вилоят ҳоқими Ҳаким Бердиевни яхши биламан. У ҳалол, тўғри инсон. Лекин кўнгилчанлиги бор. Ҳоқимликка сайланаётганида ҳам, ундан кейин ҳам мен буни Бердиевнинг юзига рўйирост айтиб, бир неча марта огоҳлантирганман. Аммо у ҳамюртлари, сафдошларининг беҚараз танқидидан вақтида тўғри хулоса чиқара олмади. Охир-оқибат кўнгилчанлиги панд бериб, қариндош-уруғлари унинг елкасига чиқиб олишди. Мен бу ерда ҳоқимнинг муовинларини ҳам оқламоқчи эмасман. Вилоятдаги нохуш ҳодисаларда уларнинг ҳам айби бор.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти вилоят ҳоқими Ҳаким Бердиев, ҳоқимнинг биринчи ўринбосари Мамаюсуф Холбоевлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларни вазифасидан озод этиш ҳақидаги таклифни овозга қўйди. Халқ депутатлари таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Сурхондарёнинг мард, меҳнатқаш, ақл-заковатли халқи бор,- деди Президент. - Бағри кенг, айни замонда орияти баланд бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас. Вилоятга четдан раҳбар олиб келсак, юзларингизга оёқ қўйган бўламыз. Мен яна шунга аминманки, ўз юрти, эли учун жонини ҳам аямайдиган, катгани ака, кичикни ука деб халқ бошини қовуштирадиган раҳбар Сурхондарёнинг ўзидан ҳам топилади. Шу масалада мен туман ҳоқимлари, халқ депутатлари билан маслаҳатлашдим. Фикримиз бир жойдан чиқди.

Ўзбекистон Президенти қонуний ваколатидан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти ҳоқимлигига Жўра Норалиевни, ҳоқимнинг биринчи ўринбосари лавозимига Жовбўри Абдулҳақимовни тавсия этди.

Вилоят халқ депутатлари бу икки номзодни юксак лавозимга

якдиллик билан сайлашди.

Президент Ислом Каримов Жўра Норалиев ва Жовбўри Абдулҳакимовни янги лавозим билан табриклаб, вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Музокарада сўзга чиққанлар шу кунларда ҳамма нарсдан азиз бўлган тинчлик, хотиржамлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, республика раҳбарияти юргизаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

## ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

*Шарқда қадимдан шундай анъана бўлган: Хукмдорлар юртнинг нуфузли кишилари - аҳли фузалою аҳли шуаро билан бамаслаҳат иш юритганлар. Бу машваратларда мамлакатнинг аҳволи муҳокама этилиб, келажакка солинажак йўллар белгиланган. Республика Президенти Ислом Каримов бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашуви улуг бобокалонларимиздан қолган ўша одатни эслатди.*

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мен бир-икки масала бўйича мулоҳазаларимни айтиб, кейин сизларга сўз берсам, шулар ҳақидаги фикрларингизни билсам, яхши бўлар эди.

Мана, биз ҳозир 130 давлат билан алоқа боғладик, бир қанча ваколатхона ва элчихоналар очилди. Ҳар куни турли давлатларнинг вакиллари келиб, ҳар хил масалаларни ўртага қўяди, лекин шуни айтиш керакки, бу гапларнинг тагида битта маъно бор: кучингиз бўлса, қудратингиз бўлса, мана шу давлатнинг келажакига ишонсагина, сизни ўзига тенг кўриб гаплашади, бўлмаса менсимайди. Демак, биз келажакимизни мустақил равишда курмасак, ўзимизни ҳар томонлама ҳимоя қилмасак, ички ва ташқи сиёсатни оқилона ўтказмасак, ҳеч ким бизга астойдил хайрихоҳлик қилмайди.

Мен яқинда юртимизга келган турк дўстларга шундай бир савол бердим: бугунги алоқадан иккала томон ҳам манфаатдор, сиз фойда кўрмасангиз, балки бу ерда қўшма корхона қуриш, сармоя олиб келишга интильмасдингиз ва бошқа ишларни қилмасдингиз. Бу очик гап. Лекин барибир келажакни ўйлаб, ХХI асрни ўйлаб, кимдир бизга бирон нарса таклиф қиладими, йўқми? Ўзаро ҳимоя, мудофаа масаласи, болаларимизни тарбиялаш, уларнинг аҳил бўлиши хусусида гап юритишимиз лозим эмасми?

Малайзияда, бошқа давлатларда бўлганимда шу нарсага иймон келтирдимки, жаҳон харитасида янги давлат пайдо бўлса, сиёсатдонлар бу давлатнинг интилиши нимадан иборат, келажак

қандай, бу давлат қайси томонга бурилади, бизларга қарши чиқиб қолмайдими, деган масалани яхшилаб таҳлил этиб, кейин муносабат ўрнатар экан.

Шунинг учун биз Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини юргизар эканмиз, сезган бўлсангиз, баъзи бировлардан чиққан кўрсатмаларга бўйсунмаяпмиз. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор, деганда шуни тушунмоқ керак. Агар биронта кучли давлатнинг ноғорасига ўйнасак, эртага бизни ҳеч ким назар-писанд қилмайди, тобе, қоқоқ давлатлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин. Буни сизлар яхши тушунасизлар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен айтмоқчиманки, ана шу давлатлар билан муносабатни жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик - асосий вазифамиз. Агар шуни вақтида қилмасак, кейин ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яна хомашё бериб, меҳнат қилиб, роҳатини эса ўзгалар кўрадиган аҳволга тушиб қолишимиз мумкин.

Ўзир Москвада кечаётган воқеаларни олиб кўрадиган бўлсак, юмшоқ курсилардан айрилиб қолган баъзи аламзадалар собиқ Иттифокни қайтадан тиклаш учун бош кўтараяпти. Бугун энг хавфли нарса шу. Албатта, Россия улуғ, катта давлат. Лекин у бизнинг ҳам хомашё, ҳам тинимсиз меҳнатимиз туфайли буюкклашган давлатдир. Чор Россиясининг муқаддас заминимизни ишқол қилиб олишдан мақсади уни ўз манфаати йўлида ишлатиш эди. Тарихдан маданиятни, тараққиётни бизга Россия олиб келди, деган гапларни кўп ўқидик. Лекин асосий мақсад бошқа эди. Бу замин бой бўлмаса ёки унинг стратегик, сиёсий аҳамияти бўлмаса бу ернинг ҳеч кимга кераги йўқ эди. Яна шуни очиқ айтишимиз керакки, бундай қараш совет даврида ҳам, афсуски, ўзгармади.

Шунинг учун ҳам кимдир Ўзбекистонга келиб, бирор нарсани кургандир. Лекин қандайдир фойда топмаса, бу ерга келмас, бир тийинини ҳам сарфламас эди. Ўзбекистонда 1965 йилдан буён қанча олтин қазиб олингани маълум. Кейинги 15 йилда терилган пахтанинг ҳам ҳисоб-китоби аён. Ўзим ҳисоблаб чиққанман: шу давр мобайнида камида 35 миллиард долларлик бойлик - пахта ва олтин Марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Бошқа нарсалар ҳали бу ҳисобга қирмайди.

Ана шу йиллар мобайнида бизга нима берилган? Ўзбекистонга қилинган ёрдам, сармоялар ўша 35 миллиардга тўғри келадими, солиштириб бўладими? Хуллас, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар бу ердан фойда кўрмаса, ҳеч ким бир тийин ҳам бермайди. Бу ҳол, айниқса, сўнгги икки йилдан бери анча кўриниб қолди. Биз бойликларимизни ўзимизда қолдираётган пайтимизда улар сезиб қолдики, энди илгаригидек бўлмайди. Пахта майдонини камайтиряпмиз, алмашлаб экишни тартибга солдик. Бу - биринчидан. Иккинчидан - пахтани четга, долларга сотмоқчимиз. Россияни биз билан боғлаб турган нуқта бор, бу клиринг орқали савдо қилиш - Россия ўз нархи билан бизга нефть беради, биз шунга қараб пахта беришга мажбурмиз. Пахтани бермасак, улар бизга нефть бермайди. Мен ҳам доим айтаман: олдимизда турган энг катта Қов шуки, бизнинг коммуникациямиз чатоқ. Иккита темир йўл бор, холос - биридан кирилади, иккинчисидан чиқилади.

Агар мўлжалдаги учта дарвозани очиб олсак, биттаси Жанубга - Карочига, биттаси ўарбга - Форс кўрфазига, яна биттаси - Хитойга чиқади, Шимолга чиқадиган йўлимиз тайёр. Ҳозир, агар қўлимизда пул, долларимиз бўлса ҳам, нефтни бошқа жойдан келтира олмаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозир вазият оғир. Баъзи жойларда қон тўкиляпти, вайронагарчиликлар рўй берапти. Кўп жойда, айтайлик, аҳвол чатоқ, барқарорлик йўқ.

Ўзир одамларнинг миясига шундай ақида сингдириляптики, гўё мана шу вайронагарчилик, қон тўкилиши, ўзаро қарама-қаршилиқнинг сабаби битта, у ҳам бўлса, собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлиб, парчаланиб кетгани эмиш. Бу энг катта хавф. Шуни тўғри тушуниш керакки, бунинг хавfli жойи - содда одам мазкур масалада алданиб қолиши мумкин. Ўеч кимга нотинчлик, хонавайронлик керак эмас, қимматчилик керак эмас. Қарияларимиз доимо тинчлик, хотиржамлик бўлсин, деб дуо қиладилар.

СССРни тикламоқчи бўлган кучлар айна шу вазиятдан фойдаланмоқчи. Улар шум ниятларини ниқоблаб шундай демоқдалар: "Тинчлик керакми, эски оилага қайтайлик, унинг тепасида кучли ҳимояси бор эди, ана шунда сизга ҳеч ким зўравонлик қилмайди, биров шундай қилса, бизлар келиб ажратиб қўямиз". Қисқаси, ким

яхши - Кремль яхши.

Сизларда Аллоҳ таоло ато этган талант бор. Истеъдодсиз одам ёзувчи бўлолмайди, бу кўчага тасодифан кириб қолган дарров билинади. Ҳозир бизнинг мустақиллигимиз, истиқлолимиз тўғрисида матбуотда, телевидениеда яхши гаплар айтиляпти. Бунинг учун сизларга раҳмат. Сизларнинг меҳнатингиз - ҳар бир каломингиз зарур, чунки у маънавий озиқ деган гап.

Иқтисодий ислохот, аҳоли таъминотини яхшилашга ҳаракат ўз йўли билан бораверади. Шундай мақол бор: оч одамнинг кулоғига мусиқа кирмайди, яъни унга минг марта ташвиқот қилсангиз ҳам, у қорнидан бошқа нарсани ўйламайди. Чунки одамда, аввало, кайфият бўлиши керак. Шунда у қандайдир сезгир, кўнгли очиқ, нияти пок бўлади. Ана шундай пайтда унга ким тарбия беради, таъсир ўтказади? Албатта, сизлар. Ажойиб шеърларни ўқиганингизда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман ҳар нарсага қодир ҳис этади, буни мен сезганман. Айтмоқчиманки, сизларнинг кучингиз мана шунда, Аллоҳ сизларга шундай иқтидор берган.

Одамларга шуни англатиш керакки, бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим. Энди қаддимизни кўтаришимиз керак. Бизнинг еримиз, эл-юртимиз энди-энди эркин нафас оляпти. Лекин одам табиати шундайки, қийинчилик, оғирчилик билан келган нарсанинг қадрига етади, агар бирон нарса енгил йўл билан қўлга кирса, унинг аҳамиятини тушунмайди, қадрига етмайди. Қийинчилик билан, катта-катта талафотлар эвазига мана шундай истиқлолга эришса, уни қўлда қурол билан сақлайди, керак бўлса, жонини фидо қилади. Шуни унутмаслик керакки, истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ.

Вилоятдаги раҳбарлардан бири истиқлол муқаддас нарса, лекин у қайта қуриш туфайли келди, депти. Мен бир учрашувда жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш олдида турган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда истиқлолни қўлга киритиб, энди қаддимизни

ростлаб олаётганимизни тушунмасангиз, агар мана шуни халққа тушунтиролмасангиз, шунга масъул бўла туриб, ўзингизни етакчи хис кила туриб, шуни охиригача етказолмасангиз, заиф ёки кўрқоқ бўлсангиз, тўғриси айтиб, орамиздан чиқиб кетаверишингиз мумкин, дедим. Шундай вазиятдан фойдалана олмаса, оидин келажакка олиб борадиган тўғри, асосий йўлда одамларга бош бўлолмаса, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини одамлар онгига сингдирилмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўқ.

Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонаман. Мана, чет элдан келган катта-катта олимлар, давлат арбоблари ҳам Ўзбекистон шу йўл билан кетаверса, 10 - 15 йилда энг тараккий этган давлатлар сирасига киради, деб таъкидламоқда. Шу боис мен битта шиорни, катта масалани ўртага қўймоқчиман. Яқинда Минскдаги учрашувда айтган, газеталарда босилиб чиққан гапимни одамларга, халққа етказишимиз керак. Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса - ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир. Бошқа йўл йўқ. Мана шу шиор маъқулми сизларга?

Энди бу шиорнинг ҳозирги мураккаб вазиятдаги маъносини халқимизга тушунтирсак, шу пайтда иккиланиб турсак, келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз. Агар хушёр бўлмасак, ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳозир қийин, лекин қайси даврда, қайси замонда эркинлик осонлик билан кўлга киритилган?

Буни сизлар жуда теран англайсизлар, бу гаплар юрагингизга яқин, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашиб, яқдиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу масалада, маънавий инқироздан чиқишда, сиз, қаламкашлар, энг асосий етакчисиз. Менинг фикрим шундай. Етакчи деганимнинг боиси шундаки, одамлар сизга эргашади, энг катта кучингиз,- бу - қалам, асарларингиз. Одамлар шунга муҳтож, улар сиёсий нуқтаи назардан уйғонди, лекин уларга маънавий озиқ жуда зарур.

Яна шуни айтиш керакки, ўтмишнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор эди. Хусусан, бир вақтлар ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказиларди.



Ҳозир нима бўляпти? Мафкура масаласида нима қиялпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни соғломлаштиришда ким нима қилиши керак? Бу сизларнинг соҳангиз, зиммангиздаги вазифа эмасми? Янги мафкуранинг асоси, хусусиятлари борми, йўқми? Ким бу дастуриламалларни ишлаб чиқиши керак?

Яқинда мустақиллик тўғрисида гап кетганида мен шундай бир муғояса қилдим. Биласиз, Мустақиллик майдонида катта бино бор. 20 қаватли. Лекин сизлар билмасангиз керак, ер остига ҳам шунга яраша пойдевор қурилган. Демокриманки, агар бинони сарбаланд қилмоқчи бўлсангиз, пойдевори бақувват бўлиши керак. Акс ҳолда, бир гирдобга тушса, бўрон турса, ер билан яқсон бўлиб кетади. Миллатимиз чуқур илдизга эга. Бу - бизнинг бойлигимиз. Шундай экан, биномиз ҳам баланд, пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Энди кўркмасдан бинони қаватма-қават кўтаришга асос бор, уни Аллоҳнинг ўзи берган, буюк аждодларимиз берган. Фақат битта шарт - бу бинони қураётганда ҳаммамиз аҳил бўлишимиз лозим.

Мен фикримни айтдим, агар маъқул топсангиз сизларнинг мулоҳазаларингизни ҳам билмоқчи эдим. Ўйлайманки, мақсадимиз бир. Менинг тилагим: сизлар ҳам бир бўлиб, бир оиладек ишласангиз, мен хурсанд бўламан, ўзимни мақсадга эришган, деб биламан. Чунки, бу Ўзбекистон учун керак. Миллат учун керак. Келгуси авлод учун керак. Ҳаммамиз мана шу улуғ мақсад йўлида хизмат қилсак, иншооллох, мақсадимизга эришамиз.

САИД АЎМАД: Муҳтарам Президентимиз, Сиз амалга ошираётган ишларни кўриб-кузатиб турибмиз. Бизда ҳам муаммо кўп, кечирасиз, шуларни айтиб, бошингизни оғритишга тўғри келади. Менинг бир дардим бор. Бу дард шундан иборатки, Қодирий, Ойбек, ўафур ўулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳорлардан кейинги бизнинг авлод ҳозир 70 дан ошди. Оптимиздан жуда катта авлод келяпти. Бизлар шу даражага етишимиз учун 50 йил вақт кетди. Келяётганлар эса жуда талантили ёшлардир, улар 20-30 йил ижод қилиб қўйган. Ҳозир шундай иқтисодий қийинчилик даврики, уларни шу инқироздан сақлаб, омон олиб чиқолмасак, кейин гуноҳкор бўлиб қоламиз. Чунки бундай талантили авлодни етиштириш учун яна 40-50 йил керак бўлади. Уларни йўқотиб қўймаслигимиз керак.

Яқинда Хоразмга борганимизда шундан хурсанд бўлдикки, бир неча ёш ёзувчини вилоят ҳокими бағрига олибди. Иқтисодий ёрдам бериб турибди. 10 кишилик дастурхон 12 кишига ҳам етади. Ҳар бир вилоят 10 тадан иқтидорли ижодкорни шу қийинчиликлардан олиб чиқиб кетишда ёрдам берса, хурсанд бўлардик. Халқ етиштирган талантларимиз ўзини тижоратга ёки бошқа серпул соҳаларга уриб кетганидан кейин уларни қайтиб адабиётга олиб келиб бўлмайди.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Саид Аҳмад ака, гапингизни тушундим. Менинг ҳам фикримча, ҳокимлар ёрдам бермаса, ўзининг ҳомийлигини кўрсатмаса, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Чунки уларга катта ҳуқуқлар берилган. Лекин ҳар қайси ҳоким ҳомийликни ўз номидан эмас, балки давлат номидан қилса, адолатли бўлар эди. Менинг таклифим шуки, агар ёш ижодкорларни ҳимояга олмақчи бўлсангиз, бу ишда менга ёрдам беринглар. Махсус жамғарма тузайлик. Биз давлат ҳисобидан, керак бўлса, турли тижорат ва катта корхоналар жамғармасидан маблағ олиб берамиз. Буни "Ёш ижодкорлар жамғармаси" деб атасак ҳам бўлади. Пул етмаса, давлат беради. Бу жамғармага Ўзбекистоннинг келажаги учун жон куйдирадиган одамлар сармоясини берсин. Мен ҳомийлик қилишга тайёрман.

**ИБРОҲИМ РАҲИМ:** Олдимизда мустақилликни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш масаласи турибди. Бунинг учун, аввало, халқимизнинг бирлигини сақлаб қолишимиз зарур. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ана шу бирликни авайлашимиз керак.

Мустақил фикр юритадиган, тўғри ва ҳалол, жасур авлодни тарбиялаш давримизнинг долзарб муаммоларидандир. Бу соҳада фахрийлар катта иш қила олиши мумкин. Ҳозир республикамизда ярим миллион нафар фахрий бор. Уларнинг таъсири, йиллар синовидан ўтган ақл-заковати тарбия соҳасида ижобий натижалар бериши аниқ.

**ОДИЛ ЁҚУБОВ:** Собиқ Иттифокнинг айрим жумҳурияларида СССРни қайта тиклаш истагида бўлган кучлар жонланиб қолди. Бу ҳаракатлар бизни ғоят ташвишга соляпти. Қалам аҳлининг ҳаммасида шу дард бор. Шунинг учун ҳам мустақиллик ҳақидаги гапларингиз ниҳоятда муҳим. Ёзувчининг, у ёзган асарнинг тақдири, биз амалга

ошираётган ишлар тақдири шу халқнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шу халқ озод бўлса, шу халқ эркин бўлса, унинг мустақил давлати бўлса, ёзувчининг ҳаёти ҳам, келажаги ҳам шунга боғлиқ. Шу маънода матбуотимиз, телевидениемиз бундан ҳам жанговар бўлса яхши бўлар эди. Биз ўзбек халқининг миллий туйғусига бағишланган бир кўрсатувда иштирок этдик. Афсуски, бизнинг чиқишимизга қаршилиқ қилганлар ҳам бўлди. Назаримда, халқнинг ғурурини кўтарадиган, унга ўзлигини англатадиган кўрсатувлар жуда зарур.

Биз энди кўркмасдан халққа дилидагини айтиб, у билан бамаслаҳат иш қилишимиз керак, ҳаммамиз ахил бўлиб, янги давлатни барпо этишда сизга ёрдам беришимиз лозим.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Эртага эски Иттифоқ тузумини қайта тиклаш масаласи кўйилса, кимдир келиб орамизда шундай ҳаракат олиб борса, одамларимизнинг неча фоизи буни хайрихоҳлик билан қарши олади? Бу энг оғир, энг мураккаб, энг нозик, лекин энг керакли савол. Бу саволга ҳаммамиз виждонан, юракдан жавоб беришимиз керак. Нега деганда, виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди. Халқимиз орасида бир вақтлар унинг елкасига миниб, ҳақини еб, ҳукмдорлик қилиб юрган одамлар жуда кўп. Зеро, биз совет тузумида уч-тўртта авлодни кўрдик. Улар қандай тарбия олди? "Кремль юлдузи"га итоат қилмасанг, мансабда ўтирмайсан, деган гаплар бўлган. Кимки ўз юртини, ўз халқини сотмаса, мансабдан кетарди. Мустақиллик, халқнинг миллий анъаналари, ғурурини тиклашга қарши чиқадиганлар ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўлаётган жойим ҳам шу. Агар ахил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатини халқ, ватан манфаатидан юқори қўядиган кимсалар бўлмаслиги учун зиёлилар бизга кўмак бериши лозим. Токи бундайлар одамлар фикрини чалғитмасин. Аввало, виждон тоза бўлиши керак. Бугун ҳаммамиз миллатимиз, халқимизнинг, давлатимизнинг келажаги ҳал бўлаётган нозик даврда яшяпмиз. Бу давр сиёсатни аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

**ШУКРУЛЛО:** Ислом Абдуғаниевич, қадимдан ёзувчининг битта дарди бўлган. У ҳам бўлса - халқ озодлиги, ватан мустақиллиги. Ҳақиқий ёзувчининг бундан бошқа дарди бўлган эмас. Биз, мана, 130

йилча шу орзу билан яшадик. Ниҳоят, халқимиз мустақилликка эга бўлди.

Биз, Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деган сўзни сизнинг оғзингиздан эшитдик. Сиз ёзувчининг вазифаси нима эканини ҳам ошкора белгилаб бердингиз. Буюк давлат нима? Қандай қилиб буюк давлат эгаси бўламиз? Мустақилликка эришдик, мустақиллик ўзи нима? Уни қандай сақлаб қоламиз? Мана шуларни халққа биз - ёзувчилар тушунтирамиз. Бизнинг бошқа вазифамиз йўқ.

Афсуски, мана шу оғир вақтда бирлик билан, аҳиллик билан телевизорда, радиода мана шу мустақиллик, эркинлигимиз ҳақида ҳаммамиз баб-баравар хизмат қилаётганимиз йўқ.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Менда яна бир мулоҳаза бор. Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур. Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халақит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми, фарқи йўқ - ўзбекдир.

Шукрулло ака айтган гапларда жон бор. Мен баъзан хайрон бўламан: катта-катта мансабдор одамлар, вазирлар нима учун куюнмайди? Нима учун жонини фидо қилмайди? Ёниб ишлайдиган одамлар қани? Кечирасизлар, кўпол бўлса ҳам айтишим керак, писмиқлар кўп. Ичидан пишганлар, шамолга қараб турадиганлар кўп. Энг ёмони - шу.

Яна бир гап. Шунини тўғри тушунингларки, одамни ҳурмат қилиш, унинг ишларини қўллаш - яхши одат. Хизматини эътироф этиш, кўз юмганидан кейин унга хайкал қўйиш, суратини ўрнатиш бошқа гап. Лекин раҳбар раҳбарлигини қилиши керак, раҳбарнинг ҳурмати бор, бу, аввало, миллатнинг ҳурмати. Лекин бунда мақтовларни ҳаддан ошириб юбормаслик керак, чегарадан ўтмаслик зарур. Одамга бу фойда эмас, балки зарар етказди. Шунинг учун газеталарда ҳадеб суратимни чиқаравериш шахсан менга ёқмайди! Мен бунга қаршиман, бу ҳурмат белгиси эмас. Тарғибот бўлиши керак, албатта, лекин уни ақлли одам бировнинг Қашига тегмайдиган қилиб, меъёрида ўтказиши лозим. Баъзан хижолат бўлиб кетаман.

**Пиримқул ҚОДИРОВ:** Маънавиятнинг умрбоқийлиги барчага аён. Шу жиҳатдан олганда, сизнинг "маънавият йўқ жойда тараққиёт

йўқ" дейишингиз бизни беҳад қувонтиради. Зеро, шу мураккаб даврда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга маънавиятни ҳам унутмаслик жуда муҳим.

Ёзувчилар, зиёлилар доимо халқнинг маънавий баркамоллиги, инсоний қадри топталмаслиги учун жон куйдириб келган. Истибдод йилларида биз қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаганмиз.

Ўтмишга муносабат маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир. Мозий ҳақидаги ҳақиқат ҳам авлодларни тарбиялайди. Шу ўринда мен 100 йиллик таваллуд тўйи яқинлашиб келаётган Абдулла Қодирий ҳақида, Чўлпон ва Фитрат ҳақида гапирмоқчиман. Чунки уларнинг интилиши, фаолияти халқни озод, эркин кўришга йўналтирилган эди. Улар эзгу мақсад йўлида қурбон бўлди. Афсуски, ҳалигача Қодирийнинг халқ зиёрат қилиши мумкин бўлган қабри йўқ. Ваҳоланки, у отиб ташланган жой маълум. Назаримда, озодлигимиз, мустақиллигимиз йўлида қурбон бўлганлар хотирасига зиёратгоҳ барпо этсак, халқимизнинг мард ўғлонлари олдидаги яна бир қарзимизни узган бўлар эдик.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини кўзҚаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман. Ёмонлар ўз жазосини олади. Қолаверса, энг оғир жазо - виждон азоби. Ундан қутулиш қийин.

Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш хусусидаги фикрингизга қўшиламан. Уларнинг улкан ҳайкалларини яратиш керак, токи халқимиз ўзининг жасур фарзандларига ҳурматини бажо келтириш имкониятига эга бўлсин.

**МИРМУЎСИН:** Ҳурматли Президент. Биз, шу ерда ўтирганлар ҳам, келолмаган ўртоқлар ҳам - ҳаммамиз сизни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишлардан ниҳоятда хурсандмиз, айтамикки, шу кунларга соғ-саломат етиб келиб, шу жамиятнинг мустақиллиги учун хизмат қилаётган эканмиз, бу биз учун жуда катта бахт. Ёзувчиларга жуда катта баҳо бердингиз, биз хурсанд бўлдик.

Абдулла **ОРИПОВ:** Ҳурматли Ислом ака, биз катта-кичик адабиётчиларга тўғри йўлни яна бир қарра эслатдингиз. Бизнинг оқсоқолларимиз жуда катта ҳаёт тажрибасига эга. Бу ўринда кўп гапларни такрорлаб ўтирмайман. Сиз аҳиллик ҳақида такрор ва

такрор гапирдингиз. Яхши отга бир қамчи деганларидек, буни теран тушунамиз. Биз ҳаммамиз бир ота-онанинг болаларимиз. Биримизнинг бўйимиз сал баландроқ, биримизники пастроқ бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, бир-биримиздан фазилат ахтаришимиз керак. Отахонлар мени кечирсинлар, ўша даврлар шунга ўргатганми, биринчи навбатда нуқсон ахтаришга одатланиб қолган эканмиз. Шунинг учун беайб - парвардигор, деймиз, агар бир-биримизга кечиримли бўлиб, бағрикенглик билан бу дунё ўткинчи эканини ҳар соат, ҳар фурсатда эслаб, қўлни-қўлга бериб ишласак, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда биз, ёзувчилар элга намуна бўламиз, деб ўйлайман.

Ислом ака, мен ҳам идорада ишлайман, шу идорамизнинг вазифасига кўра ёзувчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиламан. Ҳозир тўланаётган қалам ҳақи жуда оз, кечирасиз, шуни ўйлаб кўрсангиз.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бу масалани ҳал қиламиз, кўпчиликнинг фикрини жамлаб, аниқ таклиф билан кирсангиз, гаплашамиз.

**Озод ШАРОФИДДИНОВ:** Ислом ака, тушунаман, маблағ масаласи жуда оғир. Лекин, шунга қарамасдан, зиёлиларнинг, хусусан, профессор-ўқитувчиларнинг маоши масаласига эътибор берилса, яхши бўлар эди. Иккинчи айтмоқчи бўлган гапим шуки, ёзувчилар албатта мустақиллик учун, юртимизнинг тинчлиги учун курашади. Бу ерда ёзувчиларимизнинг бирлашиши ҳақида гапирилди, дарҳақиқат, аҳиллик керак. Бирлашиш, тўғрироғи, қандай асосда бирлашиш ҳақида талаб қўйяпмиз. Шу ҳал этилса, бас.

**Эркин ВОҲИДОВ:** Халқ манфаатини ўйлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бошини қовуштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга лойиқ. Мана, бугун биз, ёзувчиларнинг ҳам бошини қўшиб аҳилликка чақирмоқдасиз. Истеъдоднинг табиати ҳар хил бўлса-да, ватан манфаати, халқ бахти йўлида бирлашиш унга хосдир.

Истиклол мафкураси ҳақида гап борар экан, ноширлик фаолиятини тартибга солиш муҳимдир. Чунки ҳозир ўзини ношир эълон қилиб, савияси саёз асарлар нашр этаётган нашриётлар кўпайиб кетди. Олий Кенгашдаги қўмитамиз бу борада яхши қонун

лойиҳасини тайёрлади. Навбатдаги сессияларимиздан бирида уни муҳокамага қўйиб, тезроқ қабул этсак, бу конун маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қилган бўлур эди.

**Жамол КАМОЛ:** Ислом ака, боя мустақилликни қандай қилиб сақлаб қолиш, қандай қилиб мустақамлаш масаласини ўртага қўйдингиз. Мафкура ҳақида гап кўзҚалди. Менимча, давлат тизимида мафкура билан шуғулланадиган, истиқлол мафкураси билан узлуксиз банд бўладиган кишилар, маълум бўлимлар бўлиши керак.

Ҳар бир халқнинг юзи бор, қиёфаси бор. Аэропортдаги ҳолат Ўзбекистоннинг обрўсини тўқяпти. Чегара хизмати билан божхона хизматида ўзбек тилини биладиганлар ишлаши керак.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Сизлар ёзувчисизлар, шундан фойдаланиб бир нарсани айтишимиз керак. Тарихимизга назар солсангиз, шу нарса аён бўладики, амал талашини, мансаб талашини ёмон офат бўлган. Бу жуда хунук иллат, демоқчиман. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир.

**ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ:** Ислом Абдуғаниевич, боя айтганингиздек, стратегик ғоя нуқтаи назаридан миллий концепциямизни ишлаб чиқишимиз, илдизларимизни бутун жаҳонга ёйишимиз керак. Илдизи жаҳонга ёйилмаган халқ ҳеч қачон ривожланиб, тараққий этган эмас. Мен истар эдимки, ўша сиз ўтказаетган сиёсат - ёшларни тўхтовсиз чет элларга юбориш жараёнини тезлатиш керак. Ёшларимиз чет элларга, тараққий этган мамлакатларга мунтазам бориб турса, илғор технологияни ўрганса, мустақиллигимиз мустақамланаверади.

**ПРЕЗИДЕНТ:** Мана шу ғояни ишлаб чиқиш керак. Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темур тузуқларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади. Биласизлар, менинг икки китобим босилиб чиқди. Аслида китоб ёзиш, бу - сизнинг ишингиз. Уни боя айтилган концепцияни белгилаш, бўшлиқни тўлдириш йўлидаги уриниш деб

тушунишингизни хоҳлардим.

Аслида сизлар билан сиёсатчилар - миллий ғурур, миллий ҳисни тушунадиган одамлар, шу иш билан шуғулланса яхши бўлар эди. Мана шу масалада пухта ишлашимиз керак. Хилма-хил фикрларни бирлаштириб, битта маъно чиқариш лозим. Ўзбекнинг миллий ғурури нимадан иборат? Ўзбекнинг энг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади? Меросимизнинг асосий қирралари, сабоклари нима? Бизга номақбул томонларини ҳам айтдим. Миллатни бирлаштиришга халақит берадиган нарсалардан озод бўлишимиз керак. Миллатимиз ҳозир шаклланяпти. Шу масалаларни чуқурроқ ишлаш зарур. Акс ҳолда бўшлиқни нима билан тўлдирамиз? Президентнинг ғоялари бу - битта одамнинг гапи, уни ривожлантириш, маъносини кенгайтириш, тўлдириш керак. Мен шахсан шунинг тарафдориман ва сизларни шунга даъват этаман.

Йиғилишда адиблардан Ўткир Ҳошимов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Худойберди Тўхтабоев, Ҳамид ўулом, Хайриддин Султон, Хуршид Даврон ҳам Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашларини баён қилдилар. Шу билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Республика Президентининг қалам аҳли билан суҳбати самимий вазиятда ўтди. Унда халқнинг маънавиятини юксалтириш, ўзлигини танитиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар батафсил муҳокама қилинди. Ижодкорлар олдида турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, ёзувчининг жамиятдаги ўрни, халқ олдидаги бурчи хусусида гап борди.

*1993 йил апрель*



## БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙЛИК

Мухтарам халқ депутатлари!

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Тарих шуни кўрсатадики, истиклолнинг қадрни доимо баланд бўлган. Бугунги шароитимизни осон деб бўлмайди. Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан-қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул бўлган йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истикболга етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Даставвал мақсадларимиз ҳақида сўз юритсак.

Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Маълумки, аниқ, ҳаммани жипслаштирувчи, бошини бошига қўшувчи ягона мақсад бўлмаса, эл-юрт тарқаб, сочилиб кетади.

Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимиздаги буюк бир қуролга айлансин.

Баъзида энг олижаноб сўзлар ва ниятлар ҳам шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Яқин ўтмишдаги озиқ-овқат программаси, уй-жой программаси, 20 йилда коммунизм жамиятини қурамыз, деган гапларни эслаб кўринг. Уларнинг нимаси ёмон эди? Яхши ниятлар эди, лекин сўз сўзлигича, ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Чунки улар амалий имкониятлар билан асосланмаган ҳавойи гаплар эди, холос.

Бир нарсани яхши англаб олишимиз керак, азиз дўстлар.

Шиорлар ҳар хил бўлади. Бир кунлик шиор ҳам бўлиши мумкин. Бир ҳафталик, бир ойлик шиор ҳам бўлади. Шиорлар борки, умри бир йилдан ошмайди.

Бизга бугунги кунда - истиқлолни қўлга киритиб, мустақилликни мустаҳкамлаш даврида энг зўр, умри боқий шиорлар керак. Уларда мақсадимиз аниқ ва равшан кўринмоғи лозим. Бу шиорни фақат бир хил, яъни унинг асли қандай бўлса, худди шундай талқин этиш мумкин бўлсин.

Халқимизни, жамиятимизни жалб қиладиган мақсадларни, яъни тараққиёт дастурини белгилар эканмиз, бу дастурга кўпчилик қандай муносабатда бўлмоғини билишимиз зарурдир. Бу дастур ишчига маъқулми? Деҳқонга-чи? Даштда қўй-кўзисини боқиб юрган чўпонгачи? Муаллимлар, шифокорлар... Хуллас, Ўзбекистонда яшаётган ва меҳнат қиляётган инсонларга бу дастур маъқул тушадими ёки йўқми? Ана шу саволга жавоб излашимиз керак. Бу муҳим масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Хўш, биз ўзимиз танлаган ва маъқул деб топган ғояни таърифлашга, тушунтиришга, одамларни шунга эргаштиришга тайёрмизми? Бу улўғ ғояни одамлар юрагига етказа оламизми, йўқми?

Хуллас, қалбга бориб етадиган, ғурурни, қад-коматни тик этадиган, онгимизга ёруғлик бағишлайдиган буюк мақсад бўлсагина, биз барча ватандошларимизни ўзимизга эргаштирамиз, жипслаштирамиз, кейин эса тоғни ҳам талқон этишимиз мумкин.

Шуни комил ишонч билан таъкидлашимиз зарурки, олдимизда турган буюк вазифаларни, миллат ва халқ тақдирини белгиловчи, ҳар қайси тоифанинг, ҳар бир фуқаронинг юрагига етиб борадиган олижаноб мақсадларни шу бир ярим йиллик муддат - истиқлол даврида тугал англаб олдик.

Энди ана шу мақсадларни амалга ошириш учун тўғри, аниқ йўл керак. Адашишга, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғишиб юришга, ўтмиш хатоларини такрорлашга вақтимиз ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ. Бу йўл заминимизга, халқимизнинг удумларига, анъаналарига, турмуш тарзига, миллий идрок ва ифтихоримизга мос бўлиши шарт.

Йўл ва услуб танлаш бобида гап кетар экан, мен ўзим кўпинча Россиядаги воқеаларни ўйлайман. Уларнинг ҳам ниятлари яхши эди.

Лекин, назаримда, улар йўл ва услуб танлашда хато қилдилар. Ислохот ўтказиш жараёнида инсон ва унинг ҳуқуқий талаблари, эҳтиёжлари, ҳимояси четда қолиб кетди. Оқибатда теран иқтисодий ислохотлар ҳақидаги гаплар бугун шунчаки афсонага айланди. Ишончу ихлос у ёқда турсин, халқнинг баъзи табақалари кўзига "Ислохот" сўзи балодай кўриниб қолди.

Бу нозик масалада йўл қўйилган ҳар бир хато, майдагина бир қусур ҳам жуда қимматга тушиши мумкин.

Бизлар ана шундай вазиятдан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим. Очiq ва рўй-рост тан олишимиз керак: мақсадни белгилашдан ҳам мақсад сари олиб бориш учун тўғри ва оқилона йўл ҳамда услубларни танлаш вазифаси минг қарра оғир.

Ҳурматли депутатлар! Ана шу вазифаларни, эзгу мақсадларни амалга ошириш учун, энг аввало, барчамизга боғлиқ, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим. Бу - энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири. Уни осонликча ҳал этиш қийин. Халқ ўзи шу вазифани тушунса ва бизга яқиндан туриб ёрдам берсагина, ижобий натижага эришмоғимиз мумкин.

Шу аснода табиий савол туғилади. Бизлар асли киммиз? Олдимизга қўйилган буюк мақсадга муносиб одамлармизми? Истиклол - мустақилликни эълон қилиб, энди бўладиган курашларга тайёрмизми ёки йўқми? Тағин, ўзимизни-ўзимиз алдаб юрган бўлмайдими? Шиор этиб юрган гапларимиз қуруқ, баландпарвоз сўзлар бўлиб чиқса-я? Янгича, адолатли жамият қуришга қурбимиз етадимми? Ярим йўлда ҳориб-чарчаб қолмаймизми?

Масалани ана шундай - кескин ва мардона қўйиш муддати келди.

Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар - ўз йўлига.

Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар - қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!

Муҳтарам ватандошлар, сафдошлар!

Иморатнинг мустаҳкамлиги уйнинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва маҳкам туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай муҳташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша заҳоти кулаб тушади.

Халқимизнинг маънавий пойдевори - бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!

Халқимизнинг таянчи - аجدодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аجدодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак.

Модомики шундай экан, илдизларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ҳам ана ўшанга яраша юксакларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир. Аллоҳ ҳаммага ҳам бундай куч, бундай меросни беравермайди. Бу - Аллоҳ таолонинг миллатимизга ато этган буюк неъмат, шарофатидир.

Муқаддас истиқлол орзуларини амалга ошириш ва давлатимиз мустақиллигининг илк бунёдкорлари сафида бўлиш сиз билан бизга насиб этди. Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги йўлида дастлабки тарихий қадамни қўйди. Энди ана шу йўлдан қатъият ва сабот билан қадам ташлайлик.

Олдимизда турган энг муҳим масала, бу - миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Биз наслимизнинг келажаги - соғлом авлод учун кураш

бошладик. Шу ном билан орден таъсис этдик ва махсус халқаро жамғарма туздик. Бу бежиз эмас. Соғлом деганда биз фақатгина жисман бакуват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олмоғимиз шарт.

Ягона ва кўпмиллатли хонадонимиз - жонажон Ўзбекистонимиз олдида барчамизнинг фарзандлик бурчимиз борлиги маълум. Муқаддас ўзбек диёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб кўри, ақл-идроки ва истеъдоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Кадрлар танлашда - ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси бугун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистоннинг халқаро жамиятда иштирок этиши учун катта имкониятлар очилди. Сиёсатимизнинг асосий мақсади - дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига, тараққий этган давлатлар қаторига собитқадамлик билан кириб боришдир; ўзаро иқтисодий, маданий, илмий, савдо ва бошқа соҳаларда қизқин ҳамкорликни йўлга қўйишдир; Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданиятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитишдир.

Бу борада биз Германия Федератив Республикасига яқинда қилган сафаримиздан кўп натижалар кутмоқдамиз. Дунёда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий соҳаларда энг йирик қудратли давлатлардан бири билан яқиндан алоқа боғлаганмиз - бу, авваламбор, мустақил Ўзбекистоннинг юксак бир поғонада тан олиниши ва мамлакатимиз олдида янги дарвозалар очилишидир, деб ҳисоблайман.

Биз Германия раҳбарияти, кўзга кўринган давлат арбоблари, сиёсатчилари, кучли фирмалар, савдо-сотик ва молия доиралари, жамоатчилик намояндalари билан учрашдик ва суҳбатлашдик. Германиянинг Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдорлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ташқи сиёсатимиз тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, бу соҳада барқарор ўсиш рўй берди ва муайян муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистоннинг овози жаҳон узра баралла янграмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ҳаммага ҳам бирдек ёқавермаётганини айтмоқ зарур. Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида қудратли Ўзбекистоннинг бўй-бастини кўришни истамаётган кучлар ҳам бор. Улар, аввалгидек, бизга сўзларини ўтказишни, биздан хом ашё манбаи ва ҳар қандай товарларни сотиш бозори сифатида фойдаланишни хоҳламоқдалар.

Ёдингизда бўлса, бир замонлар: "Мана, совуқ уруш даври тугади, энди адолатли замонлар келади", деб ўйлардик. Совуқ уруш тугади, лекин зиддиятлар яширин, баъзида эса очик тарзда давом этаверади.

"Замона - зўрники" деган гап бор. Бизга бу дунёда хайрихоҳ қарайдиганлар ҳам, ола кўз билан қарайдиганлар ҳам топилади. Агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, мавжуд иқтисодий ва маънавий салоҳиятимиздан оқилона фойдаланмасак, тез вақтда ўзимизга муносиб кучга, қудратга кирмасак, жуда қийин бўлади. Бизга биров четдан келиб ҳолисона ёрдам бермайди.

Бир нарсани яхши англашимиз керак: узоқ ва яқин қўшнилар давлатимизнинг кучига, келажагига ишонибгина бугун биз билан алоқа боғламоқдалар. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бизнинг ўз мақсадимиз, ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Барқарорлик ва тартиб-интизомни таъминлашга, Ўзбекистон халқи танлаган мақсадга эришишга кўмаклашувчи омиллар тўғрисида гапирганда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

Ўзларингизга маълум, шу йил январь ойида Тошкентда минтақамиз давлат бошлиқларининг учрашуви бўлди. У жаҳон сиёсий луғатига, харитасига янги - "Марказий Осиё" тушунчасини олиб кирди. Биз бу билан минтақа халқларининг манфаатлари азалий бирлигини тасдиқладик. Айни чоғда, минтақанинг ҳар бир давлати мустақил ва ҳеч кимга қарам эмас.

Бизнинг тарихий томиримиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз бир. Халқларимиз минг йиллардан бери ёнма-ён ва иноқ яшаб келмоқда. Биз мингларча қон-қардошлик ришталари билан боғланганмиз. Бизнинг иқтисодий манфаатларимиз ҳам бир.

Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, беқиёс табиий бойликларни, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатимизга ишлатиш, бир-биримизнинг азалий хусусиятларимизга зиён етказмаган ҳолда умум бахт-саодати учун куч-ғайратларимизни мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш - бундай олижаноб ва улуғ ниятлар, мақсадлар шу минтақада яшаётган халқларга мақбул бўлиши шак-шубҳасиздир.

Дўстлик ва бирдамлик, Марказий Осиё халқлари манфаатларининг бирлиги, бу - табиий ва объектив жараёндр. Бу жараёнга қаршилик кўрсатиш - сиёсий калтабинликдан бошқа нарса эмас.

Мустақилликни сақлаш ва янги жамият қуриш ишида доимо ҳушёр бўлишимиз лозимлигини қардош Тожикистон фожиаси кўрсатмоқда. Бу фожа ҳозирги кунда жуда катта қийинчиликлар эвазига бартараф этилмоқда. Хавф ортда қолди, дейишга чамаси ҳали вақт эрта.

Ўзбекистон раҳбариятининг бу борада тутган йўли худди ана шундан келиб чиққан. Қардош Республика Олий Кенгаши биздан ёрдам сўради. Ҳурматли депутатлар, ҳукуватимиз ўтган сессияда Тожикистонга ёрдам бериш тўғрисида сизлар қабул қилган қарорни бажармоқда. Халқимизда "Қўшнинг тинч - сен тинч" деган нақл бор.

Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби жаноб Бутрос ўлийга хат ёзиб мурожаат қилдим. Тожикистон ишларига Афғонистон томонидан аралашувни тўхтатиш учун дарҳол чоралар қўришни қатъий тавсия этдим. Аҳволни узил-кесил барқарорлаштириш масаласига ҳар томонлама ёндашмоқ зарур. Зеро, алоҳида-алоҳида тадбирлар кутилган натижаларни бермайди.

Ўзир Тожикистонда БМТнинг махсус вакиллари иш олиб бормоқда. Улар Тожикистон - Афғонистон чегараларидаги аҳволни, шунингдек, масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам ўрганмоқдалар. Биз

бундан буён ҳам қардош қўшнимизга давлат йўли билан ҳам, жамоат ташкилотлари йўли билан ҳам қўлимиздан келганича инсонпарварлик ёрдами бераверамиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги вазиятда Россиядаги аҳволни пухта таҳлил этиб, унинг дунёдаги буюк давлатлардан бири эканини ва бизга кўп томонлама яқин эканини асло унутмаслигимиз лозим. Россия Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида доимо эътиборли ўрин тутди.

25 апрель куни бўлиб ўтган референдум Россия халқларининг аксарияти янгича сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тарафдори эканини кўрсатди. Жамиятдаги туб демократик ўзгаришларни амалга оширишда, бозор иқтисодиётини шакллантиришда, мустақил давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишда Ўзбекистон Россия билан маслақдошдир. Россияда бўлаётган воқеалар ва ўзгаришларнинг Ўзбекистондаги вазиятга маълум таъсири бор. Бунинг сабаблари ҳаммамизга равшан. Кўпгина йирик-йирик корхоналаримиз ва тармоқларимиз бугун таъминот борасида бу алоқаларни сақлашдан манфаатдор.

Бизларни ташвишга солаётган бир муаммо бор. Бу - Россиядаги собиқ Иттифоқ шаклини яна тиклаш ва бугун мустақил бўлиб, истиқлол йўлида қадам ташлаётган, эркин нафас олаётган давлатларни эски қолипга қайтариш кайфиятларининг кучайиб кетаётганидир. Бу кайфиятни эски тизимни қўмсаб турган ва бош кўтараётган кучларнинг ҳаракатида яққол кўриш мумкин. Турли далиллар ва кучлар ишга солинмоқда. Матбуотда ташвиқот кундан-кунга кучайиб бораётир.

Нима эмиш, бугунги қийинчиликдан, иқтисодий инқироздан, танқислик ва етишмовчиликлардан фақат собиқ Иттифоқ таркибига қайтиш билангина қутулиш мумкин экан!

Табиий савол туғилади: Ўзбекистон етмиш йил мобайнида текин хом ашё макони эди, хўш, ўша иттифоққа Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё минтақаси марказ ва бошқа республикаларни яна сувтекин хом ашё билан таъминловчи сифатида қайтадими? Сизлар шуни хоҳлайсизларми, жаноблар ва ўртоқлар?!

Ўзбекистоннинг ўз бойлигига ўзи эга бўлгани, шу бойликларни



Ўз халқи манфаати учун, келажак авлод учун, буюк бир давлат, адолатли жамият қуриш учун ишлатаётгани кўпчиликка ёқмай қолаётгани, бу ҳол, айниқса, ана шу бойликлардан жудо бўлганларда норозилик уйғотаётгани бизларга аён.

Яқинда ойнаи жаҳон орқали бир россиялик академик-сиёсатчи айтган гаплар одамни ҳайратга солди: "Мустақил давлатлар истиқлолга роса тўйиб, яна албатта Иттифоқ таркибига қайтишга мажбур, чунки уларда бошқа илож йўқ" эмиш! Шунақа одамларга аниқ ва кескин қилиб савол бермоқчиман.

- Айтинглар, истиқлол ҳавосига, озодликка, эркинликка тўйиш мумкинми ўзи?!

Яқинда Тошкент давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг матбуотда босилган мурожаатномасида жуда тўғри ва одамнинг юрагига етиб борадиган шундай сўзлар айтилган: "Биз мустақилликнигина эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На Чор ҳукумати, на қизил империя салтанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари ададсиз, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмисол бу ўлка ҳалол, очикқўнғил, меҳмондўст ва айни пайтда меҳнатқаш халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди...

Шунинг учун ҳам эски партия, совет тўрачилигини соғиниб қолган, отдан тушса ҳам эгардан тушмай келаётган баъзи кимсаларнинг собиқ иттифоққа қайтиш ҳақидаги гоҳ очик, гоҳ пинҳон гап-сўзларига жавобан "Орқага қайтиш йўқ. Йўл битта - олға бориш" деган гап ҳаммамизга маъқулдир".

Азиз халқ депутатлари!

Республикада фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ички ва ташқи сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Бусиз бизнинг давлатимиз ва унинг 22 миллионли кўпмиллатли халқи олдида турган улуғ мақсадларни амалга ошириб бўлмайди. Неча бор айтганман ва яна бир бор таъкидлаб айтаманки, ҳар бир ўзбекистонликнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, бахтли ҳаёт кечириши учун қўлимдан келганича хизмат қилишга

тайёрман. Миллий тотувликни барбод этишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат амалдаги қонунларга мувофиқ қаттиқ жазоланади.

Халқнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Фуқаролар тотувлиги хусусида гап кетар экан, бу ерда биз барча сиёсий кучлар, жамоат ҳаракатлари, диний жамоаларнинг ҳам ўзаро аҳиллигини тушунамиз. Ички зиддиятлар кучайиб кетган айрим қўшни давлатларнинг заифлиги ҳам худди ана шу нарсани таъмин эта олмагани оқибатида содир бўлди. Буни ҳаммамиз, аввало, Россия мисолида кўриб турибмиз.

Очиқ айтиш керак: бизда ҳам сен - мусулмон, сен - кофир, деган хуружлар бошланган эди. Айримлар динни кулол этиб сиёсатга аралашинишга уриндилар. Тўғриси айтсак, бундай ҳаракатлар четдан туриб орамизни бузадиган кучларнинг уринишлари натижаси эди.

Шу ўринда мен, Президент сифатида, юртимизда осойишталикни ва хонадонларимизда тотувликни барқарор этишда дин пешволарининг - жомеъ масжидларидан то кичик қишлоқларда фаолият кўрсатаётган масжидлар имомларининг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги сокин вазиятда уларнинг хизмати катта.

Инсофли, диёнатли, адолатли дин пешволаримиз билан гаплашиб, уларнинг кўнглини билиб, бизни бир-биримизга қарши гиж-гижлашни истайдиган кимсаларга айтмоқчиман:

- Йўқ, жаноблар! Ҳаракатингиз зое кетади! Эл тинчлиги ва ҳалол меҳнат - биз учун муқаддас иймоннинг узвий бир қисмидир!

Муҳтарам халқ ноиблари!

Ҳақли бир савол туғилади: хўш, бизда иқтисодий ислохотлар қандай кетяпти? Бирор ижобий натижа борми?

Бор. Яхши, қувонса бўладиган натижалар бор. Ўтган йили бюджетимизда узилиш бўлмади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мўътадил қолди, ҳатто 1 фоиз ошди. Енгил саноатда 17 фоизга ўсинишга эришдик.

Бировнинг ҳолига қулиш яхши эмас. Лекин таққосласак айб бўлмас: биз бу кўрсаткичларга собиқ СССРнинг бошқа республикаларида ишлаб чиқариш суръати 50-60 фоиз пасайиб кетган

бир пайтда эришдик.

Мисол учун: Ҳамдўстлик давлатларида 1992 йили нефть казиб чиқариш, газ конденсатини кўшиб ҳисоблаганда, 1991 йилдагига нисбатан 14 фоиз, газ эса 3 фоиз камайди. Шу йилнинг дастлабки ойларида нефть казиб олиш 15 фоиз қисқарди. Бу ҳол асосий нефть маҳсулотлари - автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, ёқиладиган мазут ишлаб чиқариш камайиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистонда эса бу даврда аксинча - нефть, газ казиб чиқариш кўпайди. Нефть - газни қайта ишлаб, маҳсулот олиш йўлга қўйилди. Масалан, ўтган йили нефть чиқариш 16 фоиз, 1993 йилнинг биринчи чорагида эса 9,4 фоиз кўпайди. Газ казиб чиқариш 2 фоиз ошди. Шу йилнинг биринчи чорагида мазут чиқариш 1,5 марта ошди, бензин, дизел ёқилғиси, шунингдек, қора металл прокати, кўпгина кимёвий қоришма ва бошқа маҳсулотлар анча кўпайди.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш биз учун энг асосий йўналишлардан. Унинг негизида эса давлатнинг асосий ислохотчи сифатида фаол иштирок этиши орқали бозорга ўтиш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш принципи ётади. Бунда ҳар бир босқичга маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий асослар яратилиши лозим.

Хусусий мулкчиликка ҳам муносабат ўзгарди. У мулкнинг бошқа шакллари қаторида тўла эътироф этилди ва ҳуқуқий ҳимояга олинди. Бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини ривожлантирмоқ учун ҳуқуқий асос яратувчи қонунлар мажмуи қабул қилинди.

Бозор инфраструктурасининг дастлабки куртаклари - биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар, кичик ва кўшма корхоналар пайдо бўлди ҳамда синовдан ўтди.

Республикада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам бозор муносабатларининг ривожланишига ёрдам бермоғи лозим. Бугунги кунда унга фақат савдо, маҳаллий саноат ва маиший хизмат тармоқларигина эмас,

балки амалда барча халқ хўжалик тармоқларининг корхоналари киритилган.

Натижада корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгариб, яъни давлат корхоналари акцияли, ижара, коллектив корхоналарга айлантирилибгина қолмасдан, балки мулкдорларнинг янги, "учинчи" қатлами вужудга келмоқда. Ижара ва акциядор корхоналарда ишловчиларнинг ўртача сони 210 минг кишидан ортиб кетди, хусусий корхоналарда ишловчилар сони қарийб 50 минг кишини ташкил этади. Кичик бизнес соҳасида 200 мингдан ортиқ одам ишламоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада такомиллаштириш бошланди. Йил бошидан буён 300 дан ортиқ совхоз давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг кўп қисми жамоа ва кооператив хўжаликларига айлантирилди. Қолганлари ижарачиларга берилди ёки мулкчиликнинг бошқа турларига айланди. Апрельнинг бошларига келиб қишлоқ хўжалигида 12,5 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжаликлари тузилган бўлиб, уларга 112 минг гектар ер бириктирилган эди. Йилнинг охирига бориб давлат тасарруфидан чиққан қишлоқ корхоналарининг сони 700 тадан ошиши лозим.

Бироқ, тўғриси айтиш керакки, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, акциядорлар жамоасига айлантириш ишлари ғоят сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Ўзирги вақтда давлат корхоналарини мулкнинг бошқа шаклига ўтказиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Зарур қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилий шарт-шароитлар ҳам яратилди.

Хурматли депутатлар!

Турмушимизда кечаётган ислохотлар, ижобий силжишлар ҳақида гапирар эканмиз, шу ўзгаришларнинг асосий омиллари, шартлари, хусусиятлари, боринги, аҳамиятига тўғри баҳо беришимиз зарур.

Ислохот бобидаги беш принципимизни кўпчилик мутахассислар тўғри баҳолаётганининг гувоҳимиз.

Ислохотларимизнинг асосий шарти бўлмиш биринчи принципимиз, бу иқтисоднинг устунлигидир.

Сиёсатбозликка берилмасдан, ҳар хил мафкуравий тазйиқлардан холи иқтисодий ислохотни амалга оширишимиз, аҳволимизни,

турмуш даражамизни юксалтиришимиз керак.

Шу принцип билан чамбарчас боғлиқ бўлган ислохот йўлидаги яна бир муҳим принцип - шартимиз ҳақида сўзламоқчиман.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий йўналиши, адолатлилиги ҳар бир фуқаронинг онгига, шуурига етиб бориши зарур.

Буюк аждодимиз Амир Темурайтганларидек: "Бир кунлик адолат - юз кунлик тоат-ибодатдан афзалдир". Шундагина бу ислохотлар олға сурилади ва бу ислохотларни жорий қилишда кенг омма иштирок этади.

Бу борада ўтган сессиядан бери кўзга ташланадиган талай ишлар қилинди.

Жорий йилнинг фақат биринчи чорагида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига қилинган харажат 35 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу маблағлар нималарга сарфланди? Сарфланган соҳалар жуда кўп. Улардан фақат асосийларини айтай. Аҳолига зарур озиқ-овқат ва бошқа моллар нархларидаги фарқни қоплашга 23 миллиард сўмдан кўп пул сарфланди. Шундан мактаб ўқувчиларига бепул нонушта бериш ва уларни имтиёзли овқатлантиришни ташкил қилишга 2 миллиард сўмдан ортиқ, талабаларнинг имтиёзли овқатланишига 440 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, коммунал хизматлар бўйича тўловларнинг ва шаҳар транспортида юриш ҳақининг қопланмаган қисми ҳам бюджет ҳисобида, шу мақсадлар учун 4,5 миллиард сўм ажратилди.

Болали оилаларга, келин-куёвларга қарийб 4 миллиард сўм миқдорида компенсация (товон пули) тўланмоқда. Камқонлик дардига чалинган ҳомиладор аёлларни, ёш болаларни ва ёлғиз нафақачиларни бепул овқатлантириш учун бу йил бюджетдан уч юз миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

Булар озмунча маблағ эмас. Ижро идораларининг вазифаси ана шу маблағларнинг ўз ўрнида ишлатилишини таъминлашдан иборат. Ўйлайманки, ижтимоий ҳимоя масалалари депутатларнинг қаттиқ назорати остида бўлади.

Нарх-наво тинимсиз ўсаётгани туфайли иш ҳақи мунтазам равишда қайта кўриб чиқиляётганини ҳам аҳолини ижтимоий

химоялаш тадбирлари сирасига кўшиш керак. Шу йил январь ойидан бошлаб республикада маошнинг ягона тариф сеткаси жорий қилинди. Бундан меҳнатга ҳақ тўлаш системасини тартибга солиш, турли касб ва тоифадаги ходимларнинг иш ҳақида муайян объектив нисбатни белгилаш мақсади кўзланган. Бу эса энг кам иш ҳақи миқдорини ҳам катъий белгилаш имконини беради.

1992 йил мобайнида нарх-наво ўсишини ҳисобга олиб иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш тўғрисида 6 марта қарор қабул қилинди. Шу мақсадлар учун 150 миллиард сўмдан ортиқроқ пул сарфланди. Бундан 85 миллиард сўми бюджет маблағларидир. Иш ҳақи ва нафақаларнинг охириги 20 фоиз оширилиши йилнинг биринчи чорагида қарийб 20 миллиард сўмни талаб қилди. Буларнинг ярми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланди.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар қайси жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди!

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Конституция - барча иқтисодий ислохотларнинг ҳам, маънавий ислохотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Ўйлаб кўрайлик, дўстлар! Россияда бўлаётган беадад тортишувларнинг сабаби - ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори йўқлигида эмасми. Бу юрт аҳли ҳалигача Конституциясини қабул этишга улгурмади. Эндиликда, жамиятдаги сиёсий кучлар тарқоқ бир ҳолатга келган пайтда, уни кўпчиликка маъқул топтириш ва айниқса қабул қилиш жуда оғир кечади.

Мухтарам халқ депутатлари!

Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш ва уни муҳокама этишда бутун халқимиз иштирок этди. Бу машаққатли ва катта саботни талаб этадиган ишда сизлар, халқ ноибларининг муносиб хизматларингизни яна бир марта таъкидламоқчиман ва халқимиз номидан сизларга миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Бу ҳужжат энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик аънаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун

жаҳон тан олмоқда. Мана, беш ойдирки, ана шу буюк ҳужжатга таяниб яшамоқдамиз. Унинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қадамда аниқ сезиб турибмиз.

Конституциямизга асосан, Конституциямиз талаблари билан қиёслаб тайёрланган ва мазкур сессиямизда сиз, ҳурматли депутатлар кўриб чиқадиган янги қонун ва қарорлар ҳаётимизда, ўтказаетган ислохотларимизда албатта ўзининг муносиб ўрнини олади, деб ўйлайман.

Ҳурматли ноиблар!

Ислохотларнинг ҳуқуқий негизлари бақувват, деб айтдик. Мустақиллик эълон этишдан олдин ҳам, кейин ҳам бизлар бир қанча фармон ва қонунлар чиқардик. Бугун уларнинг қайси даражада бажарилаётганини текширишга ҳам кўп нарсга боғлиқ.

Агар биз қонун чиқарсаг-у, унинг ижроси бўлмаса - унда нима деган одам бўламиз? Халқ қонунга қандай ишонади? Ижро этилмаган қонун кимга, нимага керак?

Иқтисодий зарарни у ёққа қўйиб турайлик, лоқайдлик етказадиган маънавий зарарни нима билан ўлчаса бўлади?

Афсуски, ҳурматли депутатлар, бизнинг қонунчилик борасидаги меҳнатимизнинг кадрига етмайдиган, бепарво, лоқайд, калтабин раҳбар ва фаоллар борки, улар билан орани очиқ қилиб олишимиз керак.

Мустақил республикамизнинг қонунлари, Конституция талаблари, Президент фармонлари айрим жойларда эътибордан четда қолганини кўриш қийин эмас. Бунга ҳар қайси вилоятдан, туманлардан, кўпгина хўжаликлардан етарли мисоллар топиш мумкин.

Ўз вақтида қаттиқ чора-тадбир кўрилмаса, бундай салбий оқимнинг олди олинмаса, қабул қилинган қарорларнинг баҳоси икки пул. Ўзимизнинг ҳам обрўйимиз ундан баланд бўлмайди. Мансабдорлик умримиз ҳам узок чўзилмайди.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш бошладик. Республика Президенти девони ва бошқа давлат ташкилотларига бу ишларимизни маъқуллаб, уларни дадил давом эттиришимизни талаб этиб минглаб

хат ва телеграммалар келиб турибди.

Талончилик ва ўғрилик қилаётган, инсонлар йиққан мол-мулкни дўқ-пўписа билан тортиб олаётган, рэкет билан шуғулланаётган шахсларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин? Мансабни эгаллаб ундан иложи борича фойда олишга интилаётганларни ким дейиш мумкин? Ҳатто бошқарув ва ҳокимият идораларидаги айрим лавозимдорлар ҳам ана шундай кишиларни ўз химоясига олаётганига нима дейсиз? Халқ фаровонлиги учун тиним билмай ишлашдек шарафли масъулиятни англамаган, ўзларига билдирилган ишончни оқламаган ҳокимларни кўриш айниқса ачинарли эмасми?!

Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди! Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолган бинога ўхшатиб қўяди.

Халқ қаллоб ва юлғичларни кўриб-билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр-тоқати чексиз эмас, қилмиш-қидирмиш деганларидек, жинойтчиларга айбига яраша жазо бериш даркор. Жинойй жазодан қутулиб қолиш мумкин. Аммо, Худонинг қаҳри, халқ нафрати ва лаънатидан қочиб қутулиб бўлмайди. Халқнинг назаридан қолиш, ҳаром йўл билан орттирилган бойлик бир кунмас-бир кун муқаррар тешиб чиқади.

Азиз халқ вакиллари!

Ўзирги кунда ҳар бир раҳбар кадрнинг қанчалик масъулият билан ишлаши ҳамда соф виждонлилигига кўп нарса боғлиқ. Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидир. Раҳбар ишини шундай ташкил қилсинки, одамлар: ҳа, бу халқ фаровонлиги йўлида Қамхўрлик қилувчи ва уни ҳамма нарсадан юксак қўювчи раҳбар, дея олсин.

Бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Илгари раҳбарларнинг обрўсини унинг лавозими, ўтирган биноси, ёнида туриб қўлловчи тирговичлари ҳал қилган бўлса, бугун шуни аниқ тушунишимиз лозим - қуруқ савлату ўзганинг ёрдами билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Сабаби - бугун халқимиз анча сезгир ва савияси ҳам аввалги эмас - ўсган, ўзгарган.

Шуни айтишим керакки, раҳбарларнинг кўпчилиги



республикамикимиз олдида турган оғир масалаларни тушунади ва янгичасига ишлашга ҳаракат қилмоқда. Аммо орамизда бировларнинг пинжига кириб олиб, ҳеч ким билан муносабатни бузмасликни шиор қилган кимсалар ҳам борлигини дангал айтиш керак. Улар ҳар қандай сиёсат, ҳар қандай ҳокимиятга бирдек мослашиб кетаверишлари мумкин. Қариндош-уруғлари ва таниш-билишларининг илтимосини халқнинг, оддий кишиларнинг эҳтиёжидан юқори қўювчи худбин, масъулиятсиз кишилар ҳам бор.

Йўқ, ислохотимизнинг тақдирини асло булар ҳал этмайдилар. Бизда она-Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи чинакам ватанпарварлар, буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш ишига чексиз содиқ кишилар бор. Келажак шуларнинг қўлидадир.

Азиз дўстлар!

Раҳбарнинг ишига халқ ўзи баҳо беради. Энг олий ҳакам - вақт. Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси - уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш.

Яна бир эски касаллигимиз ҳақида ҳам икки оғиз гапирмасам бўлмайди. Президент, Президентлик лавозимида ўтирган одам ҳам сизга ўхшаган бир инсон. Уни доҳийлаштириш шарт эмас. Умуман мен сохта обрўга қаршиман.

Афсуски, кейинги пайтларда менинг шахсимни улуғлаш касали пайдо бўляпти. Бундай ҳаракатга ўтган кишилар, эҳтимолки, яхшилик қиляпман, деб самимий ўйласалар ҳам, аслида менга душманлик қиляптилар. Сезиб қолдимки, кўчаларда ҳам битта-иккита суратларим пайдо бўляпти. Бунга чек қўйиш керак.

Агар менинг камтарона хизматим маъқул бўлса, халқимизга минг бор кулдук, таъзим қиламан. Лекин, биродарлар, бу - менинг раҳбарлик бурчим, халқимга фарзандлик бурчим.

Кейинги пайтларда яна бир ҳол ўта расм бўлди: турли-туман мажлис ва йиғилиш иштирокчилари номидан республика Президентига садоқат изҳор этувчи хату мурожаатномалар кўпайиб кетди.

Йўқ, биродарлар, бунақаси ярамайди! Агар ҳаммамиз яхши ишласак, ишимиз халқимизга манзур бўлса, элнинг оғирини енгил

қилсак - шунинг ўзи кифоя.

Хулоса шуки, раҳбар шахс, айниқса, энг олий раҳбар бу касаликка берилмаслиги лозим. Ақли жойида бўлса, узоқни кўра билса, бу иллатга ўз вақтида қарши туриши керак.

Бу шундай ёмон ва маккор дардки, унга чалинган одамнинг тузалиши қийин, уни иситмаси чиққан пайтидаёқ бартараф этмаса, кейинги хуружи кучайиб кетиши мумкин.

Ўз қадрини билган раҳбар мақтовга зор эмас. Албатта, юртга бош бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳам - Аллохнинг инояти. Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай ҳалол адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.

Ҳамонки юртимизда яхши ишлар бўлаётган экан, ислохотларнинг мароми тузук экан, келинлар, Президент Каримовни эмас, унга ишониб овоз берган халқимизни, меҳнаткаш ва бардошли халқимизни улуғлайлик!

Муҳтарам дўстлар!

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб - олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор ғайратимиз ана шу улуғвор ниятга йўналтирилиши керак. Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини яқдиллик, бир жон, бир тан қиладиган ғоя ҳам аслида шу.

Биз бугунга қадар анча ишларни амалга оширдик. Олдимизда эса бундан ҳам улканроқ вазифалар турибди.

Аввал айтиб ўтганимдек, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди. Зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга кодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ - Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади!

Ўзбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатдан баланддир. Ватанга хизматкор бўлайлик! Нақадар буюк замонда

яшаётганимизни унутмайлик.

Бугун биз истиқболдаги буюк мамлакат - Ўзбекистоннинг бўй-бастини режалаб турибмиз. У эртага қандай бўлиши сизу бизнинг бугунги ҳаракатимизга, тадбиркорлигимизга, иймону виждонимизнинг поклигига ва Ватан манфаатини шахс манфаатларидан қай даражада устун қўя олишимизга боғлиқдир.

Биз истиқлол шарофати билан кўп кадриятларни - иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, Парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа - боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир.

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шухратига шухрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.

Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишимизга ҳамиша мададкор бўлғай!

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
XII сессиясида 1993 йил  
6 майда сўзланган нутқ*

## **ЯНГИ ВАЛЮТАГА ЎТИШ ИНҚИЛОБ БИЛАН БАРОБАР**

Хурматли депутатлар! Сессия кун тартибидаги масалалар сирасида "Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида"ги қонун лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам мен мустақил республиканинг Президенти сифатида бу масалага ўз муносабатимни билдиришни истардим.

Биз мустақил давлат бўлдик. Лекин ҳар соҳада мукаммал мустақиллик даражасига етдикми, деган савол туғилади. Биз ҳозирча сиёсий мустақилликка эришдик. Мустақилликнинг иқтисодий асосларини эса бир кунда яратиб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, хом ашё базаларимизни, саноатимизни, қазилма бойликларимизни, мавжуд салоҳиятимизни ишга солишимиз керак. Токи халқ хўжалигимиз мустақил тарзда узлуксиз ишлай олсин. Ҳозирги пайтда биз ана шу мақсад учун замин яратишимиз керак. Чунки собиқ Иттифоқ таркибида бўлганимизда биз яхлит катта халқ хўжалигининг бир бўлаги эдик. Лекин республиканинг ўз ўрни, ҳиссаси сезилиб турарди, миллий даромад ҳосил қилиш борасида ҳиссамиз тахминан 6 фоизни ташкил қилар эди. Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган давлатларнинг халқ хўжалиги шу даражада чамбарчас боғланиб кетганки, ҳозирги кунда уларни бир кунда узиб қўйиш ёки мустақил, алоҳида ишлашни таъминлаш мумкин эмас. Гарчанд мустақил бўлганимизга эндигина икки йил тўлаётган бўлса-да, ишлаб чиқаришда, қазилма бойликлардан фойдаланишда, хом ашё базасини мустаҳкамлашда ва ташқи иқтисодда унча-мунча ютуқларга эришдик. Лекин биз иқтисодий соҳанинг кўп тармоқларида ҳар томонлама Россияга боғлиқ бўлганимизни яна такрорлаб ўтишга тўғри келади.

Бунга мисоллар жуда кўп. Биргина ёнилғи-энергетика ресурслари масаласини олайлик. Гап фақат бензин ёки керосин устида эмас. Агар биз алоқамизнинг шу қиррасини узиб қўйсақ,

оқибатда нима бўлишини бир ўйлаб кўрайлик: трактор заводимизда ишлаб чиқариш тўхтади, авиация заводида яратилган янги самолётларимиз учолмай қолади ва ҳоказо. Мана, биргина соҳада алоқаларнинг узилиши оқибатида келиб чиқадиган муаммолар.

Ўзбекистоннинг ҳозирги таъминотига шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, ташиб келтириладиган молларнинг 60-65 фоизи Россия билан боғлиқдир. Булар нималардан иборат эканини такрорлаб ўтишимнинг ҳожати бўлмаса керак. Саноат, ишлаб чиқариш соҳасида, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган одамларимиз, мутахассислар ҳам, колхоз раислари ҳам, хўжалик раҳбарлари ҳам буни жуда яхши тушунишади. Бир кун узилиш бўлса, бунинг таъсири ҳамма жойда - хўжалиklarимизда, оддий фуқаролар дастурхонида яққол сезилади. Ҳолбуки, мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий ҳур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлмоғи керак. Бу - иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир.

Валютаимиз тўғрисида жуда кўп мунозаралар бўлмоқда. Олдинги сессиямизда ҳам шу залда бу масала бўйича ўзаро фикр алмашиб олган эдик. Бугунги кунга келиб нега яна шу мавзу кун тартибига чиқарилди? Ўзбекистонни таъминот масаласида ипсиз боғлаб қўйишга уринишлар давом этаверар экан, ўзимизнинг валютаимизни муомалага чиқаришга албатта эҳтиёж бўлади. Воқеаларнинг ривожини ҳаммамизни шунга даъват этмоқда. Россияда пулнинг кадрисизланишини бир кузатиб кўринг: бугун 800-900 сўмнинг кадри - 1 доллар. Эртага бу нисбат бирга - минг бўлиши аниқ. Россия рублининг кадри кун сайин янада пасайиши муқаррардир. Россияда 25 апрелда ўтказилган референдум пайтидаги сиёсий курашларда жуда катта ваъдалар берилди ва шу ваъдаларни бажариш учун ҳеч қандай товар билан таъминланмаган тахминан икки ярим триллион рубль оборотга ташланди. Буларни пул эмас, қуруқ қоғоз дейиш мумкин. Референдумдаги мувоҳаса халққа ана шуни олиб келди. Ана энди ақлни пешлаб ўйлаб кўрайлик: рубль зонасидаги ҳар қайси давлат мол билан таъминланмаган пулни сочаверса, нима бўлади? Пулнинг кадри, қиймати қандай бўлади? Кеча агар бирон молнинг пулга нисбати бир сўмга тўғри келган бўлса, биз эртага яна мол билан

таъминланмаган 2 сўмни муомалага чиқарсак, шу молнинг пулга нисбати 3 сўмга тўғри келмайдими? Бу оддий ҳақиқат-ку. Шу жиҳатдан Россиянинг аҳоли жуда оғир, рублнинг қадри эса ундан ҳам мушкулроқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ўзининг миллий валютасига ўтиши керак. Бу масалада биз кўп бош котирдик. Очиғини айтсам, бир йилдан бери бу масала билан шуғулланаяпмиз. Дунёдаги энг йирик, нуфузли банклар, етук мутахассисларни таклиф этиб, шу соҳада тайёргарлик кўряпмиз. Бу сир эмас. Ҳозир барча вилоятларимизнинг банкларида чет элда тайёрлатиб келинган миллий валюта сақланмоқда. Биз пулимизни "сўм" деб атаймиз. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бу масалада биз катта тайёргарлик кўрганмиз, ўз пулимизни чиқаришга шаймиз. Бу - масаланинг бир томони.

Лекин масаланинг ана шу жиҳати амалга оширилиши иккинчи муаммони келтириб чиқаради. Биз пулимизни муомалага чиқардик, дейлик. Хўш, унинг оқибати, тақдирини нима бўлади? Бу кишини ташвишга соладиган оғир саволдир. Яна такрорлайман: истиклолимизни мустақкамлаш, уни барқарор иқтисодий йўлга солишимиз учун албатта миллий пулимизни чиқаришимиз керак. Лекин оқибати нима бўлади? Ўзаро ҳисоб-китобларимиз қандай амалга оширилади?

Янги пулимизнинг муомалага чиқарилиши яна бир муаммони кўндаланг қилиб қўяди. Аввало, биз чет мамлакатлар билан муносабатларимизни қайта-қайта кўриб чиқишимизга тўғри келади. Бундан ташқари, тагин ўйлаб кўрадиган жиҳатлар пайдо бўлади, яъни биз республикадан ташқарига чиқарадиган ва республикага ташқаридан ташиб келтириладиган молларнинг мувозанати, нисбати қандай бўлади? Биз ташқарига чиқарадиган молнинг ҳажми кўпроқ бўладими ёки олиб кириладиганими? Агар биз шу нисбатни ҳисобга олмасак, эртага нима бўлади? Хўп, пулни чиқардик, дейлик, унда бизнинг сўмимизга ташқаридан ким мол сотади? Россияга, Украинага, Беларусга, бошқа давлатларга Ўзбекистоннинг сўми керак эмас. Туркменистон ёки Қозоғистонга ҳам бизнинг сўмимиз керак эмас. Айтмоқчи бўлган фикрим шундан иборатки, бизлар четга, қўшни давлатларга сотадиган мол нисбати қанча кўп бўлса, бизда чет элларнинг валютаси - у сўм бўладими, рубль бўладими, карбованец

бўладими, шунча кўп бўлади. Бу валюталар хазинамизда доим бўлиб туриши керак. Шунда биз хоҳлаган пайтимизда уларнинг молини ўз пулларига сотиб олишимиз мумкин. Шундай даражага эришсак, шунга шароит туғдириб берсаккина, ўз пулимизга ўтишимиз мумкин. Бошқа йўл йўқ. Агар шуни қилмасак, боя айтилган қийинчиликлар келиб чиқади.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати хусусида икки оғиз сўз. Бизнинг чет эл валюта жамғармамиз бақувват бўлиши керак. Шундай жамғармага эга бўлишимиз керакки, хоҳлаган пайтда - маркагами, долларгами, фунт-стерлинггами истаган нарсамизни сотиб олиш учун қурбимиз етсин. Бунга нималар эвазига эришиш мумкин? Тўғри, осонгина йўлни танлашимиз мумкин: четга фақат пахта ёки бошқа маҳсулотларимизни сотиб, эвазига шундай валюталарга эга бўламиз. Аввалги сессиялардан бирида айтган эдим: Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини кучайтирсак, Ўзбекистоннинг хом ашёсини эмас, тайёр маҳсулотини четга сотмасак, бизга валюта келмайди, деб. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: қачонгача пахта сотамиз? Қачонгача олтин сотамиз? Ахир бунақада биз бола-чақаларимиз учун мерос қолдириш ўрнига келажак авлодга нисбатан хиёнат қилган бўламиз. Буни мардона тан олишимиз керак. Пахтани ўзимизда тайёр маҳсулотга айлантириб, одамларимизни иш билан таъминлаб, ишлаб чиқарган маҳсулотимизни четга қимматроққа сотиб, иқтисодиётимизни кучайтирибгина юксак тараққий топган давлатлар қаторига қўшилишимиз мумкин. Агар шундай қилмасак, валютанинг келиши фақатгина, ҳали айтганимдек, осон, лекин нотўғри йўл билан қўлга киритилиши мумкин. Яна тақрорлайман: бу нафақат келажак авлод учун, балки бугунги кунимиз, ҳозирги авлодимиз учун ҳам нобоп йўлдир.

Яна республикага четдан ташиб келтирилаётган маҳсулотлар хусусидаги масалага қайтмоқчиман. Ўзбекистонга Россиядан 10 миллион тонна нефть маҳсулотлари ташиб келтирилади. Чунки нефть маҳсулотларимиз етишмайди. Иккинчи манбамиз - Туркманистон. Ўзимизнинг қардош, жондош Туркманистонда имконият кўпроқ бўлса, шу ердан олиб келамиз, деган ниятда у ерга бориб шартномалар туздик. Лекин Туркманистоннинг нефти ўзига базўр

етяпти. Биз улардан мўлжалдаги нефтни оляпмиз. Лекин Россия нефть маҳсулоти масаласида бизни боғлаб турибди. Бундан депутатларимиз албатта бохабар бўлишлари лозим. Савол туғилиши мумкин: бошқа республикаларга мурожаат этиш яхшироқ эмасми?

Келинг, Украинанинг тақдирини олайлик. Украинанинг эҳтиёжи учун 50 миллион тонна нефть керак. 1993 йилда Россия Украинага 12 миллион тоннагина нефть беришни ваъда қилмоқда. Украинанинг ўзи оғир аҳволда. Карбованецнинг кадри тушаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шу.

Яқинда Украина Министрлар Советининг Раиси Кучма Форс кўрфазига, араб мамлакатларига ҳам бориб келди. Украина четдан нефть келтириш учун денгиз йўлига эга. Нефтни денгиз орқали олиб келганда ҳам маҳсулотни кемалардан цистерналарга қуйиб олиш учун турли эстакадалар қуриш керак экан. Бу эса қўшимча миллиард-миллиард маблағ сарфланишини талаб қилади. Бу масалани ҳал этмас экан, Украина Россияга шунча кўп илтимос қилишга мажбур бўлади. Хулоса шуки, Украинага ҳозир фақат Россиядан нефть олиш фойдали. Яна бир марта такрорлайман: темир йўл, денгиз йўли борасида Украинанинг шароити бизникидан анча афзал. Мен доим айтаман: Ўзбекистонинг энг заиф жойи - коммуникация. Шу жиҳатдан биз фақатгина Шимолга чиқишимиз мумкин. Худо кўрсатмасин, Шимолга чиқадиган йўлимизни кимдир ёпиб қўйса! Унда дардимизни кимга айтамыз? Мен бу масалага алоҳида эътибор қилаётганимнинг сабаби нимада? Бу масаланинг моҳиятини, сиёсий-иқтисодий жиҳатларини чуқур ўрганишимиз керак. Агар кимдир бу ташвишлардан холи бўлса, образли қилиб айтганда, ҳозир ухлаётган, уйкуда бўлса менинг бу ташвишим уни йўлда ҳам, уйда ҳам, тушида ҳам тинч қўймасин. Оғир гап бўлса ҳам айтишим керак: ватанпарварлик тушунчаси ана шунақа масалаларни ҳал этиш орқалигина инсон онгига киради. Ёқилғи масаласида биз мутлақо мустақил бўлишимиз учун камида икки йил керак. Биз Қашқадарёдаги Кўкдумалоқ конини ишга солиш учун чет эллардан мутахассис чақиряпмиз. Уларнинг сармояларини ишлятяпмиз. Бугун ҳам Швейцария банкининг раҳбарларини таклиф этганмиз. Улар билан учрашув чоғида Кўкдумалоқ конини ишга солишимиз учун чет



эл сармоёси масаласи кўрилади.

Мингбулоқ кони ҳам доим диққат марказимизда. Беш ярим километр чуқурликда жойлашган, бизни қувонтирган битта фавворани ишга тушириш учун бир ярим йил керак экан. Мингбулоқ бизга Аллоҳ берган неъматдир. Лекин уни ишга солишимиз керак. Бунинг учун вақт, сармоё зарур. Чет мамлакатларнинг кўмаги зарур.

Озиқ-овқат масаласининг муҳимлиги нефть муаммосидан кам эмас. Ҳаммамизга маълумки, буғдой, Ғалла маҳсулотларини четдан олиб келяпмиз. Бу масалаларни ҳал қилиб олишимиз учун ҳам камида бир-икки йил керак. 1993 йилда суғориладиган сувли ерларга кўпроқ Ғалла экдик. Ахир, қачонгача Ғаллани четдан олиб келамиз? Бу ҳозир олти ярим миллион тоннага тенг. Мустақил давлат жуда бўлмаса шу масалада ўз таъминотини ҳал этиши керак. Биз ҳозирча бу масалада заифмиз. Бизнинг йўлимизни тўсмоқчи бўлганлар айти шу масалада ипсиз боғлаб қўйиши мумкин. Унда мустақиллик қуруқ гапга айланиб қолади. Истиклолимиз ҳам ана шу Қовга тақалиб қолади. Эзгу ниятларимизга эришиш учун мана шу Қовларни енгиб ўтишимиз керак.

Агар биз иқтисоддаги йўлимизни бироз ўзгартириб, фақат тайёр маҳсулотни сотишга зўр бериб, уни дунё бозорига чиқармасак, иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз. Бир вақтлар раҳматли Турғут Ўзал жаноблари 1983 йили Туркиянинг иқтисодиётини ривожлантириш масаласи кўрилайётганда, Туркиянинг келажagini ўйласак, агар унинг экспорт масаласи ечилмаса, Туркиянинг келажagini йўқ, деган эди. Бизлар ҳам масалага шу йўсинда қарашимиз керак. Агар Ўзбекистон тамғаси қўйилган маҳсулотлар дунё бозоридида пайдо бўлиб, энг зўр моллар билан рақобат қила оладиган даражага эришилса, бу - бизнинг келажак авлод олдидаги қарзимиз бажарилгани ва катта ютуқларга очиб берган йўлимиз бўлади.

Боя шимолга дарвоза борлиги тўғрисида гапирдик. Жанубга ҳам дарвоза очишимиз керак. Афғонистон орқали Покистонга боришимиз керак. Ўинд океанига чиқишимиз керак. Эрон орқали Туркияга, Форс кўрфазига чиқишимиз керак. Хитой орқали Шарқ билан алоқа боғлашимиз лозим. Шу тарзда коммуникацияларимизни йўлга қўйиб олганимиздан кейингина ўзимизни иқтисодий мустақил деб

хисобласак бўлади.

Россия бизга сувдек, ҳаводек зарур. Унинг имкониятлари, у билан алоқалар керак. Оғир бўлса ҳам, Россия валютасига боғлиқ бўлиб туришга мажбурмиз.

Куни кеча кўшнимиз Қирғизистон ўз валютасига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу масалада Жаҳон валюта фондининг мутахассислари уларга асосий маслаҳатчи бўлдилар. Биз ҳеч қачон ҳеч кимнинг тавсиясига қулоқ солмаганмиз.

Биз, авваламбор, халқ манфаатларини кўзлаб, бугунги ҳаётимизни, мустақил йўлимизни танлаб олганмиз ва шу йўлдан бораверамиз. Бизга қуруқ тавсиялар керак эмас. Тақдиримиз ўзимизнинг қўлимизда. Бизга ҳеч ким текинга холисона ёрдамга келмайди. Бизларни тан олгандагина келади. Ҳар бир давлатнинг ўз валютасини жорий этиши - ички сиёсат, албатта. Мен Қирғизистоннинг ички ишларига аралашмоқчи эмасман. Лекин мутахассис сифатида айтмоқчиманки, бу - хомхаёллиқ билан қилинган иш. Бу фақат Қирғизистон учун эмас, эртага водийда жойлашган вилоятларимизнинг аҳволига ҳам жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Бизлар Қирғизистон билан дўстона алоқалар боғлаш масаласидаги ҳужжатларга ўз муносабатимизни қайта кўриб чиқишга мажбур бўламиз. Чунки Қирғизистоннинг янги пулга ўтиши - мана шу минбардан туриб очиқ айтишим керакки, Ўзбекистон учун рубль интервенцияси бўлади. Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки, уларда бўшаб қолган рубллар республикамызга оқиб келади. Қизилқиядан Қувасойга пулни ўтказиш қийинми? Эртага Фарғона, Наманган, Андижондаги магазинларнинг пештахталари бўшаб қолади. Чунки кечаги пул қоғозга айланиб, улар вабодек Ўзбекистонга ёпирилади. Қоғозни ишлатиш мақсадида улар ҳар қандай йўллар воситасида кўшни давлат бойликларига ёпишадилар. Лекин, минг афеуслар бўлсинки, бизнинг баъзи одамларимиз, савдо ходимларимиз, виждони йўқ кимсалар халқимизнинг ризқ-рўзини ўйламай, ҳамма молни у ёққа чиқаришга тайёр. Билиб қўйинг, ҳар қандай қинқир ишнинг охири вой. Тарихдан мисоллар кўп бунга. Вилоятда ишлайдиган депутатларимиз, масъул одамларимиз шу масалада қаттиқроқ туришлари керак. Ризқ-рўзимизни ўйлашимиз

керак, ўртоқлар. Тақдиримизни ўйлашимиз керак, болачақаларимизни ўйлашимиз керак. Эртага ана шу рубллар оқиб келишининг олдини олишимиз керак.

Қирғизистон раҳбарияти, Олий Кенгаши, эҳтимол, бу ишни пухта ўйлаб, эзгу мақсадларда амалга ошираётгандир. Бу - уларнинг иши. Ўеч ким уларнинг йўлини тўсмоқчи эмас. Лекин қондош, жондош қўшнимиз биз билан оғаларча ҳисоб-китоб қилиб, мана, оғайнилар, биз янги валютага ўтяпмиз, қирғиз валютасига, сиз нима дейсиз, деган савол берса, бизлар билан келишиб олса ёмон бўлмасди. Энг ёмон нарса шуки, у ерда - Жалолободда яшаётган ўзбекларимиз, қон-қариндошларимиз қандай аҳволга тушади? Улар қаерда бўлмасин, Конституциямизда ёзилганидек, биз улар учун жавобгармиз. Хулоса шуки, биргина валюта масаласи бир талай муаммоларни келтириб чиқаради. Янги валютага ўтиш - инқилоб билан баробардир.

Демак, тайёргарлик ишларининг Қози ҳам, масъулияти ҳам, жавобгарлиги ҳам шунга яраша бўлиши керак. Ҳар қандай инқилоб эса шошмашошарликни ёқтирмайди.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида  
1993 йил 7 майда сўзланган нутқ*

## **"ҲАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН..."**

*"Труд" газетаси саволларига жавоблар*

- Кўплар Ўзбекистон деганда ҳозир собиқ Иттифоқ ҳудудида жуда тансиқ бўлиб турган ижтимоий сиёсий барқарорликни тушунади. Аммо бу барқарорлик нималар ҳисобига таъминланмоқда ва "кучли Президент кўли", "қаттиқ тартиб", таъбир жоиз бўлса, демократиянинг муайян чекланиши бу борада қандай ўрин олмақда?

- Ҳа, бу, ҳақиқатан ҳам, энг муҳим саволдир. Ўзбекистонга кизиқиб қараётган барча кишилар шунга эътибор берадилар. Чет эллардаги, АҚШдаги бир қанча ижтимоийётчилар, сиёсатчилар иттифоқ барбод бўлгандан сўнг кўп минтақаларда ва аввало Ўрта Осиё, Кавказ, Молдова каби жойларда миллий низолар, бошбошдоқлик, ўзаро кураш муқаррар, деб олдиндан башорат қилиб кўйганликларини эслатмоқчиман. Иттифоқ замонида содир бўлган ва бошқа жойлардаги фожиали қарама-қаршиликлар силсиласини "бошлаб" берган Фарғона воқеалари ҳам рўқач қилиб кўрсатилган эди. Ўшанда фактларгина эмас, айтилиши вақтда бу фактларнинг матбуотда ноҳолисона талқин этилганига, 1989 йил 14 июнда ўша пайтдаги Бош вазир Рижков ва Давлат Хавфсизлиги комитетининг бошлиғи Чебриков иштирокида шоша-пиша ўтказилган "актив" деб аталмиш йиғинда чиқарилган биздаги "миллатчилик муаммолари"га оид палапартиш хулосалар ҳам рўқач қилинган эди... Юқоридан ва "холис" Москвадан - КПСС Марказий Комитети томонидан ўшанда мутлақо ноҳолисона фикрлар айтилган эди.

Энди биз бирмунча тажриба орттирдик ва миллий, ижтимоий муносабатлар хусусида бундай қатъий фикр ва мулоҳазаларни айтмаймиз. Бу ерда фақат мутаассиблар яшайди ва ислом динининг ўзи мутаассибликдан иборат, деган ақидага асосланиш аввал бошданок Қирт ёлғондир. Олдиндан нотўғри хулоса чиқаришнинг

илдизи шундаки, Москвада ўтириб олиб, Марказий Осиёдаги воқеаларга менсимай, юқоридан баҳо бериб бўлмайди. Бу халқнинг ўз анъаналари, ўз фазилатлари, ҳозир расм бўлган ибора билан айтганда, ўз менталитети, минг йиллик маданиятидан фахрланиш туйғуси бор. Шунинг эса тутгандагина бирон-бир баҳо бериш мумкин. Шу жумладан, ҳокимиятнинг ўрни, демократиянинг қарор топиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Халқимиз - жуда меҳмондўст, сабр-қаноатли халқ. Бу жиҳатдан у, жоиз бўлса, барча қийинчиликларга бардош берадиган русларга ўхшаб кетади. Ўзбеклар - бошқаларга жуда хайрихоҳ, Сизга шунинг эслатсам бўлади - Болтиқбўйида миллатчилик кучайган пайтда ва Кавказнинг кўпгина жойларида рус тилида гапиришни атайлаб хоҳламаганларида, Ўзбекистонда бундай бўлмади... Сизнинг саволингизга жавобан шунинг таъкидламоқчиман: биз иқтисодиёт, сиёсат соҳасида, ижтимоий соҳада, бозорга ўтишда қилаётган ҳамма ишларимиз атайлаб миллатлараро, ижтимоий тотувликни таъминлаш билан боғланди. Мен мана шу тотувлик учун, ижтимоий барқарорлик учун ҳамма ишни қилишга тайёрман.

- Мавжуд шароитда шу тотувликка эришиш йўлида сиз жамиятни демократиялаш жараёнларини бирмунча чеклашга тайёрсиз, деса бўладими?

- Бу ҳам кўп учрайдиган савол. Баъзи гапларни такрорлашимга тўғри келади. Айрим жойларда бамисоли портлашдек тез содир бўладиган воқеалар бу ерда бошқачароқ баҳоланади. Назаримда, руслар ҳам "жазава билан даволаш", инқилобий ёки тўғрироғи сохта инқилобий ларзалар билан боғлиқ воқеаларни ёқтирмайди. Биз инқилобий сакрашларга қаршимиз, аста-секин, синалган йўлдан бориш тарафдоримиз. Мен рақибларимга, танқид қилувчиларга шу ҳақда қайта-қайта гапиряпман. Модомики, биз кимларнингдир андозасига "тушмаётган" бўлсак, бундан ривожланиш нотўғри йўлдан кетяпти, деган маъно чиқмайди. Бас, шундай экан, кимнингдир назарида Ўзбекистондаги қайсидир жараёнлар, ислохотлар секинроқ бораётгандек, инсон ҳуқуқлари бузилаётгандек туюлаётган бўлса, ҳар бир ҳолатда мавжуд вазиятни ва бизнинг хусусиятларимизни ҳисоблаб олиб, чуқурроқ мулоҳаза юритишни илтимос қилган бўлур эдим. Бизнинг юртимизда яшаб кўрган, халқнинг анъаналарини,

турмуш тарзини, ахлоқий ва маънавий қадриятларини билган кишигина бунини тушуниши мумкин.

Бизни танқид қилувчиларга такрор-такрор айтаман: бизнинг юртимизда ислохотлар давом этмоқда, демократик жараёнлар давом этмоқда. Биз албатта демократик ҳуқуқий жамият барпо этамиз. Аммо қандай босқичлардан ўтишимиз - бошқа масала. Бу масалани мен ҳар қандай муҳолиф билан муҳокама қилишга тайёрман. Биз Конституция қабул қилдик, энг синчков мутахассислар - Франция, Америка мутахассислари, БМТ, ЕМХК вакиллари уни бошдан-оёқ ўрганиб чиқишди. Улардан ҳеч бири умум қабул этган демократик меъёрларга мувофиқ келмайдиган, андаккина бўлса-да, нуқсонни тополмади. Конституция - бизнинг буюк ютуғимиз. Олдимизга қўйган мақсадимизга албатта эришамиз. Конституцияда белгилаб қўйилган барча ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ турмушда рўёбга чиқмоқда, деб бўлмайди. Бизни танқид қилувчиларга ҳам шу гапни айтаман. Биз жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқ билан киришни хоҳлаймиз. Аммо шунини айтиб қўймоқчиманки, биз бу ҳамжамиятга ўз йўлимиз билан кирамиз. Баённомалар амалда синовдан ўтади. Барча миллатларга мансуб одамларимиз билан гаплашиб кўринг, уларнинг фикрини билинг. Дарвоқе, демократия деганда шунини ҳам эслатмоқчиман: 1991 йилда сайловчиларнинг 86 фоизи мен учун овоз берди. Бизда Президент муқобиллик асосида сайланди. ўарб эса сайлов муқобиллик асосида ўтмаган ва раҳбарлар сайловчиларнинг 98-99 фоиз овозини олган қўшнилариимизни ҳадеб мақтамоқда. Биздаги русийзабон аҳолининг 99 фоизи мен учун овоз бергани диққатга сазовордир...

- Сиз айтганингиздек, Конституция - қайсидир даражада "келажакнинг тимсоли". Цензура ҳақидаги нозик масалани четлаб ўтиб бўлмайди...

- "Четлаб ўтиш" керак ҳам эмас. Менинг бу масаладаги фикрим мана бундай. Ҳар қандай нашр одамларнинг муайян гуруҳи хоҳиш-иродасини ифодалайди. Мен бунга қарши эмасман. Бирок, газетачилар учун, чамаси, унчалик ёқмайдиган бир савол: у ёки бу газета кимнинг ҳисобига яшайди? Хоҳлаймизми, йўқми, мутлақо мустақил газета бўлмайди. Бу борадаги фикримни ҳеч ким

ўзгартиролмайдди. Матбуотга муносабат хусусида кўпданок менга танқид "тиғини тўғрилаб" келишмоқда. Аммо мен ҳар қандай "мустақил" нашрнинг вакиллари билан юзма-юз ўтириб, боя айтган фикримни исботлаб беришга тайёрман. Бундан чиқадиган хулоса шу: модомики, газета бирон-бир муайян сиёсий кучнинг ифодачиси экан, марҳамат қилиб, маблағ топинг-да, нашр этаверинг. Аммо, айтайлик, газета хориждаги бирор-бир номаълум манбадан озикланаётган бўлса, табиийки, уни боқаётган кишиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Бизда газеталар кўп. Сўнгги ярим йилда 10 тача янги газета пайдо бўлди, рус тилида ҳам бир талай нашрлар чиқяпти. Сиз ҳам Ўзбекистондаги журналистлар "қисув остида" ишламоқда, деган тасаввурга мойил эканингизни тушуниб турибман. Москвадагиларнинг назарида, гўё Ўзбекистонда сўз эркинлиги йўқ. Аслида бундай эмас. Москва нашрларининг саҳифаларида ёзилаётган гапларни ҳам тўқис, деб бўлмайдди. Айтайлик, бугун демократлар "День" газетасига хуруж қилмоқдалар. Бу газета баодоб жамиятда қилиш мумкин бўлмаган кўп ишларни ўзига эп кўрмоқда. Аммо мен "Кремль", "Столица" каби нашрларга, ҳатто, назаримда, унчалик мустақил бўлмаган "Независимая газета"га ҳам эътирозлар айтишим мукин. Бу газета ўз андозасига мос келмаганларни ҳеч далил-исботсиз ёппасига фош қилмоқчи бўлади. Мен ҳам унинг андозасига мос келмаслигимни биламан...

- Сиз Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш ҳаракатидаги хусусиятлар ҳақида тез-тез гапирасиз. Хўш бу хусусиятлар нимадан иборат?

- Биз бозорга ўтиш соҳасидаги ўз йўлимиз ҳақида гапирганимизда халқнинг анъаналарини ҳам, ишбилармонлик, бозор ҳақидаги ўз тушунчамизни ҳам назарда тутамиз. Энг муҳим масала - бозор муносабатларига ўтишнинг илк қоидаси ҳақида гапирмоқчиман. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги таъминланиши керак. Жамиятнинг ҳаддан ортиқ сиёсийлашуви иқтисодиётга зиён етказди. Назаримда, Россия сиёсатдан кўра, иқтисодиёт билан камроқ шуғулланмоқда. Агар одамларнинг қорнини тўйҚазиб қўймасангиз, ҳеч бўлмаганда, энг зарур "истеъмол халтаси"ни таъминламасангиз, уларни ҳеч нарсага ишонтириб бўлмайдди.

Ўзбекларда: "Аввал таом, сўнгра калом" деган гап бор. "Труд"нинг рус газетхонлари ҳам бу гапга қўшилсалар керак... Энг муҳими - иқтисодиётни мафкурадан халос қилиш лозим. Биз сиёсий жихатдан жамиятнинг қиёфаси қандай бўлишини нақадар хоҳламайлик, иқтисодиёт мустақил бўлиши керак. Менинг фикрим мана шундай.

Иккинчиси. Ўтиш даврида давлат жиловини қўлдан чиқармаслиги керак. Биз Германиядаги, бошқа мамлакатлардаги каби бозорни йўлга қўйганимиздан кейин (биз уларнинг тажрибасини ўрганимиз) давлат иқтисодий жараёнларга аралашмайди, албатта. Бу жараёнлар ҳамма жойда ҳам талаб ва таклиф қоидасига биноан кечади. Бироқ бу мамлакатларда ҳам давлат сектори анчагина ўрин олади, бу сектор муайян устун мақсадларни амалга оширади. Шу сабабли биз, башарти ўтиш даврида жиловни қўлдан чиқариб юборсак, устун мақсадларни, аввало, тик йўналиш бўйлаб бошқаришни бой бериб қўямиз, ўтиш дастурини (агар шундай дастур мавжуд бўлса) рўёбга чиқаришдаги изчиллик издан чиқади. Бундай шароитда ақл-идрок ва мантиққа, энг муҳими давлат, миллат ҳимоя қилинишига умид боғлаш қийин.

Сўнгра. Биз ислохотлар босқичма-босқич, изчил бўлиши тарафдоримиз. Бош-бошдоқчиликка, ҳамма нарсани бутунлай вайрон қилишга йўл қўйиб, вайроналар устида янги жамият қуриб бўлмайди. Масалан, ҳозир давлат мулки бўлиб турган катта-катта бойликларни арзимас пулга қандай сотиб юбориш мумкин? Бутун бошли заводни 10-20 миллион сўмга сотиб бўладими, ахир. Ҳозир бу пулнинг ҳеч бир кадри йўқ-ку. Бу иш, сизларнинг иборангиз билан айтганда, ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди... Бундан кузатилган мақсад - давлат мулкани тезроқ тугатиб юборишдан иборат.

- Ҳўш, сиз бу мулкнинг ҳимоячисимисиз?

- Афв этасизу, аввал нималар давлат бошқарувида қолиши кераклиги белгилаб олинса, хусусийлаштириб бўлмайдиган иншоотлар, устун соҳалар, хусусийлаштиришнинг изчиллиги аниқлаб қўйилса, ёмон бўлмасди. Хуллас, бу ислохотнинг ҳуқуқий, қонуний масалалари ҳали ҳал қилинмаган, қўмакчи соҳалар яратилмаган, мутахассислар билан таъминланмаган экан, биз мол-мулкни кимнинг қўлига топшираётганимиз аниқ эмас. Дарвоқе, бизнинг



Конституциямизда хусусий мулк тенг ҳуқуқлигина бўлиб қолмай, давлат томонидан ҳимоя ҳам қилинади, деб ёзиб қўйилган. Аммо мол-мулк кимнинг қўлига топширилаётганини билишимиз керак.

Биз ўтиш даврининг бошқа қоидаларига, чунончи, қонунларга қатъий риоя қилинишига, одамларни қонунга риоя этиш руҳида тарбиялашга ҳам амал қиляпмиз; давлат аҳолининг энг ночор табақалари - талабалар, болалар, кўп болали оилаларни ҳимоя этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиляпти. Бунинг учун дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ўзини оқлаган дастурлар амалга оширилмоқда. Яна бир гап - бозорга "ур-йиқит" йўлидан бориб бўлмайди. Янги уй қуриш ҳақида ўйлаб кўрмай, эскисини бузиш ярамайди.

Ислохотларда жуда кўп нарса одамларнинг руҳиятига, тафаккурига, янги кадриятларни англаб олишга, меҳнатга янгича муносабатга, меҳнатга қизиқтирувчи омилларга боғлиқ эканига ишончим комил. Ўзим амалий иқтисодиёт чиғириқларидан ўтганим учун ҳам бу гапни қатъий айтаяпман.

- Барчамиз, анчадан буён, раҳбарларнинг ваъдалари тез орада рўёбга чиқади, яхшилик сари сезиларли ўзгаришлар бошланади, деган умидда яшаб келяпмиз. "Ижтимоий кескинлик" бошланмаслигига қандай қафолат бор?

- Сиз "ижтимоий кескинлик" иборасини тилга олдингиз. Мен буни кенг маънода тушунаман. Биз кескинликка йўл қўймастик учун кучли ижтимоий сиёсат юритишимиз керак. Аввало, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида аниқ ишлар қилиш лозим. Биз 1989 йил июлидан бери таъминлаб келаётган барқарорлик эса бунинг қафолатидир. Ўшанда, 1989 йилда даҳшатли давр эди. Ўша пайтда биз қилган биринчи иш шу бўлдики, одамларга ер бера бошладик. Мен жаноб Горбачевнинг давлат кенгаши мажлисидаги сўзларини эсламан... Унга тан бериш керак, гапиришни билади, аммо бошлаган нутқини нима билан тугатишини ҳаммиша ҳам тушуниб бўлмайди. Мана бунга қаранглар, деган эди у мени кўрсатиб, ҳозир унинг боши шухратга чулғаниб турибди, у ер бера бошлади, энди уни илоҳийлаштиришади...

Фарғона воқеалари содир бўлган пайтда одамларга ер бера бошлаганимизда, даҳшатли бўлур эди. Биз қатъий тартиб ўрнатдик -

ерга мухтож бўлган ва, албатта, деҳқончилик қўлидан келадиган, ердан мўл ҳосил ола биладиган ҳар бир кишига чорак гектар ер бердик. Колхоз-совхоз шароитида бу жараён енгил кўчмади. Муайян тарзда тазйиқ ўтказмасам бўлмасди. Бу ҳам бизнинг ўзимизга хос хусусият. Бизнинг минтақамизда раҳбарнинг ўрнини тушунмоқ керак. Бу масалада мен дангал иш қилдим. Одамларга ер тақсимлаб бериш ҳақидаги фармоннинг бажарилишини таъминламаганларни ишдан олдим. Бунинг учун қанчадан-қанча асаббузарликлар бўлганини тасаввур қилсангиз эди. Ўтиш даврида белгиланган йўлни рўёбга чиқаришда қатъийлик, қолаверса қаттиққўллик керак эди. Шу сабабли Россия ҳақида гап борганда, мен баъзи жойларда парламент демократияси деб аталадиган қандайдир дудмол тушунчанинг эмас, балки кучли ижроия ҳокимияти тарафдориман. Ўтиш даврида дудмолликни йўл қўйиб бўлмайдиган иллат деб ҳисоблайман. Биз бир тузумдан иккинчисига ўтаётганимизда, янги иқтисодиётни барпо этаётганимизда, бунинг устига, одамларнинг руҳиятини ўзгартириш, муайян тоифа кишиларнинг манфаатларига қарши бориш керак бўлганида, ҳамма масалани 700 - 800 киши иштирокида қандай қилиб муҳокама этиб бўлади? Бундай қилиш нималарга олиб боради? Биз тақсимлаб берган ер ҳақида яна гапирадиган бўлсак, ўша ерлар ҳозир мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмини бераётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

- Сиз Россия фуқароси бўлганингизда 25 апрелдаги референдумда қандай овоз берган бўлар эдингиз! Унинг натижалари ҳақидаги фирингиз қандай?

- Эҳтимол, сиз фикримга қўшилмассиз, аммо мен референдумга қаршиман. Чунки у одамларни бўлиб юборади. Модомики, Ельцинни халқ сайлаб қўйган экан, унга Президентлигининг қонунийлигини яна бир бор тасдиқлатиш нечун зарур бўлиб қолди? Агар мен Россия фуқароси бўлганимда, бу масалани қатъий қилиб қўяр эдим. Мен Президентман. Мени халқ сайлаган. Кимгадир менинг ислоҳотларим ёқмаса ёқмас, аммо мени муайян бир муддатга сайлашган, шу ислоҳотларни охирига етказишимга қўйиб беринглар... Референдум натижалари шу фикрнинг тўғрилигини яққол тасдиқлади. Бу машмаша қимматга тушди. Аммо муҳими шуки, ҳозир иккала

томоннинг бир фикрга келиш муддаоси сезилмаяпти. Бир вақтлар халқ "оқлар" ва "қизиллар"га бўлинганидек, қарама-қаршилик, бўлиниш баттар кучайиши мумкин. Россия Хитойга ўхшамаслигини, у ердаги одамларнинг 97 фоизи бир миллатга мансуб эканини унутмаслик керак. Россия 21 та республикани бирлаштирувчи давлатдир, шу республикалардан ҳар бирининг ўз манфаатлари бор. Доимо: бу ҳол кўприкларни бузиб юборадиган силкенишга олиб бормайдими?- деб ўйлашга тўғри келади. Бинобарин, сизнинг саволингизга аниқ-равшан жавоб шу: бундай қилиш керак эмасди. Модомики, шундай бўлган экан, Россиянинг тотувликка эришишдан бошқа йўли йўқлигига аминман. Сизлар Конституциявий танглик деб атаётган тангликдан тезроқ чиқиб олиш бош масаладир.

- Баъзан: агар Каримов бўлмаганида руслар Ўзбекистондан қочган бўлар эди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Миллатлараро мувозанатни сақлаб турадиган қандайдир восита борми?

- Мен руслар, белоруслар, украинлар билан суҳбатлашганимда (бизда русийзабон аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил этувчи жуда катта корхоналар бор), одамлар тотувликда яшаётган бўлса-да, кўнглида ҳадик борлигини пайқаб қоламан. Буни тан оламан. Негаки, улар фақат Ўзбекистондаги эмас, МДХдаги воқеаларни ҳам кузатиб туришибди. Мен уларга: сизлар ҳам Ўзбекистондаги юздан зиёд бошқа элат кишилари каби, улар билан теппа-тенг фуқароларсиз, деган битта гапни уқтираман. Агар миллатчилик кайфиятлари, қисувга олиш йўлидаги уринишлар содир бўлса, ўша ерга бориб улар билан ёнма-ён тураман. Мен барчани қандайдир маъмурий чоралар билан ҳимоя қила олмайман. Бизда Конституция қабул қилинган, фуқаролик ҳақидаги демократик қонунлар қабул этилган, келинглари, уларни амалга оширайлик. Келинглари, агар керак бўлса, бунга тўсқинлик қиладиган кишиларга танбех бериб қўяйлик. Бу - нозик ва қалтис масала, аммо одамлар менга ишонаётган экан, бу зиммамга жуда катта масъулият юклайди.

- МДХнинг "саломатлиги"га, Ҳамдўстлик истиқболига сиз қандай қарайсиз?

- Ҳаёт қийинчиликлардан иборат. Ҳаётнинг ўзи бизга сабоқ

беради. Мустақиллик билан боғлиқ кўтаринкилик ҳамма республикаларга хос эди. Иқтисодий мустақилликка эришишдан кўра, сиёсий мустақилликни кўлга киритиш осонроқ. Шу сабабли кўтаринкилик, жумладан Болтиқбўйидаги кўтаринкилик ҳам сўниб бормоқда. Кўпчиликти ўз юртида қандай қилиб "Швейцарияни барпо этиш" масаласи эмас, балки пештахталарни нима билан тўлдириш, нарх-навони қандай қилиб жиловлаб туришга доир саволлар "тинчлик бермай қўйди". Иқтисодиёт билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ўнлаб йиллар давомида таркиб топган алоқаларни узиб ташлаш, жонли ришталарни кесиб юбориш мумкин эмас. Бунини энди ҳамма республикаларда тушуниб етишди. Иқтисодий жиҳатдан энг муҳими узилган алоқаларни тезроқ тиклашдир. Бутун халқлар бизга кўз тикиб турибди. Уларнинг орзу-умидларини пучга чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

- Республикангиз 1991 йил августидан нималарни кўлга киритди-ю, нималардан маҳрум бўлди? Шу ҳақда қисқача сўзлаб берсангиз.

- Ҳаммаси иттифоқ негизида конфедерация тузишга қараб кетаётган эди. Ларзаларсиз, эволюцион йўл билан, маърифий тарзда конфедерацияга қараб бораётган эдик. ГКЧП ҳаммасини барбод қилди, вайрон этувчи жараёнларни бошлаб берди. Биз август воқеалари бўлиши учун ҳаракат қилганимиз йўқ. Беловеж ўрмонида нималар бўлганини ўзингиз биласиз. Қизиққон одамлар "славян иттифоқи"га муқобил равишда "мусулмонлар иттифоқи"ни тузишни таклиф этишди. МДХ ҳаммамизга воқеалар ривожининг Югославия йўлидан холи бўлишида ёрдам берди. Ҳатто ҳозиргача Ҳамдўстликнинг унча мустаҳкам бўлмаган алоқалари меъёрий муносабатларга кўмаклашмоқда. Ўзбекистон мустақил бўлиши керак ва бунга ҳаққи бор, лекин, аввало, Россия билан маънавий ва бошқа алоқаларини сира узмаслиги лозим. Чунки Россия ўзбек халқининг, умуман ҳар қандай бошқа халқларнинг ҳаётида жуда катта ўрин тутган. Мен бу гапларим билан обрў орттиришни ўйлаётганим йўқ.

- "Ўзбеклар иши" деб аталмиш ишнинг оқибатлари қандай? Уни ниҳоясига етган дейиш мумкинми?

- Халққа етказилган маънавий, ахлоқий жароҳат сира нуқулмайди. Мен фақат ўзбекларни эмас, барча ўзбекистонликларни кўзда тутаяпман. Ўзбекистон тажриба майдонига айланган эди. Бу

ерда бошқаларга ўрнатилган бўлсин учун республиканинг "таъзирини бериб қўйишга" ҳаракат қилишди. Порага учини ва порахўрлик бўлган - мен буни рад этмайман, лекин ўзингиз айтинг, қаерда порахўрлик бўлмаган? СССРнинг қоқ марказида, Москвада порахўрлик бошқа жойлардагидан кам бўлмаган. Халқни айбонлаш мумкин эмас-ку, ахир, 25 мингта жиноий иш қўзғатилган эди. Депутатларни, меҳнат қаҳрамонларини вертолётларда, итлар билан бориб кечалари қамоққа олишарди. Бундай жароҳатни вақтгина даволаши мумкин. Бутун халққа қарши қаратилган бу сиёсатнинг бош айбдорлари четда қолиб кетганидан афсусланаман.

- Лекин бу бошқа томонга оғиб кетишга, хусусан Шароф Рашидовни "оқлашга" олиб бормайдими?

- Рашидов тўғрисида гапирадиган бўлсак, мен сизга очиғини айтаман. Биз олдин Рашидовни кўкларга кўтариб мақтаб, кейинчалик уни ёмон отликка чиқариб, ким амалга эришганини, собиқ СССРда ҳокимиятнинг юқори поғоналарига кўтарила олганини биламиз. Ўч бир халқ орасида марҳумларни ёмонлаб гапириш одат эмас. Чорак аср давомида республикани бошқариб, ўз юрти учун кўп иш қилган кишини далил-исботларсиз ёмонлаш мумкин эмас. Биз янги жамиятни қураётган эканмиз, оталаримиз бунёд этган кадрларни оёқости қилмаймиз.

- Халқ демократик партияси раиси лавозими сизга ҳалақат бермаяптими? Чунки сиз ҳаммани бирлаштиришингиз лозим, партия эса номини ўзгартиргани билан эски белгиларни, яқка ҳукмронлик қилиш психологиясини сақлаб қолмаслиги мумкин эмас.

- Шунини айтмоқчиманки, бирор раҳбар ҳам сиёсий кучга таянмай ишлай олмайди. Мен партиявий ишлар билан шуғулланмайман. Ўзбекистон Халқ демократик партияси раислиги деярли фахрли лавозим. Бу лавозимнинг менга оғирлиги тушаётгани йўқ.

- Ислом Каримовнинг исломга, умуман динга муносабати қандай?

- Биз ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиладиган ва нодон даҳрийлик муҳотида дин кадрларини билмай тарбияланганмиз. Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга

муҳаббатни, софликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир. Шу жиҳатдан қараганда, ислом, агар уни бузиб талқин этишмаса, оддий, тушунарли диндир.

Муайян сиёсий оқимлар эса муқаддас қадриятлардан сиёсий мақсадларда фойдаланишни хоҳламоқдалар. Бизга диний ақидапарастлик ҳам, коммунистик ақидапарастлик ҳам мақбул эмас. Саудия Арабистонига борганимда муқаддас жойларни зиёрат қилдим, мен учун муқаддас бўлган маънавий қадриятлардан келиб чиқиб, соф виждон билан зиёрат қилдим. Буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз Аҳмад Яссавий айтганидек, ҳеч нарсага ишонмайдиган одам ҳайвонсифатдир. Ҳар бир кишининг ўз илдишлари бўлиши керак, у нимага ишониши, ниманидир ўз ҳаётининг мазмуни деб билиши лозим. Менинг тушунишимча, Аллоҳ ягона. Ҳар бир дин уни ўзича кўради ва талқин қилади.

- Ўзингиз билан баҳслашувчиларга сабр-бардошлимисиз? Чунки кўлида ҳокимият бўлган одам ўзини ҳамиша ҳақ деб билади, унинг оғзига қараб туришади. Каримовга маърифий муҳолифат зарурми?

- Қийин савол. Бу саволнинг тагида нималар ётганлигини биламан. Аслида мен "илмоқли" гапирадиганларни тезда пайқаб оламан, айти пайтда бундай гаплар менга оғир ботади. Яқинда сессияда сўзлаган нутқимда мени дохийга айлантиришга уринганларингиз етар, менга ҳам, ўзингизга ҳам зарар етказманг, мен ақлли, кучли одамлардан чўчимайман, биз бирга бўлишимизни истайман, деб очиғини айтдим. Балки мен муболаға қилаётирман, лекин атрофимда кучли одамлар қанча кўп бўлса, ўзимни шунча дадил сезаман. Баҳслашиш, ўз нуктаи назарини айтиш - яхши амалий баҳсларда ўзимнинг ҳақ эканлигимни исботлаб бериш мен учун ҳам қизиқарли. Лекин ён дафтарчасини ва ручкасини чиқариб, ҳар бир сўзингни хатлай бошласа,- бунинг хурсанд бўладиган жойи йўқ. Очиғини айтаман, мен қаттиққўл одамман, аммо ишонарли ва далил-исботи билан эътироз билдиришса, бундай одамларни хурмат қиламан.

Энди муҳолифат хусусидаги саволингиз тўғрисида. Сизда ҳам бу

хусусда ўз фикрингиз борлигини сезиб турибман. Назаримда, мухолифат амалий тусда бўлиши керак. Шу жихатдан қараганда, республикамизда рўйхатга олинган партиялар ва ҳаракатлар ишлаб турибди, улар самарали ишламоқда. Мухолифлик умуман ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашаётган ишга, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса, мен буни албатта қабул қиламан.

Москва матбуоти биздаги мухолифат тўғрисида кўп ёзаётган бўлса ҳам, Ўзбекистонда бундай мухолифат йўқ. Уларнинг таклифлари йўқ. Шунга эътиборингизни қаратмоқчиман. Уларнинг ижобий таклифлари йўқ. Улар ҳеч нарсага ишонмайдиган кишилар - асосан ҳамма нарсани рад этишади. Бундай усул осонроқ, қулайроқ ва шу йўл билан арзон обрў орттириш ҳам мумкин. Мен сизга айтсам, мухолифат зарур бўлса, уни сунъий равишда вужудга келтириш мумкин.

- Президентнинг бўш вақти, ўзингизни оддий инсон, бахтли инсон сифатида ҳис этадиган фурсатингиз борми?

- Биласизми, ўзимни бемалол тутишга, устимдаги юкни - ҳар куни зиммамда бўладиган улкан масъулиятни олиб ташлашга ҳамиша катта эҳтиёж бор. Мендан бошқа ҳеч ким ҳал қилмайдиган муаммолар ором бермайди. Ўз имкониятларимни мен сира бўрттираётганим йўқ, лекин мен мавқеимга кўра, ҳамма иш учун жавоб берадиган одамман. Бинобарин, ҳаммадан олдин энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун жавобгарликни ўз зиммамга олишим мумкин.

- Президентдан унинг оиласи мамнунми?

- Жуда мамнун бўлмаса керак, деб ўйлайман. Оилам учун кам вақт ажратаман. Лекин ҳамма нарсадан нолисам ҳам, оиламдан нолий олмайман. Оила хусусида омадим келган деб ўйлайман. Ҳар бир кишига, у ким бўлишидан қатъи назар, тақдир шундай мукофот беришини хоҳлардим. Бирор кишининг ҳаётда омади келмаса, аммо шундай оиласи бўлса, ҳар қандай ишни удалай олади. Шундай оиланинг бўлиши жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан, рафиқам ҳам,

болаларим ҳам, невараларим ҳам - худога шукур...

Шу билан бир вақтда кўнгилсизликлар, синовлар, маҳрумликлар бўлмаганида эди, турмуш бизга баъзан ҳады этаётган қувончларни, ҳаёт қувончини, гўзаллик, табиатга ошнолик завқини чинакам кадрламаган бўлар эдик.

- Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларида нималар яхшиланишини хоҳлардингиз?

- Бу алоҳида мавзу. Фақат шуни айтаманки, Россия биз учун сув ва ҳаводек зарур. Мен режалаштириш идораларида кўп йиллар ишлаганман. Алоқаларимиз нақадар кенглигини биламан. Маънавий яқинлигимиз ҳам жуда муҳим. Россиянинг келажаги буюк. У азалдан буюк давлат бўлиб келган, тарих унинг ўрнини ана шундай белгилаб қўйган.

*Суҳбатдошлар:  
Александр ПОТАПОВ, Валерий БИРЮКОВ,  
("Труд", 1993 йил 26 май)*



## ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ – ИСТИҚЛОЛ КАФОЛАТИ

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йил 14-15 июнь кунлари Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳвол ва ислоҳотларнинг қандай амалга оширилаётгани билан яқиндан танишди. Вилоят раҳбарлари, фаоллари, хўжаликлар раҳбарлари, деҳқонлар, фермерлар ва ёшлар билан учрашди. Бу учрашувларнинг бевосита Голландия сафаридан кейин ўтгани ҳам бежиз эмас. Голландияда қишлоқ хўжалиги ўта ривожланган мамлакат билан республикамиздаги аҳволни таққослаб кўриш натижасида мавжуд камчиликлар янада яққол кўзга ташланади. Қишлоқ хўжалигини оёққа турғизиш учун айнан нима ишлар қилиш кераклиги ойдинлашади.*

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда яшайди. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғидир. Миллий даромаднинг салкам ярми аграр тармоқ улушига тўғри келади. Экспорт ресурси ва валюта тушумининг асосий манбаи ҳам қишлоқ хўжалигидир. Бозор муносабатларига ўтиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини бўлмиш мазкур соҳадаги ислоҳот халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ислоҳот суръати ва миқёсини белгилаб беради. Аммо айни пайтда бу соҳа умумий ислоҳотлар занжирининг энг нозик ҳалқасига айланиб қолди.

Мамлакатимиз Президенти Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлган чоғида қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотлар ўтказмасдан, дунёдаги илғор мамлакатлар ҳамда ўзимизда мавжуд илғор технология ва илм-фан ютуқларини жорий этмай туриб тараққиётга эришиб бўлмаслигини уқтирди. Бу борада, айниқса, яқинда ўзи сафарда бўлиб қайтган Голландия қишлоқ хўжалиги эришган ютуқлардан ибрат олишимиз зарурлигини айтди. Масалан, бир

голланд фермери 80 кишига етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берар экан. Голландиялик фермерлар ўз мамлакати аҳолисини боқибгина қолмасдан, Европанинг кўпгина мамлакатларига озиқ-овқат маҳсулотлари сотади. Бир ўзбек деҳқони эса кўпи билан 2-3 кишига етадиган маҳсулот тайёрлайди. Ўзбек деҳқонининг голландиялик фермердан нимаси кам? Тўғри, Ўзбекистон ва Голландия қишлоқ хўжалиги таркиби ва тизимларида фарқли томонлар бор. Аммо, бизнинг иқлим шароитимиз йил давомида бир неча ҳосил олиш имконини беради. Шундай бўлсада, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини бошқа мамлакатлардан келтирамиз. Бунга ҳар йили четдан сотиб олинадиган 450 минг тонна картошкани мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўша картошканинг деярли тенг ярми йўлда чириб кетар эди. Бундан манфаатдор кишилар бор эди. Энди четдан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишни эмас, уларни ўзимизда мўл-кўл етиштиришни рағбатлантиришимиз керак.

Ўтган йили картошка етиштириш бўйича голланд технологияси мамлакатимиз шароитида синаб кўрилганида, ҳар гектар ердан 35 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳолбуки, анъанавий усулда экилган майдонлардаги картошка ҳосилдорлиги ўртача 7 тоннадан ошмас эди.

Илғор технология ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмасдан, кўшимча қиймат яратиш, даромадни кўпайтириш манбаи ҳам бўлади.

Яна бир мисол: голландиялик фермер бир сигирдан кунига 50 литрдан сут соғиб олар экан. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ўртача 7 литрни ташкил этади. Хоразм вилоятида 31,1 минг бош сигирдан жорий йилнинг дастлабки беш оғи давомида 23,3 минг тонна, Қашқадарё вилоятида эса ҳар бир бош сигирдан шунча вақт мобайнида 755 литр сут соғиб олинбди. Мазкур вилоятлар бўйича ҳар бир сигир кунига ўртача 5 литрдан сут берган. Кулишингни ҳам, куйишингни ҳам билмайсан: булар сигирми ёки эчкими?! Деярли тенг сарф-харажат қилингани ҳолда меҳнат унумдорлиги бизда 7 - 10 барабар кам. Демак, шунга яраша яшаш даражаси ҳам, даромад ҳам паст.

Ўзбекистон бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи

чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этади. Дунёдаги бошқа мамлакатларда бундай манзарани учратмайсиз. Голландия қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли кишиларнинг бор-йўғи 4 фоизи ишлайди. Юксак даражада тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг 60 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида ишласа, Голландияда бу кўрсаткич 68 фоизга тенг.

Бу рақамлар биз учун иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ибрат бўлиши керак. Янги иш жойларини яратмасак, меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини тезроқ жорий этмасак, ислохот тўғрисидаги гапларимиз чўпчак бўлиб қолаверади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқармай, хусусийлаштирмай туриб, эски тузумдан мерос қолган боқимандалик, тенглаштириш каби иллатлардан қутулиб бўлмайди.

Ёшлар хорижга чиқсин, ўқисин, ишлаб малака орттирсин. Қолаверса, ўша ёқларда ҳам ўз корхоналарини очсин. Ҳамма ерга, пахтага ёпишиб олгани билан косамиз оқармайди. Дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибаси, ишлаб чиқариш ва деҳқончилик маданиятини ўша ерларнинг ўзида ўрганиб келиш ҳамда уларни ўлкамизда жорий этишни йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кунда одамлар фаолиятини кўпроқ хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш керак. Афсуски, бу соҳада Қашқадарё вилояти анча орқада қолиб кетган. Хоразм вилояти ёки Самарқанд вилоятининг Ургут туманида савдо-сотик, тадбиркорлик ишларини ривожлантириш, савдо ҳамда маиший хизмат шохобчаларини хусусийлаштириб бериш, шахсий дўконлар қуриш ишлари анча яхши йўлга қўйилган. Туман ҳокимлари бугун деҳқонга қандай қилиб пахта етиштиришни ўргатиш ўрнига янги иш жойлари яратиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, қўшимча даромад олиш йўлларини ахтариши, бозорни етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳаракат қилиши лозим. Бу соҳада катта имкониятлар бор. Пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига дон, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат экинларни кўпайтириш керак. Ўзимиздаги қулай иқлим шароити суғориладиган ерларда Ғалладан мўл ҳосил олишга имкон берадиган бир шароитда 5-6 миллион тонна Ғаллани бошқа

мамлакатлардан сотиб оламиз. Энди пахта билан бедани эмас, пахта билан Ғаллани алмашлаб экишни ўйлаб кўриш керак бўлади. Шу куздан бошлаб 750 минг гектар суғориладиган ерларга Ғалла экиш мўлжалланмоқда.

Мамлакат ички бозорини барқарорлаштиришда яна бир омил бор. У ҳам бўлса, кундалик эҳтиёж маҳсулотларини республика ҳудудидан ташқарига Қайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига қарши курашдир.

Ислом Каримов Хоразм вилоятининг қўшни Туркменистон жумҳуриятига туташ аҳоли пунктларини бориб кўрди. Аҳолининг турмуш шароити билан танишди. Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти бошқармасига қарашли айрим постлар фаолиятидаги камчиликларга эътиборни қаратди. Божхоналар мамлакат бозорини ҳимоя қилиш воситаларидан биридир. Лекин улар фаолиятидаги нуқсонлар ўзимизда ҳам тақчил бўлган кундалик истеъмол маҳсулотларининг Қайриқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишига сабаб бўлмоқда.

Ислом Каримов, айниқса, Ўзбекистон ва Туркменистон чегарасида яшовчи халқларнинг дўстлигига алоҳида эътибор бериш зарурлигини қайд этди. Марказий Осиё мустақил давлатлари раҳбарлари юритаётган сиёсат халқларимиз дўстлигига путур етказмаслиги керак. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда сиёсат юритсалар, бугунги қийинчиликларни енгиш анча осонлашар эди. Айниқса, нарх-наво сиёсати ва миллий валютани муомалага киритиш чоғида бу жуда муҳимдир. Азал-азалдан чегара нималигини билмаган ҳудудларда мажбурий чора сифатида божхоналар ўрнатилмоқда. Агар биргалашиб сиёсат юргизилса, бунга ҳожат қолмайди.

Ҳар бир мустақил давлат ўз миллий валютасини хоҳлаган пайтда муомалага киритиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу қўшни республика ҳисобига бўлмаслиги керак. Фуқаролар эса товар билан таъминланмаган пулларга алданмасинлар. Четдан оқиб келаётган бугунги "рубль" эртага қуруқ қоғозга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ислохотларни амалга ошириш ва уларнинг натижасига масъул бўлган ҳокимлар, идора, ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари

фаолияти энди янгича мезонлар билан ўлчанади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойилидан яна бири - давлатнинг ислохотчи бўлишидан англашиладиган яна бир тушунча бор. У ҳам бўлса, раҳбар шахснинг ислохотларни амалга оширишдаги ўрнидир.

Мамлакатимиз Президенти Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашган чоғида мазкур омилга алоҳида урғу берди. Мен, деди Президент, Қашқадарёга келишдан олдин вилоят халқ хўжалигининг шу йилнинг дастлабки беш ойи якунлари билан танишиб чикдим. Ютуқлар ҳам бор, албатта. Лекин бугунги кун талабига кўра, ҳар бир натижа ёки кўрсаткичга танқидий кўз билан, янгича мезонлар билан қарашни ўрганишимиз керак. Айниқса, ҳаёт ислохотларни талаб қилаётган, меҳнатга муносабат ўзгараётган пайтда ҳар бир раҳбар ўз камчиликларини юқоридан бирор комиссия ёки тафтишчи келиб кўрсатиб беришини кутиб ўтирмасдан, ўзи кўра билиши лозим. Бугун давлатга гўшт ёки сут топшириш режаси бажарилмаптими, йўқми!- деган талабни кўядиган замонлар ўтиб кетди. Раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда: у ислохотларни қандай тушунади, замон талабига яраша ташаббускор бўлишга, иш юритишга тайёرمи-йўқми, деган саволни кўйиш вақти келди. Бугун ҳокимлар Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бор, деган гапни қандай тушунади? Улар бозор муносабатларига ўтиш тамойилларига қай даражада амал қиляпти?

Мамлакатимиз Президенти бундай саволларни ўртага ташлар экан, ўтиш ёки ислохот жараёнида биринчи раҳбар тамойилини илгари сурди. Ҳозирги даврнинг етакчи хусусиятларидан бири - воқеалар ҳайратланарли даражада шитоб билан кечмоқда. Давримизнинг бир куни мазмун-моҳияти билан йилларга татиғулик.

Қашқадарёнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги ўрни бўлакча. Бу ердаги кайфиятни билиш республикамизнинг аксарият қисми аҳолиси кайфиятини билиш демакдир. Афсуски, Қашқадарёда ислохотларнинг амалга оширилиши суст, мутлақо қониқарсиз.

Вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни пайсалга солиш ярамайди. Ҳар бир иш суръати, аввало, унинг бошида турган биринчи раҳбарга боғлиқ.

Ҳар бир вилоятдаги вазиятни унинг маъмурий маркази

қиёфасидан ҳам билиш мумкин. Ўзбекистон Президенти Қарши шаҳрига келганида шаҳар дарвозаси бўлмиш аэропорт қоп-қоронқи эди. Қарши шаҳар ҳокимидан бунинг сабаби сўралганда, дарахтлар ўсиб кетиб, прожекторларни тўсиб қўйди, деб баҳона қилишдан нарига ўтмади. Прожекторларни дарахт тўсиб қолган бўлса, шаҳарнинг бош майдони нега қоронқи, нега у ердан файз кетиб, алафзорга айланган? Бу савол ҳам жавобсиз қолди. Қарши шаҳрининг бош майдони бир вақтлар одамлар ҳордиқ чиқарадиган, кечкурунлари сайр этадиган сўлим манзил эмасмиди? Ҳар кун шу майдон орқали ишга қатнайдиغان шаҳар, қолаверса, вилоят ҳокими қаёққа қараяпти!

Янги иш услубига ўтган, миллий истиқлол мафкурасини тўла англаб етган, халқ манфаатлари йўлида кўкрагини қалқон қилишга тайёр раҳбарлар бўлмаса, ислохотлар бир жойда депсиниб тураверади. Шаҳрисабз туманида Жўра Элбоев номидаги жамоа хўжалигининг раиси пахта навини айтишда хато қилмади. Аммо, даромад ва иш ҳақи нима эканини фарқлай олмади. Дехқонлар даромадини кўпайтириш манбаларини санай билмади.

Бугун раҳбардан талаб қилинадиган нарса ташаббускорлик, илғор меҳнат маданияти тажрибасини жорий этишда фидойилик, одамлар кайфиятини билиш, улар ташвиши билан яшаш, янги иш жойларини яратиш, халқнинг маънавий ва моддий фаровонлигини таъминлашдир. Президент кадрлар фаолиятига баҳо бериб, уларни уч тоифага бўлди.

Биринчи тоифа - эски тузумни қўмсаб юрган кишилар. Иккинчиси, энг хавфлиси - имонсиз, эътиқодсиз кишилар. Бундайларга ватан манфаати бегона, улар шахсий хузур-ҳаловат, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Ватан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қалбида ўти ва эрк туйғуси бор, ғайратли, куюнчак яна бир тоифа кадрлар борки, менинг бутун умидим ва ишончим ана шулардан, деди Президент. Булар ҳозирча озчиликни ташкил этади, тажрибалари ҳам кам. Лекин мен Президент сифатида етишиб келаётган мана шу фидойи, қалби олов авлод вакилларининг жойларда раҳбарлик қилишини истайман. Ҳар бир раҳбар биз таклиф этаётган ислохотларни қалбдан ҳис этсин, уни бажаришга қодирми-йўқлигини

ўйлаб кўрсин, қадамини шунга қараб қўйсин.

Ислохотлар жабҳаси кенг. У нафақат иқтисодиётни, балки сиёсий ва маънавий соҳаларни ҳам қамраб олади. Ўеч бир соҳа эътибордан четда бўлмаслиги керак. Айниқса, маънавият билан жиддий шуғулланиш вақти келди. Мустамлака мафкураси саркитларидан тезроқ воз кечиш лозим. Илгари ўзбекни фақат пахтакор, чорвадор, чўпон, сувчи деб ҳақоратомуз гапириш урф бўлган эди. Бу ҳол ҳозир ҳам учрайди. Бундай йўл тутишдан мақсад ўзбеклардан фақат ишчи кучи сифатида фойдаланиш эди. Ваҳоланки, ўзбеклар орасидан дунёга машҳур олимлар, адиблар, санъаткорлар етишиб чиққанини ҳамма билади. Лекин уларни ҳеч ким эсламасди. Миллий истиқлол мафкураси деганда бундан буён миллатимизни камситадиган бирёқламаликдан қутулиб, ёшларимизни миллатимиз равнақи учун зарур бўлган барча касбларга йўналтириш тушунилади.

Мамлакатимиз Президенти Хоразм вилояти ёшлари билан йўл-йўлакай учрашиб, ораларингизда аскар бўлишни истовчилар ҳам борми, деб сўраганида худди шуларни назарда тутган эди. Бизга бугун фақат деҳқон ёки ишчиларгина эмас, мустақиллик ҳимоячилари - малакали зобитлар ҳам, халқимизнинг маънавияти камол топишига хизмат қиладиган етук асарлар яратувчи адиблар ҳам, миллий ғурурни тарбияловчи мукамал шеърлар ҳам, санъат асарлари ҳам керак. Энди нуқул пахта ҳақида баҳслашмасдан, халқимиз маънавиятини юксалтиришга эътиборни кучайтирайлик. Комил инсонлар билангина юртимиз баркамол бўлиши, азалий куч-қудрат ва шуҳратимизни тиклашимиз мумкинлигини унутмайлик.

## ЎЗБЕКИСТОН - УЛҚАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Муҳтарам жаноб фонд анжумани президенти!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу қадар мўътабар анжуманда Европа мамлакатларининг Европадан шарқда жойлашган давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш муаммолари муҳокама қилиниши ҳозирги дунёдаги бирлашув жараёнлари барқарор ва чинакам муқаррар тус олиб бораётганининг яққол далилидир. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам уларнинг сафига тобора кўпроқ даражада қўшилиб бормоқда.

Ўзирги Европанинг атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, забардаст ишбилармонлари Совет Иттифоқи барбод бўлганидан кейин юзага келган мустақил давлатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи мушкулотларини тушуниб, хайрихоҳлик билан қараётганликлари зўр мамнуният туйғуларини уйғотмоқда. Улар тарихий мезонлар билан фикр юритмоқдалар ва неча ўн йиллар олдинни кўрмоқдалар, мутлақо янги жуғрофий-сиёсий воқелиklar рўй бераётганини фаҳмлаб олмоқдалар. Европадаги бирлашув жараёни Урал тоғлари теграсида тўхтаб қола олмаслиги ва тўхташи ҳам мумкин эмаслигини жуда яхши англамоқдалар.

Европа ва бутун дунё билан ошкора, ҳалол ва ўзаро манфаатли алоқаларга тайёргарлик халқимизнинг қонига сингиб кетган деса бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шундай жуғрофий-сиёсий мавқени эгаллаб турибдики, азалдан ўарб билан Шарқ айнаи шу ерда бир-бирига туташган. Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим карвон йўллари қадим замонлардан буён бизнинг диёримиздан ўтган. "Буюк Ипак йўли"ни эслаш кифоя, унинг анъаналари ҳозирги воқелигимизда қайтадан тикланмоқда.

Ўзир Ўзбекистон - Жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси. Республикани дунёдаги салкам 160 та мамлакат тан олди, 60 та давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Биз Германия,



Швейцария конфедерацияси, Австрия, Нидерландия қироллиги, Финляндия, Туркия ҳамда Европанинг бошқа давлатлари билан узок муддатли ва истиқболли муносабатларни йўлга қўйдик.

Бирлашув жараёнларига қўшилиш, бир томондан, жамиятдаги барқарорлик ва муқимликни, иккинчи томондан эса иқтисодий ва сиёсий ислохотлар изчил амалга оширилишини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ишончли кафолатлар яратилишини талаб қиладики, биз буни жуда яхши тушуниб турибмиз.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган қарийб икки йил оson бўлмаганини рўй-рост айтмоқчиман. Бутун жамиятни ўзгартиришнинг бошқа давлатларда юз йиллар давом этган бениҳоя мураккаб жараёнларини биз тарихан қисқа муддатларда бошдан кечиришимиз лозим эди. Эски тузум бизга оғир мерос ва мажруҳ, бир ёқлама иқтисодиётни қолдирди. Бизнинг минтақамиз чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ва совет даврида ҳам аслида арзон хомашё ва стратегик минерал бойликлар етказиб берадиган ўлка, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозор бўлиб келди. Шу сабабли биз мамлакатни шунчаки ислоҳ қилибгина қолмай, айна вақтда жамият парчаланиб кетишига йўл қўймаслик, ислохотларнигина эмас, давлатнинг ўзини хавф остига қўйиши мумкин бўлган ижтимоий ларзаларнинг олдини олиш учун иложи борича ҳамма ишларни қилишга мажбур эдик.

Мана шу бениҳоя мураккаб шароитда биз ўзимизнинг янгилашиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизни ишлаб чиқдик. Ўтиш даври қийинчиликларини бартараф қилиш концепциясининг пойдеворини ташкил этувчи бешта қоида шу йўлга асос қилиб олинди. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур;

Иккинчидан, давлат асосий ислохотчи бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислохотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим;

Учинчи қоида - қонуннинг устунлиги. Бунинг маъноси шуки,

демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар;

Тўртинчидан, фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиши керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 18 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

Бешинчидан, бозор иқтисодига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"га йўл қўймай, янги эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Охир-оқибатда ислохотлар номига ўтказилмайди, уларнинг асосий мақсади жадаллик эмас, балки одамларнинг фаровонлигидир.

Хўш, биз танлаб олган йўлнинг илк босқичида қандай асосий натижаларга эришилди? Бугун мен комил ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқароларнинг тотувлигини таъминлаб, бошқа минтақаларда бўлаётганидек, миллатлараро можароларнинг олдини олиш имконини берди. Жамиятни янгилаш йўлида муттасил илгарилаб борилаётгани эса энг муҳим натижадир.

Аввалги тоталитар тузумнинг илдиэлари кўпориб ташланмоқда, кўп партиялилик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кўникиш воқеликка айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ва очик демократик жамият барпо этиш учун ҳуқуқий негиз яратилиб, дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Холис хорижий кузатувчилар иштирокида, муқобиллик асосида мамлакат президенти сайлови ўтказилди. МДХ мамлакатлари орасида биринчилар қатори Ўзбекистон ўзининг янги конституциясини умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилди, бу конституция талабчан халқаро мутахассисларнинг синовидан ўтди.

Биз миллатлараро тотувликка эришдик. Оз сонли миллатлар билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистоннинг 22 миллионли аҳолиси таркибидаги юз миллат ва элат вакиллари ишлаб турибди, она тилларида бемалол таълим олмоқда ва диний маросимларни

нишонламоқда. Биз фуқаролик ҳақида қонун қабул қилдик. Бу қонун мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг ҳуқуқларини шунчаки эълон қилиб қолмасдан, бу ҳуқуқларга кафолат ҳам беради.

Биз диний ақидапарастлик ва мутаассиблик хавфини бартараф қилдик. Совет империяси барбод бўлганидан кейин вужудга келган бўшлиқни мана шу ақидапарастлик, мутаассиблик билан тўлдириш мумкин ва шундай хавф мавжуд эди.

Биз жамиятдаги барқарорликни таъминлаб, иқтисодиётни юксалтиришга ва минтақамиздаги битмас-туганмас бойликларни халққа хизмат қилдиришга асосий эътибор ва куч-ғайратларни қаратганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Иқтисодий ислохотлар йўлида кўп иш қилинди. Хусусий мулкчилик турмушимизга дадил кириб келмоқда. Ҳозиргача 7 мингтадан кўпроқ саноат корхонаси, хизмат соҳаси ва қишлоқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилди. Давлатга қарашли уй-жойларнинг ҳаммаси шу йил тўла-тўқис хусусийлаштирилади.

Катта иқтисодий захирага эга бўлган Европа - Осиё китъасида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлантиришда, ислохотлар ўтказишда ва иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришда давлатимизга кўмак бериш тарафдори бўлиб турибди. Ҳозир бу ерда сармоя ва олисни кўзлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар салмоқли самара бериши шубҳасиз.

Хўш, бизнинг тасарруфимизда нималар бор, савдо-саноат доираларига, ишбилармонларга ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ҳамма кишиларга нималарни таклиф қила оламиз? Мен ажратилган вақт доирасида бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан.

1. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саккизинчи ўринда ва аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш жиҳатидан бешинчи ўринда турибди. Мамлакатда топилган 30 та олтин конининг жами захираси 4000 тоннадан ошади. Аммо уларнинг атиги 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олий андозаларга мос келади, кейинги

йигирма йил мобайнида унинг сифати ҳақида шикоят тушгани йўқ. Сўнгги икки йилда эса уч марта халқаро сифат соврини билан тақдирланди.

Ўзбекистонда катта захирага эга бўлган ўттизта уран кони бор. Ҳар йили 80 минг тонна мис қазиб оляпмиз, Ўзбекистондаги мис захиралари беҳисоб, кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металлларнинг йирик конлари ҳам бор.

2. Ўзбекистон ривожланган қудратли энергетика базасига эгадир. Аниқланган газ захиралари салкам икки триллион куб метрни ташкил этади, кўмир захиралари икки миллиард тоннадан ошади, 140 тадан кўпроқ нефть кони бор. Кейинги икки йил ичида очилган нефть ва газ захиралари энергия воситалари билан ўзимизни таъминлаш ҳақидагина эмас, уларни чет элларга сотиш ҳақида ҳам гапириш имконини беради.

3. Пахта - бизнинг асосий бойлигимиз экани ҳаммага маълум. Бутун Марказий Осиё икки миллион тоннага яқин пахта толаси етиштираётган бўлса, шунинг 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистонга тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Бизнинг пахтамыз Европа, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинади.

Бу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари - пахтани тўла қайта ишлашга эришишдан ва шу қимматли хом ашёни жаҳон бозорига манфаатли тарзда чиқариб сотишдан иборат.

4. Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқидаги барча мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмини етиштириб, СССР мавжуд бўлган даврда сабзавот ва мева етказиб берувчи асосий манба бўлган эди. Ҳозир ҳам йилига 5 миллион тоннагача мева ҳосили олаётган мамлакатимиз бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр. Биздаги сабзавот ва меваларнинг кўпи ўзининг таъми жиҳатидан ноёб ҳисобланади.

Бизнинг бу тармоқдаги асосий манфаатларимиз - мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, ташиб берадиган, ўраш материаллари тайёрлайдиган корхоналар барпо этишдир.

5. Бизнинг мамлакатимиз транспортнинг ривожланган ички кўмакчи соҳаларига эгадир. Бироқ Ўзбекистон халқаро транспорт йўлларини ривожлантиришга жуда муҳтож. Қўшни мамлакатлар

билан икки томонлама, шунингдек Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик дунёдаги асосий транспорт йўлларига, шу жумладан денгиз йўлларига чиқиш мақсадини кўзлайди.

Биз транспорт қатнови тармоғини кенгайтириш юзасидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Хитой билан бир қанча битимлар тузганмиз. Олмония фирмалари билан автомобилда юк ташишни ривожлантириш соҳасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Замонавий алоқа воситалари тармоғини барпо этишда Ўзбекистон Япония, Олмония, Туркиянинг бир қанча фирмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Аммо ҳали бу соҳада ва аввало алоқанинг истиқболли турларини ривожлантиришда жуда катта имкониятлар бор.

6. Ўзбекистон сайру саёхатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадим замонларда "Буюк Ипак йўли" шу шаҳарлар орқали ўтган. Республика худудида тўрт мингтадан кўпроқ монументал меъморчилик ёдгорликлари бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО муҳофазасига олинди. Табиат-иқлим шароитлари саёхатчиларни қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.

7. Кенг ҳамкорлик, барқарор иқтисодий алоқалар банк суғурта муассасаларининг замонавий тармоғини, молия-пул тизимини ислоҳ қилишни талаб этади, албатта. Республикада хорижий сармоя иштирокида банклар таъсис этиш имконияти қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Биз билан Швейцария (ЮБС, Кредитовис), Олмония (Дойчебанк) банклари ўртасида иш юзасидан яхши алоқалар ўрнатилган. Биз валюта тарзидаги олтинимизни гаров тариқасида шу банкларда сақлаяпмиз. Шунингдек, Европа Тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки билан ҳам алоқамиз бор. Бу соҳа учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият беряпмиз.

8. Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина тааллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Оролбўйидаги экология вазиятининг мушкуллашуви оқибатда бутун ер куррасига таъсир қилиши мумкин. Бизга берган ёрдамлари учун Олмония

ҳукуматига, турли мамлакатлардаги ҳукуматларга қарашли бўлмаган бир қанча ташкилотларга ташаккур билдирмоқчимиз. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кулфат эртага бундан ҳам мусибатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Муҳтарам хонимлар ва муҳтарам жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр. Ҳозир республикада хорижий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган мингга яқин корхона ишлаб турибди. Американинг "Ньюмонт", Олмониянинг "Мерседес-Бенц" ва "Сиенс", Жанубий Кореянинг "ДЭУ" ва "Самсунг", Япониянинг "Мицубиси", Франциянинг "Элф-Акитен" каби жаҳонга машҳур компаниялари, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этмоқдалар.

Биз Ўзбекистон билан узоқ муддатли алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик - давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили эканига ишончимиз комил.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ва қоидалари ҳақида икки оғиз сўз. Биз энг катта халқаро ташкилотларга, шу жумладан БМТга, Қўшилмаслик ҳаракатига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга, халқаро молия муассасаларига аъзо бўлдик. Ташқи сиёсий фаолиятимизга суверенитетни ҳурмат қилиш, барқарорликни ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини тақиқлаш ва оммалаштирмаслик қоидалари асос қилиб олинган. Биз тажовузкор коммунистик ақидапарастликка барҳам бердик ва минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши турамыз.

Тожикистондаги ва унинг атрофидаги аҳвол бизни жуда ташвишлантирмоқда. Тожикистондаги фуқаролар урушининг хатарли оқибатларини бартараф этиш юзасидан БМТ номига қилган

муружаатимизга амалий жавоб берган БМТ Бош котиби Бутрос ўолий жанобларидан миннатдормиз. Шу билан бирга бизнинг назаримизда Европа тожик халқининг бошига тушган кулфатга бепарво қарамокда. МДХ давлатлари ўртасида чегаралар йўқлиги эътиборга олинса, бу ердаги воқеаларнинг салбий тарзда ривожланиши Афғонистондан ва бошқа қўшни мамлакатлардан наркотик моддалар ва курул-яроғ экспорти кўпайишини билдиради. Аслида наркотик моддаларни шимолга ташиш учун кўприк вужудга келади. Бу эса Европа учун тахликали муаммоларни келтириб чиқармокда ва келтириб чиқараверади.

Бутун минтақада, шу жумладан Афғонистонда барқарорликни таъминлаш Тожикистондаги барқарорликнинг омилларидан бири эканини тушунамиз. Ўзбекистон ҳукумати мана шундай барқарорлик шароитини яратиш учун Афғонистон, Эрон, Туркия, Ўиндистон ва Покистон билан яхши қўшничилик муносабатларини изчиллик билан йўлга қўйиб келмокда. Биз Тошкент шаҳрида доимий ишлайдиган кенгаш тузилишини муҳокама қилишга тайёرمىз. Унда ишлаш учун минтақа мамлакатларининг вакиллари, шунингдек манфаатдор давлатлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф қилиш мумкин бўлар эди.

Назаримда, бундай кенгашнинг тузилиши одамларнинг муносиб ва осойишта яшаши учун, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш ва мустақамланиб бораётган демократик меъёрларни қўллаб-қувватлаш учун шароитни таъминлаш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг асоси бўлуру эди.

Эътиборингиз учун ташаккур. Саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

*Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташкилоти  
IV сессиясида 1993 йил 18 июнда сўзланган нутқ*

## **ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР**

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йил 29 июнь куни республика Вазирлар Маҳкамаси, Ижтимоий таъминот, Меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси ҳамда тармоқ қасаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари иштирокида бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказди.*

Мамлакатимиз Президенти бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг асосий йўналишлари белгилаб олинаётган ҳозирги вақтда республикаимиз меҳнатқашларининг вакиллари билан маслаҳатлашиб олиш катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Эндиликда Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида янги босқич - туб ўзгаришлар даври бошланмоқда. Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россияда юз бераётган воқеалар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш масаласига янада жиддийроқ ёндошишни тақозо этмоқда. Агар ҳозирок зарур чоралар кўрилмаса, воқеаларнинг боришини ва улар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билмасак, эртага халқимиз моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Бундай шароитда Ўзбекистонда маъмурий-бўйруқбозлик ва марказлаштирилган тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш йўли тўғри танланганини ҳаёт қайта-қайта исботлаяпти.

Биз, деди Ислом Каримов, турли мамлакатларда бўлганимизда, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, сиёсатдон ва ишбилармон кишилар билан суҳбатлашганимизда буни айниқса чуқур ҳис этдик. Ривожланган ўрб давлатлари тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчира бошлаган баъзи республикаларда ҳам халқнинг турмуш тарзи, меҳнатга муносабати, ўзига хос тарбиясини ҳисобга олмай туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини англай бошлашди. Чунки



ўарб мамлакатларида ҳеч қачон биздагидай тенглаштириш ва шунга яраша одамлар руҳиятида боқимондалик кўникмаси бўлмаган. Боқимондалик одамларни ялқов қилиб қўяди, уларда ташаббусни сўндиради. Меҳнатга яраша ҳақ тўламай, кўр-кўрона тақсимлаш оқибатида тенглаштириш вужудга келади. Одам меҳнатига, малакасига, ишининг сифатига яраша ҳақ ололмайди.

Натижада одам қотиб қолади. Шўролар империяси давридагидек, Кремлнинг юлдузи порлар экан, оч қолмаймиз, деган тушунчанинг асирига айланади. Меҳнатга бундай муносабатни ўзгартириш ва бу борада Германия, Швейцария каби ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олиш учун заҳмат чекишга тўғри келади. Шунинг учун биз ўз йўлимизни танлаётган пайтда маҳаллий шарт-шароит, кўп йиллик тарихимиз, турмуш тарзимиз, қолаверса, ислом фалсафаси билан боғлиқ дунёқарашимизни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас эди. "Шок терапияси"ни танлаган мамлакатларнинг қимматга тушаётган тажрибаси бизнинг йўлимиз оқилона ва мақбул эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш тамойилларини кўпчилик яхши билади. Уларни қайтариб ўтиришга ҳожат йўқ. Бироқ кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилига алоҳида урғу беришга тўғри келади, негаки, бошқа тамойилларнинг рўёбга чиқиши шунга боғлиқдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иктисодиётнинг мафкурага нисбатан устуворлиги, ислохотларни амалга оширишда давлатнинг ўзи етакчи бўлаётгани ҳамда қонунлар устуворлиги мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу меҳнатга яроқли аҳолисининг қарийб ярми, айрим жойларда ҳатто 80 фоизгача қишлоқ хўжалигида банд бўлган, 50 фоиз аҳолиси 18 ёшгача болалардан иборат республика учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ваҳоланки, Голландия, Германия каби мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишловчилар меҳнатга яроқли кишиларнинг бор-йўғи 4-5 фоизини ташкил этади.

Бешинчи тамойилга кўра бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Масалан, Францияда айрим соҳалардаги

фондларнинг 40-45 фоизи давлат назоратида. У ерда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режалари асосида иш юритилади. Америкада ҳатто 30 йиллик режалар ишлаб чиқилган. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, деганда эски тузумнинг қурилаётган янги жамиятимиз учун фойдали томонларини ҳам йўққа чиқармаслигимиз лозимлиги назарда тутилади. Соғлиқни сақлаш, маданият, маориф соҳаларида бошқаларга ўрناк қилиб кўрсатса арзийдиган ютуқларимиз бор.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳар бир масалага меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ёндашишдан иборат. Аслида, бу - давлатнинг ҳам асосий вазифаси. Фуқароларига ҳар томонлама Қамхўрлик қилган давлатгина одамлар меҳрини қозонади. Бу Қамхўрлик биринчи навбатда мамлакатда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқдир. Чуқур ислохотлар ўтказиш учун, аввало, барқарорлик, миллий аҳиллик бўлиши зарур. Мамлакатимиз касаба уюшмалари республика раҳбарияти юритаётган сиёсатни тўғри тушуниб, ислохотларни амалга оширишда елкадош бўлаётгани таҳсинга лойиқдир. Бу, айниқса, ўтиш даври қийинчиликларини енгишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон эндиликда иқтисодий мустақиллик сари дадил одим отмоқда. Сир эмаски, мамлакатимиз иқтисодиёти кўп жиҳатдан Россия билан боғлиқ. У ерда кечаётган жараёнлар республикамизга ҳам таъсир этмай қолмайди. Айниқса, Россия иқтисодиётидаги танглик рублнинг ҳалокатли даражада қадрсизланишига олиб келди. Бир долларнинг баҳоси 1100 рубл атрофида. Бундай шароитда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш мамлакатимиз раҳбариятининг бош вазифаси бўлиб қолаверади. Лекин бу муҳофаза асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турларига давлат томонидан фақатгина дотация ажратиш орқали амалга оширилади дегани эмас.

Бу масалага сал кенгроқ қараш лозим. СССР даврида ҳар бир меҳнаткаш моддий товар ишлаб чиқариши керак, деган аҳмоқона сиёсат туфайли хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар сони жуда камайиб кетди. Бошқа мамлакатлар тажрибаси одамларимизни қишлоқ хўжалиги соҳасидан озод қилиб, ўзга соҳаларга йўналтириш

ва иш билан банд этиш кераклигини кўрсатмоқда. Шунда ҳар бир меҳнаткаш янги қиймат, янги маҳсулот ва янги миллий даромад яратади. Шундай қилинмаса, вазият ўнганмайди. Меҳнат унумдорлиги ҳам, ялпи миллий маҳсулот ҳажми ҳам ўсмайди.

Ўйиб-китобларга қараганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли аҳолининг 38 фоизи ишлайди. Шулардан тенг ярмини хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш мумкин. Голландияда мазкур соҳада меҳнатга яроқли кишиларнинг 68 фоизи хизмат қилади. Бизда эса бу кўрсаткич 9 фоиздан ошмайди. Сиёсий иқтисод дарсликларини шу вақтгача одамларни хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик соҳасидан моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишни тарғиб этиб келди. Натижа шу бўлдики, кўпчилик боқимондага айланиб қолди. Айрим маълумотларга қараганда, баъзи колхозларда яшовчилар давлат бюджети ва пенсия жамғармаларидан шу колхознинг йиллик даромадидан 2-2,5 баробар кўп миқдорда пенсия ва нафақа пуллари олишар экан. Бунга қайси давлат хазинаси бардош бера олади? Бундай боқимонда жамият кимга керак? Қасаба уюшмалари ана шу саволларга жавоб излаб кўриши керак. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш усулларини тубдан ўзгартирмаса бўлмайди.

Бугунги кунда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун давлат хазинасидан каттагина дотация ажратилмоқда. Масалан, нон учун йилига 29,2 миллиард сўм, ун учун эса 37 миллиард сўм дотация бериляпти. Шакар учун, унинг чакана нархини 200 сўм қилиб белгиласак-да, 31,8 миллиард сўм, гўштнинг нархи 400 сўм бўлгани ҳолда йилига 80 миллиард сўм дотация ажратилмоқда. Нархлар икки баробар кўтарилгани туфайли озиқ-овқат молларининг асосий турларини сотиб олиш учун давлат фуқароларга 250 миллиард сўм дотация беришга мажбур бўлмоқда. Шу тўғрими? Транспорт, коммунал хизмат, электр энергияси, сув, квартира ҳақи учун берилаётган имтиёзлар-чи? Масалан, 1 киловатт электр қувватининг таннархи давлатга 18-19 сўмга тушаётган бир пайтда истеъмолчилар 1 сўм, шаҳар транспортида ҳар бир пассажирни ташиш таннархи 39 сўм бўлгани ҳолда ҳар бир киши 6 сўм тўламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Давлат бюджети даромад қисмининг 40

фоизи аҳолига дотация сифатида қайтарилмоқда.

Бу ерда ижтимоий адолат тамойили бузилмаяптимикиан? Битта ноннинг таннархи 80 сўм бўлгани ҳолда 20 сўмга сотиляпти. Ахир, нонни бундай нарҳда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ҳам, ўзига тўқ қатлами ҳам сотиб олмоқда-ку. Бу - биринчидан.

Биз бу маблағларни, аввало, касаба уюшмалари таклиф қиладиган мактаблар, болалар боғчалари, дам олиш уйлари куриш каби мақсадларга йўналтиришимиз мумкин-ку. Агар биз соғлом авлодни тарбиялаб етиштироқчи бўлсак, фарзандларимиз, набираларимиз тўғрисида Қамхўрлик қилишимиз керак эмасми?

Иккинчидан, давлат хазинасидаги пулларни аҳолининг фақатгина эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга сарфлаш зарур.

Учинчидан, корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нархини чеклаб қўяётганимиз туфайли яна ўзимиз уларга дотация беришга мажбур бўляпмиз. Уларга дотация эмас, эркинлик бериш вақти келди. Ҳар бир корхона имконият қидириб, эркин фаолият кўрсатиши, ишчиларига ҳам шунга яраша иш ҳақи бериши лозим. Иқтисодиётда бирёқлама йўл тутиб бўлмайди. Республикамизда нон маҳсулотларининг 38 тури бўлгани ҳолда дўкон пештахталарида 2-3 туридан бошқасини кўрмайсиз. Келгусида бундай бўлмаслиги учун нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги монополияни тугатиш лозим.

Тўртинчидан, мавжуд тизим бўйича, нон маҳсулотлари истеъмолчи кўлига етиб боргунча қанча юлғич, ўғрининг кўлидан ўтади. Улардан неча бири назоратчи экани ёлғиз Худога аён. Бир вақтлар касаба уюшмаларига ҳам назорат қилиш ҳуқуқи берилган эди. Худди ОБХСС ва прокуратуралар етмагандай. Бу билан ўша пайтдаги мамлакат раҳбари ўзининг обрўсини ва касаба уюшмаларининг аҳамиятини кўтармоқчи бўлган эди. Марказий Осиё давлатларидаги нарх-навонинг нотекислиги оқибатида чегараларда божхона назоратини ҳам йўлга қўйишга тўғри келди. Лекин биргина назорат билан иш битмайди. Давлатнинг бунчалар кўп назоратчи маъмурларни боқишга маблағи етмайди. Иқтисодиётни қисиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатлар аҳолининг айрим қатламларини

ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда бошқача йўл тутмоқда, у ёқларда нарх-наво тутиб турилмайди, назорат қилинмайди, балки эркин қўйиб юборилади. Эҳтиёжманд кишиларга эса ёрдам берилади. Бу Швеция моделидир. Бу усул аҳолининг ҳар бир қатлами даромадини аниқлаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам биз касаба уюшмалари билан биргаликда дотацияга ажратилаётган маблағларни мамлакат аҳолисининг эҳтиёжманд қисмига ёрдам тариқасида йўналтиришимиз лозим.

Энг асосийси, мазкур масалада маълум бир тизимни ишлаб чиқишдир.

Бешинчидан, ойлик маошни тартибга солиш лозим. Нарх-наво ошиб бориши билан индексациялаш тизимини жорий этиш ҳам бизнинг вазифамиздир. Лекин пулнинг бу даражада қадрсизланишига бизнинг давлат сабабчи эмас. Россиядаги пулнинг қадрсизланиши бизнинг иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Биз ўз миллий пул бирлигимизга ўтганимиздагина буни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги вазиятда эса биз фақат ойлик маошларни оширишга мажбур бўляпмиз. 1991 йилдан бери ойлик маошларни ошириш тўғрисида етгита ҳужжат қабул қилинди. Бу мақсадлар учун ярим триллиондан кўпроқ маблағ, жумладан, 204 миллиард сўм - пенсияларни, 350 миллиард сўм эса - бевосита ойлик маошларни ошириш учун сарфланди.

Афсуски, қўшни республикаларда ойлик маош ва нарх-навони ошириш мусобақаси давом этмоқда. Бу товарларнинг бир республикадан иккинчисига кўчиб юришига сабаб бўлмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик: энг кам ойлик миқдори Россияда 4275, Қозоғистонда - 4500, Қирғизистонда рублга чакқанда 3200, Тожикистонда - 2000 сўмни, энг кам пенсия миқдори эса Россияда - 8122, Қозоғистонда - 5000, Қирғизистонда рублга чакқанда - 3200, Тожикистонда - 2000 сўмни ташкил этади. Туркменистонда эса энг кам ойлик маош миқдори миллий валютани муомалага киритиш арафасида 9600 сўм қилиб белгиланди. Россияда энг кам ойлик маош миқдори билан энг юқори ойлик маош ўртасидаги фарқ 22 баробардир. Қўшни республикалардаги вазият Ўзбекистоннинг ички бозорига ҳам таъсир этмасдан қолмаяпти.

Республика ҳукумати шуларни ҳисобга олиб, ойлик маошларни шу йил 1 июлдан бошлаб яна 1,5 баробар оширишга қарор қилди. Шунда энг кам ойлик миқдори 11250 сўмни, ўртача пенсия миқдори 18100 сўмни, олий ўқув юртлари талабаларининг стипендияси 9100 сўмни, ўрта махсус ўқув юртлари талабалариники 7100 сўмни ташкил этади. Агар талабаларга берилган кўшимча имтиёзларни ҳам пулга қақадиган бўлсак, бу кўрсаткич 13-14 минг сўмга етади.

Бу яхши, албатта. Бироқ ишчи талабадан кўп ойлик олиши керак. Шундагина ижтимоий адолат қарор топади.

Биз Россия билан ҳам, бошқа кўшни давлатлар билан ҳам ҳозирча "рубль зонаси"да қолиш тўғрисида келишиб олган эдик. Ўзбекистон Парламенти ҳам "рубль зонаси"да қолиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бироқ Россия ҳукуматининг Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларни бу зонадан сиқиб чиқариш борасида юритаётган сиёсати уларнинг, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам оғир зарба бўлмоқда.

Агар эҳтиёт чоралари кўрилмаса, Ўзбекистон олтин ва пахта эвазига сотиб олган озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикаларга оқиб кетиши мумкин. Четдан Қози кетган пулнинг ёғилишига қачонгача чидаш мумкин? Лекин миллий валютани муомалага киритиш, аввал айтилганидек, инқилоб билан тенгдир. Бу ҳар бир оила, ҳар бир киши ва ҳар бир корхона ва жамоа манфаатларига дахлдор масала эканини эсдан чиқариб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун республика ўзини нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаши, ривожланган мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш каби муаммоларни ҳал этиши зарур.

Келгусида биз секин-секин эркин нарх белгиланишига ўтамиз. Бунда ҳар бир эҳтиёжманд оилага коммунал хизмат ҳақини тўлаш, товарлар сотиб олиш учун дотация берилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бундан сўнг ҳам давом эттирилади. Бироқ бозор муносабатлари бу масалага жиддий ўзгартишлар киритишни талаб этмоқда. Бозор муносабатлари шароитида нархни истеъмолчининг талаби ва ишлаб чиқарувчининг таклифи белгилайди. Маъмурий-буйруқбозлик ва ноз-неъматларни юқоридан тақсимлаш тизими

ҳаммани қашшоқ ва тенг қилишга олиб боришини яқин 75 йиллик тарихимиз исботлади.

Ислом Каримов мазкур кенгашни ўтказишдан мақсад республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида республика раҳбарияти юритаётган сиёсатга Касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари раҳбарларининг муносабатларини билишдир, деди.

Шундан сўнг республика Касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Мамлакатимиз Президенти ўртага қўйган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усуллари ижтимоий адолат тамойилига мос эканини ва бу республика иқтисодиётини иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш, одамлар онгидаги боқимондалик кайфиятига барҳам бериб, меҳнатга бутунлай янги муносабат уйғотишнинг муҳим омили бўлишини қайд этдилар.

Касаба уюшмалари вакиллари ижтимоий адолат тамойилига асосланган меҳнатга янгича муносабатни халқ оммасига етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган мулоҳазани билдирдилар.

Республика Президенти кенгашни яқунлар экан, бугунги шароитда миллат равнақи, халқ фаровонлиги йўлида жонини ҳам беришга тайёр фидойи инсонлар, етук раҳбарлар бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийинлигини алоҳида таъкидлади. Энди зиммасига масъулият олишдан чўчимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди. Ҳамма нарсани бир одам бошқариши қийин. Қачонгача, ҳамма нарсага раҳбар жавоб беради, деб жойларда гарданига масъулият олишдан кўрқиб ўтириш мумкин? Агар бошқарув тизимини пирамидага қиёсласак, оғирлик унинг барча бўғинларига баробар тушиши лозим. Қачонгача барча масъулият юқорида турган раҳбар зиммасида бўлади? Бундан буён "жангни четдан кузатувчи стратег" бўлиб қолавериш ярамайди. Тармоқларнинг касаба уюшмалари раҳбарлари ислохотларнинг бир-икки кунда самара бериши қийинлигини халққа тушунтиришда республика раҳбариятига ёрдам бериши лозим. Ушбу қийинчиликлар баҳона арзон обрў орттириб

қолиш пайида бўлиш ёмон иллатдир. Буни кўпгина мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаб турибди.

Республика раҳбариятининг ҳам, Қасаба уюшмалари федерацияси ва унинг тармоқлари ходимларининг ҳам мақсади бир: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофаза қилиш, барча соҳаларни ислоҳ этиш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Ҳаммамиз учун халқ манфаати бош масаладир. Шундай экан, биргалашиб ҳаракат қилайлик.



## **ҲАМКОРЛИК - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ**

Ҳурматли раис жаноблари!  
Ҳурматли Бош котиб жаноблари!  
Ҳурматли меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор ушбу олий минбардан дўстимиз Сулаймон Демирэл жаноби олийларини Туркия Республикаси Президенти этиб сайлангани билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар, биродаримизга узоқ умр, сиҳат саломатлик тилайман, турк халқи равнақи ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида кўрсатаётган улкан хизматлари учун самимий миннатдорчилигимизни билдираман. Биз Тансу Чиллар жаноби олияларини ҳам Бош вазир этиб сайланганликлари билан табриклар, халқларимизнинг бахт-саодати ривожига қўшадиган ҳиссаларига умид билдириб, масъулиятли вазифани адо этишда соғлиқ ва омад тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари раҳбарларини кутлашга ҳамда асосий мақсад - тараққиёт ва равнақимиз йўлида амалга оширилаётган ҳамкорликка самарадорлик тилашга руҳсат бергайсизлар.

Биз Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувини ўтказиш учун қилинган катта тайёргарлик ишларини юқори баҳолаймиз ва Туркия Республикаси Президенти жаноби олийларига ва Туркия ҳукуматига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!  
Азиз биродарлар!

Жаҳон янги даврга кирди. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг, ҳамкорликнинг юксалиб бориши ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятидир. Лўнда қилиб айтганда, кенг

камровли интеграция ҳозирги кунда оламшумул жараён бўлиб, ҳар бир халқнинг порлоқ истиқболи ва умуминсоний цивилизация йўлидаги барча куч-ҳаракатларни бирлаштиришга: ҳар бир давлатнинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишга кўмаклашади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти олдидан турган ғоят ноёб вазифани ва бу халқаро ташкилот ниҳоятда улкан имкониятларга эга эканини тўлатқис англаб етмоқда.

Бугунги учрашувда кун тартибига қўйилган ҳамкорлик ташкилотининг 2000 йилгача ва ундан кейинги истиқболи ва асосий йўналишлари ҳақидаги тайёрланган Истамбул декларацияси лойиҳаси, бизнинг фикримизча, Квейта ҳаракати режалари негизи ва умумий руҳига мос келади.

Бугун ҳамкорлик таркибида бирлашган ва шу минтақада жойлашган 10 кўшни давлат - тарихи, маданияти, дини, дили, тили, тақдири яқин бўлган халқлар фақатгина куч-ғайратларини бирлаштириб, бой имкониятларини ўзаро манфаатли тарзда ўзлаштириб, бир-бирига кўмаклашиб, тараққиётда олға кетган мамлакатларни кувиб етиши, тарихий адолатни қайта тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринларини эгаллаб олиши мумкин.

Бу олижаноб стратегик мақсад - бизнинг бирлашган потенциалимиздан эркин ва ўзаро манфаатли тарзда фойдаланиш масалалари кўпгина муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Келажакка назар ташлаб, шунга аниқ-равшан баҳо бериш керакки, бу йўлда биз сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа жиҳатларга эга бўлган кўп қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Бундай қийинчиликлар турли шароит ва имкониятлардан, ҳамкорликда қатнашувчи ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан ҳамкорликнинг XXI аср бошидаги истиқболи муҳим йўналишларини таҳлил қилар эканмиз, кўзлаётган режаларимизга етиш учун, шак-шубҳасиз, барча тан олаётган умумий мазмундаги бир қанча шарт-шароитлар бор.

Биз учун ғоят муҳим бўлган биринчи шарт, бу ўзаро ишонч масаласи. Ташкилотга аъзо бўлган ўн давлатнинг сиёсати ва мафкураси турлича бўлиши табиий, лекин шунга қарамасдан, бир-

биримизга ишонмасак, бир-биримизга таянч бўлиб турмасак, бир-биримизни қўллаб-қувватламасак, иқтисодий манфаатдорликни сиёсатдан, мафкурадан устун қўймасак, бу ерда йиғилиб, мажлис қилиб, овора бўлиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ.

Иккинчи ва ҳамма учун умумий шарт, бу - транспорт ва коммуникациялар муаммоси. Ўзаро коммуникацияларни боғламасдан бошқа соҳаларга ўтиш ҳеч қачон самара беролмайди. Коммуникация деганда мен автомобиль, темирйўл, ҳаво йўлларини эмас, балки ўзаро маънавий-маданий алоқалар ривожини ҳам тушунаман. Бунда телевизион, радио ва замонавий, ер куррасини бошқа минтақалари билан боғлайдиган космик алоқаларнинг ўрни жуда катта.

Айтайлик, Ўзбекистонни Покистон билан боғлаш учун Афғонистондаги аҳвол тўсиқ бўлиб турса бизнинг энг юксак орзуларимиз, эзгу сўзларимиз ва баёнотларимиз шунчаки қоғозда қолиб кетаверади.

Агар орамиздаги шундай тўсиқ ва Қовларни бартараф этмасак, олға силжиш бўлмайди. Ҳамфикрлик, маслақдошлик бўлмайди.

Биз, Ўзбекистон вакиллари, бугун қабул этилажак декларацияда коммуникацияларга бўлган муносабатни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Биз барча оқилона лойиҳаларни амалга оширишда ҳалол ва мардона шериклик қилишга тайёрмиз.

"Ҳаракат бор жойда баракат бор", деб гапирамиз. Шундай экан, бу саъй-ҳаракатлар ҳаммамиздан баробар чиқиши зарур. Мен шахсан сиз, муҳтарам давлат бошлиқларини ана шунга даъват этаман.

Учинчи муҳим шартнинг мазмуни шуки, биз ўзаро алоқа боғлашимиз мумкин, турли муҳим ва тўғри ҳужжатларни имзолашимиз мумкин, аммо молиявий, банк-кредит ташкилотлари ишини йўлга қўймасдан туриб, яхши натижага эришиб бўлмайди. Энг кучли миллий банклар, халқаро банклар, хусусан, Осиё банки, Ислом банки, Европадаги йирик банклар ёрдам бермаса, биз берган баёнотларни, биз амалга оширмақни истаган лойиҳаларни жонлантириш қийин.

Тўртинчи шартга кўра, ишимизни тез суръатлар билан ривожлантирмақчи эканмиз, ўзаро амалий фаолият шаклини топишимиз зарур. Бизнинг фикримизча, ҳаммамиз биргалашиб,

Истанбул декларацияси лойиҳасида кўрсатилган махсус техник-иқтисодий асослаш фонди қаторида ҳамкорлик фондини таъсис этиш ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳар бир давлат шу масалага доир таклифни берсин. Шубҳа йўқки, бундай фонд барча учун бирдек фойдали бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти - хайрия жамияти эмас. Унга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат энг аввало ўз халқининг келажаги ва манфаатини кўзлаб иш юритади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзаро инвестиция фонди 2000 йилгача кўзда тутилган ўзаро манфаатли улкан лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ва амалга оширишга кўмак бўлади.

Яна бир муҳим масала. Иқтисодий ҳамкорликнинг шартларидан бири ўзаро маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Агар ўн мамлакат халқлари бир-бирининг ҳаётидан қанчалик кўп хабардор бўлса, миллат намояндалари ўзаро борди-келди қилсалар, тижорат ва иш одамларининг ўзаро қатнови ҳам шунчалик кўпаяди.

Яна таъкидлаб айтаман, халқларимиз маданият ва дин-иймон борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунсалар, иқтисодий алоқаларимиз ҳам шунчалик тез ривож топади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Биз бугун жуда яхши ниятлар билан яшаймиз. Шундай буюк тарихга ва маданиятга эга бўлган халқларимиз энг яхши тақдирга муносиб эканини ҳаммамиз тушунамиз. Эзгу орзуларимиз амалга ошмоғи учун нафақат муайян вақт, балки тинч ва осойишта вазият ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Минтақада тинчлик барқарор бўлмаса, биз тузган энг буюк лойиҳалар ва дилдаги эзгу ниятлар амалга ошмай қолиши мумкин. Ҳозир бизни энг қаттиқ ташвишга солаётган нарса - Афғонистондаги аҳвол, у ердаги вазиятнинг беқарор ва нотинч экани.

Биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқчи эмасмиз. Ниятимиз жуда холис - қардош Афғонистон халқи тинч бўлса, биродарларимиз ўзаро сулҳ топиб, тезроқ тинч меҳнатга ўтсалар, деб орзу қиламиз.

Кўшни Афғонистондаги ўзаро муҳолиф кучларни яраштиришга,

афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этишга ҳар биримиз баҳолиқудрат уриниб кўришимиз керак.

Шу мақсадда биз ташаббус кўрсатиб, кўшни давлатдаги ўзаро муҳолиф кучлар вакиллари шу ерда йиғилган давлатлар ва манфаатдор халқаро ташкилотлар, хусусан, бирлашган Миллатлар ташкилоти вакиллари иштирокида Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишларини таклиф этардик.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Мажлисимизда ҳозир бўлган вакиллар ўзаро тил топиб, бўлажак зўр ҳамкорлик учун катта йўл очадилар, дея умид билдиришга рухсат этгайсизлар.

Қудратимиз - дўстликда, деган халқ нақли бор. Ташкилотимиз ҳақиқий тинчлик ва дўстлик бўстони таянчига айланишига ишонаман. Мана шу олижаноб мақсад йўлида ҳаммангизга сихат-саломатлик, куч-қувват ва омад тилайман.

*Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида сўзланган нутқ, 1993 йил, июль.*

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР

*1993 йил 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари иштирок этдилар.*

*Йиғилишда асосан иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама қилинди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.*

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг шу йил биринчи ярмидаги иш якунларини муҳокама қилар эканмиз, деди Президент, қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бермоғимиз керак. Биринчидан, мустақил давлатимизнинг олдига қўйган мақсади - иқтисодий ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиётига ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш. Иккинчидан, ана шу ислоҳотларнинг таъминотда, халқ турмушини яхшилашдаги дастлабки натижалари нималардан иборат? Учинчидан, аҳоли эҳтиёжини қондириш, уни иш билан таъминлаш - ишлаб даромад топиши учун шарт-шароит яратиш борасида нималар қилинмоқда? Тўртинчидан, ана шу иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги дастлабки тажрибалардан хулоса чиқариш, бунда вилоят ва халқ хўжалиги тармоқларининг раҳбарлари қандай ўрин тутаётгани хусусида фикрлашиб олиш зарур, деб ўйлайман.

Иқтисодий ислоҳотдан мақсадимиз нима? Буни ким қандай тушунади? Биз, аввало, шуни аниқлаб олишимиз керак.

Мақсад - республика халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиёти шароитига ўтказиб, четдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, Ўзбекистоннинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришмоқдир. Бу эзгу

мақсад йўлида нималар қилинди? Қандай ижобий ўзгаришлар бор?

Шуни таъкидлаш жоизки, бизда бозор иқтисодиётининг пойдевори - давлат тасарруфидан ташқаридаги мулк пайдо бўлди. Бу, табиийки, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу иш уй-жой, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат, савдо соҳаларида жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларга томорқа ажратилгани, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилгани ҳам ижобий натижа бера бошлади. Биргина мисол: шу йилнинг биринчи ярмида етиштирилган гўштнинг 68 фоизи хусусий ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Яна бир ижобий хусусият - иқтисодиётни бошқариш усулининг ўзгараётгани, маъмурий-буйруқбозлик ўрнини ўз-ўзини бошқариш тамойили эгаллаётганидир.

Республикада тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида махсус банк очилди, алоҳида жимғарма тузилиб, Вазирлар Маҳкамаси мазкур соҳани тараққий эттириш учун 500 миллион сўм маблағ ажратди.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Уларнинг сони 800 дан ортади. Иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиш, етишмаётган молларни ўзимизда ишлаб чиқариш мақсадида капитал курилишга аҳамият берилмоқда, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Шуниси қувончлики, капитал курилишга сарфланаётган маблағнинг 63 фоизи корхона ва ташкилотларнинг ишлаб топган сармоясидир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Собиқ Иттифокнинг баъзи давлатларидагидек халқни юпун ҳолга тушириб қўймадик. Бизда чиқиндиларни титиб юрадиган гадейлар йўқ, бўлмади ҳам!

Хуллас, меҳнаткаш халқимиз бор, иқтисодий ислохотни амалга ошириш учун шароит бор, бой маданий меросимиз бор, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришдек буюк ниятимиз бор, деди Ислом Каримов. Лекин ана шу интилишларимиз, ўтказаетган ислохотимиз жойларга етиб боряптими? У ердаги ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар ислохот тарафдорими, йўқми? Тарафдори бўлса, нега бу ишлар

сусткашлик билан амалга оширилмоқда?

Мисол тариқасида Сирдарё вилоятини олиб кўрайлик. Бу ерда 287 деҳқон-фермер хўжалиги ҳали иш бошламасдан фаолиятини тўхтатган. Тўғрироғи, шунга мажбур бўлган! Ахир, банкда ҳисоб рақами очиш, кредит олиш, уруғ, техника ажратиш муаммо бўлса, бу йўлда ўнлаб тўсикқа дуч келинса, арзини эшитадиган одам тополмаса нима қилсин? Раҳбарлар қаёққа қараяпти? Боз устига, аҳоли тигиз бўлган Фарғона водийсида ҳар бир фермерга 20 гектардан ер тўғри келгани ҳолда, Сирдарёда бу кўрсаткич 4,5 гектарни ташкил этади. Нима, Сирдарёда ер камми? 1992 йилда вилоят эҳтиёжига зарур сутнинг 52, сариеғнинг 64, картошканинг 79 фоизи четдан келтирилганига нима дейсиз? Ёки Сирдарёда мол боқиб бўлмайдами, картошка битмайдами?

Замон билан ҳамқадам бўламан, деган раҳбарнинг вазифаси - одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишдир. Акс ҳолда, уларнинг ислохотлардан ихлоси қайтади, эртанги кунга бўлган ишончи сусаяди. Вилоятда ўртача маош ойига 7,5 минг сўмни ташкил этиши одамлар тақдирига бефарқликдан ўзга нарса эмас.

Бундай камчиликлар бошқа кўпгина вилоятларда ҳам учрайди.

Биз хусусийлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Мана, бир мисол: шахсий хўжаликлардаги ҳар бир сигирдан 2500 килограмм, давлат ва жамоа хўжаликларида эса атиги 960 килограммдан сут соғиб олинади. Шундай экан, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги ўн бир фермадан фақат биттаси хусусийлаштирилганига нима деса бўлади?

Маълумки, кишлоқ хўжалиги - республика иқтисодиётининг энг кўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Ўзбекистоннинг тақдири кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ. Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар фермерларга ҳар бир жиҳатдан ёрдам беришлари, ишбилармонлик, ташаббускорлик йўлидаги Қовларни бартараф этишлари лозим. Ердан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш ва илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишда уларга олимларимиз яқиндан ёрдам бермоқлари даркор.

Бу йил кузда 750 минг гектар суғориладиган ерга Ғалла экилади.



Ундан олинадиган ҳосил республиканинг донга эҳтиёжини кондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари, 15 минг гектар майдонга Голландия усулида картошка экиш режалаштирилмоқда. Ундан ўрта ҳисобда 450 минг тонна ҳосил олиш мумкин. Бу Россия, Беларусь мамлакатларидан келтириляётган 400 минг тонна картошка ўрнини қоплайди. Алмашлаб экишни такомиллаштиришда фақат бедага ёпишиб олмасдан ана шу режалар ҳисобга олинса, мақсадга муовфик бўлур эди.

Иқтисодий ислохотлар йўлидаги тўсиқлардан яна бири, деди Президент, айрим корхоналарнинг ишлаб чиқаришдаги якка ҳокимлигидир. Хусусан, "Ўздавкимёконцерн"га қарашли корхоналар электр қуввати ва газни давлатдан арзон нарҳда олганига қарамай, минерал ўғитлар баҳосини осмонга чиқариб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига зарар етказмоқда. Ишлаб чиқариляётган маҳсулот ҳажми камайиб бораётир. Афсуски, концерн раҳбарияти танқиддан тўғри хулоса чиқармаяпти. Жиддий чора кўриш пайти келмадимикан?

"Ўзқурилишматериаллари" концернига қарашли ўзалкент ойна заводини олиб кўрайлик. Бу ерда рентабелликни назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаганидан фойдаланиб, маҳсулот нархи сунъий равишда ошириляпти. Натижада қурувчилар қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Афсуски, бундай корхоналар кўп. Қўрғонтепа Қишт заводининг тўхтаб қолгани ҳам қурилиш ишларига катта зарар етказди. Бу аҳволдан қутулишнинг йўли рақобатни юзага келтириш - кўплаб турдош корхоналар қуришдир.

Яқинда хорижлик меҳмонларни қабул қилдим. Улар суҳбат чоғида: "нимадан хурсандсиз-у, нимадан хафасиз?" деб савол берди. Ўшандаги жавобимни сизларга ҳам айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Мен шундан хурсандманки, аста-секин бўлса-да, жамият, одамлар ўзгаряпти, ишбилармон, тадбиркор, мураккаб муаммоларни еча оладиган янги авлод дунёга келяпти. Бизнинг вазифамиз ана шу ёш авлод қалбига ота-боболаримиздан қолган буюк виқорни, "Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз!" деган ғурур ва ишончни сингдирмоқдир. Ана шу ишонч билан дунёга чиқмоқ, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганмоқ лозим. Ҳозирги даврда хориж билан алоқа қилмаган меҳнат жамоаси ҳеч нарсага

эриша олмайди.

Кўнгил тўлмаётган жойига келсак, ўн йиллар давомида миямизга сингиб кетган боқимондалик касалидан қутула олмаётганимиздан таассуф қиламан. Битта мисол келтирай: ҳозир республикада 111 та давлат хўжалиги зарар кўриб ишламоқда. Бундай хўжаликларни тезда давлат тасарруфидан чиқариш, зарар келтираётган, ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган корхоналарга қарз беришни тўхтатиш лозим.

Кейинги пайтда ишсизлик муаммоси тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Баъзилар боя айтилган корхоналар ёпилиб қолса, ишсизлар кўпайиб кетади, деган хавотирда юрибди. Аввало, биз янги, аҳоли талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех, корхоналар куриб иш ўринлари ташкил этишимиз, имкони борича барчани иш билан таъминлашимиз лозим. Бу юмуш айниқса вазирлик ва вилоят раҳбарларининг диққат-эътиборида туриши, қаерга нима куришни улар бамаслаҳат ҳал этишлари керак. Қолаверса, давлат ҳеч кимни кўчага ташлаб қўймайди, вақтинча иш тополмаётганларни муҳофазасига олади.

Амалга ошираётган иқтисодий ислохотларимизнинг илк самараларини кўрдик, деди Ислом Каримов пировардида, эндиги вазифа уларни собитқадамлик билан давом эттириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, бартараф эта бориш, энг муҳими - одамларнинг ислохотга ишончини сўндирмасликдан иборат. Бу вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди, уларнинг эски ақида ва одатларидан воз кечиб, замон билан ҳамнафас бўлишларини тақозо этади.

## ЎЗБЕКИСТОН - БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қондалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Ер қуррагининг олтидан бир қисмида туб ислохотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради.

Собиқ социалистик ва бошқа мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар эндиликда анъанавий тушунчаларга мос келмаяпти. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси ва ижтимоий йўналтирилган фаолияти каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда.

Ақидага айланиб қолган "капиталистик" ва "социалистик" тушунчалари ўртасида чегара қолмади ҳисоби. Уларни сунъий равишда ажратиш мустақил ривожланиш ва жаҳон ҳамжамияти билан яқинлашув йўлига ўтган мамлакатдаги ижтимоий тараққиётга тўсик бўлади, холос.

Тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан холи бўлган, ҳар бир

мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати етилди. Ҳозир ижтимоий, шу жумладан иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабоп, ҳар қандай мамлакат учун бирдай тавсия этиш мумкин бўлган андозалари йўқлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Ижтимоий ривожланишнинг турли маданий, маърифий, тарихий анъаналарнинг нодирлиги ва ўзига хослигига таянадиган шакллари ва усуллари хилма-хиллиги умум томонидан эътироф этилди.

Тоталитар тузум шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат берадики, аниқ-равшан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий-иқлим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайдиган сиёсат ва хўжалик тажрибаси инқирозга учраши муқаррардир. СССР парчаланиб кетгани, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубини тарғиб қилувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив) режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган социалистик хўжалик юритиш усулининг тарихий тажрибаси барбод бўлгани буни яққол исботлаб турибди.

Тоталитар тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифоқдош республикалар ўрнида тузилган мустақил давлатларда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгартиришларга мутлақо янгича ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар ўзини мустақил деб эълон қилгани ҳар бир суверен республика ўз манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш ниятида эканини билдиради.

Ўзир ҳар бир республикада иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари ечими зўр бериб изланаётгани, ўз дастурий ёндашувлари ишлаб чиқиётгани ҳам ҳақиқатдир. Бу дастурларни ўрганиш шундан далолат берадики, уларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилгани ҳолда, ислохотни амалга ошириш усули, босқичлари ва муддати билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Уларда кўзда тутилган чора-тадбирлар маълум даражада Ўзбекистоннинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир, чунки

республикалар ўртасида таркиб топган иқтисодий алоқалар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим.

Бозор муносабатларига ўтишнинг консерватив андозаларидан тортиб радикал андозаларигача, тадрижий (эволюцион) ривожланиш андозасидан тортиб то "фалаж (шок) билан даволаш" тарзидаги жадаллаштириш андозасигача бўлган жаҳон тажрибаси бу андозаларни амалга оширишнинг турли кўламли ва муддатларини ўрганишга имкон беради. Лекин айтиш мумкин бу тажриба маълум андозалардан кўр-кўрона нусха кўчиришга уриналаётган жойларда ислохот, одатда, муваффақиятсизликка учраётганидан далолат бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бир-бирига ўхшайдиган иккита одам бўлмаганидек, иккита бир-бирига ўхшаш давлат ҳам бўлмайди. Агар айнан нусха олинса мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари эътибордан четда қолади.

Республикада иқтисодий ислохотларни ўтказишга тубдан янгича ёндашувни, бунда сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл зарур. Энг муҳими - бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор

муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш принциплари, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" рисоласида баён қилиб берилган, кейинги нашр ва нутқларда ривожлантирилган ҳамда уларга аниқлик киритилган.

Ушбу нашр - илгари ўртага қўйилган қоидалар ва ғояларни муаммовий умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирга республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислох қилиш борасида тўпланган амалий тажрибага асосланиб, бу қоидалар ва ғояларни янада чуқурлаштиради. Аслини олганда, гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:

- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

- қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муқим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тузумини ва кучли сиёсий тузилмани (структурани) барпо этиш мумкин.

## I ЎТМИШДАН ҚОЛГАН МЕРОС ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ЗАРУРИЯТИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин республика ва унинг халқи манфаатларига мувофиқ келадиган

мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди. Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди. У халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди. Бу эса жаҳон меҳнат тақсимоотида муносиб ўринни эгаллашга шароит яратди.

Шу билан бирга чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида бир қанча объектив қийинчиликларни енгиб ўтиш, СССРнинг парчаланиши натижасида яккаҳоқимлик тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини ҳал этиш лозим бўлади. Айти пайтда ёш мустақил давлатнинг шаклланиши ва қарор топишида муқаррар равишда вужудга келадиган бир қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади. Авваламбор, яккаҳоқимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубларининг ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур.

Республика иқтисодиётининг тармоқ ва ҳудудий тузилмасини тубдан қайта қуриш, "иттифоқ ихтисослашуви" натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл кўйилган номуносивликларни тугатиш, халқ хўжалигининг хомашёга йўналтирилганлигидан мутлақо воз кечиш, янги мустамлакачиликдан иборат иқтисодий қарамлик занжирларини парчалаб ташлаш лозим бўлади.

Энг муҳими - ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамики куч-қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак.

Албатта, мазкур муаммоларни дарҳол, бир зумда ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Бунинг учун анча узоқ давр, аниқ мақсадни

кўзлаб фидокорона меҳнат қилиш, энг муҳими, иқтисодий ислохотларнинг аниқ-равшан, амалий дастури бўлиши зарур. Республикада шундай дастур бор ва у изчиллик билан амалда жорий қилинмоқда.

Ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг кўлами ва жиддийлиги тамомила республиканинг ислохотга ўтишининг бошланқич даври мураккаблиги билан белгиланади. Бу яккаҳоқимлик тизими ва унинг самарасиз хўжалик механизми оғир меросининг оқибатидир.

Ислохотлар бошлангунга қадар вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай, чуқур иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирозга олиб келган сабабларни, хўжалик тизимидаги қатъиян воз кечиш лозим бўлган иллатларни аниқламай туриб, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди.

60-йиллардаёқ иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб бораётгани, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайди. Унга бўлган сарф-харажатлар орта борди. Моддий бойликлар ва маблағлар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида Қарб мамлакатларидан анча орқада қола бошланди. Илғор иқтисодчи - товар ишлаб чиқарш тарафдорларининг бозор муносабатларини қайта тиклаш тўғрисидаги даъвати инкор этилди. Бошқарувнинг тармоқ принципини кучайтиришга, қишлоқ хўжалигини индустрлаштиришга, корхоналарга катта иқтисодий эркинликлар беришга, фаолиятни баҳолашда қиймат кўрсаткичларига ўтишга қаратилган 1965 йилги иқтисодий ислохот ишлаб чиқариш муносабатларининг туб моҳиятига дахл қилгани йўқ ва шу боисдан кўзда тутилган натижага - иқтисодиётни жонлантиришга олиб келмади.

Консерватив маъмурий тизим, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганлиги доирасида кейинчалик иқтисодиётни ислох қилиш йўлидаги бошқа уринишлар ҳам (1979 йилги режалаштириш тизимини ислох қилиш,



1987 йилги хўжалик механизмини ислоҳ қилиш ва бошқалар) кам самара берди. Аксинча, сўнги ўн йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига, ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келди. Энг асосийси шу бўлдики, меҳнатни рағбатлантириш тизими бузилди. Бу эса одамларнинг ижтимоий руҳияти салбий томонга ўзгаришига олиб келди. Тайёрга айёрлик, боқимондалик кайфиятларини келтириб чиқарди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди.

80-йилларда иқтисодий инқирознинг кучайиб бориш сабабларини очиш, уни бартараф этиш йўлларини топиш борасидаги уринишлар ҳам муваффақиятсизликка учради. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиш сабаблари ривожланишнинг экстенсив омиллари тугаганлигидадир, деб юзаки тушунилганлиги устувор тармоқларни алоҳида ажратмасдан, халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш тўғрисида нотўғри қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ҳол, пировард натижада, чекланган маблағларнинг пароканда бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди, инқирозни чуқурлаштирди.

Қайта қуриш сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди. Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлар лойиҳаларининг кўплиги ислоҳотларнинг аниқ мақсади

йўқлигидан, уларни рўёбга чиқариш муддатлари - "беш юз кун" деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва ниҳоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат берар эди.

Марказда ишлаб чиқилган дастурлар ва ислоҳотга оид чоратадбирларда федерация субъектлари бўлмиш республикаларнинг манфаатлари эътиборга олинмай келинди. Бунинг устига Марказ ўзининг кўпгина барбод бўлган ишларини республикаларнинг гарданига юклашга интилиб, уларни озик-овқат, халқ истеъмоли моллари ва моддий бойликлар билан ўзини ўзи таъминлашга мажбур қиларди. Ишлаб чиқаришнинг умумий равишда пасайиб кетиши, рублнинг қадрсизланиши шароитида шундай бўлди. Бу ҳол таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилишига, товар айирбошлаш ишлари натура ҳолида юритилишига, бартер битимлари жорий этилишига олиб келди. Минтақавий хўжалик ҳисоби ғоясини келтириб чиқарди ва тарқоқлашиш жараёнларига туртки бўлди.

Бундай "янгиликлар" натижасида 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нархнаво тизимини, ўта издан чиққан бошқарув механизмини ва иқтисодий муносабатларни мерос қилиб олдилар.

Амалда барча республикалар ислоҳот ва миллий иқтисодиётларини соғломлаштириш жараёнларини қуйидаги бир хил шароитларда бошлашга мажбур бўлдилар:

- марказдан режалаштириш тизимига барҳам берилди, янги бозор муносабатлари, бозор тармоқлари мажмуи эса эндигина шаклланиш босқичида эди;

- бутун иқтисодий тизим ёппасига давлат мулкчилигига асосланган, хусусий мулкчилик ҳали ривожланмаган;

- давлат корхоналарининг иқтисодий эркинликлари давлат буюртмаси, моддий бойликлар ва капитал маблағларнинг меъёрланган тақсимланиши билан кескин чекланган эди;

- халқ хўжалиги тузилмаси ҳаддан ташқари монополиялаштирилган - бутун бир тармоқгина эмас, балки алоҳида корхоналар ҳам танҳо ҳоким ҳисобланарди;

- сақланиб қолган давлат монополияси ва нарх-наво сиёсатидаги тазйик, тармоқларда ва корхоналарда боқимлик кайфиятларини вужудга келтирган марказлаштирилган молия-кредит тизими тадбиркорлик соҳасидаги барча ташаббусларни йўққа чиқарарди;

- республика иқтисодиёти узоқ вақт давом этиб келаётган, тобора кучайиб бораётган иқтисодий ва таркибий инқирозни бошдан кечирмоқда. У ишлаб чиқаришнинг пасайишига, гиперинфляциянинг кучайишига, нарх-навонинг юқорилиги туфайли хом ашё олиш ва республиканинг ўз маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилияти пастлиги ва валюта ресурсларининг етишмаслиги сабабли жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари чекланган;

- молия-кредит ва пул тизимидаги инқироз бюджетдаги камомаднинг ва ташқи қарзларнинг ўсиши, кредит ресурсларининг танқислиги, инвестициявий фаолликнинг пастлиги, республикалар ўртасидаги тўловларнинг тўхтаб қолиши, рубл ва миллий валюталар қадрсизланиши билан ажралиб туради.

Бошланқич даврдаги бу қийинчиликларнинг Ўзбекистон учун умумий сабабларидан ташқари бир қатор ўзига хос сабаблари ҳам бор.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни республика хомашё базаси бўлиб келди.

Республика ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита Марказ бўйсунувида бўлиб, амалда республика уларни бошқармасди, балки кўпроқ хомашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар, мудофаа маҳсулотларини чиқариш билан шуғулланарди ва бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетиларди. Корхоналарнинг кўпчилиги товарни

республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқарарди. Бизга эса кўпинча республика ҳудудида нима қанча ҳажмда ишлаб чиқарилаётганини, қанчаси ташиб кетилаётганини, кимларга ва қандай нарҳда сотилаётганини билиш ҳатто ман этилганди. Буларнинг бари қаттиқ сир сақланарди. Республиканинг улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда, даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда қолиб кетарди. Аксарият тармоқларда тугалланмаган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар кўп эди. Улар хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни чиқариш босқичида тўхтаб қолар эди. Ҳатто етакчи тармоқларда ҳам технологик асбоб-ускуналар аллақачонлар эскирган, ишдан чиққан ва янгилашга муҳтож эди. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта, кўп ҳолларда эса тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказилган. Мазкур бузилишларни тезлик билан бартараф этиш кўплаб сармояларни, замонавий техника ва технологияларни, тегишли кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Республикадан тайёр маҳсулотни эмас, балки жуда паст нарҳларда хомашё ҳамда ярим тайёр буюмларни ташиб кетишга аниқ йўналтирилган иқтисодиётнинг бундай тугалланмаган шакли корхоналар фаолиятининг нормаси бўлиб қолганлиги ҳам муҳимдир. Устига устак халқ хўжалигининг бутун структураси ҳам, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари тузилмаси ҳам худди шу тариқа шакллантирилган эди. Натижада бизнинг халқ хўжалигимиз кўп жиҳатдан издан чиққан тузилишга, ишлаб чиқаришнинг паст техникавий даражасига, салбий тўлов ва савдо балансига эга бўлиб қолди. 1990 йилда Ўзбекистоннинг республикалараро савдо оборотида салбий сальдо 3,7 млрд сўмни ёки ялпи миллий маҳсулотнинг 11 фоизига яқинини ташкил қилди.

Бизнинг маҳсулотларни истеъмол қилувчилар Ўрта Осиёдан анча йироқда бўлгани ҳолда ички эҳтиёжларимиз асосан келтириладиган товарлар ҳисобига қондирилади. Республика нефть ва бошқа энергетика манбалари билан ўзини ўзи таъминлаш бўйича катта имкониятларга эга бўла туриб, 10 млн тоннадан зиёд нефтни четдан олади. Қора металл, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллар, кўмир,

кимё ва машинасозлик саноатининг тайёр маҳсулотлари катта ҳажмларда ташиб келтирилади. Республика хомашё, ёқилғи, ускуналар ва технологиянинг айрим турларинигина эмас, балки Ғалла, қанд, гўшт ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни, шунингдек кўпгина халқ истеъмоли молларини ҳам ташиб келтиришга мажбурдир. Бунда ҳар гал нарх-навои муттасил ошириб бораётган етказиб берувчилар - монополистлар қўяётган шартларнинг оғир юкини кўтаришга, республика манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда уларнинг зўрлигига қарши туришга тўғри келади.

Бу, бизнинг назаримизда, на транспорт харажатларини, на бошқа сарф-харажатларни ҳисобга олмай, ҳар бир республиканинг, ҳудуднинг комплекс ривожланишига зиён келтиргани ҳолда, уларни бошқаларга боғлиқ қилиб қўйиш мақсадини кўзлаган империяча сиёсатнинг бевосита кўриниши ва қолдиғидир. Бу масаланинг фақат иқтисодий жиҳати бўлиб, сиёсий жиҳати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тазйиқни қайтариш, республикага хос ривожланиш йўллари ва шакллари белгилаш борасидаги уринишлар "миллатчилик" сифатида баҳоланиб, уларга дарҳол чек қўйиларди.

Иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни ғоят долзарб қилиб қўймоқда. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолди.

Буларнинг бари тоталитар мероснинг оғир оқибатларини тугатиш, иқтисодиётга бозор асосида маданийлик бахш этиш, фаолиятнинг айрим соҳаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг микёсда тубдан яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказиш орқалигина мумкинлигидан далолат бермоқда. Бунда ислоҳ қилиш жараёнини аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уни янги шароитларга мослаштиришнинг кучли тизими билан мустаҳкамлаш зарур.

Иқтисодий ислоҳот чуқур илдизларга эга бўлиб, республикада

вужудга келган ижтимоий-иқтисодий тизимни тубдан янгилашнинг таркибий бўғини сифатида воқеъ бўлмоқда. У хўжалик юриштишнинг ҳам умумжаҳон талабларига, ҳам ўзига хос хусусиятлар - минтақанинг тарихи ва маданиятига, жуғрофий-сиёсий ҳолатига, кадриятларнинг вужудга келган тизимига таянадиган сифат жиҳатидан янги ва ўзига хос бетакрор йўлдан боришни билдиради.

## II ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, суверен давлатчиликка эришиш, янги иқтисодий негизнинг шаклланиши, халқнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан уйғониши, собитқадам ва астойдил ҳаракат қилиш йўли билан ғоят катта қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали амалга ошган. Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз кадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўл, миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит, одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёкараши ўтаган.

Натижада ҳозирги дунё ижтимоий тараққиётнинг ғоят хилма-хил бетакрор йўлларини, миллий иқтисодиётларнинг шаклланишини, сифат жиҳатидан янги турмушга эришиш усулларини ўрганиш ва билиш учун ниҳоятда қулай имконият беради.

Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Бир неча ўн йиллар мобайнида жаҳонда ижтимоий тараққиётнинг бир-бирига мутлақо зид бўлган "капиталистик" ва "социалистик" назариялари ўзаро курашиб, ўз таъсирини ўтказишга интилиб келди. Биринчи назария классик сиёсий иқтисод, хусусий мулкчиликни ўта мутлақлаштириш, иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида

иқтисодиётнинг ўзини ўзи эркин тартибга солиши ғояларига асосланган эди. Иккинчи назария эса, марксизм ғояларини тарғиб қилиб, мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, ресурсларни марказлаштирилган тарзда буйруқбозлик-режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўли билан ижтимоий адолатни қарор топтириш ва халқ фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга уриниб келди. Бутун-бутун иқтисодий тузумлар мана шундай назарияларнинг тарғиботчилари бўлдилар. Айни шу тузумлар жаҳон миқёсидаги хўжалик муносабатларини ҳам назорат қилардилар.

Ривожланаётган ёш мамлакатлар ўз олдидарига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни кўйиб, "муқобил ривожланиш" назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўллари мана шу назариялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари куйидагилар:

- "Асосий эҳтиёжлар" концепцияси. Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир;

- "Мақбул ёки тегишли технология" концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

- "Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш" концепцияси. Бу концепция мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

- "Янги халқаро иқтисодий тартиб" концепцияси. Бу концепция ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутулишга ва иқтисодий қолоқлигини тугатишга, тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олинди, хомашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган

умумий интилишларини акс эттиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий йўллари юқорида кўрсатилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборатдир.

80- ва 90-йилларнинг бошларида дунёда содир бўлган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон иқтисодий тафаккурига ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларга жиддий ўзгартишлар киритди. Эркин иқтисодий тартибга солиш ғояси ҳам, марказлаштирилган тарзда режалаштириш ғояси ҳам инқирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол ниҳоятда кучли иқтисодий ислоҳот оқимини юзага келтирди, кўпгина мамлакатлар - ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар мана шу оқимга қўшилдилар.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилаб беради.

Биринчиси: бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантиришдир.

Иккинчиси: ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини маданий бозор муносабатларига айлантиришдир.

Учинчиси: собиқ социалистик мамлакатларнинг яккаҳокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишдир.

Социалистик иқтисодиётнинг хитойча йўлида ўз аксини топган социализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш билан қўшиб олиб боришга уриниш ҳам мавжуд.



Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириш талаб этилади. Буниси "фалаж қилиб даволаш усули" ("шоковая терапия") деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислохотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унинг андозалари ҳам хилма-хилдир. Энг аввало, улар шундай бозор иқтисодиёти вужудга келтириляётган ва амал қилиб турган мамлакатларнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари билан фарқ қилади. Шу боисдан бозор иқтисодиётининг маълум андозалари уларни амалга оширувчи муайян мамлакатга мансублигига қараб ажратилади. Масалан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиёти ва ислохотларнинг негизини ташкил қилувчи йўлларнинг ғоят хилма-хиллиги эркин бозор рақобатчилиги иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан қай даражада қўшиб олиб борилиши, уларнинг ижтимоий йўналиши, ҳал қилинаётган катта иқтисодий муаммоларнинг устуворлиги билан боғлиқдир.

"Америкача андоза"да эркин бозор муносабатлари айниқса кучли роль ўйнайди, "япон" ва "француз" андозаларида эса хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки анчагина каттадир. "Немис" ва "швед" андозаларида ижтимоий йўналиш ниҳоятда устувордир. Халқаро молия ташкилотлари (Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда бошқалар)нинг фаол қатнашуви билан ишлаб чиқилаётган Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларининг андозаларида асосий эътибор иқтисодиётни барқарорлаштиришга, бюджет камомадини кескин камайтиришга, илк босқичда нарх-навони эркин қўйиб,

кейинчалик таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилади. Шарқий Европа мамлакатлари ҳам худди шундай усулда, аммо "фалаж" ("шок") ҳолатида бозор сари бормоқдалар.

Жануби-Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган янги мамлакатлари - Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва Гонконгнинг андозалари ўз натижалари билан катта таассурот қолдирмоқда. Уларда асосий эътибор импорт моллар ўрнига ўзларига маҳсулот ишлаб чиқариш стратегиясини ташқи дунёга мўлжалланган экспортни рағбатлантириш стратегияси ила алмаштириш билан боғлиқ ички муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Ижтимоий соҳада ва экспортни рағбатлантиришда етакчи роль ўйнайдиган кучли давлат сақлаб қолингандагина бозор иқтисодиётининг андозаси ўзининг ёркин ифодасини топади.

Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, жозибадор бўлишига қарамай, аслида бегона, ёт андозалар сунъий равишда тикиштирилган жойларда иқтисодий ислохотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади.

Шу сабабли, бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир. Бу - ўтган йиллар яқунларини идрок этишнинг, янгиланган жамият иқтисодий пойдеворини барпо этишга нисбатан турлича қарашларни танқидий таҳлил қилишнинг қонуний натижасидир. Бу - таркиб топган ижтимоий воқеликка амалда тўғри баҳо бериш ҳамдир. Шунингдек, Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилишининг эътиборга олиниши ҳамдир.

Етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг жиддийлиги,

уларнинг ўзига хос хусусияти шу муаммоларни ҳал этишга алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаб олиш заруратини тақозо қилади. Ҳаёт шароити ва мусулмонча турмуш тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданий оламига мансублик ҳам шуни талаб қилади. Ўз истиклол ва тараққиёт йўлини танлаш мураккаб, тарихий аҳамиятга молик ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаётган ўзбекистонликларнинггина эмас, балки уларнинг бир қанча келажак авлодларининг ҳам тақдири ана шу йўл нечоғлик тўғри танлаб олинишига боғлиқдир. Республика танглик ҳолатларини қанчалик тез бартараф этиши, яккаҳоқимлик тизимининг иллатларидан қутулиши, ривожланган маърифатли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу билан белгиланади.

Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий аънаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишда танлаб олинган йўлнинг нақадар тўғрилиги объектив равишда таркиб топган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг нечоғлик чуқур таҳлил қилинишига, республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари қай даражада ҳисобга олинишига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос бетакрор йўлни танлаб олиши учун ушбу минтақага хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитларни чуқур таҳлил этиш зарур.

Республика қулай жуғрофий-сиёсий мавқега эга. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди тарихан энг қадимий савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни авж олган жой бўлиб келган. Ҳозир ҳам Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ўз мустақил энергетика ва

сув тизимларига эга маркази бўлиб, кўпгина масалаларда кўшни республикаларни боғловчи бўғин хизматини ўтайди.

Тарихнинг ўзи шундай белгилаб қўйганки, Ўзбекистон Евроосиёнинг Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи энг муҳим йўллар чорраҳасида жойлашган. Бу ҳол "Буюк Ипак йўли"га монанд Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини солишни узоқ муддатли истиқбол режаси сифатида олға суриш имконини беради. Республика товарлар, сармоя ва иш кучининг давлатлараро ҳаракати, иқтисодиёт, маданият ва сиёсат соҳаларида миллий манфаатларни яқинлаштиришда ўзига хос минтақавий марказга айланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва унга ёндашувларни танлаб олишга ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда. Республика иқтисодиётнинг деҳқончилик тармоғини кенг ривожлантириш, алоҳида қимматли, жаҳон бозорида ғоят харидоргир бўлган экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қулай бўлган иқлим минтақасида жойлашган.

Айни вақтда минтақа иқтисодиёти табиат омилига, кескин иқлим ўзгаришларига қаттиқ боғлиқ бўлиб, бу ҳол сунъий суғориш ва ирригация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос жиҳатлари қишлоқда иқтисодий муносабатларни шакллантиришга ўз талабларини қўймоқда.

Тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра, Осиёда шакланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга хос эканлиги ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилаётган жиддий омилдир.

Республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Кейинги ўн йилликлар мобайнида республика аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5 фоиздан кўпайиб борди, бу эса

иқтисодий ўсиш суръатига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида талаблар қўяди.

Республика иқтисодиёти ҳаддан ташқари оғир демографик юкни сезиб турибди. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан Сингапур, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Ирландия ва шулар каби бошқа мамлакатлардан ўзиб кетган бўлса-да, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда республика, Жаҳон банки маълумотларига кўра, ўртача даражадан паст даромад олувчи мамлакатлар жумласига киради.

Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Маълумки, болалар ва ўсмирлар давлат томонидан ҳимояга айниқса муҳтождирлар. Россия ва Беларусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24 фоиздан сал кўпроқни, Қозоғистонда 33,2 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилади. Республикадаги жами аҳолининг ярмидан кўпроғи - болалар, ўқувчи ёшлар, нафақадорлар, яъни ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақалардир. Аҳолида оила аъзолари сонининг кўплиги Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистонга ҳам хос хусусиятидир. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошади, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДХнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил этади.

Аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва асосан деҳқончилик билан машғулдир. Аждодларининг анъанавий яшаш жойларига боғланганлиги (ўтроқлиги) аксарият республика аҳолисига хос бўлиб, бу ҳол меҳнат бозорини шакллантириш муаммоларига ўз таъсирини ўтказди.

Республика миллий таркибининг ўзига хослиги - унинг фарқлантирувчи хусусиятидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг 70 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудидида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшайди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятни янгилаш, унинг

очиклигининг қудратли омили бўлиб хизмат қилади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўлини танлаб олиш аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама эътиборга олишга ҳал қалувчи даражада боғлиқдир. Ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлиб, бу унинг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу нарса оила манфаатларининг устуворлигида, аҳоли ҳаёт фаолиятининг жамоага содиқлигида, маҳалла шаклини авайлаб сақлаш ва мустақамлашдагина намоён бўлибгина қолмай, шу билан бирга жамиятнинг бутун ижтимоий тузилмасига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг амалдаги тизимида мавжуд бўлган кўпгина шакллар ҳам жамоа хусусиятларига эга.

Республиканинг ўзини ҳам бир жамоа деб, катта оила деб қараш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб, ўз бурчларини қатъий бажариш ва ўзаро ғамхўрлик бўлмаса, фаровон ва муносиб ҳаёт кечириш мумкин эмас. <%1>Бинобарин, буни умуммиллий бирдамлик руҳи билан йўғрилган норасмий ижтимоий алоқалар тизими, деб қараш мумкин.

Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликларга, кадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгартишларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатида намоён бўлади.

Туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлиш, ўз уйи ёнида томорқа хўжалигига эга бўлишга анъанавий интилиши унинг манфаатлари ва турмуш тарзида ўз изини қолдирмоқда. Ҳаётий кадриятлар, оилавий турмуш муносабатлари нормалари, меҳнат фаолияти соҳасидаги кўникмалар шундай турмуш тарзига хосдир.

Иқтисодий ва демократик ислохотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида ислом омили ҳар томонлама эътиборга олинishi

лозим. Бу омил аҳолининг турмуш тарзига, руҳиятига, маънавий-ахлоқий кадриятларига таъсир ўтказди, ташқи сиёсий йўлни мана шу динга эътиқод қилувчи мамлакатларга қараб белгилашни тақозо қилади. Ўзбекистонда диний анъаналар билан халқ анъаналари шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Сўнгги ўн йилликларда одамларда ўз кадриятига эга бўлган муайян ижтимоий онг шаклланганлигини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу, бир томондан, ижтимоий тенгликка интилишда, кафолатли меҳнат қилиш ҳуқуқи, умумий бепул таълим ва тиббий хизмат кўрсатилишини ёқлаб чиқишда кўринмоқда. Иккинчи томондан эса, тоталитар буйруқбозлик-тўрачилик тизими оқибатида инсоннинг мол-мулкдан ажралиб қолгани ва хўжайинлик туйғусини йўқотганида намоён бўлмоқда. Тайёрга айёрлик, боқимондалик кайфияти ҳам кучли ривожланган.

Иттифоқ маркази ўтказган янги мустамлакачилик ҳудудий иқтисодий сиёсат оқибатида республикада халқ хўжалиги бир томонлама - хомашё базаси сифатида ривожланди. Технология, ресурслар, шунингдек бутловчи буюмларнинг бир қисмини, халқ истеъмоли молларини етказиб бериш жиҳатидан бошқа республикаларга жуда қарам бўлиб қолди. Ўзбекистон шу пайтгача бошқа республикалар билан рубл зонаси доирасида ўрнатилган хўжалик муносабатлари орқали чамбарчас боғлиқ бўлиб турибди.

Шундай қилиб, мазкур ўзига хос шарт-шароитларни, бирор минтақанинг воқелигини фақат шу ерга хос бўлган барча хусусиятлари ва белгилари билан аниқ ҳисобга олмай туриб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бирор йўли тўғрисида гапириб бўлмайди. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг умумий қоидалари унинг ўз андозасида акс этиши ҳам мутлақо табиийдир.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини яратиш учун замин йўқ эмас. Шарқда одамлар азалдан савдосотик билан шуғулланганлар. Шу боисдан, бу ерда бозор шароитида ривожланишнинг ўз тарихий тажрибаси мавжуд. Бунинг устига, бозор шароитида ривожланиш жуда узоқ вақт давом этган бўлиб, унда эски

патриархал-феодал муносабатлар энди вужудга келаётган бозор муносабатлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилган. Ўша вақтдаги бозор муносабатларининг етуклик даражаси паст бўлганига қарамай, улар чуқур из қолдирган. Бу изларни ҳатто режалаштирилган - марказлаштирилган иқтисодиётнинг қаттиқ шароитлари ҳам йўқ қила олмади.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги биз танлаб олган йўл - кўп жиҳатдан хўжалик соҳасидаги анъаналарни ва урф-одатларни сифат жиҳатидан янги негизда қайта тиклаш, эски, ўзгармас йўлдан қутулиш ҳамда аҳолида бозор муносабатларига хос бўлган иқтисодий тафаккурни ва психологияни маърифий ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими - бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон ўтмишнинг оғир оқибатларини бартараф этишга, тангликдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига кўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эгадир. Заминимиз қимматбаҳо минерал-хомашё ресурсларига бойлиги халқ хўжалигининг ички тузилишини тубдан ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга имкон беради.

Мустақиллик шароитида ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий ресурслар, кўп авлодларнинг меҳнати билан барпо этилган иқтисодий, илмий-техникавий имкониятлар ва ақл-зиё салоҳияти миллий бойликка айланиб, одамлар фаровонлигининг гарови ва ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлиб қолди.

Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал-хомашё ресурслари тўпланган. Ҳозиргача республикада минерал-хомашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал-хомашёларнинг 700 та кони мавжуд. Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма элементлар республикамизда бор. 370 та кон ишлаб турибди, уларда бир йил ичида қазиб олинаётган тоғ жинслари ҳажми 200 миллион тоннадан ошади.



Республикада катта табиий энергия ресурслари - газ, нефть, гидроэнергетика ресурслари ва кўмирнинг мавжудлиги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захираларининг деярли 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Табиий газнинг аниқланган захиралари деярли икки триллион куб метрни, кўмир - 2 миллиард тоннадан кўпроқни, нефть - 350 миллион тоннани ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида учинчи ўринда туради ва жаҳондаги газ қазиб чиқарувчи 10 та энг йирик мамлакат қаторига киради.

Табиий газ асосий энергетика ресурси бўлиб қолмай, шу билан бирга нафақат республика эҳтиёжи учун, балки чет мамлакатларга сотиш учун ҳам минерал ўғитлар, синтетик тола ва иплар, полипропилен, полистирол ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қимматли хомашёдир.

Республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд. Ўрта Осиёдаги гидроэнергетика манбаларининг ва фойдаланишнинг техникавий имконияти бўлган гидроэнергетика ресурсларининг 14 фоизи, амалда фойдаланилаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. Шуни ҳам айтиш керакки, республиканинг гидроэнергетика имкониятларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи унинг энергетика ресурсларига доим ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлабгина қолмайди. Ўзбекистон кўп вақтдан буён бошқа минтақаларга табиий газ етказиб бермоқда.

Сўнгги икки йил ичида топилган нефть (Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конлари) ва газ захиралари келгусида республиканинг ўз эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга сотишни анча кўпайтиришга ҳам имкон беради.

Фойдали қазилмалар кўп турларининг аралаш жойлашгани, уларнинг кон-геология шароитлари қулайлиги, ҳудудларга кўп тўплангани бу конларни самарали ўзлаштириш, саноатнинг жаҳон

бозорида рақобатга бардош бера оладиган кон қазиб чиқарувчи кичик тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Ўзбекистон қимматбаҳо ва нодир металллар - соф олтин, кумуш, уран ва бошқа ноёб металллар захиралари ҳамда уларни қазиб чиқариш жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Республикада 30 та олтин кони топилган, улардаги олтин захиралари тўрт минг тоннадан ошади. Қазиб чиқариладиган олтиннинг умумий ҳажми жиҳатидан республика МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринда, жаҳонда - саккизинчи ўринда туради, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқариш жиҳатидан эса жаҳонда бешинчи ўринда туради. Ўзбек олтинининг сифати энг юқори жаҳон андозаларига мос келади, сўнги икки йил ичида ўзбек олтини уч марта халқаро совринни олишга сазовор бўлди.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бошқа рангли нодир металллар - мис, молибден, кўрғошин, рух (цинк), вольфрам, литий кабиларнинг захиралари ҳам кўп.

Гил (каолин), дала шпати, шишабоп оддий кварц ва кварц-дала шпати куми, бентонит гили, фосфоритлар ҳамда минерал ўғитлар, чинни-фаянс идишлар ички ҳамда ташқи бозорда рақобатлидир. Талаб жуда катта бўлган бошқа буюмлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган шу каби минералларни республикадаги мавжуд қимматбаҳо нометаллургия хом ашёси қаторига киритиш мумкин. Бу минералларнинг кўплаб конлари ноёб табиат намуналари бўлиб, бутун Еврооё минтақасида энг катта кон ҳисобланади. Бокситлар, фосфоритлар, турли тузларнинг захиралари келгуси асрда ҳам кўп йиллар республиканинг эҳтиёжларини таъминлай олади.

Иккиламчи минерал ресурслар - маъдан конларидаги ташлаб юборилган тоғ жинслари, металлургия бойитиш корхоналарининг чиқитлари, шунингдек маъданларнинг ҳисобга олинмаган захиралари ва конларнинг устини очишда чиққан жинсларнинг захиралари ҳам муҳим манбалардир.

Республикада ишлаб чиқарилаётган ресурсларнинг турлари, биринчи навбатда, металллар энг тақчил ресурслар қаторига киради, шу сабабли жаҳон бозорида уларга талаб ҳамиша катта.

Ўзбекистон қудратли қишлоқ хўжалигига эгадир. Республика катта экспорт имкониятига эга бўлган энг муҳим стратегик маҳсулот - пахта етиштирувчи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи асосий ўлкадир. Бутун Марказий Осиёда 2 миллион тоннага яқин пахта толаси ишлаб чиқарилаётган бўлса, шундан 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистон толасидир. Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришда жаҳонда бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда туради.

Республика минтақалараро меҳнат тақсимотида сабзаёт, мева ва узум етказиб берадиган асосий ўлка бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу маҳсулотларнинг кўплари таъми жиҳатидан нодир ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 5 миллион тоннагача мева-сабзаёт маҳсулотлари етиштирилмоқда, бу республика бозорининг эҳтиёжларидан анча ортиқдир.

Чорвачилик маҳсулотларининг кўпгина турлари - пилла, жун, қоракўл тери ва ундан тайёрланадиган буюмлар республикадан ташқарида ҳам машҳур бўлиб, бажонидил харид қилинади.

Кўп авлодларнинг меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳияти республикани янада самарали ривожлантириш учун ишончли иқтисодий асосдир. Барпо этилган қурилиш базаси, бинокорлик саноати қувватлари ва бу борада тўпланган тажриба сармоя ресурслари мавжуд бўлган тақдирда белгиланган ўзгартиришларни амалга оширишга қодирдир.

Республикада қудратли ва бир қанча ҳолларда нодир саноат корхоналари барпо этилган ва ишлаб турибди. Улар саноатнинг деяри барча тармоқлари - оғир саноат, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозликдан тортиб, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, фан билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларигача тааллуқлидир. Ўрта Осиёдаги машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми Ўзбекистонда тайёрланади. Республика Ўрта Осиёда қора металллар ва прокат, самолётлар, моторлар, пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, кабель маҳсулотлари, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва лифтлар, капролақтам, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун машина ускуналари, йигирув машиналари ва бошқа

буюмларни ишлаб чиқарадиган бирдан-бир давлатдир.

Ўзбекистон саёҳатчиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон каби тарихий обида шаҳарлар бутун дунёга машхур. Республика ҳудудида тўрт мингдан ортиқ меъморий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО муҳофазасига олинган. Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва алоқалар тизими ҳал қилувчи ўрин тутди. Республикада кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган бўлиб, у мамлакат ичкарасида ва ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташишни, яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Республикада транспортнинг барча турлари ривож топган. Ҳозир темир йўллар узунлиги 6,7 минг километрга тенг. Темир йўл шохобчаларининг кўплиги жихатидан республика Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Юк ва йўловчиларни ташишда автомобиль транспортининг аҳамияти катта. Саксон минг километрдан узунроқ автомобиль йўллари қурилган ва улардан фойдаланилмоқда, шу йўлларнинг 86 фоизи асфальт йўллардир. Ҳамма шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто олис қишлоқларга борадиган йўллар ҳам асфальтланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикаларининг барча йирик шаҳарлари ҳамда жаҳондаги кўп мамлакатлар - Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Афғонистон, Малайзия, Таиланд ва бошқа давлатлар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Айни маҳалда Ўзбекистон денгиз портларига бевосита чиқа олмайди. Юкларнинг кўп қисми давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларга мувофиқ қўшни давлатлар ҳудуди орқали етказиб берилмоқда. Натижада, биринчи навбатда, мамлакатлараро алоқаларни йўлга қўйишда республиканинг иштирок этиши муаммоси қўндаланг бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг чинакам бойлигидир. Республика меҳнат ресурслари билан таъминланиш

даражаси юқори бўлган минтақа ҳисобланади. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшани таҳлил этиш XXI аср арафасида аҳоли асосан юқори меҳнат фаоллиги билан ажралиб турадиган 30-49 ёшдаги одамлардан юбрат бўлишини кўрсатмоқда. Одамларнинг таълим даражасининг юқорилиги меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир. Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 4 ходимдан бири олий ёки ўрта махсус маълумотлидир.

Ўзбекистон кучли илмий салоҳиятга эгадир. Айниқса деҳқончилик, табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги салоҳияти кучли. Ўзбекистон олимларининг тарих, математика, физика, кувёш билан боғлиқ материалшунослик, зилзилага бардошли иншоотлар назарияси, ўсимлик моддалари кимёси ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлари мамлакат ташқарисида ҳам машҳурдир.

Мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқариш потенциали давлат мустақиллиги билан биргаликда республикада иқтисодиётни янгилаш, уни маърифий ривожланиш йўлига ўтказишга доир туб ислохотларни амалга оширишга ҳақиқий шарт-шароит ва имконият яратади.

Республикада сифат жиҳатидан янги мавқега ўтишнинг пухта ўйланган дастури ишлаб чиқилган. Танлаб олинган тараққиёт йўли Конституцияга асосланган бўлиб, бу ўзгармас йўлдир, чунки танланган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бу Ўзбекистонни миллий-давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан камолотга муқаррар олиб борадиган йўлдир.

Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислох қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши,

ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиклол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

### **III**

## **ИҚТИСОДИЁТНИ МАФКУРАДАН ХОЛИ ЭТИШ – ДЕМОКРАТИК ВА БОЗОР ЎЗГАРТИРИШЛАРИНИНГ АСОСИ**

Биринчи навбатда иқтисодий негизни (базисни) барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамят қуришнинг энг муҳим шартидир. Бунда иқтисодий ўзгартиришлар стратегияси мафкурадан бутунлай холи этилиши, яъни сиёсий мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилмаслиги керак.

Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча

мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси иқтисодий ислохотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт бутунлай барбод бўлишини, ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишини, аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашиб, ижтимоий зиддиятлар авж олишини кўрсатмоқда. Аксинча, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётган жойларда демократик ва сиёсий ислохотлар учун мустаҳкам моддий негиз яратилмоқда.

Иқтисодий турмуш тарзига асосланиб давлат қурилиши ва давлат тузилишини англаб етиш мумкин. Демократия - бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир. Энг муҳими, сўз эркинлиги ва иқтисодий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги ҳуқуқини берадиган кучли қонунларимизга эга бўлишдир. Бу эса иқтисодий негиз қанчалик мустаҳкам барпо этилганлигига боғлиқ.

Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юритишнинг турли ижтимоий шакллариغا нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг қарор топишига, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг пировард мақсадини аниқ белгилаб олиш ислох қилишнинг замонавий стратегиясининг бошланқич нуктасидир. Умумий стратегия бўлмаса, пировард мақсадни кўра билмай туриб, иқтисодий ислохотнинг таъсирчан чораларини белгилаб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив зарурат сифатида давр тақозоси бўлиб қолди. Бозор иқтисодиёти - умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир. Тартибли асосга қурилган бозоргина ҳозир халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхўрликни тугатишга, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унутиб юборилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодирдир. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг зўравонлигига барҳам бериб, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундира олади, маҳсулотларга талабни тўғри ҳисобга олиш, бозордаги ўзгаришларга қараб тез ҳаракат қилиш

имкони беради.

Фақат бозор муносабатларигина республика ишлаб чиқарувчи кучлари заминдаги улкан имкониятлардан халқ бахт-саодати йўлида, унинг турмуш даражасини ошириш мақсадида самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин. Айни бозор муносабатлари одамларни янгиликка интиладиган, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва тез жорий этадиган, касб-маҳоратини муносиб кадрлайдиган қилади. Яъни иқтисодий марказдан бошқариш шароитида амалга ошириш мумкин бўлмаган нарсага - ишлаб чиқаришни истеъмолчи, инсон манфаатига хизмат қилдиришга эришилади.

Қолаверса, айнан бозор туфайли миллий маданий анъаналарнинг ўзига хос уйқунлашуви амалга ошади, бунда мамлакатнинг у ёки бу соҳасида нисбатан афзалликларга эришишни таъминлашга қодир бўлган анъаналар янада ривожланади.

Жаҳон цивилизациясининг тараққиёт тажрибаси шуни ҳам кўрсатадики, бозор муносабатларининг ривожланиши бирорта ҳам мамлакатда текис ва бенуқсон кечмаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта хато бўлур эди.

Бундан ташқари, жаҳон тажрибаси самарали бозор иқтисодига кўпроқ умумий ижтимоий қадриятлар доирасида ўтиш мумкинлигини кўрсатади. Ҳар бир иқтисодий ривожланган мамлакат хўжалиги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордангина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади. Унинг эркин бозордан муҳим фарқи шундан иборатки, у иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг синтези ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодий ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди.

Бозор хўжалиги ўз табиатига кўра ижтимоий йўналтирилган бўлади. Истеъмолчи ўзининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжи билан асосий шахс ҳисобланади. Пировард натижада иқтисодий тараққиёт,



меҳнат унумдорлигининг ўсиши, янгиликларни жорий этиш аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилади. Булар бозор иқтисодиётининг рағбатлантирувчи сабабларини ва ҳаракатлантирувчи механизмини ташкил қилади.

Айни вақтда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти халқ фаровонлигини ўз-ўзидан вужудга келтирмайди, балки бунинг учун фақат зарур шарт-шароитлар ва замин яратади, хўжалик юритувчи барча субъектларнинг ижодий қобилиятлари рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Бозорда иқтисодий эркинлик қондасининг ижтимоий тенглаштириш билан алоқаси ижтимоий бозор иқтисодиётининг асосий элементиدير. Ҳозирги кўринишдаги бозор иқтисодиёти иқтисодий муносабатлар субъектлари фаолияти бозор нуқтаи назаридан мувофиқлаштирилган, ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилган ҳолдаги эркин ишбилармонликдир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг давлат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида олинган, у республика ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичига ҳамда ўзига хос шароитларига энг кўп даражада мувофиқ келади. Бундай турдаги бозор иқтисодиёти:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш учун конституциявий, қонуний ва ҳуқуқий кафолатларни, эркин бозор конъюнктурасини рағбатлантиришни;

- мулкнинг барча турларининг ҳамда хўжалик юритишнинг барча шакллариининг юридик тенг ҳуқуқлилигини;

- иқтисодий муносабатлар субъектлари фаолиятининг энг кўп даражада эркинлигини;

- умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини ҳамда иқтисодий муносабатларда миллий анъаналарни, урф-одатларни, халқ турмуш тарзини тўла ҳисобга олишни;

- инсоннинг ҳаёт фаолияти ва уни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитларни, ишончли ижтимоий кафолатларни, аҳолининг турмуш даражасини оғишмай оширишни;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин

эгаллашини, халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида фаол иштирок этишини таъминлашга даъват этилгандир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишидаги янги муҳим элементлар қаторида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кишиларнинг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш.

2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминлаган ҳолда макроиқтисодиётни ўстириш ўртасидаги тенг нисбат.

3. Қиймат, талаб ва таклифлар қонунининг амал қилиши асосида барча хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқаришдан энг кўп самара олиш йўлини излашга ундашни таъминловчи бозор механизмидан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш.

4. Ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқарилишидан узоқлашиш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда, фаолият турини, етиштириладиган маҳсулот ҳажмини ва хилини, ишлаб чиқариш хўжалик алоқалари доирасини аниқлаш эркинлигини товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига бериш.

5. Инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлашда ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш.

6. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини - болаларни, нафақадорларни, ногиронларни, талаба ва ўқувчи ёшларни ва бошқаларни ҳимоя қилишга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш.

Тегишли замин ва шарт-шароитлар яратилган тақдирда бозор механизмларини ишга солиш мумкин. Уларга, энг аввало қуйидагилар киради:

биринчидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш, мулкчиликнинг давлатга қаршли бўлмаган шаклларига - хусусий, хиссадорлик, жамоа, кооператив ва бошқа шу каби турларига асосланиб, янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш йўли билан аралаш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;

иккинчидан, баҳони босқичма-босқич эркин қўйиш, монополиячиликка қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналари фаолиятини тижорат заминида ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги тўлиқ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш асосида соғлом рақобат муҳитини яратиш;

учинчидан, горизонтал хўжалик алоқаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, бозорларни (товар, молия, сармоя, ишчи кучи, технологиялар ва бошқалар) ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошира оладиган идораларни барпо этиш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, бозор шароитларида ишлашга қодир бўлган кадрлар тайёрлаш;

тўртинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучли механизминини жорий этиш, ҳуқуқий ижтимоий кафолатларини таъминлаш.

Маданий-маърифий тартибга солинадиган бозорга ўтиш мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқчилиги асосида аралаш иқтисодиётни шакллантиришга асосланади.

Аралаш иқтисодиётнинг моҳияти жамият иқтисодий ҳаётини қуриш ва тартибга солишнинг хусусий ва умумдавлат манфаатларидан иборат иккита ҳар хил принципларининг - эркин бозор ва рақобат билан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг айна бир вақтда мавжуд бўлишидан ва уларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир. Худди шу уйқунлик ҳозирги замон иқтисодиётининг юраги, деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт - бу аралаш иқтисодиётдир. Агар бозор - ишлаб чиқаришни одамларнинг ўсиб боровчи ва муттасил ўзгариб турувчи эҳтиёжларига энг юқори

даражада йўналтиришни таъминловчи механизм бўлса, давлат барқарорликнинг, ҳимояланганликнинг ва ижтимоий адолатнинг ижтимоий кафолати ҳисобланади.

Мулкчилик турларининг ва хўжалик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг хилма-хиллиги аралаш иқтисодиётнинг фарқлантирувчи хусусиятларидан биридир. Улар бир-бирини инкор қилмайди, балки тўлдиради ва бойитади. Бундай уйқунлик иқтисодиёт барқарорлиги ва қулайлигининг юксак даражадаги синтезини, унинг юқори самарадорлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлайди.

Кўп укладли бозор иқтисодиётининг шаклланишида, одамларда эгаллик туйғусининг уйғонишида, тенг ҳуқуқли рақобатни ривожлантиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир чора-тадбирлар муҳим роль ўйнаши керак.

Бозор муносабатларига киришга доир чора-тадбирлар тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш унга тайёргарликни, меҳнат жамоаларининг манфаатларини, ижтимоий адолат принципларига албатта риоя қилишни ҳисобга олган ҳолда аста-секин амалга оширилиши керак.

Давлат мулкни шошма-шошарлик билан хусусийлаштиришга, ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўйиш мумкин эмас. Хусусийлаштириш жараёни махсус дастурлар асосида, давлатнинг қаттиқ назорати остида амалга оширилиши керак. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналар ўтиш даврининг ҳар бир босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак. Уй-жой фондини, майший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий ва енгил саноат корхоналари ва ташкилотларини хусусийлаштириш биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар жумласига киритилган. Бошқа тармоқлардаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишлари асосан ҳиссадорлик, корхоналарни мулкчиликнинг жамоа шаклига ўтказиш принциплари бўйича амалга оширилади.

Монополиячиликка қарши тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи устидан тазйиқини тугатиш

иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига, рақобатли муҳит шаклланишига, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан бойишига олиб келиши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тузилмаларининг монопол мавқеини тугатиш, уларнинг бозорга тазйиқ кўрсатиш соҳасини тақсимлаб олиш бўйича келишувларига йўл қўймаслик соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади, нарх-наволарнинг сунъий равишда кўтарилишига, монополия йўли билан устама фойда олишга қарши омил бўлиб хизмат қилади.

Кичик тадбиркорликнинг бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдиришни таъминлашдаги ролини, бозор конъюктурасининг ўзгаришига тез мослашувчанлигини, янги иш жойларини яратишдаги аҳамиятини, шунингдек, унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштиришини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналарга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш зарурдир. Бундай ёрдам, айниқса, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, кичик ва қўшма корхоналарда ишловчи кадрларни тайёрлашга берилиши керак. Бундан ташқари, янги техника ва технология турларини жорий этиш бўйича таваккалига ишлайдиган, янги маҳсулот турларини чиқаришни ўзлаштирадиган корхоналар барпо этиш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳукукий асосларини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфраструктурасини яратишни талаб қилади. Инфраструктурага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди.

Тадбиркорликда фаолликни таъминлаш, тадбиркорларнинг ўзаро ва давлат билан самарали алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида бозор муносабатларини тартибга солувчи идораларнинг яхлит тизимини тузиш вазифаси турибди. Энг аввало банк-кредит тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг, шу жумладан, хусусий мулкчиликка асосланган банкларнинг шохобчаларини

ривожлантиришга қўмаклашиш зарур. Моддий ресурслар ва товарларнинг кенг барқарор бозорини барпо этиш учун контракт (шартнома) тизимини янада ривожлантириб, биржа фаолиятини такомиллаштириш, тижорат марказлари, савдо уйлари ва бошқаларнинг ишларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Суғурта ва аудиторлик хизматларининг, ҳуқуқий хизмат кўрсатадиган ва консалтинг ташкилотларининг, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича турли марказларнинг фаол иши бозор шароитида тадбиркорлар фаолиятининг барқарорлигини оширишга қўмаклашиши керак.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, молия-саноат гуруҳлари, холдинг ва траст компаниялари, корпорациялар бозор иқтисодиётининг таянч устунлари, унинг юқори самара беришининг гарови ҳисобланади. Уларни устувор умуммиллий иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий мақсадларни амалга оширишга йўналтирган ҳолда барпо этиш ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқишларига бутун чоралар билан қўмаклашиш керак.

Замонавий инфраструктурани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бошбошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради.

Фақат ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган жамиятгина республиканинг давлат мустақиллигини ва иқтисодий қудратини таъминлаши мумкин.

#### IV

### **ДАВЛАТ — ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРИ ВА БОШ ИСЛОҲОТЧИСИ**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур. Жаҳон тажрибаси иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигидан далолат бермоқда. Том маънода ўзини ўзи тартибга солиб турадиган бозор бўлмайди. Давлат ўзининг алоҳида

мавқеига кўра ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор - давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир. Унинг турли андозалари давлат ва рақобатчилик томонидан тартибга солиш даражасининг нисбати билангина фарқ қилади.

Тоталитар тузумнинг кўп вазифалари бекор қилинган, янги бозор муносабатлари ҳали шаклланмаган ўтиш даврида давлатнинг роли айниқса муҳимдир. Ўзирча вужудга келганлари ҳам мустақамланиб олмаган, барча умуммиллий муаммоларни ҳал қилишни зиммасига олишга қодир эмас. Бундай даврда иқтисодиётни бошқаришни кўлдан чиқариб юбориш, унинг тараққиётини ўз ҳолига ташлаб қўйиш эҳтимоли вужудга келади. Шу сабабли давлатнинг ҳукмдорлигини сақлаб қолиш керак. Ўтиш даврида иқтисодиётни давлат ўз кўлига олишининг юқори даражада бўлиши ҳам шуни тақозо этади.

Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан ана шу тармоқларга мадад бериши лозим.

Бундан ташқари, республика аҳолиси турмуш даражасининг пастлиги, ўзини ҳимоя қилишга, бозорнинг салбий оқибатларига қарши туришга қодир эмаслиги ўтган йилларнинг оғир меросидир. Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Ўзирги пайтда давлат иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жуда зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолатидир.

Айни пайтда давлатнинг вазифаси ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. Бозор муносабатларининг қарор топиши даврида давлат ислохот жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислохотни изчиллик ва қатъийлик билан амалга ошириши шарт.

Бозор муносабатлари йўлига ўтган кўп мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳамиша аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислохотларга тайёрлаганини кўрсатади. Давлат уларни янгича яшашга йўллаган ва рақбатлантирган. Шу билан бозор иқтисодиётига тезроқ ва қийинчиликларсиз ўтишга ёрдам берган. Давлатнинг ислохотчилик вазифаси иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларини ва бозорга ўтиш йўллари ишлаб чиқишда ташаббускор бўлишдан иборат. Давлат иқтисодий ислохотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда ўз органлари орқали бевосита иштирок этади. Энг муҳими эса, уларни бевосита амалга ошириши керак. Шундай қилиб, давлат ислохот жараёнининг барча босқичларида етакчи ўринда туриши, бу жараённинг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун жипслаштиришга қодир.

Ўзир жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик йўлига ўтиш вазифаларини ҳал этишда кучли мустақил давлатнинг, унинг тузилмалари, муҳофаа ва миллий хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асосларини қарор топтириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу босқичда давлат манфаатлари ҳамма нарсадан устун туриши керак. Фақат шу йўл билан ишбилармонлар манфаатларини ҳам, аҳоли манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Бозор томон ҳаракат қилинган сари хўжалик фаолиятини бошқаришда давлатнинг аҳамияти сезиларли даражада ўзгаради. Давлат, унинг ҳокимият тузилмалари хўжалик фаолиятига бевосита аралашмаслиги керак. Давлат иқтисодий воситалар ва рақбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни билвосита бошқариш, умуммиллий муаммоларни ҳал этиш билан шуқулланиши лозим.

Шу билан бирга ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлат бевосита бир қанча иқтисодий вазифаларни ҳам бажаради. Давлат иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос "бозор шарт-шароитлари"ни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Уларнинг доирасида бозор субъектларининг ўзаро алоқалари амалга оширилиши, давлат институтлари ўзгара бориб бозор институтларига айланиши лозим.



Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Аини шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул равишда ўткази олади. Шунга мувофиқ равишда давлат йўли билан тартибга солиш услубияти негизда иқтисодий жараёнлардаги катта ва кичик даражалар аниқ фарқлаб қўйилиши лозим.

Давлат қуйи даражада иқтисодиётнинг амал қилиши учун "бозор шарт-шароитлари" ва ҳуқуқий негизни яратиб, катта кўламда иқтисодиётни тартибга солишда фаол иштирок этиши шарт. Бунда давлатнинг асосий саъй-ҳаракатлари ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт муаммоларини ҳал этишга, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш устуворликларини белгилашга, юксак ижтимоий самарадорликка эришишга қаратилиши керак.

Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклатилади. Ўқимият вужудга келаётган иқтисодий вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолашга, бошқарув тизимининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган ижобий таъсири тизимидан кенг фойдаланиб, айрим жараёнларни зарур йўналишда ривожлантириш мақсадида уларга таъсир ўтказишга мажбурдир.

Бозор тизими соф ҳолида умуммиллий муаммоларни ҳал этишга ҳамда жамиятнинг ижтимоий соҳалардаги - мудофаа ва давлат бошқаруви, жамоат тартибини сақлаш, ягона энергетика тизимининг ишлаб туришини таъминлаш, фундаментал фанларни ривожлантириш соҳаларидаги эҳтиёжларини кондиришга қодир эмас. Бу вазифалар давлат зиммасида бўлиши лозим.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрин тутди. Соқлом атроф-муҳит шароитида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун кўп жиҳатдан давлат масъулдир. Давлат қайта тақсимлаш жараёнларида фаол иштирок эта бошлагунга қадар эркин бозор иқтисодиёти ҳамиша

ижтимоий кескинликни келтириб чиқараверган.

Давлат бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради. Бунда бозор институтларининг шаклланиш жараёни ракобат қонунлари таъсири остида ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ йўналишда амалга ошиши лозим.

Вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмалари қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашиш - давлатнинг бурчидир. Бундан ташқари, давлат ўз органлари орқали бозор механизмларини жорий қилишга даъват этади, таркиб топган руҳиятни ва тўрачилик тўсиқларини бузиб ташлайди.

Аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширишда давлатнинг аҳамияти айниқса катта. Бу халқ хўжалигининг устун тармоқларига сармояларни жалб этиш учун имтиёзли шароит яратишгина эмас, шу билан бирга марказлаштирилган манбаларни янги истиқболли корхоналар қурилишига бевосита сарфлашдан ҳам иборатдир.

Давлат иқтисодиётнинг бевосита давлат сектори орқали ҳам ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказди. Келгусида давлат секторининг улуши анча камаяди. Халқ хўжалигининг энг асосий ва стратегик аҳамиятга молик тармоқлари, яъни ёқилҚи, нефть ва газ саноати, электроэнергетика, йўллар, темирйўл, ҳаво ва қувур транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти тизими, ирригация иншоотларини қуриш ва фойдаланиш, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боқлиқ бўлган корхоналаргина давлат тасарруфида қолади. Шунингдек, давлат уларда ишлаб чиқаришни акциялашда иштирок этади.

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш, одатда, иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантиришни бошқариш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади.

Давлат бевосита ва билвосита таъсир ўтказиш воситаларини ишга солиш йўли билан иқтисодий жараённи яхлит хўжалик тизимини шакллантириш манфаатларига мос келадиган стратегия ўзанига йўналтиради. Давлат коллектив ишбилармон ва ишлаб

чиқаришни тартибга солувчи тарзида иш тутади. Кўп сармоя ва замонавий технологияларни талаб қиладиган энг муҳим лойиҳаларни танлаб олиш, тарқоқ ҳолдаги минтақа ва тармоқлараро алоқаларни бирлаштириш учун замин яратади.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум бўлган воситалар - молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва билвосита таъсир ўтказишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Монополияга қарши сиёсатни юритиш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг ҳал қилувчи масалаларидан биридир. Тавсиявий режалаштириш ҳам давлатнинг бозор муносабатлари шакллариغا мос бўлган умумиқтисодиётни тартибга солишга хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларда бундай режалаштиришдан кенг фойдаланилади. У юқоридан бериладиган кўрсатмага мувофиқ режалаштиришдан тубдан фарқ қилади, асосан йўналтирувчи ва тавсия тусида, аниқ мақсадга қаратилган дастурларни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Айни шундай усул билан маданий-маърифий бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин бўлади.

## V

### **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ - ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИНГ НЕГИЗИ**

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг таърифидан кўриниб турганидек, бундай иқтисодиёт тоталитар тузум заминида вужудга кела олмайди, чунки уларда ҳеч қандай умумийлик йўқ. Бир вақтда социалистик йўлдан борган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги фарқли хусусиятлари, бу жараённинг мураккаблиги ҳам айни шундадир. Жаҳонда бунга ўхшаш воқеалар бўлган эмас. Бу тарихий босқични ҳар бир мамлакат ўзига хос бўлган йўлдан босиб ўтиши, шу тарих тажриба орттира бориши керак.

Марказдан режалаштириладиган иқтисодиёт билан бозор иқтисодиёти икки яхлит, ички жиҳатдан мантиқий тузилган ва шу

сабабли бир-бири билан мутлақо келиша олмайдиган икки хўжалик тизимидир. Шу жиҳатдан олганда режалаштириладиган иқтисодиётни бирданига бозор иқтисодиётига айлантириб бўлмайди. Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш - бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишидир. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишидир. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра у бир вақтнинг ўзида бўладиган тadbир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ даврни талаб қилади.

Бир тизимдан иккинчисига ўтишнинг аста-секин, эволюцион равишда бўлиши муҳимдир. Иқтисодий ислохотлар мамлакатни мақсад сари аста-секин, қадам-бақадам илгарилатиб бориши, бозор муносабатларининг айрим жиҳатларини ва умуман бутун тизимини шакллантириши лозим.

Фақат фармонлар ва фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узоқ тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишнигина эмас, шу билан бирга қадриятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутати.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун қонунларни қабул қилиш, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Бу қонунларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган чинакам воситалар зарур. Бу воситалар бирданига амал қилиб кетмайди, улар аста-секин такомиллашиб боради ва изга тушади. Бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан юз бериши мумкин эмас. Ҳар қандай инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради.

Бунга Шарқий Европа танлаган йўл орқали бозор томон ҳаракат қилиш мисол бўла олади. Бу йўлда, Халқаро валюта фондининг маслаҳатларига амал қилиб, нарх-навога тезроқ эркин тус беришга,

солиқ, кредит ва валюта сиёсатининг чекланган чоралари воситасида молия-пул барқарорлигига эришишга зўр берилди. "Фалаж қилиб даволаш" ("шок терапияси") усулидан фойдаланиш иқтисодиётни тоталитар тузумдан бирданига ажратиб олиш, пул-молиявий усулларни бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос тезлаткичига айлантиришни мақсад қилиб кўйган эди.

Бироқ бундай ёндашувнинг ижтимоий оқибати жуда оғир бўлди. Югославияда иқтисодий ислохотнинг амалга оширилиши (А. Маркович режаси) асосий иқтисодий кўрсаткичларни кескин равишда пасайтирибгина қолмай (1991 йилда саноат ишлаб чиқариши 20 фоиз, сармоя сарфлаш 17 фоиз камайди), федерациянинг парчаланишига, миллатлараро-этник гуруҳлар ўртасида можароларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Чехословакияда ислохотнинг "фалаж қилиб даволаш" нусхаси (В. Клаус режаси) ҳам ишлаб чиқариш таназзулига ҳамда сармоя сарфлашнинг тўхтаб қолишига, мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келди.

Бу усул Руминия ва Болгарияда пул кадрсизланишининг кучайишига, ташқи иқтисодий ва ички қарзларнинг кўпайишига, ишсизликка ва ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига олиб келди. "Фалаж қилиб даволаш" усулини (Л. Бальцерович режасини) Қарб мамлакатлари ва халқаро молия ташкилотларининг фаол кўмаги билан бошқа мамлакатларга нисбатан изчилроқ амалга оширган Польшада иқтисодиёт таркибида, айниқса қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг улуши кўплигига қарамай, бу йўл пулнинг ҳаддан ташқари кадрсизланишига, аслида мамлакат саноатининг барбод бўлишига, ташқи қарзнинг ниҳоятда ошиб кетишига олиб келди.

Республикада ҳақиқатан вужудга келган иқтисодий вазият, оилалар аксарият кўпчилигининг турмуш даражаси пастлиги Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтишда "фалаж қилиб даволаш" усулининг маъқул эмаслигини кўрсатади. Бу усул амалда аҳоли учун "даволамай фалаж қилиш"га айланади, яъни мавжуд барча тузилмалар, нормалар, алоқаларнинг тезда барбод бўлишига, бошқача қилиб айтганда, тўла вайрон бўлишига олиб келади.

Халқимизда "янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг - бошпанасиз қоласиз", деган нақл бор. Унда республика аҳолисининг

руҳияти тўла акс этган. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш андозасига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш асос қилиб олинган. Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгартиришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароитни яратиб, шундан кейингина янги босқичга ўтилади. Ҳар бир босқичда унинг ўзига хос устуворликлари шаклланади, уларни таъминлаш воситалари такомиллашади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга, ташқи омилларнинг нечоғлик қулайлигига, аҳолининг фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

Ташкилий, иқтисодий, молиявий-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозорнинг инфраструктурасини барпо этиш, ходимларни тайёрлаш учун вақт керак. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва қайта жиҳозлаш учун талаб қилинадиган технологик вақт омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ниҳоят, талаб ва таклифнинг мутаносиблигига асосланган қонунлар амал қила бошлагунга қадар эски тасаввурлар ва нормаларни ўзгартириш учун ҳам вақт керак бўлади.

Кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қоидаларни ўзгартириш жуда муҳимдир. Ҳар бир босқичда кишиларнинг тафаккурини ўзгартиришларни қабул қилишга тайёрлаб, уларни амалий ишлар билан янги тузумнинг афзаллигига ишонтириб, бошқа мамлакатларда юз йиллар давомида барпо этилган кадриятларга эришиш мумкин.

Зарур шарт-шароитларни яратмай туриб, одамларни уларнинг турмуш шароитидаги катта ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларини сунъий равишда тикиштириш ва тезлаштириш кутилган натижани бериши у ёқда турсин, бозор иқтисодиётини куриш ғоясининг ўзини ҳам бадном қилиб қўйиши мумкин.

Шу билан бир вақтда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сусткашлик қилиш, тегишли қарорларни вақтида қабул қилмаслик иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги шундоқ ҳам қийин

аҳволни янада оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади. Шу сабабли энг асосий вазифа - ижтимоий ларзаларсиз, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўймаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўта боришдан иборат.

## VI ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан фарқ қилади. Бозор муносабатларининг бутун механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустаҳкамланадиган бозор шарт-шароитлари доирасидагина амалга оширилади.

Бозор муносабатлари - ўзини ўзи бошқарадиган тизимдир. У қайтма алоқага асосланган ҳамда бошбошдоқликка ва ҳаддан ошишларга, бозор ғоясининг ўзини обрўсизлантиришга йўл қўймайдиган муайян қоидаларга бўйсунади. Бозор қоидалари минг йиллар мобайнида яратилгандир. Улар тараққий этган барча мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигига ва суд амалиётига асос бўлган.

Турли мамлакатлар қонунчилигида қабул қилинган ҳуқуқий шакллар, восита ва услублар хилма-хил бўлгани ҳолда, бозор муносабатлари ривожланиши билан боғлиқ равишда қонун ва юридик амалиётга муттасил ўзгартиришлар киритилгани ҳолда умумий қоидалар ўзгаришсиз қолади, чунки бозор талаблари объектив равишда шуни такозо этади.

Жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилишнинг асосий шарти сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ

яқинлашишга интиланган ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олинishi керак. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш - бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

Бозор механизмига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш - бу узоқ давом этадиган, мураккаб ва муттасил такомиллаштириб бориладиган жараёндир. Аслида янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқишга тўғри келади. Унинг ўзагини Асосий Қонун - республика Конституцияси ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб боровчи қонунларнинг етуқлиги ва барқарорлиги, уларни амалга оширишнинг пухта механизми мавжуд бўлиши - бу иқтисодий ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришнинг зарур шартидир. Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун, белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади.

Ўзирги вақтда иқтисодий муносабатларни ислох қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қатор асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, қонунларнинг бутун бир тўплами ҳам қабул қилинди, жумладан уларнинг асосийлари мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлардир. Мазкур қонун ҳужжатларида мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги, мулк эгаси



ҳуқуқининг кафолати ва ҳимояланганлиги, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда ҳўжалик юритувчи субъектларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми, ташки иқтисодий фаолиятни ташкил этиш принциплари ва тизими каби нормалар ўз аксини топган.

Бозорни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий таъминланишини мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунларни, уларни қўлланиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муттасил тўлдириб бориш, бозор муносабатларининг фаолият соҳасини кенгайтирувчи ва уларни мустаҳкамловчи янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак.

Бозорнинг муайян тизимга солиниши уни шу тариқа ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Қабул қилинадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмининг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишга кўмаклашиши керак. Ушбу вазифаларни бажаришда товар-бозор муносабатларининг юридик асоси алоҳида олинган иқтисодий қонунлар ёки ҳаттоки уларнинг йиғиндиси эмас, балки умуман бозор ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Бозор қонунлари тўпламининг барча таркибий қисмлари ўзаро боғланган бўлиши ҳамда хусусий ҳуқуқ нормаларига таянувчи бозор муносабатларининг бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички уйқунлигини таъминлашга хизмат қилувчи фуқаролик кодекси асосида қурилган бўлиши керак.

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва кейинчалик кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашга қабул қилиш танлов асосида бўлишини, билимдон экспертлар, шу жумладан, халқаро экспертлар уларни кўриб чиқишини, оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилишни қоида тусига киритиш керак.

Шу билан бирга қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериш зарур. Бунинг учун қонунлар пишиқ-пухта бўлиши, яъни масала ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқномалар билан

чеклаб қўйилганда сансалорликни имкони борича камайтириши керак. Ижроия органлари қонунларга қўшимча эмас, балки бу қонунларнинг ижросига оид ҳужжатларни қабул қилишлари керак.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларига қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.

Шу сабабли қонунга бўйсунуш бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатдир.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий фаолиятнинг, тадбиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланган эркинлиги, мулкчиликнинг барча шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантанасининг энг муҳим омилидир.

Қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ўеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан

чукур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

## VII КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ - ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида катъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас. Барча ислохотлар - иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Шу сабабли жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислохот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий кадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас. Давлатнинг фаол ислохотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради.

Ўз навбатида, аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислохотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Бошланган покланиш жараёнини тоталитар режим, одамларни маъмурий ва мафкуравий жиҳатдан қул қилиш сари буриб юборишга йўл қўймайдиган ижтимоий таянч

бўлади. Шу боисдан бозор муносабатларини жорий этишдан аввал одамларни олдиндан кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилиши керак.

Швеция, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси одамлар ижтимоий ҳимояланган ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан воситаси мавжуд бўлган тақдирдагина бозор иқтисодиёти сари жадал ҳаракатни таъминлаш, таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш ва, айти пайтда, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштириш даврида фаол ижтимоий сиёсатни кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторига қўйиш бир қанча омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жуда ноқулай ижтимоий шароитда бошланди. Ўзбекистон бошқа мустақил республикалардан фарқли равишда, туб иқтисодий ислохотларни аҳолининг турмуш даражаси жуда паст бўлган шароитда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Республика аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳақиқий даромад, ўртача ойлик иш ҳақи ва пенсиялар миқдори жиҳатидан, озиқ-овқат маҳсулотлари, ашёвий буюмлар билан таъминланиш, пулли хизмат, уй-жой майдони, ижтимоий-маданий муассасалар тармоғи жиҳатидан энг сўнгги ўринлардан бирида эди. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги қашшоқликда кун кечириётган эди. Аҳолининг демографик таркиби боқимандаларнинг сони кўп бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди. Республика аҳолисининг деярли тўртдан уч қисми ўзининг энг зарурий эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир эмасди, давлатнинг мададига муҳтож эди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда ислохот йўлидаги ҳар бир қадамни аҳоли қандай кутиб олишини назарда тутишни, зарур ҳолларда эса, ана шундай қадамни қўйишдан олдин, аҳолининг қашшоқ табақаларини ҳамда маълум миқдорда даромад оладиган шахсларни олдиндан ҳимоялаш юзасидан самарали чора-гадбирлар

кўришни талаб қилар эди. Бундай шароитда кучли ижтимоий кафолатни вужудга келтирмай туриб ўтказилган ислоҳот барбод бўлиши муқаррар эди.

Иккинчидан, олдинги тақсимлаш тизими муносабатларининг барча иллатларини одамларга сингиб кетган бир текисчилик психологиясини таг-томири билан тугатиш қатъий заруратдир. Собик республикалардаги ислоҳотларнинг мураккаблиги шундаки, одамларда бир неча авлод давомида тарбияланган меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартириш қийин. Ўз вақтида одамларнинг онгига зўр бериб сингдирилган ақидаларга мос маълум тафаккур вужудга келган ва уларни тугатиш ниҳоятда мушкулдир.

Инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши, у ўзини кичкина одам, унинг учун ҳамма муаммони давлат ҳал қилади, деб ҳисоблаши - ўтмишдан қолган асосий меросдир. Бизда одамлар шундай тарбияланган, бу уларнинг айби эмас, ҳамма иллат шундаки, одамларимиз улар учун кимлардир ўйлайди, деб ҳисоблашади. Давлат ва ҳукумат, корхона ва хўжалик бор экан, улар ҳаммасини ўйлайди ва бизни кулфатда қолдирмайди, деб ҳисоблайдилар. Пировард натижада шундай муносабат вужудга келдики, меҳнат омиллари мутлақ йўқ бўлиб кетиб, инсон табиатидаги улкан салоҳият барҳам топади. Энг ачинарлиси шундаки, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, самарали ва натижадор меҳнати билан муносиб турмуш шароитини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етиш амримаҳол бўлиб қолди. Бундай шароитда одамлар ўз имкониятини ишга солмайди, балки юлғичлик, меҳнатсиз даромад олиш, ижтимоий тўловлардан текинга фойдаланиш ҳисобига яхши турмушни таъминлашнинг номақбул йўллари топишга уринади. Бир текисчилик юз бераётганини ва ўз меҳнати муносиб баҳоланмаганини кўрган одам эса ранжийди, унинг тафаккури ўзгаради.

Ўтмишдан қолган мероснинг нуқсони яна шундаки, давлат бой бўлса оила ҳам, ҳар бир инсон ҳам бадавлат бўлса бўлади-ю, бироқ бунинг акси бўлмайди, деб ҳисоблаб келинган. Бундай шароитда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг самарадор бўлишига умид қилиш қийин эди. Бундай дунёқарашнинг энг ачинарли томони шундаки,

давлатимиз бой - бизни оч қолдирмайди, деган гаплар ҳаётимизга сингиб кетган эди.

Учинчидан, замонавий бозор муносабатларининг табиати иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришни тақозо этади. Чунки бозор муносабатлари бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдириш орқали ҳар бир кишининг ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Ижтимоий йўналишдаги ўз бозор иқтисодиётимиз йўлини вужудга келтириш ижтимоий ҳимоялашнинг шунга мос келадиган яхлит тизимини барпо этишни талаб қилади. Бу тизим фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим.

Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгара боради. Ислохотнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидалари мос келади.

Масалан, бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг дастлабки босқичида улгуржи ва чакана нархларнинг анчагина қисми эркин тус олади. Бундай шароитда пулнинг қадрсизланиши кучаяди, иқтисодиёт бир текис ишлай олмайди. Бу даврга асосий вазифаси бутун аҳолининг ҳаётини таъминлайдиган амалдаги тизимни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашдан, аҳолининг моддий аҳволи кескин ёмонлашиб, оммавий равишда қашшоқлашишига, умумий ишсизликка йўл қўймасликдан иборат бўлган ижтимоий сиёсат мос келади.

Бу босқичда ижтимоий ҳимоялаш чоралари асосан товон тўлаш вазифасини бажарди. Асосий эътибор ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси пасайишига йўл қўймасликка, керакли ашёвий молларнинг камайтирилмаслигига, уларни бемалол харид қилиш кафолатини вужудга келтиришга, валютанинг кўп кириб келиши натижасида ички бозорнинг барбод бўлишига йўл қўймасликка, аҳолининг даромадлари ва нарх-наво даражасини бошқа мустақил республикалардаги даражага босқичма-босқич тенглаштириб боришни таъминлашга қаратилди.

Аҳолининг энг кам даромадли табақаларига - ногиронларга,

нафақадорларга, кўп болали ва камбағал оилаларга, ўқувчи ёшларга, яъни энг қийин аҳволга тушиб қолган одамларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлди. Шу мақсадда аҳолининг мазкур тоифалари учун кундалик зарур молларни сотиб олишда, коммунал ва транспорт хизматига ҳақ тўлашда кўшимча имтиёзлар жорий этилди. Пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори анча оширилди. Ҳозир республикада 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тизими амал қилмоқда. Икки ёшгача бўлган гўдақлар ҳамда камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларнинг бепул овқатланиши ташкил этилди. Умумий таълим мактабларида бошланқич синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта берилди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар тушлик овқати қийматининг 50 фоизи чегириб ташланди.

Нарх-навонинг ўсиши муносабати билан иш ҳақининг миқдорини қайта кўриб чиқишни ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари қаторига киритиш зарур. 1991 йилдан бошлаб иш ҳақини ошириш тўғрисида еттига ҳужжат қабул қилинди. Шу мақсадларга ярим триллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 1993 йилнинг январидан бошлаб республикада барча ходимлар учун ягона тариф жадвали жорий этилди. Бу эса жами ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиб, турли касбдаги ва тоифадаги ходимлар иш ҳақи фарқларида ҳолисона нисбатни вужудга келтирибгина қолмай, шу билан бирга меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдордаги иш ҳақи билан қатъий боғлашга имкон берди. Мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарда иш ҳақининг энг кам миқдорини пулнинг кадрсиэланниши даражасига қараб қайта кўриб чиқиш орқали ҳамма тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи мунтазам оширилмоқда. Ягона тариф жадвали жорий этилгач, аҳолининг ижтимоий кафолатлари, аввало меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолати даражаси мустаҳкамланади.

Республика четдан сотиб оладиган ва бунинг учун бюджетдан маблағ ажратиладиган энг муҳим озиқ-овқат турларини белгиланган миқдорда сотишнинг жорий этилиши, шунингдек, бошқа молларни купонлар, чекларга сотиш жорий этилиб, нисбатан арзон молларнинг республикадан ташқарига олиб кетилиши имкониятининг чеклаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Вақтинча иш билан таъминланмаган шахсларга ижтимоий мадад беришга катта эътибор қаратилди. Иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ ишсизларга махсус нафақа тўланди, уларни қайта ўқитиш ва янги касбларга ўргатиш ташкил этилди. Ҳозир меҳнат бозорини тартибга солишнинг республика тизимини барпо этиш асосан тугалланди. Давлат иш билан таъминлаш хизмати ташкил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қўмаклашувчи жамғарма барпо этилди. Шаҳарларда ва туманларда 220 та меҳнат биржаси ишлаб турибди.

Бюджетдаги камомадга қарамай, ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари бўлиши соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва маданиятнинг моддий базасини қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш чоралари кўрилмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий сиёсат ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла-тўқис бажарди. Республикада эркин нархга ўтиш амалда тугалланди ва бу ўтиш аҳоли учун "шок терапияси"га нисбатан камроқ ижтимоий ларзалар билан кечди. Ҳозирги вақтда республика аҳолиси ижтимоий жиҳатдан ишончли равишда ҳимоя қилинган бўлиб, даромадлар миқдори, асосий истеъмол неъматлари ва хизматлардан фойдаланиш даражаси жиҳатидан бошқа республикаларга анча тенглашиб қолди, баъзи жиҳатлардан эса ўзиб ҳам кетди. Ўзбекистонда иш ҳақининг ва пенсияларнинг энг кам миқдори бошқа республикаларга нисбатан энг юқори даражалардан бирида турибди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич, яъни ижтимоий ҳимоялаш воситасини чуқурлаштириш, уни ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириш зарурати чинакам этилди. Ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари бутун аҳолига эмас, балки фақат шундай ҳимояга ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлганларга нисбатан қўлланилиши лозим. Бутун тизими бир текисчилик ва тайёрга айёрлик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши керак. Бу нарса ижтимоий ҳимоянинг мавжуд усуллари, уларни молиявий таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражаси ишончли



равишда ҳимоя қилинган, турли хил ағдар-тўнтарлар ва ларзалар таъсиридан кафолатланган бўлиши лозим.

Ижтимоий сиёсат ва уни рўёбга чиқариш чора-тадбирлари умуман иқтисодий ислохотлар билан шунчаки қўшиб олиб борилмасдан, балки уларнинг узвий таркибий қисми бўлиши ҳам керак. Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд имкониятлар ва стратегик мақсадларни эътиборга олган ҳолда, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ягона тизимини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Энг аввало, бундан буён аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қолаверса, умуман одамларнинг фаровонлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар амалга ошириладиган манбалар масаласини яхшилаб ўйлаб кўриш зарур. Ижтимоий ҳимояда қатнашувчи асосий субъектларнинг мавқеини тубдан ўзгартириш талаб қилинади. Аслини олганда, сўнгги вақтгача давлат ижтимоий муҳофазанинг асосий субъекти бўлиб келди. У даромадларнинг бир қисмини марказлаштирилган тартибда ижтимоий эҳтиёжлар учун қайта тақсимлар эди. Бозор муносабатларига ўта борилгани, меҳнаткашларнинг ўзларига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўпроқ иқтисодий эркинликлар берила борилгани сари давлат ижтимоий муҳофазага оид ваколатларни муқобил тузилмаларга топшириши лозим.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларининг ("Наврўз", "Маҳалла", "Меҳр-шафқат" ҳамда бошқа хайрия жамғармаларининг) маблағлари фаол ишга солинмоғи керак. Ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг ҳам, жамоат ташкилотларининг, турли хайрия жамғармаларининг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Бунинг маъноси шуки, пенсия таъминоти, талабаларга, кўп болали ва муҳтож оилаларга ҳақ тўлаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситасида ва давлат кафолати йўли билан ҳам, шунингдек, турли хайрия жамғармалари, корхоналар, ташкилотлар ва

хўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам қўллаб-қувватланиши мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг психологиясини ўзгартириш жуда муҳимдир. У ижтимоий ҳимоялашнинг пассив объектдан, давлатнинг моддий ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчидан ўз тақдирининг фаол соҳибига, ўзининг ижтимоий фаровонлиги учун масъул бўлган шахсга айланиши лозим. Аҳолининг меҳнат фаолиятини кучайтириш ҳисобига унинг якка тартибда ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари тўла ишга солиниши керак.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг янги босқичида қуйидагилар ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Биринчидан, фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, касб-корни ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёқатли кишининг ўзи меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш ҳуқуқидан фойдалана бориб, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги учун, соғлом авлодни камол топтириш учун жавобгар бўлиши керак. Ижтимоий сиёсат, уни рўёбга чиқариш воситалари одамларнинг меҳнатдаги фаоллиги ва тадбиркорлигини ошириш учун шарт-шароит вужудга келтиришга қаратилмоғи лозим.

Иккинчидан, ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўзлаган ва ўз эгасига йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш - ижтимоий муҳофаза янги тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим.

Бу борада, аввало, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларига дотация беришдан воз кечиш талаб этилади. Мавжуд тизимда давлат бюджетдан ажратаётган жуда катта маблағлар унга ҳаммадан кўра кўпроқ муҳтож бўлганларгагина етиб бормасдан, балки бутун аҳоли ўртасида тарқалиб кетмоқда. Бу ҳолда ижтимоий ҳимоялаш тадбирининг самараси кўзга кўринмай қолади.

Ўзир нархларга бериладиган дотация ҳаммага баробар бўлиб, улар аҳолининг муайян қатламларига қаратилмаган, меҳнат натижалари билан боғланмаган, ялпи хайрия тусидадир. Бундай дотациялар бюджетга оғир юк бўлиб тушмоқда. Нархларга

бериладиган дотация иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг фаолиятини рағбатлантирмаслиги эътиборга олинса, дотация аҳолининг унга ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган аниқ қатламга ижтимоий ёрдам тариқасида берилиши керак.

Маданий-маърифий мамлакатларда аҳолининг баъзи табақаларини ижтимоий ҳимоялаш бошқача йўл билан амалга оширилади. Бу мамлакатларда нарх-наво асосан тутиб турилмайди, назорат қилинмайди, балки эркин қилиб қўйилади. Муҳтожлар эса ёрдам оладилар. Шу сабабли, дотацияга ажратилаётган маблағлар муҳтожларнинг ўзига ёрдам тарзида берилиши лозим.

Келгусида биз босқичма-босқич эркин нархларга ўтамиз. Бунда ҳар бир кам таъминланган оиллага коммунал хизмат ҳақини тўлаш, товар сотиб олиш учун ёрдам бериб борилади.

Учинчидан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш аввалгидек ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади, бироқ у маълум йўналишдаги сиёсат тусини олиши лозим.

Тўртинчидан, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолига келганда шуни айтиш керакки, унинг учун давлат меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш ҳисобига бу табақанинг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Ходимлар бир текисчиликни келтириб чиқарадиган идора қоидаси бўйича эмас, балки меҳнатига қараб тақдирланиши лозим. Меҳнаткаш ўз малакасига, ишининг сифатига яраша маош олиши керак. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш зарур. Меҳнатдан манфаатдорликни кучайтириш, меҳнат ҳақи, уни табақалаштириш даражаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ўстириш билан чамбарчас боғлиқлиги масалаларини юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш зарур. Рублнинг харид қуввати ва қадри тушиб кетаётганлиги сабабли шу вақтга қадар ушбу муаммони ҳал этиш мушкул эди. Молиявий аҳвол барқарорлашган шароитдагина уни ҳал қилиш мумкин.

Дотация эмас, балки эркин ҳаракат қилиш имкониятини бериш пайти келди. Ҳар бир корхона мустақил хўжалик фаолияти

натижасида ўз ходимларига меҳнатга яраша ҳақ тўлаш имкониятини топиши лозим.

Бешинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Меҳнат бозори меҳнат ресурсларини ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни шакллантириш асосида, хўжалик юритиш соҳалари ва тармоқлари, машқулот турлари ва шакллари бўйича аниқ мақсадни кўзлаб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси вазифасини бажариши лозим. Одамларнинг бир қисми ишсиз қолса, қашшоқлар кўпайиб кетади, деган нотўғри тасаввурдан халос бўлиш пайти келди. Меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади.

Кишиларнинг бир қисмини моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги, айниқса, яширин ишсизлик мавжуд бўлган, меҳнат фаоллигини намоён қилиш имконини бермаётган қишлоқ хўжалигидаги ишдан озод қилиш зарур. Бизда хизмат кўрсатиш соҳаси амалда ривожланмаган, бу соҳа барча эркин меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин.

Олтинчидан, бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа - соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек илм-фан айниқса мушкул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда маблағни тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи кишиларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш талаб қилинади.

Биз, янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайлик, деганимизда барпо этилаётган янги жамият учун эски тизимнинг фойдали

жиҳатларини сақлаб қолиш зарурлигини назарда тутамиз. Жумладан, бу гап ижтимоий соҳамизга тааллуқлидир. Соғлиқни сақлаш, маданият, маориф соҳаларимизда ҳам ғоят катта ижобий тажриба тўпланган. Бошқа мамлакатлар учун намуна бўла оладиган ютуқларимиз бор. Мана шу ютуқлардан воз кечишнинг, ташқаридан киритилган ижтимоий андозаларни кўр-кўрона кўчиришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Бутун ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ижтимоий тармоқлар мажмуи ходимларининг касб маҳоратини ҳамда меҳнати самарадорлигини ошириш учун қудратли иқтисодий омилларни вужудга келтириш ва шу асосда аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлашни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур эканлиги шубҳасиздир.

Ижтимоий хизматни ташкил этишнинг бутун дунёда қабул қилинган икки бўғинли тизимига ўтиш зарур, бу тизим пул билан аралаш тарзда таъминлашга асосланади. Бундай тизимда давлат ҳар бир кишига белгиланган энг оз миқдор доирасида малакали ижтимоий хизмат кўрсатиш таъминланишини кафолатлайди. Кўшимча хизматлардан эса фуқаролар ўз маблағлари - даромадлари, жамғармалари, суғурта тўловлари ва аниқ мақсадга қаратилган давлат қарзлари ҳисобига фойдаланишлари лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотнинг асосий йўналишлари фуқароларга бепул давлат тиббий хизмати кўрсатишнинг ва шошилиш ёрдам беришнинг кафолатланган минимумини сақлаб қолган ҳолда фуқароларни тиббий суғурта қилишни жорий этиш ва тиббий муассасалар ишини бюджет-суғурта принципига ўтказиш билан боғлиқ бўлиши керак.

Таълим соҳасида ўтиш даврида умумий ва касб таълими сифатининг давлат стандартини, таълим соҳасида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, улардан кимлар фойдаланишини аниқ белгилаш, давлатдан ташқари таълим тузилмаларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда.

Илмий ва маданий соҳадаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш, кўпайтириш мақсадида бундан буён ҳам фундаментал фаннинг, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-

техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, ақлий ва ижодий меҳнат ходимларининг обрўйини оширишга давлат томонидан зарур маблағлар ажратилаверади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг бошқа принципларини амалга ошириш ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш дастурларини рўёбга чиқаришга батамом боғлиқдир. Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгартиришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйқунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мумкин. Пировард мақсад эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллионлаб оилаларнинг муносиб турмуш кечириши учун шароит вужудга келтиришдан иборатдир. Айни мана шу нарса оқибат натижада давлатнинг қудрати ва бойлигини, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

## VIII ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ - ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЯҚИНЛАШУВ ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти андозасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш муҳим ўрин тутади.

Эндиликда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Республикани жаҳондаги 150 га яқин мамлакат тан олди, 60 давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказмоқда. Қуйидаги принциплар унга асос қилиб олинган:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи муносабатларда ошкоралик;
- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро

манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; республика бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги даркор;

- тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

- умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш.

Республика ташқи сиёсатининг ошқоралиги принципини амалга ошириш барча тинчликсевар давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради. Мафкуравий омиллардан қатъи назар, мана шу принципга риоя қилинса, қисқа муддатлар ичида зурур бўлган жуда кенг ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, ташқи дунёдан юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолиш оқибатларидан халос бўлиш имконияти очилади.

Шундай бир Қайритабийй вазият вужудга келиб қолган эдики, республика умуман "очиқ" иқтисодиётга эга бўла туриб, етиштирилган маҳсулотнинг 30 фоизига яқини ташқарига олиб чиқиб кетилишига, истеъмол қилинадиган молларнинг 65 фоизи четдан олиб келинишига қарамай, амалда ёпиқ мамлакат бўлиб қолаверди. У жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқа олмасди ва унинг барча ташқи алоқалари собиқ Иттифоқ ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши чегараларидан нарига ўтмасди. Масалан, Ўзбекистон ташқи савдо муносабатларининг 83 фоизидан зиёдроғи Иттифоқ республикалари билан савдо-сотик ҳиссасига тўғри келар эди. Бунда республиканинг экспорт бойлиги (пахта, олтин, рангли металллар, газ ва бошқалар)дан Марказ аёвсиз ва текин фойдаланиб келди.

Бутун ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишни тубдан ислоҳ қилиш зарур. Умуман бу фаолият жиддий равишда эркинлаштирилиши, яна ҳам очикроқ бўлиши, аммо Ўзбекистоннинг манфаатларига зиён етказмаслиги керак. Бутун ташқи иқтисодий сиёсат республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеларини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга, қулай инвестиция муҳитини вужудга келтиришга қаратилиши лозим. Бунинг учун республикада зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари туташган чорраҳада жойлашганлиги тарихнинг инъомидир. Бу ҳол Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини ўрнатишни энг яқин ва олис истиқболда бутун ташқи иқтисодий фаолиятнинг бош йўли сифатида олға суриш имконини беради. Унинг доирасида моллар, технологиялар, сармоялар, маданий кадриятларнинг ҳаракати ва уларни айирбошлаш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирилиши мумкин.

Ўзбекистон ривожланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолмоқда. Қисқа вақт ичида республика Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр-алоқа уюшмаси, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотларга қабул қилинди. Республиканинг ЮНЕСКОга, Атом энергиясини назорат қилиш халқаро ташкилотига, Савдо ва тарификация бўйича бош уюшма (ГАТТ)га ҳамда бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кириши учун фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига асос бўлиб хизмат қилади, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига бирлашиши учун янги истиқболлар очади. Кучларни ва шерик бўлган мамлакатларнинг ресурсларини сафарбар этган ҳолда мана шу иштирок бир қанча жуда катта миллатлараро лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш, минтақалараро муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Жумладан, Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг имкониятларини анча чеклаб қўяди. Шу боисдан халқаро алоқаларни бундан буён ривожлантириш учун ташқи ҳаво кўприklarини йўлга қўйиш билан бир қаторда республиканинг давлатлараро автомобиль ва темир йўл



магистраллари қурилишида иштирок этиши жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ана шу магистраллар Ўинд ва Тинч океанларидаги, Қора денгиз ва Ўрта денгиздаги, Форс кўрфазидаги катта портларга чиқишни таъминлайди.

Телекоммуникация алоқаларини ривожлантириш, компьютер ва йўлдош алоқаси воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш, шунингдек, маданият ва маънавий турмуш соҳаларида ўзаро яқин мулоқотлар ҳам кўп жиҳатдан ташқи алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келтирмасдан, молия, банк-кредит ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ишда, шунингдек, мазкур муассасалар учун мутахассислар тайёрлашда, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашда энг йирик халқаро ташкилотлар ва банклар томонидан бериладиган техникавий ёрдам катта аҳамиятга эгадир.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади.

Биринчидан, республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати етилди.

Экспорт таркибини хом ашё бойликларидан то Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган шакллар: қайта ишланган тайёр деҳқончилик маҳсулотлари, енгил саноат ва илм-фанга асосланган тармоқлар буюмларини экспортга чиқаришга қадар кенгайтириш лозим бўлади. Фақат хом ашёни экспорт қилиш тартибини сақлаб қолиш республика учун мақбул эмас. Пахтани республикада тўқимачилик ва енгил саноатни қудратли даражада ривожлантириш учун зарур бўлган пайтгача ва айнан зарур миқдорда экспорт қилиш лозим. Пахта билан эмас, балки барча тараққий этган мамлакатлар сингари тайёр маҳсулот билан савдо қилиш зарур.

Республика ичкарисадагина эмас, балки аввало, жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш асосий вазифа бўлмоғи даркор. Маҳсулоти ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон бозорида харидоргир бўлиб, яқин вақт ичида, икки-уч йил мобайнида сарфланган сармоя ўрнини қоплабгина қолмай, балки республикага валюта тушумларининг барқарор манбаи бўлиб хизмат қила оладиган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқлари устувор даражада ривожлантирилиши керак.

Бу масалада икки қоидага амал қилиш зарур. Биринчиси, биронта корхона, биронта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилишини қатъий валюта ҳолида даромад келтириши мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган биронта ҳам корхона бўлмаслиги лозим. Ўшандагина жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғланган очиқ иқтисодиётни барпо этиш мумкин.

Айни пайтда таркибий қайта қуриш, аҳоли ҳаёт таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун республиканинг қатъий валютага бўлган жуда катта талаб-эҳтиёжини эътиборга олганда муайян вақтгача пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, пилла, рангли металллар, карбомид ҳамда бошқа хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар асосий экспорт ресурслари бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, аввало, қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур. Хорижий шериклар билан биргаликда замонавий ихчам корхоналар барпо этиб, уларни меҳнат ресурсларининг манбалари бўлмиш кишлоққа яқинлаштириш лозим. Одатда, уларнинг ҳаммаси илғор технология билан таъминланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Республиканинг ютуғи шунда бўладики, бир неча йилдан кейин республика замонавий технологияга, ўзагини туб миллатлар ташкил қиладиган замонавий ишчилар синфига эга бўлиб қолади. Ўзбекистонда маҳаллий хом ашёдан ўз ишлаб чиқариш базасида

тайёрланган юқори сифатли моллар кўпаяди.

Учинчидан, экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўлланиш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона даражада камайтириш талаб қилинади. Импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган дастур доирасида эътиборни озик-овқат маҳсулотлари ва ресурсларни четдан олиб келиш ўрнига серҳосил экин навлари уруғларини ва уларни етиштириш бўйича саноат технологиясини, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, деҳқончилик маҳсулотларини саноат усулида чуқур қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий ускуналарни, шунингдек фермер (деҳқон) хўжаликлари учун техникани четдан олиб келишга қаратиш зарур. Замонавий технология ускуналарини, илғор технологияни, ишлаб чиқаришни техника билан қайта куруллантириш учун лицензияларни импорт қилишга, шунингдек, ҳаётий муҳим истеъмол моллари, хом ашё ва дори-дармонларни харид қилишга ҳам асосий эътибор берилиши керак.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш. Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида ҳозирдаёқ четдан келтирилаётган товарларнинг кўпгина турларидан олинadиган бож солиғи бекор қилинди. Импорт ва экспортга божхона солиқларининг миқдори анча пасайтирилди. Валюта тушумини тақсимлаш тизими тубдан ўзгартирилди.

Бешинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг қўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сармоядорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Олтинчидан, ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуини - ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш.

Еттинчидан, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисобот соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш. Талабалар, аспирантларнинг, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларнинг чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларда таълим олиши ҳамда малака оширишини ташкил қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Бундан ташқари, республика фуқаролари ва юридик шахсларнинг ақлий мулкани ҳимоя қилиш учун ўзимизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, халқаро битимларга қўшилиш зарур. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификатлаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтиш ниҳоятда зарурдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг мана шу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ бирлашиши учун иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтириш имконини беради.

Маданий-маънавий соҳадаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларнинг халқлари бир-бирларидан нечоғлик кўп хабардор бўлсалар, чет элларда Ўзбекистонни, республикада эса халқаро ҳаётни қанчалик яхшироқ билсалар, республика билан чет эл тадбиркорлари доираларининг вакиллари ўртасидаги мулоқотлар қанчалик фаол бўлса, иқтисодий алоқалар ҳам шу қадар кенг ва самарали бўлади. Жаҳон халқлари ҳар бир мамлакатнинг маданий, маънавий ва диний турмуш воқелиklarини қанчалик яхши англашса, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар шу қадар самарали бўлади.

Чет мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда хорижий сармоя билан

корхоналар барпо этиш, ёшларнинг жаҳондаги илғор ўқув ва илмий марказларда кенг кўламдаги таълимини ташкил қилиш - мана шуларнинг ҳаммаси республикада иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришнинг, жаҳон хўжалик алоқаларига киришнинг, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли муносиб мавқега эришишнинг жуда кучли омилларидир.

## IX ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТНИНГ АСОСИЙ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Объектив воқелик шундайки, республика барча етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бирданига ҳал қилишга қодир эмас. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси иқтисодий ислохотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида бир хил жадаллик билан амалга ошмаслигини кўрсатмоқда. Ресурслар чекланган шароитда ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилишга уриниш ҳеч қандай самара бермайди.

Шу сабабли ислохот йўналишларини белгилаб олиш чоғида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларга асосланиб жамики муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Республикада амалга оширилаётган туб бозор ислохотларимизнинг бутун дастури энг муҳим вазифаларни изчиллик билан ҳал этишга асосланган.

Бозор асосларини вужудга келтириш иқтисодиётни ислох қилишнинг асосий вазифаси бўлиб, улар мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бозор тузилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизимини қайта ташкил этиш, барча даражалардаги бошқарувнинг мутлақо янги тизимини барпо этиш каби энг муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Бу ҳақда юқорида гапириб ўтилди.

Иқтисодий ислохотларнинг бутун занжирида аграр соҳадаги ўзгартиришларга ғоят катта аҳамият берилмоқда. Бу эса аҳолининг аксарияти қишлоқда яшashi, иқтисодиётнинг аграр-саноат тарзида эканлиги ҳамда ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни билан боғлиқ. Ҳозир иқтисодиётнинг айни аграр соҳаси катта имкониятларга эга. Бу имкониятлардан

фойдаланиб, аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, республика қишлоқ аҳолисининг турмушини фаровон қилиш ҳам мумкин.

Қишлоқ - миллий даромаднинг жуда муҳим манбаи, валюта асосан қишлоқ хўжалиги ҳисобига олинади. Лекин энг муҳими - қишлоқ иқтисодиётда ва ижтимоий турмушда, бинобарин сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин орқали бутун республика фаровонлик ва тўкин-сочинликка эришади. Дехқон бадавлат бўлса, бутун республика бадавлат бўлади. Ҳозир биз ҳаммамиз қишлоқ ҳисобидан яшаётганимизни тан олишимиз керак.

Сўнгги йилларда аграр соҳанинг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, унга эътибор кучайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини белгилашдаги номуносивликни тугатиш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилмоқда. Чунончи, сўнгги уч йилда асосий маҳсулот - пахтанинг харид нархи кўп марта кўпайтирилди. Дон маҳсулотларининг нархи ҳам анча кўтарилди. Картошка, мева, сабзавот, чорва моллари ва парранда, сут ва тухум, қорақўл тери ва жуннинг харид нархлари ҳам оширилди. Бугунги кунда пахта ва Ғалладан бўлак қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эркин нархларда сотилмоқда. Айни пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш йўлига мувофиқ давлатга сотиш мажбурий бўлган қишлоқ хўжалик хом ашёси ва маҳсулотлари ҳажми анча қисқарди. Пахта, Ғалла ва бошқа дон экинларига давлат буюртмаси 80 фоизгача камайди, давлатга сотилиши шарт бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка 50 фоиз даражасида сақлаб қолинди.

Сўнгги йилларда пахта майдонларини камайтириш ҳисобига шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш сиёсати ўтказилмоқда. Бу сиёсат қишлоқдаги оилаларнинг моддий аҳолини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Аслида бу давлат ерларини деҳқонларга топшириш йўлидаги дастлабки қадамлар эди. 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди.

Сўнгги икки йилда бу ерларнинг умумий майдони икки баравар кўпайди. Республикада томорқаларнинг ўртача миқдори 1989 йилдаги 0,12 гектарга нисбатан 0,20 гектарни ташкил этмоқда, бир қанча вилоятларда эса ҳар бир оиланинг томорқаси 0,25 гектардан ошиб кетди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларини ва фермерларни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантириш учун махсус қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари зиммасига аҳолига чорва моллари ва парранда сотиш ҳамда уларни озуқа билан таъминлаш вазифасини юклади. Қишлоқда ишбилармонликни, фермер хўжаликларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришга амалий-молиявий мадад бериш учун "Тадбиркор" деган махсус акционерлик тижорат банки тузилди. Бу банк асосан имтиёзли шартларда қарз бериш йўли билан деҳқон (фермер) хўжалиklarининг, қишлоқ хўжалик ижарачиларининг, шахсий томорқа участкаларининг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган кичик, шу жумладан, хусусий корхоналар ва фирмаларнинг оёққа туриб олишига ёрдам бериши лозим.

Фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши, шахсий томорқаларнинг кенгайтирилиши қишлоқдаги бир қанча ўткир муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпайди. Қишлоқда, айниқса, аёллар ва ёшлар учун меҳнат қилиш соҳаси кенгайди. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайди. Якка тартибда уй қуриш кўламларини кенгайтириш ҳисобига уй-жой муаммосини ҳал қилишда катта силжиш бўлди. Буларнинг ҳаммаси бозор муносабатлари вужудга келаётган мураккаб даврда катта мадад, барқарорлаштирувчи қудратли омил бўлди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги номутаносибликни тугатиш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Қишлоқ аҳлининг турмуши яхшиланяпти, бироқ ана шу тафовутни тугатиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга, қишлоққа катта мадад кўрсатишга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги яқин йиллар давомида ҳам амалга

оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳамиша марказида бўлади. Бу бутун иқтисодиётимизнинг негизидир. Деҳқончилик соҳасини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Барча иқтисодий ўзгаришларнинг бориши кўп жиҳатдан туб ўзгаришларнинг теран жараёнлари аграр соҳага қанчалик чуқур таъсир кўрсатишига, қишлоқдаги ислохот қай даражада амалга ошишига, қишлоқ аҳолисининг кенг табақалари ислохот ғояларини нечоғлик маъқуллашига боғлиқ.

Ўзир қишлоққа тегишли устуворликни қайтариб бериш зарур. Адолатни тиклаш керак. Харид нархларига эркин тус бериб, уни жаҳон бозоридаги нарх-наволар даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига имтиёзли солиқ солиш ва қарз беришни сақлаб қолиш, хўжаликларга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, қишлоқда янгидан вужудга келаётган бозор иқтисодиёти тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлини бундан буён ҳам ўтказиш орқали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришга доир таъсирчан чораларни кўриш стратегик йўлимиздир.

Ерга мулкчилик масаласи деҳқончиликка оид сиёсатдаги ҳал қилувчи масаладир. Бизда деҳқончилик азалдан асосан суғориладиган минтақаларда мужассамлашган. Деҳқончилигимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, экин майдонларининг анча қисми, техникавий экинлар экиладиган майдонларнинг эса ҳаммаси суғориладиган ерлардир. Ана шу ерлар уларга хизмат қиладиган кудратли давлат ирригация тизими билан биргаликда ягона ер-сув мажмуини ташкил этади. Ундан ерни ажратиб олиб, хусусий мулк қилиб бериш мумкин эмас.

Башарти, ер хусусий мулк қилиб бериладиган бўлса, сувни ҳам, бутун ирригация тармоқларини ҳам хусусий мулк қилиб беришга тўғри келади. Ўрта Осиё шароитида сув бўлмаса, ернинг қадри қолмайди. Замонавий техника билан қуролланган ирригация иншоотларини бўлиб юбориш мумкин эмас. Мавжуд мелиорация тизими уни сақлаш ва тиклаш учун мунтазам равишда катта маблағ сарфлашни талаб қиладди. У давлат мулки бўлиб қолгандагина давлат



унга катта миқдорда маблағ сарфлаши мумкин.

Бундан ташқари, республикада аҳоли зич жойлашган, қишлоқ аҳолиси эса бундан ҳам зичроқ. Иш билан банд бўлган ҳар бир кишига ўртача бир-бир ярим гектар суғориладиган ер тўғри келади. Уларнинг оила аъзолари ҳисобга олинса, жон бошига ўртача 0,33 гектар ер тўғри келади. Келгусида эса аҳолининг бундай кўпайиш суръатларида деҳқончилик учун яроқли ерларнинг танқислиги яна ҳам ошади. Бундай шароитда ерни хусусийлаштириш ижтимоий вазиятни кескинлаштириши мумкин. Асрлар мобайнида давом этиб келган ерга эгалик қилиш учун шафқатсиз кураш халқ бошига сон-саноксиз кулфат келтиргани ҳаммага маълум.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида ернинг алоҳида қийматини, ҳозирги демографик, аввало, қишлоқдаги шундай вазиятни, пахта етиштиришнинг замонавий агротехникаси талабларини ҳисобга олганда ерни давлат мулки сифатида сақлаб қолиш, унинг сотилишига йўқ қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Бу гап сув ва суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир. Ерни олди-сотди манбаига айлантириш аҳолининг ҳаётий асосларига путур етказган, ер билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқарган, деҳқонни эртанги кунга, ўз фарзандлари ва невараларининг тақдирига ишончдан маҳрум этган бўлар эди.

Ердан хусусий тарзда фойдаланиш Ўрта Осиёдаги аҳли мусулмонга азалдан ёт эди. Мусулмон ҳуқуқи ҳукмрон бўлган ҳамма жойда ер Аллоҳнинг мулки ва унинг инояти ҳисобланган. Мусулмон қонунларига кўра, ерга тўла, чекланмаган эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас. Бу қонунларга мувофиқ ер фойдаланиш ва эгалик қилиш учун маълум қаттиқ чекловчи шартлар билан, албатта парвариш қилиш шарти билан, берилган бўлиб, шу ернинг эгаси уни сотишга ҳақли эмас. Шу сабабли, улушбай ижара усули кенг тарқалгани тасодиф эмас, бу усулда чоракор давлатга ва ернинг эгасига ўзи етиштирган маҳсулотнинг бир қисмини топширади. Чор Россияси мустамлакачилиги давридагина ерни сотиш эркинлиги иқтисодий жиҳатдан қарамликка айлантиришнинг бир шакли сифатида қонунлаштириб қўйилган эди.

Ерни деҳқонларга фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш

ҳуқуқи билан бериш орқалигина қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга, деҳқонларда эғалик туйғусини қайтадан тиклашга эришилади. Энг муҳими - қишлоқда хўжалик юриштишнинг ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларини мустақил тасарруф этиш, ўз оиласининг эҳтиёжини қондириш имконини берадиган шаклини вужудга келтириш лозим. Агар деҳқон ердан олинган маҳсулот ўз мулки эканини, етиштирилган маҳсулотнинг хўжайини эканини ҳис этса, шундагина у ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳисоблайди.

Қишлоқда ўзгаришлар демократик усуллар билан, аввало, деҳқончилик соҳасидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади. Меҳнатни ташкил этишнинг деҳқон учун тушунарли ва фойдали бўлган шакллари тиклаш зарур. Шарқда одамлар асрлар давомида жамоа бўлиб яшаган ва меҳнат қилган. Жамоатчилик асослари халқ онгига чуқур сингиб кетган. Шунга асосланиб, деҳқончиликни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам кооператив шакллари тиклаш вазифаси қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфига олишдан воз кечиш энг муҳим йўлдир. Бу - инқилобий йўл эмас, балки сўнги вақтларда қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатоларни тузатишдир.

Давлат хўжаликларини, биринчи навбатда зарар келтираётган давлат хўжаликларини қайта тузиб, жамоа хўжаликларига айлантириш - устувор йўналишдир. Асосий фондларни ва бошқа мол-мулкни меҳнат жамоасига текинга мулк қилиб топшириш йўли билан 700 тадан кўпроқ давлат хўжалигини кооператив хўжаликларга ва давлатга тааллуқли бўлмаган ўзгача ишлаб чиқариш тузилмаларига айлантириш режалаштирилган. Кейинчалик жамоа хўжаликларининг ўзи йирик кооператив хўжаликларга айланади, уларнинг асосини фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, чоғроқ кооперативлар, пудратчи ва ижарачи оилавий жамоалар ташкил этади. Етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммаси деҳқоннинг ихтиёрида қолиши керак. Жамоа хўжалигининг бошқаруви билан деҳқон хўжаликлари ўртасида шартнома тузилиши лозим. Жамоа хўжалиги уларни

ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашмоғи керак. Жамоа хўжалигининг асосий вазифаси деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатишни ташкил этишдан, зарур техника, минерал ўғитлар, уруғлик билан таъминлашдан, ер унумдорлигини ошириш тадбирларини кўришдан, ирригация ишларини бажаришдан иборат бўлади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган кучларнинг ортиқчасини бўшатиб олиб, уларни саноат корхоналарида меҳнатга жалб этиш ҳозирги аграр сиёсатнинг муҳим йўналишидир. Ўйиб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқларимизда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли одам бор. Табиийки, қишлоқ хўжалигининг ўзи бу миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг саноат усуллари, илғор агрохимия тадбирлари жуда секинлик билан жорий этилмоқда. Қишлоқдаги яширин ишсизликни тугатиш, қишлоқ жойларда ихчам, замонавий технологияга асосланган кичик корхоналар барпо этиш ҳисобига янги иш жойларини вужудга келтириш устун даражадаги вазифадир. Бундай кичик корхоналар биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхонагина эмас, шу билан бирга касаначилик меҳнатига, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга асосланган, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар бўлиши мумкин.

Қишлоқда тамоман янги бўлган - ишлаб чиқариш ва ижтимоий тармоқлар мажмуини, коммуникацияли, замонавий маиший ва хизмат кўрсатиш тармоқларини вужудга келтириш лозим. Бу соҳа ҳозирги пайтда амалда ривожланмаган. Бизнинг маиший хизмат соҳамизда эса, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 9 фоизи ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси тегишли тарзда ташкил қилинса, у қишлоқдаги барча хоҳловчиларни иш билан таъминлабгина қолмай, балки қишлоқнинг қиёфасини, қишлоқ турмуши маданиятини тубдан ўзгартириб ҳам юбора олади.

Давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита аралашшдан воз кечиши - аграр сиёсатнинг негизидир. Экин майдонларининг таркибини хўжаликлар, деҳқонларнинг ўзлари белгилашлари керак. Давлатнинг бурчи уларни зарур маҳсулот етиштириш учун иқтисодий манфаатдор этишдан, уларга амалий

ёрдам кўрсатишдан иборат.

Давлат томонидан ёрдам берилмас экан, қишлоқ оёққа тура олмаслиги, республиканинг бутун иқтисодиёти таянадиган мустаҳкам негиз ҳам бўлмаслиги аниқ.

Давлат қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш билан бир қаторда солиқлардан озод қилиш йўли билан ҳам, шунингдек, аниқ мақсадга қаратилган қўшимча маблағларни ажратиш йўли билан ҳам унга бевосита ёрдам кўрсатади. Бутун дунёда қишлоққа ёрдам тариқасида маблағ ажратиб келинади.

Мавжуд сармоялар ҳам айнан қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. Биз учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устувор йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истикболдан махрум бўламиз. 1993 йилнинг ўзидагина биз камида 20 минг гектар янги ерни ўзлаштиришимиз керак. Янги ерларни ўзлаштириш, зовур-кувур тизимини, мелиорация ва ирригацияни яхшилаш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун маблағларни қидириб топишга ҳар томонлама ёрдам берамиз. Шу тариқа ҳамда замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан иқлим шароитлари республикамиздагига ўхшаш бўлган мамлакатларда асосий экинлардан олинаётган ҳосилдорликдан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз.

Иқтисодиёт барқарор ишлаб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Вужудга келган вазият тангликни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишининг олдини олиш, пулнинг кадрсизланишини жиловлаш, аҳолининг турмуш тарзи кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик учун тезкорлик билан, баъзан эса кам қўлланган чоралар кўришни тақозо қилади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир.

Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чоралар сифатида олға сурилади:

- республика бюджетдаги етишмовчилик (дефицит)ни чеклашга ва уни изчиллик билан жуда камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш. Бошқарув аппаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлашни, зарар кўрувчи корхоналарга ва бошқа

нозарур мақсадларга дотация ажратишни камайтиришга қаратилган йўл изчиллик билан ўтказилади. Бюджет маблағлари сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилади. Солиқ сиёсати янада такомиллаштирилиши лозим. Бундай сиёсатнинг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор тарзда сафарбар этилишини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, республика учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда корхоналарни рағбатлантиришдир;

- кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустақамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, бинокорлик материаллари, деҳқончилик маҳсулотлари ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини таъминлашга қодир бўлганларга берилади. Айни пайтда, асоссиз кредит экспансиясига, қарзга берилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймасликда қатъий туриш керак. Нақд тўлов маблағлари оборотини тартибга солиш ҳам пул муомаласини соғломлаштиришга кўмаклашади;

- ишлаб чиқаришнинг яна ҳам пасайишига, ходимларнинг оммавий равишда ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш учун шарт-шароит вужудга келтириш зарур. Республиканинг ишлаб чиқариш, қурилиш ва илм-фан соҳасидаги салоҳиятини сақлаб қолиш муҳимдир. Ишлаб чиқаришни қайта тикламай туриб, ички молиявий барқарорликка ҳам, ташқи қарзнинг камайишига ҳам умид боғлаб бўлмайди. Иқтисодий сиёсатда асосий эътибор ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, амалий соҳадаги, шу жумладан сармоя соҳасидаги фаолликни кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунга ижтимоий жиҳатдан устувор ишлаб чиқариш тармоқларини саралаб, танлаб олиб қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзларини, кредитларнинг паст фоиз миқдорларини жорий этиш ҳамда бошқа йўллар билан эришилади;

- бу босқичда бозор муносабатларини ривожлантириш шарти сифатда нарх-навони эркин қўйишдан иборат бўлган умумий йўлга амал қилган ҳолда айрим алоҳида муҳим товарлар ва хизматлар турларига нисбатан қатъий белгилаб қўйилган нархлар ва таклифлар сақлаб қолиниши лозим. Мазкур нархлар, аввало, энг зарур бўлган

озик-овқат маҳсулотлари (нон ва нон маҳсулотлари)га, доридармонларга, болалар учун мўлжалланган бир қанча буюмларга белгиланади. Аҳолини мазкур товарлар билан кафолатланган тарзда таъминлаш учун уларни белгиланган меъёردа бериш ҳам вақтинча сақлаб қолиниши керак. Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, аҳолига моллар харид қилишда кўпроқ имкониятлар бериш юзасидан бошқа чора-тадбирлар ҳам қўлланилиши лозим;

- пулнинг кадрсизланишига қарши ва монополиячиликка йўл қўймасдан бошқариш борасида амалий чоралар кўриш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ишончли тизимини вужудга келтириш.

Аниқ-пухта ишлаб чиқилган ва етарли даражада қаттиқ бўлган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш республиканинг бозорга ўтишидаги энг муҳим бўғин ҳисобланади. Ўтказилаётган ислохотларнинг бу йўналиши энг заиф бўғиндир. Корхоналар ва ташкилотлар ҳамон давлат томонидан бериладиган маблағларга кўз тутмоқдалар. Тижорат банклари асосан Марказий банкдан олинаётган кредитлар билан ишламоқдалар. Уларнинг ўз кредит маблағларининг улуши эса арзимас даражададир.

Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини соғломлаштириш, уларнинг тадбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда.

Бозорга ўтиш шароитида бюджет давлат иқтисодий сиёсатининг ғоят муҳим воситаси бўлиб бормоқда. Давлат бюджетидаги етишмовчиликни энг оз даражага тушириш бош вазифа бўлиб қолмоқда. Бюджет етишмовчилигини бирданига, бир-икки йил ичида тугатиш амримаҳол, чунки республика бюджетида ғоят салмоққа эга бўлган ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни камайтириб бўлмайди. Айни пайтда бюджет етишмовчилиги давлат томонидан қатъий назорат қилиб борилиши керак. Уни ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5 фоизига қадар камайтириш чораларини кўриш зарур.

Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим. Бу эса даромадларнинг солиқ олинадиган негизини кенгайтириш ва бевосита ҳамда билвосита солиқ солиш тизимларини ўзида қовуштирадиган солиқ сиёсатини турмушга татбиқ этиш имконини беради.

Бошқарувга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ижтимоий ҳимоялашнинг табақалаштирилган номма-ном тизимини белгилаш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратишни тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни кескин чеклаш ҳисобига бюджет харажатлари ўсишини қатъиян чегаралаб қўйиш - бюджет етишмовчилигини тугатишнинг асосий манбаларидан биридир.

Давлат билан корхоналарнинг молиялари бир-биридан ажратиб қўйилиши муҳим қоида ҳисобланади. Корхоналар ё ўз ресурсларига, ёки тижорат банкларининг кредитларига умид боғлашлари лозим.

Бюджет маблағларидан асло кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, аввало, ижтимоий соҳани, янги таркибий йўналишларни пул билан таъминлаш учунгина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда банklar инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири бўлиб майдонга чиқишлари, ҳар бир тармоққа бевосита сарфланадиган маблағларга кафил бўлишлари лозим. Бунда барқарорлашиш даврида бюджет етишмовчилиги ортиши қатъий хатлаш принциплари асосида чекланиши, сарф-харажатлар эса (биринчи навбатдаги харажатлар бундан мустасно) даромадларнинг тушишига қараб пул билан таъминланиши керак.

Республикада бутунлай янги банк тизимини вужудга келтириш мустақил кредит-пул сиёсатини ўтказиш имконини яратади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошчилигида икки босқичли банк тизимини ташкил қилиш республиканинг иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларига мос келади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси тубдан ўзгаради. Кредит

маблағлар биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа халқ истеъмол моллари ва уларни тайёрлаш учун хом ашё бойликларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кенгайтириш, ижтимоий соҳани, республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи асосий тармоқларни, экспорт маҳсулотлари ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш билан боғлиқ юксак самарали тадбирларни ўтказишга сарфланади.

Нархларнинг барқарорлашувидан, пулнинг қадрсизланиши камайишидан манфаатдор бўлган давлат пул муомаласини бошқаришнинг ишончли воситаларига эга бўлиши ва, аввало, унинг иқтисодиётни кўнгилдагидек ривожлантириш учун йўл кўйиш мумкин бўлган ҳажмини олдиндан билиши лозим. Шу боисдан Марказий банк муомаладаги пуллар ҳажмини олдиндан билиб бориши самарали пул-кредит сиёсатининг шартларидан бири, деб қаралиши керак.

Бу ҳол, нархлар эркин кўйиб берилган шароитда айниқса долзарб бўлиб қолмоқда, чунки нархлар эркин белгиланганида муомаладаги пулнинг ўзи нарх-наво даражасига жиддий таъсир ўтказди.

Марказий банк олдида пул муомаласини тартибга солишнинг иқтисодий усулларини эгаллашдек ғоят мураккаб вазифа турибди. Шу жумладан:

- тижорат банкларининг операцияларини қайтадан пул билан таъминлаш. Бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобидан кредит бериши кўзда тутилади. Бу эса банкларни ўз маблағлари даражасини Марказий банк маблағлари даражаси билан боғлашга мажбур қилади;

- пул билан қайта таъминлашга кредитлар бериладиган, расмий ҳисобга олинadиган миқдор ўзгаришларини тартибга солувчи фоиз сиёсати;

- тижорат банкларининг Марказий банк ҳисобларидаги маблағларининг бир қисмини резерв учун олиш меъёрларини белгилаш. Марказий банк мажбурий захираларнинг меъёрини тартибга солиб, тижорат банклари операцияларининг ҳажмларига ва



муомаладаги пулларнинг ҳажмларига самарали таъсир қила олади.

Шу билан бирга, барқарорлаштириш босқичида фоиз миқдорлари воситаси билан кредит сиёсатини банк орқали тартибга солишнинг аҳамияти чекланган тарзда бўлади, чунки кўпгина корхоналар хўжалик юритишнинг бозор усулларини ҳали ўзлаштириб олишмаган. Шундай шароитда Марказий банк қаттиқ кредит-пул сиёсатини ўтказиш борасида барча зарур чораларни кўриши керак. Бундай сиёсат бозорда товарлар таклифини рағбатлантиришга, уларнинг захираларда тўпланиб қолишини чеклашга, нарх-навонинг ўсишига йўл қўймасликка қаратилган бўлиши лозим.

Кредит ва бюджет тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар воситаси такомиллаштирилиши даркор. Бюджет етишмовчилиги чоғида унга қўшимча кредит бериш зарурати юзага келади. Аммо бюджет етишмовчилигининг асосий қисми пул эмиссияси (пулларни ортиқча чиқариш) йўли билан эмас, балки молия бозорида давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш йўли билан қопланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини муомалага киритиш тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга моликдир. Ўз валютамуомаласи жорий этишни тақозо қилувчи бир қанча сабаблар яққол кўриниб қолди. Энг аввало, бошқа давлатлардан иқтисодий мустақил бўлиши учун республика ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлиши лозим. Бу ҳар қандай давлатга хос бўлган белгигина эмас, шу билан бирга, иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан бири ҳамдир. Россиянинг Марказий банки бир томонлама ўтказаетган эмиссия сиёсати ва ягона тўлов воситаси бўлмиш рублнинг беқарорлиги - иккинчи сабаб. Рубль қадрсизланиб бораётганлиги, унинг харид қобилияти пасайиб кетганлиги Ўзбекистонда ҳам молиявий-иқтисодий аҳволга салбий таъсир қилмоқда. Банк ҳисоб-китоблари ва тўловлари, республиканинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини таъминлаш масалалари анча қийинлашди. Молия-кредит сиёсатини ўтказишда республиканинг мустақиллигини чеклашга оид ультиматум тарзидаги талаблар қўйилмоқда.

Айни пайтда, ўз валютамуомаласи жорий этиш инқилоб билан баробар бўлган ниҳоятда масъулиятли қадамдир. Бир қанча хорижий мамлакатларда пул ислохотини ўтказиш тажрибасидан шу нарса

маълумки, бундай ислохот иқтисод ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Аслини олганда, бу ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини ўзгартиришдан иборатдир. Бу ишдаги ҳар қандай нотўғри кадам бажарилган ҳамма ишларни йўққа чиқариши, республикани жар ёқасига олиб келиши мумкин. Ҳозирдаёқ рубл минтақасидан чиққан бир қанча собиқ иттифоқдош республикалар (Украина, Қирғизистон, Озарбайжон, Балтия мамлакатлари)нинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг рубль минтақасида бундан буён ҳам бўлиб туриши зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тақозо этувчи талайгина бошқа муҳим сабаблар мавжуд.

Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, ўз валютамуаммоси жорий этиш, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг, аввало туб жойли бўлмаган аҳолининг кайфиятига таъсир қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўз валютамуаммоси муомалага чиқариш техник жиҳатдан катта қийинчилик туғдирмайди. Миллий пул бирлигини жорий этишдан тийиб турган жиддийроқ муаммолар айнан иқтисодий муносабатлар соҳасига тегишлидир. Энг аввало, бошқа республикалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар принциплари кескин ўзгаради, хорижий давлатлар билан ўзаро муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Вужудга келган шароитда валютамуаммоси жорий этишимиз - биринчи навбатда, ҳисоб-китоб операцияларини мураккаблаштиради, баъзан эса шаклланган хўжалик алоқалари тўғридан-тўғри издан чиқишига олиб келиши мумкин. Республика ҳозирги вақтда бунга иқтисодий жиҳатдан тайёр эмас.

Ўзбекистон Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий жиҳатдан жуда яқин боғлангандир. Маълум сабабларга кўра, республика ҳозирча халқ хўжалиги ва аҳоли жуда каттиқ эҳтиёж сезаётган товарларнинг 65 фоизгача бўлган қисмини ташқаридан келтиришга мажбур. Ёқилғи, станоклар, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Улар ҳам четдан келтирилади. Кўпчилик собиқ иттифоқдош республикалар билан салбий тўлов баланси вужудга келган.

Маълумки, ўз валютамуаммоси республикада товар билан

копланганидагина ҳақиқий кучга ва кадрга эга бўлади. Унга бирор нарса сотиб олиш мумкин бўлгандагина у ўз қийматини, харид қилиш қобилиятини сақлаб қолади. Республикамиз ҳозирча ўзини зарур товарлар билан таъминлай олмайди ва бу борада биз ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Бошқа муаммо ҳам мавжуд. Миллий валюта фақат олтин захираси билангина эмас, балки барқарор, эркин алмаштириладиган валюта билан ҳам етарлича мустаҳкамланган бўлиши зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотимизни экспорт қилиш натижасида тушиши мумкин. Бунинг учун маҳсулот биринчи навбатда рақобатга қодир бўлиши керак.

Шарқий Германия бунинг яққол мисолидир. Бизнинг ўлчовларимиз бўйича, у социалистик мамлакатлар орасида энг ривожланган имкониятларга, энг такомиллашган иқтисодий тузилмага эга бўлиб, унда техникавий мураккаб тайёр маҳсулот устунлик қилар эди. Ҳозирги вазиятда ўарбий Германия Шарқий Германия билан бирлашганидан кейин, унинг техник даражасини кўтариш, рақобатга қобил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳар йили 100 миллиард маркагача сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бугунги кунда собиқ ГДРнинг кўплаб корхоналари ишламаяпти, ишсизлар сони аллақачон хавфли белгидан ошиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20-30 фоизини ташкил этмоқда. Мутахассислар у ерда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун камида 10 йил зарур деб ҳисоблашмоқда.

Жуғрофий ҳолатимизни ҳисобга олган ҳолда, бизда мавжуд ишлаб чиқариш тузилмаси, унинг техникавий жиҳозланиш даражаси, маҳсулот чиқариш ва келтиришнинг вужудга келган мувозанати, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турлари ва сифати билан ўз валютаимизнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритишга ҳали эрта.

Энг яқин истикболнинг туб муаммоси - тузилмаларни ўзгартириш сиёсатини ҳаётга татбиқ этишдир. Тоталитар тизимнинг мероси - унинг иқтисодининг нотўғри тармоқ тузилмаси республикада ҳали узоқ вақт ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Энг заиф бўғин - ишлаб чиқаришнинг тайёр, тўғрироғи, товар маҳсулот берувчи бўғинларидир. Бунга мисоллар кўп. Нитрон,

капролакта, кимёвий тола ишлаб чиқариш бунга мисол бўла олади. Тўқимачилик маҳсулотлари, қора, рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳам бунга мисол. Собиқ Марказ томонидан Ўзбекистонга нисбатан хом ашё етказиб берувчи манба сифатида ўтказиб келинган сиёсатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё манбаи сифатида бир томонлама йўналишининг қатъий бартараф этилиши ички сиёсатнинг устувор стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ўлка доимий камбағалликка гирифтор бўлади. Стратегик жиҳатдан ўсиш учун ишлаб чиқариш таркибини кенгайтириш даркор. Таркибий ўзгаришлар мураккаб тармоқларнинг устувор ривожланишини таъминлагани ҳолда, жамиятнинг тараққиёт ҳамда янгилашиш йўлидан барқарор бориши учун шарт-шароит яратиш беради. Шу сабабли бош вазифа - бутун ўтиш даври мобайнида халқ хўжалигининг жами тузилмасини тубдан ўзгартиришдан иборатдир.

Биринчи навбатда, республикада ишлаб чиқариладиган жуда катта миқдордаги хом ашё ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг асосий қисмини тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш зарурдир. Бизнинг барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани яратиш даркор.

Иқтисодиёт тузилмасини қайта қуриш бўйича ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар энг аввало қуйидаги вазифаларни:

республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, талаб катта бўлган товарларга, айниқса, болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган энг зарур эҳтиёжларини қондиришни таъминлашни;

ўз ишлаб чиқаришимизни МДХнинг бошқа республикаларидан ва импорт бўйича келтириладиган хом ашё, ёқилғи, бутловчи буюмлар, технологик асбоб-ускуналар, шунингдек, республиканинг ўзи ишлаб чиқариши мумкин бўлган тайёр маҳсулотларга боғлиқлигини камайтиришни;

тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларининг, биринчи навбатда

ёшларнинг иш билан таъминланишига, халқнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига, ишлаб чиқаришни техникавий ташкил этишнинг замонавий талабларига жавоб берувчи меҳнат сарфланадиган соҳаларини яратишни;

қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни тўла қайта ишлашга, рақобатга қобил тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаб технологик циклнинг тугалланганлиги даражасини оширишни;

республиканинг экспорт имкониятларини оширишга, унинг валюта билан тўлов қобилиятини мустаҳкамлашни ҳал этишга бўйсундиришни кўзда тутати.

Қишлоқ хўжалиги ресурслари тўла қайта ишланишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилади. Янги йигирув, пардозлаш корхоналари ташкил этилиши трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини кенг кўламларда ривожлантириш, тайёр буюмлар турларини кенгайтириш, уларни четдан олиб келишни қисқартириш ва экспорт қилишни кўпайтириш имконини беради.

Ун-ёрма, мева-сабзавот, гўшт-сут, виночилик саноатида қувватларни кучайтириш ва янгилаш озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш имконини беради.

Илғор технологияларни эгаллаб бориш, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмасидан муносиб ўрин олиш минерал ресурсларга комплекс ишлов бериш ва мураккаб тузилманинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар тизимини шакллантиришни талаб этади.

Бугунги куннинг ўзида республика ташқарисида талаб катта бўлган рангли металлургия, кимё ва электротехника саноати, машинасозлик ва асбобсозлик маҳсулотларини республикада юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун салмоқли имкониятлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари, чорвачилик ва озиқ-овқат экинлари етиштириш учун техника ва ихчам механизация воситалари ишлаб чиқаришга қисман қайта ихтисослаштиришни амалга ошириш керак бўлади.

Республика саноати жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган машина ва асбоб-ускуналар, рўзҚорда ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳозирнинг ўзидаёқ ўзлаштирган. Улар орасида митти тракторлар, телевизорлар, видеомагнитофонлар, вентиляторлар, термослар, электр буюмлар, кир ювиш машиналари, жинси ва ип-газлама матолардан тайёр тикув буюмлари бор.

Навбатдаги муҳим масала шуки, республика тараққиётда асосан ўз кучларига таянишга мажбур эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, барча муаммоларимизни ҳал этиш учун яхши база, бошланҚич сармоя зарур бўлади.

Шу муносабат билан ҳаётий муҳим тармоқларни ривожлантиришга устунлик беришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Улар орасида тоғ-қон, нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазииш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмасса ишлаб чиқариш бор. Бу тармоқларни ривожлантириш кўламлари республиканинг уларнинг маҳсулотларига бўлган талабларинигина таъминлаб қолмасдан, балки валюта тушумлари кўпайишининг ишончли манбаи бўлиши, хорижий сармояларни жалб этиш объекти бўлиб хизмат қилиши керак.

Геологик ва қидирув ишланмалари, бой минерал ресурсларнинг жойлашиши кўплаб хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмоқда. Улар бу соҳаларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёрликларини билдиришмоқда.

Айнан мана шу тармоқлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишининг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бартараф этиш республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконини беради, иш билан таъминланмаган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этишга, кадрларнинг касб даражасини оширишга, маҳсулотни четдан келтириш ва ташқарига чиқаришни мувофиқлаштиришга кўмаклашади, асосийси - Ўзбекистоннинг мустақиллигига, унинг халқи турмуш даражасининг ўсишига ишончли кафолатлар яратади.

Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар республикадаги мавжуд хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тугалланган цикл билан тўлдирсак ҳамда тайёр товар маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминласак, ялпи миллий маҳсулотни 2 баравардан ортиқ, миллий даромадни эса - тахминан 3 баравар кўпайтириш мумкин.

\* \* \*

Ўзбекистон, унинг тинч-тотув яшаётган кўп миллатли барча аҳолиси ўз мустақиллигининг икки йиллигини порлоқ келажакка ишонч ва фахр билан кутиб олмақда. Бу қувончни бизнинг чет эллик дўстларимиз ҳам шод-хуррамлик билан самимий баҳам кўрмоқдалар. Улар республикамизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришларни зўр эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Унинг иқтисодиётини замонавийлаштиришда фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистоннинг халқаро обрўси мустақамланишида кўмаклашмоқдалар.

Мустақилликнинг икки йили - бу миллий давлатчиликни яратиш, келгусида ижтимоий ва социал-иқтисодий тараққиётнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича қизқин ишлар йилларидир. Бу чинакам сиёсий истиқлолга эришиш учун, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли шерик сифатида жаҳонда эътироф этилиши учун кураш йилларидир. Қисқа давр ичида шу қадар кўп ниятларни рўёбга чиқаришга, иқтисодий, ижтимоий соҳада, сиёсатда, энг муҳими - аҳоли тафаккурида шу қадар туб ўзгаришларни амалга оширишга эришилдики, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида буларни хаёлга келтириб ҳам, орзу қилиб ҳам бўлмас эди. Эркинликка: танлаш эркинлигига, фаолият эркинлигига эришилди. Унинг ноёб, ҳад-ҳисобсиз табиий бойликлари ҳамда салоҳиятини бутун аҳолининг манфаатлари ва республика фаровонлиги йўлида мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзбекистонликларнинг бир неча авлодларининг тарихий истиқболи учун масъул бўлиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Тоталитар тизим ва мафкуравий диктатдан, ярим мустамлака иқтисодий қарамлигидан юқори самарадор бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик

ҳуқуқий жамият қуриш сари қатъий ва орқага қайтмас кадам ташланди.

Ўзбекистон ўзининг истиклол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворликларини, принципларини ва йўналишларини аниқлаб олди. Икки йиллик тажриба танланган йўлнинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлади. Воқеликнинг ўзи буни яққол кўрсатиб турибди. Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги пухта таъминланган. Хўжалик алоқалари бузилиши, рублнинг кадрсизланиши ва бошқа сабаблар натижасида иқтисодиётга ташқаридан бўлаётган салбий таъсирларга қарамай, иқтисодиёт барқарор ишлаб турибди. Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳтож қатламларининг ҳуқуқлари қафолатланган ва ҳимояланган. Янги бозор муносабатларининг куртаклари собитқадамлик билан ҳаётга кириб бормоқда.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг барча воситаларини созлаш, уларни тўла ишга тушириш зарур. Республикадаги ҳар бир хўжалик ходими, ҳар бир ишчи, илғор фикрловчи ҳар бир киши ислоҳотлар ғояси билан яшамоғи лозим. Ислоҳотларнинг мақсад ва йўналишлари аниқ белгилаб олинган. Иқтисодий ислоҳот механизми ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида: халқ хўжалигида, тармоқларда, ҳар бир корхона ва хўжаликдан тортиб ҳар бир иш жойигача кенг жорий этилмоғи лозим. Бу жараённинг моҳиятини чуқур англаш, бозорни тартибга солиш усулларини эгаллаб олиш, ўзини бадном этган, самарасиз буйруқбозлик услуги ва принципларидан, эски консерватив тафаккур ва боқимондалик кайфиятидан қатъиян воз кечмоқ зарур.

Ўз истиклол ва тараққиёт йўлимиз - бу гул билан қопланган йўл эмас, бу - тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу - жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиклолга эришиш йўлидир. Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва



халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади. Республиканинг ҳар бир фуқароси республика тақдиридаги тарихий ўзгаришларда иштирок этаётганлигини, келажак учун шахсий масъулиятини ҳақиқий ҳис этган тақдирдагина халқимиз чинакам эркин ва бахтиёр яшайдиган кучли давлат қуриши мумкин.

*1993 йил август*

## ЭҲТИРОМ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темури хайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини кадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Амир Темури номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий қурур туйқусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, хамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темури ёшлик чоқидан мард, довюрак, қурурли, ўткир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўқул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темури давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу ўрб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат,

муסיқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрғазган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир.

Кўхна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйқуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз хайкалида теран рамз бор - гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз кўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соқинмоқда, "Куч - адолатдадир!" демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.

Азиз юртдошларим!

Бугун - ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақиллигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди.

²аммангизни - кексаю ёшни, бутун Ўзбекистон аҳлини шу буюк сана билан чин қалбдан, ҳар бирингизни алоҳида бақримга босиб қутламоққа ижозат бергайсиз!

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соқиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиклол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!

Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бақишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанамиз истиклолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт куриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий курур туйқуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоқи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз - жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва курур бахш этмоқи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва қайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни куришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бақишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлғай!

*Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг  
очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1993 йил 31  
август*

## МУНДАРИЖА

**ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР.** XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ.** 1992 йил

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ.** Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантананда сўзланган нутқ. 1992 йил, ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ

**ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ.** "Комсомольская правда" саволларига жавоблар. 1993 йил 12 февраль

**"ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!".** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар халқаро уюмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат. 1993 йил 4 март

**ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ.** 1993 йил 3 апрель куни халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ

**АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...** 1993 йил 13 апрель куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ

**ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ.** Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашуви. 1993 йил апрель

**БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙЛИК.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 6 майда сўзланган нутқ

**ЯНГИ ВАЛЮТАГА ЎТИШ ИНҚИЛОБ БИЛАН БАРОБАР.**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 7 майда сўзланган нутқ*

**"ҲАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН..."**. *"Труд" газетаси саволларига жавоблар. 1993 йил 26 май*

**ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ – ИСТИҚЛОЛ КАФОЛАТИ.** *1993 йил 14-15 июнь*

**ЎЗБЕКИСТОН - УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ.**  
*Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташиқлоти IV сессиясида 1993 йил 18 июнда сўзланган нутқ*

**ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР.** *1993 йил 29 июнь*

**ҲАМКОРЛИК - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ.**  
*Иқтисодий Ҳамкорлик Ташиқлоти давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида сўзланган нутқ, 1993 йил, июль.*

**ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР.** *1993 йил 27 июль*

**ЎЗБЕКИСТОН - БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ.** *1993 йил август*

**ЭҲТИРОМ.** *Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темури ҳайкалининг очилишига бағишланган тантананда сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август*